



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:  
Саид АҲМАД,  
Эркин АЪЗАМОВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Омон МАТЖОН,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул секретарь),  
Хайриддин СУЛТОНОВ,  
Худойберди ТУХТАБОЕВ,  
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,  
Урие ЭДЕМОВА,  
Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

(43)

1985

ЙИЛ,  
ИЮЛЬ



ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

## «ЕШЛИК» ҚИТЪАЛАРИ

Биродарлик туйғуси . . . . . 13

## ҚАЛДИРҒОЧ

Исҳоқ ИСМОИЛОВ. Қўшиқ. Ҳикоя . . . . . 5

Зулфия БОБОЕВА. Шеърлар . . . . . 15

## НАЗМ

Шавкат РАҲМОН . . . . . 3

Омон МАТЖОН . . . . . 10

Охунжон ҲАКИМОВ . . . . . 17

Муҳаммад СОЛИҲ . . . . . 53

## ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН

Габриэль Гарсиа МАРКЕС. Ошкора қотиллик қиссаси .19

## УСТОЗЛАРИМИЗ

Кибриё ҚАҲҲОРОВА. Чорак аср ҳамнафас . . . . . 55

## ДАҲРИЙЛАР БИСОТИГА

Ғафур ҒУЛОМ. Жомаси пок, ўзи нопок бандалар . . . 67

## ПУБЛИЦИСТИКА

Еқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ. Охири кўнғироқдан кейин . . . . . 69

## АДАБИЙ МУНОЗАРА

Сафо МАТЖОНОВ. Шоир кўп, аммо носир-чи? . . . . 73


Мамасодиқ ҲУСАИНОВ. «Сеҳрли сўз» хусусида . . . 75

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

Энмарк СОЛИҲОВ, Ашурали ЖУРАЕВ. Эстрада: муаммолар калити қаерда? . . . . . 77

Адиблар, асарлар, тимсоллар . . . . . 66

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларини расм О. БОБОЖОНОВ ишлаган.



**Шавкат  
Раҳмон**

## Бахт сўзи

Бахтиёрман деган биргина сўзни  
айтиш учун керак қанча куч, чидам,  
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,  
гарчи турса ҳамки тилнинг учиди.  
Оғир ботмасмикин  
бу сўз кимгадир,  
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,  
қандоқ бардош бериб яшайман кейин  
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.  
Аввало, бу сўзни ўзгалар айтсин,  
айтсинлар кўзлари қувончга тўлиб,  
Элнинг бахти учун умрини тиккан  
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.  
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,  
ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ,  
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,  
Бахт сўзин айтаман  
элдан кейинроқ.

## Амударё қирғоқлари

Аму гулдирайди маст туялардай...  
Бир ваҳший қудратга тўла комлари.  
Кўринар ҳов олис тепаликларда  
Хоразм шоҳларин истеҳкомлари...  
Бир ёқда яшиллик кўпирган воҳа,  
бир ёқ саксовулзор —  
сахро фарёди.  
Сарҳадсиз осмондай очиқ кенгликда,  
билмайсан,  
шамоллар келар қаёқдан...  
Ахир ногоҳ қўпган ваҳший шамоллар  
ўтган-ку воҳани қумларга қориб.  
Гўё дарёданмас  
оғир ўйлардан  
кемамиз чайқалиб сузар юқори...  
Шунда бир қирғоқдан  
гўё ҳозироқ  
узилиб тушгандай Момо Куюшдан,  
болалар қийқирди,  
оқ кўйлақларин  
оққушлар сингари силкитиб бошда.  
Болалар,

мунчалар содда, тўпори,  
тиниб-тинчимас оқ капалаклардай...  
Юқори сузётган кемага қараб  
Худди жон киргандай тепаликларга...  
Болалар,  
Эй, улуг дарёнинг болакайлари,  
дарёдек жўшқиндир ғайратларингиз.  
«Жисму жонларингиз муҳаббат бўлсин,  
унга қалқон бўлсин  
шиддатларингиз».

Ваҳший Амударё  
қорайиб борар  
гоҳ очиб, гоҳ ёпиб ўпқон-домларин.  
Кўринмас энди ҳов тепаликларда  
Хоразм шоҳларин истеҳкомлари...  
Уларнинг ўрнида  
энди тирик саф —  
узилиб тушгандай Момо Куюшдан —  
болалар... болалар...  
Оқ кўйлақлари  
оққушлар сингари айланар бошда...

## Тор кўчаларда

Ҳамал бол нафасли,  
тонглари — пушти.  
Куюш — қаҳрабо май тўла косадир.  
Гуллаган ўриклар  
жон ўртагувчи —  
оқ ҳижоб ёпинган шўх раққосалар.  
Девори оқ, мовий ранга бўялган  
ҳовлилар устидан тошган булутлар.  
Гўё сен ширакайф турк султонидай,  
тагингда ўйноқлар  
чақмоқдай тулпор.  
Утасан гўё сен афсоналардан,

бир қараб тор кўча гўзалларига,  
Лабларинг чўзилар  
дудоқларида  
гунчадай яшринган бўсаларига.  
Ҳамал ўт нигоҳли миллионта қиздир,  
гуллаган ўриклар каби тизилган.  
Капалаклар каби қизил табассум  
тинмай қўнаверар  
ўтли юзингга...

## Асотирлар китоби

Жавшанларин ечмаёқ,  
ечмай қурол-яроғин,  
ухлаб ётар ботирлар  
водийларда қорайиб...  
Очсанггина китобни  
ногоҳ бари уйғонар,  
уйғонар булут ёлли,  
яшиндайин тулпорлар.  
Бир ғурурми ё ҳайрат  
пайдо бўлар кўзингда,  
ботирларни уйғотиб,  
уйғонасан ўзинг ҳам.  
Уйғонасан, ўзгача

ёлқинлар тонгларинг,  
тўқсон икки томирда  
потирлайди қонларинг.  
Аммо кетар чоғингда  
унутмагил инсофни —  
болаларнинг олдида  
очиқ қолдир китобни.

## Ёш тоғлар

Куч ёғилган  
гавдаларини  
саратоннинг ўтига тоблаб,  
очиб қўйиб хазиналарин,  
ухлаб ётар ўспирин тоғлар.  
Гўё мангу сафарга чиққан  
йўловчилар ҳорган кўйиша,  
ўтиргану  
бирпас мизғиган  
сирқираган сувлар бўйида.  
Бир нафасга кўз юмгандилар,  
миллион йиллар ўтди орадан.  
Ухлаб ётар юракни ўртаб,  
ухлаб ётар  
содда болалар...





Исҳоқ  
Исмоилов

## Қўшиқ

ҲИКОЯ



мрининг сўнги кунларида бобом кўрган тушини тахминан шундай таърифларди.

— Бугун отамни кўрибман. Бирга чақчақлашиб юрган эмишмиз. Унинг аллақачон қазо қилиб кетгани эсимда йўғ-а...

Мен кўрадиган тушлар эса бирмунча ўзгача. Ушанда, бобом ўзининг жайдари таъбирларини маъқуллаб юрган кезларда мен кўп туш кўрардим. Айниқса, улардан бири ҳанузгача ёдимда. Тахминан шундай: поёни йўқ кенглик бўларди, ўша кенглик узра парвоз қилардим. Парвоз қила бошлаганимга миллион-миллион йиллар бўлган, яна миллионлаб йиллар учишим керак. Мақсад ноёв. Қизиқ, инсоннинг қанотсизлиги, умрининг чегаралангани ёдимдан чиққан... Мен тушда кўрганларимни аллакимларга ўхшаб яхшилик ёки ёмонликка йўймайман, жамики тенгқурларим қатори мени ҳам ўз қулига айлантириб олган сирли ёшлик романтикаси бўёқларига буркаёлмайман, бироқ... Теран кенглик узра парвоз қилармишман. Инсон яралганидан буён учаётган эмишман. Кенглик бўйлаб эса... Теран кенглик бўйлаб бир қўшиқ таралармиш. Антиқа қўшиқ. Балки ўша кўрган тушини авайлаб ўнгимга кўчирган, ўнгимга олиб ўтиб беқарор хаёлларимнинг ажралмас бир бўлагига айлантирган ҳам шу қўшиқдир... Бу қўшиқ миллион-миллион йиллар бурун — инсоннинг инсон бўлиб яралган пайтидан бошланган, энди у гўё токи ер юзиде битта одам яшар экан, куйланаверади. Унда на сўз бор, на оҳанг. Сўзлар билан маъносини ифодаласангиз, қанотини қайирган бўласиз. Аслида, бу қўшиқ тингланмайди, уни туйиш керак...

Бошқаларни билмадим-у, лекин ўртоғим Ғаффор ҳам шунақа тушлар кўриб туради. Айнан бўлмаса-да, шунга уйқашроқ. Насиба-чи! У ҳам кўрармикан? Буни жуда-жуда билгим келади. Чунки Насиба мендан ҳам, Ғаффордан ҳам ақллироқ. У бундай тушларни кўрса, нафақат лаззатланади, балки уни маълум бир қолипга солиб, маъно сингдириб, шоирона оҳангга бўйсундира олади. Насиба ана шундай қиз.

Расмии Ҳ. СОЛИҲОВ чизган

Дарвоқе, қайси ўқувчи боланинг мактабда синфдош қиздан дўсти бўлмаган. Боланинг дўстим Насиба эди. Сирдош дўстим. Вақтида бунга кўплар севги деб тушунишган. Бироқ биз ундай гапларга парво қилмас эдик. Севги билан дўстликни бутунлай бошқа-бошқа туйғулар деб билиб, шу эътиқодимизга содиқ қолиб келганмиз. Насибанинг, ўзинини битиргач, шаҳарга шоирликка ўқийман, деб кетиб, техникум ўқувчиси бўлиб қайтгани ҳалигача мени ҳайратлантиради, чунки уни билган яқин дўсти, қолаверса, шеърларининг бир муҳлиси сифатида шунга айтишим мумкинки, ундан яхши шоир чиқиши муқаррар эди.

Армиядан янги келган кунларимнинг бирида ўртоғим Гаффорддан барча синфдошларни бирма-бир суриштирар эканман, Насибага навбат келганда, у пиқиллаб кулди.

— Техникумни битириб шу ерда ишлаяпти. Метеостанцияда. Халқ ҳўжалигини об-ҳаво таъламоти билан таъминлайди. Кунни билан икки кафтини осмонга қилган ҳолда кўз тикиб, бир нарсадан интиқ ўтиради, чамаси, ёмғирни кутса керак. — У яна кулди.

— Нимаси кулгили, иши ўзига ёқса, бўлди-да, — дедим мен.

— Ҳазил, дўстим. Уни калака қилишга ҳаққим борми, ахир, ўзим ўша техникумда ҳам ўқимаганман-ку. Насибани кўрмоқчи бўлсанг, марҳамат, мотоцикл йўрға, ғир этказиб олиб бориб келаман.

Мотоциклда боришга кўнмадим. Икки йиллик соғинччи оз-оздан қондирмоқ мақсадида атрофни томоша қилиб, яёв кетдим.

Метеостанция қишлоқнинг чеккасига — чор атрофи қирлардан холи, шамол ҳеч қандай тўсиқсиз эсадиган хўшманзара, кенг яланглика жойлашган. Олисларда кўм-кўк тоғлар оқ булут парчалари билан ўпишиб турибди. Туртиниб ўтган муздек куз шабадаси менинг завқ-шавққа тўла ҳаяжонимни опичлаб, улар томон олиб кетаётгандек.

Узоқдан метеорология майдончасида гимирлаб юрган қизга кўзим тушди. Бу — Насиба эди. Худди ўша — чизган суратларимни биринчи бўлиб кўрадиган, баъзан мақтаб, баъзан шафқатсиз танқид остига оладиган ёки ёзган шеърларини дастлаб менга кўрсатадиган, мактабда синф активига номзодим кўрсатилиб овозга қўйилганда энг аввал қўл кўтарадиган, фурсат топилди дегунча, дўстлик, келажак ҳақида кескин баҳс юрताдиган, ниҳоят, хизматга кетаётганимда вокзалда қаёқдандир пайдо бўлиб, ота-онамга, мени кузатишга чиққан хеш-ақраболаримга кўринмасликка уриниб, орқамдан билинар-билимас қўл силкиб қолган уятчан, хушқомат қиз... Насиба! У мени кўриб, терни сидириб ташлашга чоғлангандек, пешонасига кафтини тираган ҳолда бир нафас тек туриб қолди. Кейин қўлидаги қандайдир асбобни (кейинчалик бунинг отини «психрометр» деб айтди) ерга қўйди-да, шамол қорайтирган юзини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб, уялиб, менга пешвоз кела бошлади.

Сўрашдик.

— Солдатни уйига бориб кўриш керак эди, ўзингиз келиб мени уялтирдигиз-ку!

— Ҳечқиси йўқ, ҳақиқий солдат гинани билмайди, — дедим мен.

— Хизматингиз яхши ўтдимми?

— Яхши ўтганда қандай!

— Энди қишлоққа ўрганияпсизми?

— Бўлмасам-чи. Азонлаб биров сизни уйғотмаса, кун бўйи дайдиб юрасизми, иш қиласизми — ҳеч кимнинг иши бўлма-са!.. Ҳар ҳолда, қишлоқни икки йилдан бери соғинганмиз.

Аслида, ҳамма мени камгап дейди. Балки шундайдир, бироқ Насиба билан сўзлашганда азалдан ёйилиб кетаман. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Утган йиллар ичиде анча вазим, ўйчан бўлиб қолган Насиба тайин-бетайин гапларимни чидам билан тинглар, энг зарур фурсатлардагина фикр билдириб қўяр эди. Биз метеомайдончадан чиқиб, ташландиқ ариқ бўйидаги кичкина ўриндиққа бориб ўтирдик. Ўзим ҳақимда деярли барча янгиликни айтиб бўлгач, бирдан ҳўшимга келдим: ахир, ундан ҳол-аҳвол сўрамабман-ку.

— Шоир бўлмоқчи эдингиз? — дедим эҳтиёткорлик билан. Насиба бир ғалати кулди.

— Қўйсангиз-чи, шоирликни менга ким қўйибди. Об-ҳавочилик ҳам бўлаверсади биздайларга.

— Буям шоирлик, денг. Булут, осмон, майин ел, ёмғир... Насиба яна кулди.

— Ушанда мен адашган эканман, — дея гапимда давом этдим мен. — Синфда кўпинча деразадан ташқарига — ёғаётган қорга ёки ёмғирга тикилиб ўтиришингизга қараб, Насиба ёзилажак янги шеъри учун табиатдан илҳом олаётган бўлса керак, деб ўйлардим. Энди билсам, сиз илҳом билан шеърни партанинг тагига яшириб қўйиб, «метеоролог бўлсам дейман», деб хаёл сурган экансиз-да?

— Тоza оласиз-да.

— Йўқ, Насиба, ростдан, — дедим жиддийроқ тортиб, — нимага шоирликка ўқишга кирмадингиз?

— Чунки шоир бўлолмаслигимни ўшандаёқ билиб қолганман.

— Мен сизга ишонардим. Яхши шеърлар ёзиб юрардингиз.

Насибанинг юзига менга таниш айёронга табассум ёйилди.

— Унда биронта шеъримни ёддан айтиб беринг-чи!

— Мана-да, масалан... — Насибанинг биронта шеърини эслашга уринардим. Анча уриндим, ниҳоят топгандек бўлдим. — Мана...

«Олис йўл, мен бирла елмоқда еллар,  
Манзилни мақсадга ўхшатим келар.  
Толиқиб, манзилга етдим-у, бироқ  
Ҳали мақсадимга етолганим йўқ...»

Шу ерга етганда тутилиб қолдим.

— Хўш, кейин-чи?

— ...

— Айтинг.

— Ҳозир... эҳ... ёдимдан кўтарилибди, — дея хижолат бўлиб тан олдим.

— Ана, кўрдингизми, ёдингизда йўқ. Шеър шундай бўлиши керакки, у умрбод ёдда қолсин.

— Уқиганингизда шундай шеърлар ёзардингиз-да. Шеърнинг ёдимдан чиққани эса — менинг айбим. Балки бошқа биров бўлганида умрбод ёдида сақларди.

— Йўқ, у ҳамманинг ёдида қолсин! Бундан ташқари, шеърга истездод ҳам керак, истездод бўлса, шоирликни касб қилиш шарт эмас. Хуллас, ёзмасликка аҳд қилдим. Нўноқ шоирнинг кимга кераги бор!

— Унчалик эмасдир-ов?

Биз жим қолдик.

— Уқиганингизда шундай шеърлар ёзардингиз-да. Шеърнинг ёдимдан чиққани эса — менинг айбим. Балки бошқа

— Акам боравер деяпти. Ҳозир уйда ўқишимга шароит етарлидек. Ёзгача қурилишда ишлаб тураман. Кейин борсам борарман ҳам.

— Қайсинга?

— Уша, рассомликка-да. Омадимни бир синаб кўрай.

Насиба худди шундай жавобни кутганми, ҳар ҳолда, астойдил қувонди.

— Боринг, сиздан рассом чиқади.

— Истездод-чи? — дедим унинг бояғи гапига шаъма қилиб.

Насиба ҳазилимга эътибор бермади — жиддий туриб, берилиб гапираверди:

— Сизда истездод бор, биламан. Фақат... бунга ўзингиз ҳам ишонингиз керак.

— Билмадим, балки мендан рассом чиқмас. Кўнглимга қараб айтаётган бўлманг тагин бу гапларни? Ахир, нуқул суратларимнинг бўшлигини уқтириб юрардингиз-ку.

Насиба сал хомуш тортиб қолди.

— Мен сизни... ҳақиқий рассом бўлиб юрганингизни кўргим келади.

Уша суҳбатдан кейин бир-биримиз билан тезда яна апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Суҳбатимиз мавзуи асосан шоирлиги рассомлик хусусида борганидан, биз ҳалиям ўзгармабмиз, деган хулосага келган эдим. Адашган эканман. Вақт бутун табиат мавжудотларини ўзгартиргани каби инсон ўй-хаёлларино тафаккурини ҳам ўзгартирар экан. Бунга қўқисдан, қаттиққўл дадамнинг юқори синфларга ўтганимдан сўнг мафтарларимни текширмай қўйганию бунинг сабаби — унинг маълумоти етти йиллик эканини кейинчалик ачиниш билан сезиб қолганим каби, хизматдаги кезларимда онамнинг дастлаб тез-тез хат ёзиб, кейин сийраклаштириб, охири умуман ёзмай қўйганию бунга сабаб — унинг ёзавериб безор бўлгани эмас, балки ёзувга кўзлари ўтмай қолганини анча кейин афсуслана англаб етганим каби... кечикиб сездим. У ҳам бўлса, иккимиз орамиздаги бузилмас дўстлик туйғулари ёнига

яна бир туйғу — нотаниш, бироқ лаззатли, айёр, бироқ ҳароратли ниманингдир суқилиб кира бошлагани эди. Севгини, дўстликини бутунлай бошқа-бошқа туйғулар деган ақидамиз аста-секин емирилиб бораётгандек эди. Буни ҳар иккимиз вақт ўтган сайин тушуна бошладик. Баъзан келгусига мўлжалланган режаларим бир қадар ойдинлашгандек бўларди, яъни, балки мен орзу қилган ўша ҳар томонлама етук, вафодор ва то абад ўзини менга бағишлаши, бир тўда болани атрофимизга йиғиб олиб оила ташвиши устида мен билан бирга бош қотириши, қувонч-ғамларни бирга баҳам кўриб шу ёруғ дунёда бирга яшаб ўттиши керак бўлган севикли ёр худди шу Насибадир, деб ўйлаб қолар эдим.

...Қурилишда ишлардим. Янги очилган кон ишчилари учун уйлар қураддик. Дастлаб Насибанинг олдига вақт бўлган пайтлардагина бориб турдим, кейин-кейин ҳар ҳафтанинг охирида ишдан чиқибок қишлоқдан беш чақиримча наридаги метеостанция томон югурадиган бўлиб қолдим. У ёқдан бирга-бирга уйга қайтардик. Насиба билан бўладиган ҳар галги суҳбат мен учун энг яхши ҳордиқ эди. Қиш кириб, беқарор кечки изгирини шамол қир ёнбағирларида қор қатламини ялаб, оппоқ зарраларни минг мақомга солиб югурган, бўшлиқда опичлаб ўйнаб-ўйнаб, ниҳоят, камқатнов йўлларга сочиб, яхмалак ҳосил қилган кунлари ҳам метеостанцияга боришимни қанда қилмасдим. Бундай кунлари Насиба кўпинча уйга қайтмасди. Қайтганида ҳам... Метеостанция хизматчиларини уй-уйларига элиб қўядиган машинага чиқмас, мени пойлаб ўтирар эди. Ушандай кунлари қишлоққа ҳамиша икковимиз бирга-бирга кириб келардик. Қиз билан йигитнинг ёнма-ён юрганини кўрса ёвойқараш қиладиган айрим кимсаларнинг ҳам кўзлари кўникиб қолган, Насибага ғойибона ошиқ бўлиб юрганларнинг кўпи аллақачон ундан кўнгил узган эди. Уртоқларим мени холи қўйиб қўйишди. Дадам ҳам, онам ҳам шанба кунлари қаёққа йўқолиб кетишимни суриштирмайдиган бўлишди, ҳатто Насиба ҳам ота-онасининг унга дакки беришларидан нолимасди. Демек, ота-оналаримиз бизга ишоншарди. Бизнинг ўрта-мизда пайдо бўлган ўша бегона туйғу самимий, пинҳоний боқишу айрим сўзларимиз оҳанглиридагина аён бўларди. Суҳбатларимиз эса ҳамон дўстлик, шоирлигу рассомлик ҳақида борар, бироқ ундай баҳсларимиз биз тан олмоқни истамаётган ширин туйғу қудрати билан тобора уйғунлашиб, ўзгача баркамоллик касб этаётган эди...

Мени илк бора ўша ҳаяжонли, сеҳрли сўқмоққа солиб юборган қиш ҳам орқада қолди. Баҳор ёмғирлари метеостанцияга бориладиган йўлда қолдирган қордаги изларимни ювиб кетди. Бу йўлнинг икки четида ям-яшил майсалар, қозонгул, лолақизғалдоқлар унди, атрофда, ариқ увотида гуркираб ўсаётган ялпизлар ҳиди анқиди; тўлиб оқаётган сойнинг шовиллаши, сўфитўрғайларнинг сайроғи тарала бошлади.

Насиба билан метеостанциядан уйга қайтиб келаётган эдик. Қайфиятимиз кўтаринки, осмондек тиниқ, ўйларимиз табиат бўёқларидек ранг-баранг эди. Қишлоққа кираверишдаги симтўр билан ўралган боғ ёнида Насиба тўхтаб қолди.

— Нима гап? — дедим секин.

— Ана уни қаранг! — Насиба боғнинг пасмалдак анор кўчатлари ўсаётган ўнг буржини кўрсатди. — Кеча унчалик эмас эди, бугун...

Қиз бола синчков, зийрак бўлади деган гап бор. Бу тўғри, лекин Насиба кўрсатган, назардан бир оз четдаги шу ажойиб гулзорни кўриш, унинг гўзаллигини сезиш учун қиз бола бўлиш шартмикан?! Бунинг устига, мендайн «бўлажак истеъдодли рассом...»

Боғнинг бир чеккасида яшнаб турган жажжи гулзор ҳақиқатан ҳам чиройли эди. Димоғимда ўзим биладиган ва билмайдиган гулларнинг хуш бўйларини ҳис қилдим. Насибанинг нигоҳи ҳануз ўша ёққа қадалган, у бутунлай сеҳрланган эди. Балки у эндигина кўз очаётган номозшомгул билан саломлашаётган, карнайгулнинг қўшиғини тинглаб, шохигулга хаёлан таъзим қиляётган, тўлиб-тошган ҳисларини печакгулга чирмаб нилуфару наргис, сафаргуллар билан шеърхонлик қиляётгандир?!

Унга халақит бергим келмади.

Шу пайт боғ эшиги очилди-да, бир қўлида челақ, иккинчисиде гулқайчи кўтарган қиз кириб келди; гулзорга қараб юрди. Уни танидим. Елкасининг букрилигидан қомати ниҳоятда хунук кўринадиган, сепкил босган чўзинчоқ юзли, лаби лабига





етмаганидан тиржайганга ўхшаб юрадиган Шаҳодатни қишлоқда ҳамма ҳам танирди. Одамлар Шаҳодат тўғрисида: «Табиад шундай эс-хушли, шундай заковатли бандасини нима учун бир томондан қисиб қўйган экан-а?», деб астойдил куйиниб гапиришар эди. Шаҳодат челақни ерга қўйди-да, гуллар орасига кириб кетди: кўп ўтмай у ёқдан гулкайчининг шиқиллаган овози эшитила бошлади. Мен унинг аҳволига илгаридан ачиниб келсам-да, бир нарсадан мамнундек доим тиржайиб юриши баъзан ғашимга теккани каби ҳозир ҳам унинг шундай чиройли гулзор қўйнида эркин кезиши негадир менга эриш туюлди.

Насиба эса ҳамон гулзорнинг сеҳру жодусидан маст, Шаҳодатни кўрмас, кўрмаётгандек эди.

Уша кунни биз ўша кўрганларимиз таассуроти билан уй-йимизга тарқалдик.

Уша кеча мен ўзимнинг ҳамिशалик хаёлларим билан банд бўлиб аллапайтгача ухлаёлмай ётдим.

Илгарилари, эрталабки куёш нурига кўмилган тоғ манзараси менга тинчлик бермас, туллари кўзимдан уйқуни қувар эди. Ушанда тоғлар манзарасини бўёқларда қоғозга туширибгина тинчиганман. Соғ қирғоғида ўсган уч туп тут дарахти фалсафаси ҳам кечалари хаёлимни олиб қочган. Ушанда уч туп тут дарахтини чизибгина кўнглим таскин топган. Демак, энди гулзорни ҳам чизмасам бўлмайди.

Албатта чизаман. Насибани мафтун этган гулзор тасвирини. Кучим етганича. Чизган ишим Насиба олдида имтиҳоним бўлсин. Аввало, яралажак сурат учун жанр танлашим лозим. У жанр тасвир услубимга уйқаш бўлсин. Суратнинг сюжети аниқ бўлгани маъқул. Фикр ва тасвир лўнда; гулзор таассуроти, ҳар бир нуқта айрича ифодалансин. Гоя эса — гўзаллик, гўзалликнинг барҳаётлиги ҳақида. Суратни, яхшиси, Насибага тақдим этаман, одил ҳакамликни унинг ўзига қўйиб бераман.

Кўп ўтмай ягона деразаси коннинг темир миноралари томон қараган хонамда дастлабки эскизлар пайдо бўлди. Машаққатли кунлар бошланди. Ҳар кунни ишдан уйга келиб, апил-тапил овқатлангач, хонамга кирман, қамалиб олиб ярим тунгача иш билан машғул бўламан, баъзида бутун тун бўйи мижжа қоқмай чиқаман. Етук расомларда бўладигандек «руҳий тўлғоқлар» гаштини бошимдан кечирардим. Баъзан ишим бирдан юришиб кетар, баъзан, узоқ ўтирсам-да, ҳеч нарса чиқмас, чиқара олмас эдим.

Ижодим пинҳоний бўлгани учун мендаги руҳий, жисмоний ўзгаришлар ташқи қиёфамда из қолдирган бўлса керак, қурилишдаги ҳамкасбларим, Насиба, аҳволимни кўриб ҳайрон бўлишарди. Уйдагилар эса, нима билан машғул эканимдан озми-кўпми оғоҳликлар сабабли, оғир ишда ишлашимни рўқач қилишиб ўзимни сал-пал аяшимни уқтиришарди.

Мана, орадан бир ойча ўтиб, безовта кунларим, уйқусиз тунларимнинг маҳсули, юрагимнинг эъозли асрандиси — асарим ниҳоят дунёга келди. Бироқ у ҳали келинчакдек юзидан пардасини кўтариб жамолини бировга кўрсатмаган, тонг палласи очилган ғунча мисол, атрини ҳали бировга ҳидлатмаган эди. Ҳали у янги келинчак, тонгда очилган гул.

Бугун бир ойча дилда пинҳон асраб юрган сиримни очишга — суратимни Насибага кўрсатишга аҳд қилган куним...

— Насиба, манави гулзорнинг бир ойча бурунги ҳолатини эслайсизми? — дедим ўша боғ ёнидан ўтаётиб.

— Бўлмасам-чи. Унда бутунлай бошқача эди! Ҳозир кўпчилик гуллар қувраб қолганга ўхшайди. Вақт ўтяпти...

— Хоҳласангиз, ўша манзарани тагин кўришингиз мумкин.

— Қайси манзарани?

— Гулзорнинг яшнаб турган пайтини. Ушандоғича.

— Қандай қилиб?

— Буниси — сир.

— Чиздингизми? — деди Насиба зийраклик билан ва жилмайди. — Сиз чизган суратларни кўрмаганимга ҳам икки йил бўлди. Ҳозир ҳақиқий расомдек чизган бўлсангиз керак?

— Билмадим, кўрсангиз... кейин бирон нарса дерсиз.

— Қачон кўрсатасиз?

— Ҳўп десангиз, бугуноқ олиб келаман. Ўз-ўзингизга бераман.

— Менга?

— Ҳа, суратни сизга эсдаликка совға қилмоқчиман. Негалини кейин ўзингиз тушуниб оласиз.

Эртаси кунни қўлтигимга суратни қисиб майсалари энди сарғая бошлаган қўшсўқмоқ буйлаб метеостанция томон

кетдим. Миямда минг бир хаёл, Насибанинг суратни қандай қабул қилишини минг бир тусда тасаввур қилиб боряпман.

Метеостанция жойлашган яланглик кимсасиз. Тушдан кейин тиниқ осмонда қаёқдандир пайдо бўлиб қолган паға-паға оқ булутлар бир текисда сузиб ўтар экан, кети тобора қуюқлашиб қўрғошин тусга кирмоқда. Улар қуёш юзини узоқ вақт яшириб қир-яйловлар, кенг яланглик узра ёппасига соя ташлаб олар эди, бу ҳол кўнгилга тундлик ва ғашлик бўлиб ботаётганига қарамай, салқин, тоза ҳаво, аксинча, киши руҳига енгиллик ва эркинлик бахш этарди. Метеостанцияга яқинлашдим. Магнитофондан таралаётган ёқимли ашула деразалари ланг очик навбатчилар хонасидан баралла эшитилиб турарди.

«Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,  
Чиқма Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун».

Салдан кейин магнитофон овози пасайди: деразадан бировнинг липиллаб ўтган қорасини кўриб қолдим, ўша заҳоти эшик ғирчиллаб очилди. Насиба чиқиб келди.

Саломлашдик.

— Бошлиқларинг сизларни уришмайдими? — дея сўрадим ундан.

— Нимара?

— Магнитофонни бор овози билан қўйиб қўйибсиз.

— Йўқ, — деди Насиба, — уришмайди.

— Демак, у ҳам билар экан. Демокчиманки, ўзи бунақа ашулани бор овози билан эшитмаса, кўнгили тўлмайди.

Насиба кулди.

— Суратни олиб келдим. Мана...

— Олдин ичкарига кириг! — деди у.

— Йўқ, майли, раҳмат. Мана, кўринг-чи.

Суратни девор ёнида турган стул сунячигига тираб қўйдим.

— Вой, мунча яхши! — Насиба ҳайрат билан суратга энгашди.

Гулзор тасвирланган эди. Олд тарафда чиройини кўз-кўз қилиб турган ранг-баранг гуллар, гулларга сув қуяётган ўйчан ва бахтиёр... Насиба. Орқароқда эса — тиниқ осмон, олисдаги чўққиларини туман қоплаган тоғлар, қип-қизил тонги шафақ... Мен ўзимиз кўрган ўша гулзорни гўзаллик тўғрисидаги мушоҳадаларимдан, айтмоқчи бўлган фикримдан келиб чиққан ҳолда тўқима поэтик манзаралар билан бойитган, Шаҳодатни Насиба билан алмаштирган эдим.

Насиба узоқ, ўйчан тикилиб қолди. Нигоҳидан бирон-бир фикр уқолмадим, ўзи ҳам анчагача айтмади, ўйчан тикилиб қолди, холос...

Ҳар ким ўзича ҳамиша ҳақ, мукамал бўлиб туюлади. Вақт келиб, камчиликлари юзага чиқиб қолади, бироқ у буни осонликча тан олгиси келмайди. Тан олгач қайсарлигидан, шу камчилигини нима учун аввалроқ тан олмаганидан афсус чекиб, бармоқ тишлаб қолади. Кўпдан бери излаб юргани қимматбаҳо нарсани топиб олгандек ўзини омадли сезади, чунки ўша топилма унинг айрим бесамар ўйларини нимжон фикрларига янгича йўл кўрсатади, унга қудрат бахш этади, ҳаётнинг ҳали нотаниш, сирли саҳифаларини очиб беради.

Буни мен эртаси кунни, фақат об-ҳаво бюросининг хизматчи машинаси юрадиган камқатнов, кадрдон қўшсўқмоқ — метеостанция йўлида кетаётиб Насиба билан бўлган суҳбат чоғида ҳис қилдим. Ҳа, ҳис қилдим, холос...

— Суратингиз умуман яхши чиқибди-ю, лекин... — деди Насиба ердан нигоҳини узмай.

— Тушунтириброқ айтсангиз-чи, қаери сизга ёқмади? Бўёқлар ёмон танланганми? Соддаи ёки ҳалиги... нафосат етишмайдими? Биламан, у қадар зўр эмас, ҳатто ёмон ишланган, бироқ, не илож, мен сизни худди ўша гулзор тасвири билангина шод қилмоқчи эдим.

— Йўқ, йўқ, жуда яхши, бўёқлар жой-жойида ишлатилган, теран, нафосатли. Агар бир жойи бўлмаганда мен уни хонамнинг энг тўрига осиб қўйиб, ҳаммага кўз-кўз қилган бўлардим. Фахрланиб юрардим.

— Ҳўш, ўша «бир жойи» қаери экан?

— Қизнинг тасвири.

Мен аниқса шу Насибанинг тасвирига кўпроқ эътибор берганим, имкон борича гўзал чиқаришга уринганим учун бирдан кўнглим ғалати бўлиб кетди.

— Нимга энди, Насиба? Ахир, бў — сиз-ку!

— Шунинг учун ҳам айтяпман-да, менинг тасвирим ортиқ-

ча, — деди Насиба совуққонлик билан. — Чизиб бекор қилибсиз.

— Бекор қилибман?! Сизнингча... сизнингча, Шаҳодатни чизишим керакмиди?

— Нима бўпти! — дея саволимга савол билан жавоб қайтарди Насиба.

— Ҳечам-да, у менинг ғоямга зид-ку.

— Ғоянгиз қанақа?

— Ғоямми? — Мен бир оз ўйланиб қолдим. — Гулзор билан сулув қиз тонгги шафақ жилваланган чўққили тоғлардек улғувордирлар, булар бир бутун бўлиб гўзалликни ташкил этади.

— Ўзим ҳам шундай англаган эдим.

— Бу нотўғрими?

Насиба фикрини айтишга қийналар эди. Кейин, қишлоғимиз қизларидек қимтиниб-қимтиниб сўзлай бошлади.

— Тўғрилиқка тўғри-ку-я, лекин у бир кишига, яъни, бу ерда фақат менга қаратилгандек. У ҳаммага алоқадор бўлиши лозим эмасми? Бунинг устига, ғоянгизнинг умри қисқароқ чиққан, чунки гулзор бир куни қувраб битади, сулув қиз тиришган кампирга айланади, шафақ синади, чўққили тоғлар емирилади. Гўзаллик эса синмаслиги, емирилмаслиги лозим. Бундан ташқари, сиз сулув қизни чизибсиз-у, ҳақиқатни унутибсиз, ахир, у гулларни мен экмаганман, балки ҳеч қачон ўшандай гулзор барпо қилолмасман. Суратга қараб, гулларга раҳмим келди. Улар мендан юз ўгиришаётганга, этакларимга ёпишиб, ўзимизнинг асл эгамизни топиб бер, деб йиғлашаётганга ўхшади, ёноқлардаги шудринглар кўзёшлари бўлиб туюлди. Улар мендан... Шаҳодатни талаб қилишди.

Насибанинг юзлари лола мисол қизарди, лаблари пирпираб учди, намланган киприклари кўзларининг ниҳоятда чиройлилигини кўз-кўз этди. У ҳозир камдан-кам рўй берадиган ҳолга тушган — сурат тўғрисида эмас, ўзининг дунёси ҳақида сўзлаётгандек, шеър ёзаётгандек эди.

— Қўйсангиз-чи, Насиба, мен сизнинг бундай хаёлларга боришингизни сира ўйламабман. Қолаверса, нега энди гулзор яратолмас экансиз, яратасиз. Шаҳодат кичик бир гулзор барпо қилибди, сиз бўлса метеорологсиз, бутун табиатни парварिश қиляпсиз. Шундай экан, гўзаллик яратяпсиз.

Насиба мендан суратни бир йилда бўлсин, беш йилда бўлсин,

қайтадан ишлаб беришимни, ўзининг тасвирини Шаҳодатники билан алмаштиришимни илтимос қилди. «Ушанда асарингизда ҳақиқатнинг, гўзалликнинг барҳаётлиги ҳақидаги ғоя бўртиб кўринади», деди.

Умуман айтганда, мен ўзимнинг дунёқарашимга содиқ қолган эдим, бироқ Насибанинг фикридан ҳам воз кеча олмасдим. Қай биримиз ҳақ — билмадим-у, лекин ҳар иккимизни ҳам қаноатлантирадиган ҳақиқий ғоя ҳар ҳолда ноаёнлигича қолди.

Насибанинг доно нигоҳлари тафтига дош беролмаган жувонмарг суратимни қайтариб олгани борганимда осмон булутли, ҳаво дим эди. Қайтишда ёмғир қуя бошлади. Сурат бўёқларини шафқатсиз чаплаб юбораётган дона-дона томчилар, мендан рассом чиқмайди, рассом бўлмайман, деган қароримни қувватлашаётгандек эди гўё. Ажаб, шу дамда мен яна ўша оҳангсиз қўшиқни туярдим.

«Рассомликни ҳавас қилмай қўяқол, — дердим ўзимга ўзим. — Мана, Насиба ҳамиша мендан кўра фикри тиниқроқ, лекин у, шеър ёзиш қўлидан келса-да, шоир бўлишдан бош тортди. Нима учун? Бу билан эса, шеърятга муҳаббатини, ўзининг ҳақиқатан ҳам шоир эканини кўрсатди. Ногирон қиз Шаҳодатни гўзаллик яратувчи софкўнгил инсон сифатида ўзидан ҳам, мендан ҳам юқори қўйиб, ҳар бир инсоннинг ўзича шоиру рассомлигини — ҳаётда шеър ёзмай шоир, сурат чизмай рассом бўлиш, сулув бўлмай гўзаллик яратиш мумкинлигини... айтди. Тилида бўлмаса ҳам, дилида айтиб юрибди».

Қайдадир, қачондир Насиба мендан:

— Нега рассом бўлмадингиз? — деб сўраса,

— Мен ҳам сизнинг йўлингизни танлаганман! — деб фахр билан жавоб бераман...

Поёни йўқ кенглик. Уша кенглик бўйлаб парвоз қилмоқдаман. Бир қўшиқ таралади. Бу қўшиқ инсон, парвоз, ғоялар, мангулик ҳақида. Антиқа қўшиқ. Антиқалиги шундаки, унда на оҳанг бор, на сўз. Агар Насиба шеър ёзса, қўшиқнинг қаноти қайрилади, агар мен сурат чизсам, қўшиқнинг қаноти синади ва биз танланган йўлимиздан адашган бўламиз. Шуларни ўйласам, оҳангсиз қўшиқнинг ҳақиқатан мавжудлигига ишонгим келади. Аслида, бу қўшиқ куйланмайди, ахир, унда на куй, на сўз бор. Уни туйиш, ҳис қилиш керак.





## «Гаплашадиган вақтлар» китобидан

Омон Матжон «Гаплашадиган вақтлар» номли шеърый китобини нашрга топширди. Бу китобга шоирнинг энг янги шеърлари, «Париж манзаралари» туркуми, «Чўлдагилар» номли фалсафий-публицистик достони, шунингдек, янги шаклда ёзилган «Гаплашадиган вақтлар» шеърый қиссаси киритилган. Шу китобдан бир даста шеърларни «Ёшлик» мухлисларига ҳавола қиламиз.



**Омон  
Матжон**

### Йоғ машқлари

Мен йогман.  
Ойлаб ва йиллаб мисқоллаб,  
бир қалбга йиғилган кучман, ирода.  
Мақсудим — ўз шахсий ўзишлар эмас,  
бир авлод райини этмак ифода.

Мен — йогман.  
Юраман, ялангоёқ, тик,  
тунда, ойнинг кумуши синиқларида.  
Гоҳ нафасни ютиб, қолиб кетаман  
ойларнинг, йилларнинг санақларидан.

Мен йогман.  
Сўзларнинг кескин шамширин  
юрагим зарбига пая айлайман,  
гоҳо не-не азиз ҳислар чўғини  
зоҳир этмоқ учун фурсат пойлайман.

Гоҳида тасарруф этаман зумда  
бутун умрим учун берилган нурни,  
вужудлар йўқолур ҳаётдан, лекин  
порлаб, шуғдаланиб қолсин-да ўрни!

Инсон танасининг юксак бурчи бор  
курашлар чоғида ғаму андуҳга, —  
энг мушкул пайтлар ҳам қолмай тор-тушкун,  
хизмат этмаги шарт юракка, руҳга.

Дейлик, ҳаётнинг кўп жумбоқларига  
ўзим куйиб-ёниб, изладим жавоб,  
не санчик, изтироб шамширларининг  
дамида ўтказиб тунларни, азоб...

Камолот, бу — орзу. Камолот мумкин.  
Аммо танда кўндир бебошвоқ гаплар.  
Ҳеч кимдан ҳадямас, лекин кўксимда  
тошар бўйсунуксиз ҳислар-талаблар.

Қачонки буюклик, нафосат кўрсам,  
ҳеч кимнинг зугмимас, ўзим эгдим бош.  
Боғда озор еган бир дарахт кўрсам,  
кўзларим синган шох ўрни, филт-филт ёш...

Имон дарёсида қурилган ГЭСман,  
улуғ тоғларимга тикканман кўзни.  
Тилим айланмайди асло ёлғонга,  
касбим порлатмоқдир юксак Ҳақ сўзни.

Ўзни қўлга олай, йўлга солай деб,  
тўғриси, кўп азоб берибман жонга.  
Билдимки, қанча кашф, сир очса инсон,  
шунчалик чулғанар сирри ниҳонга.

Кани, дўст, хоҳласанг, сафга тур, ўрган,  
оғиз чучимайди ҳалво дейишдан.  
Бу — руҳ тарбияси. Дастлаб бошлаймиз  
оқни оқ, қорани қора дейишдан...

### Бир чинор остида

Аллалар анжумани каби юксалмиш  
Ургул тоғларида Юқори чинор.  
Дарахтлардан бирин остида мўъжаз  
Табиат нақш этган ковак-уйча бор.

Бунда илдизларнинг ер ости умрин  
Минг йиллик шажари ёзилган каби,  
Шошилдик, сайёҳнинг ҳар қаерда ҳам  
Мўъжиза кўрмоқлик бўлар матлаби.

Ўн беш киши эдик каттаю кичик,  
Қирсақ, сиғармизми ҳаммамиз бирдан?!  
Кўнгилни кенг қилинг демиш ровийлар,  
Барчага жой етди шу бир кафт ердан...

Мен олим, мен арбоб, мен мундоқ демай,  
Бу тор ертўлада аҳил, қурч бўлдик.

Чинорнинг қаддини тутган илдизлар  
Бизнинг бирликка ҳам гўё куч бўлди...

Кимдир: «Ер остида мана ҳамма тенг...»  
Деганди, бу ҳазил топмади маъно.  
Одамлар жипс-яқин туришган жойда  
Сираям тангу тор кўринмас дунё.

Ҳа, ўз фарзандларин соз, иноқ кўрган  
Ватанга ўхшарди бу улуғ чинор,  
Барелари, минг-минглаб қанотлар каби,  
Кўк сари талпинар эди бахтиёр!

## Жомеъ масжиди устунлари

Хивада кимдаким Жомеъ масжидин  
Пастак қопусидан кирса ичкари,  
Сезади иқлим тез ўзгарганини,  
Довондан дарага тушган сингари.

Ҳа, оддий бир ҳовли, лекин кўрибоқ  
Хаёлинг бўлади минг остин-устин:  
Тумор қутисидек уйга жой бўпти  
Икки юз ўн икки ўймакор устун!

Нимқоронғи хилқат, захтоб айвонлар  
Ва тортуўнук томга бу не маҳобат?!  
Беш-ўнта теракми-тутнинг ишини  
Шундоқ устунларга юклаш не ҳожат?!

Ҳар бири буюк бир уста дастхати,  
Хоразм шонидан ўйма нақш ёдгор,  
Бири юз йилларнинг ёрлиғи бўлса,  
Бирида минг йиллик тарих муҳри бор.

Қадим шаҳри Котни сув босганида  
Дарё суриб келган булардан бирин,  
Шу устун қошида ўсмир Беруний  
Олис юлдузларнинг айтган таъбирин.

Салкам йигирма йил Гурганжда бири  
Ибн Сино бўйин бўйлаб бўйига,  
Устунлиғ этганин кўрган инсоннинг  
Тиббиёт мулкига, Қонун уйига.

Паҳлавон Маҳмуддек бири савлатдор,  
Бири нақ Алпомиш учун ёдгорлик...  
Бу ерга бир пасга кирган-ов улар,  
Зўр ишлар олдидан руҳий тайёрлик...

Афсуски, зол бир куч банд этиб барин,  
Қолмишлар меҳробдан ошолмай доди.  
Не хонлар ёнбошлаб давр сурди бунда,  
Элга бир устунча тегмай имдоди.

Осиёнинг улкан қасрларини  
Юксалтиб тургувдек, поклаб номини,  
Мағрур устунларга ким кўтартдийкин  
Майсиз, тўнқарилган ваҳдат жомини?!

Аслан азиз бўлса эътиқод уйи,  
Нега даркор унга мунча кўп устун.  
Инсоннинг хаёлот уфқи тўсилмай  
Доим очик қолсин юлдузлар учун!

Гул отиб тўлдириб бўлмас зулматни,  
Кўёш нур сочмаса — ой бир совуқ тош.

Дўстлар, устунлари бўлинг халқимнинг,  
Азиз орзулари бўлиб тикланг бош!

## Умримиз ҳақида

Ҳамма айёмдан табаррук, биз учун айём шу,  
Бизга тақдир илқидин тутқазилган жом шу.

Қишни енгган боғ каби, тундин қутилмишдир шафақ,  
Бизга тонг гулқоридин шабнамдек инъом шу.

Хоҳи кун тиғиндамиз, хоҳ азим тоғ пинжида,  
Бул умр ойнаси қолсин мусаффо — ком шу.

Дилда акс этсин замонларнинг кесишган нурлари,  
Неча авлод қалбига биздин етар пайғом шу.

Не оғочлар боғ аро сўлмиш очик илдиз билан,  
Меҳр бу торларга сунсак, энг жаранг илҳом шу.

Ёра гул кесмоқ учун шартмас ҳилол шамшири ҳеч,  
Кўнгиш кавокиблар уза сайрона бир оқшом шу.

Умри боқий истасак дейлик жаҳоннинг тинчини,  
Юрт омон бўлса агар, бизга ўчмас ном шу.

\* \* \*

Танинг ҳеч тинмасин ўрганган ишдан,  
Кўнгилинг — ўзи суйган, ўрганган ишдан.  
Руҳинг элаб турсин бори оламни,  
Шунда умринг тинмас янгилашишдан!



## «Сен-мен...»

Яқинда қизик бир «сен-мен»нинг устидан чиқиб қолдим. Озодагина кийинган, ингичка мўйловчаси хушбичим чехрасига ярашиб турган йигитчага бир кимса дўк қилар эди. У кимса қалин, дўрдоқ лабларида сигаретасини уёқ-бу ёққа алмаштириб, гоҳ тили тагига нос ташлаб олиб йигитчага бўлмағур надомат, алам, тухмат гаплар айтар, қўлидаги портфелини кўрсатиб «Тани донин ту тумқада!» (Носкашлар тилидан таржимаси: «Сенинг жонинг шу сумқада, аввал юмалоқлаб ёзар эдим, энди очик ёзавераман!») дер эди.

Бу дўрдоқлаб катта одам бўлгиси келган, ўзи ҳақда олам-олам ширин хаёллар қилган. Аммо ҳеч ким чиқмаган ундан! Тош кўтарувчи чемпионликни орзу этган, лекин юрагидаги тош бошқа бирон нарсани кўтаришга қўймаган. Буюк математик бўлишни ўйлаган, лекин барча ҳисоб-китобни ўз фойдасига ағдариб чамалаган. Ўткир нафасли, кучли овозли ҳофиз бўлишни истаган, лекин бировнинг ютуғини эшитса нафаси ичига тушиб кета берган. Шоирлик ҳавасини

қилган, лекин қўлига қалам олди дегунча ичидан нур ўрнига хусумат тўкилаверган...

Мен бу йигитчани, унинг элимиз ичидаги яхши обрўсини билар эдим. Анави «хамлакор» ҳам бир қадар ёқасини танитганлардан. Ҳар ҳолда четда турмай, беҳуда таъналар эшитаётган йигитнинг ёнига бордим, лозим бўлса, ҳимоя учун...

Аммо, бу одобли йигитнинг иродасига қойил, рўпарасидаги кимсага каттиқ-қуруқ гап айтиб ўтирмади. Чамаси, йигитча кимнинг кимлигини бир қарашдаёқ рентгенолог каби ёркин кўрадиган истеъдодга эга! Лекин ҳалиги дўрдоқнинг гапларини атрофда бир-икки одам ҳам эшитиб турган эди-да, иззат-нафс устун келдими, йигит рақибига қарата аниқ пухта қилиб шундай гапларни айтдики, қойил қолдим:

*Мен-ку жуда оддий инсон бўламан,  
Лекин сени кўриб ҳайрон бўламан!*

*Сен кундуз ранг билмай, аламли кезсанг,  
Мен тунда ҳам ёруғ осмон бўламан.*

*Кудуққа туфлайсан сен ном чиқарга,  
Мен чашма очай деб сарсон бўламан,*

*Сен бировлар изин ҳит қаричлайсан,  
Мен тоққа қўйилган нарвон бўламан.*

*Сен итсан ҳар ўтган, кетганга ҳурган,  
Мен-чи, катта йўлда карвон бўламан.*

*Ўзгалар қўлида қўғирчоқсан сен —  
Мен кулмайман, дилим вайрон бўламан.*

*Не-не пок жонларни сен хуноб этсанг,  
Мен эл шодлигига майдон бўламан.*

*Шундан, икки жаҳон оворасисан,  
Мен бир жоним билан жаҳон бўламан.*

*Сен ёзсанг, йиғлайди ўзбек имлоси,  
Мен эса тилимга қалқон бўламан.*

*Чунки сен кин, фисқу фасод ёзасан,  
Мен ёзсам — нур ичра жавлон бўламан.*

*Фожеанг шу — ҳамма сендан қочади,  
Мен ҳар уйда азиз меҳмон бўламан.*

*Сен жон сақлаш учун элни сотасан,  
Мен-чи, элим учун қурбон бўламан.*

*Сен ўзни ҳар кўйга солиб ўласан,  
Мен эсам ҳар доим омон бўламан.*







## БИРОДАРЛИК ТУЙҒУСИ

— «Тинчлик», «Дўстлик», «Ҳамкорлик» каби даъваткор сўзларнинг қудратига ҳамшиша ҳам етарли эътибор бермаймиз. Аслида бу сўзлар муқаддас. Улар замирида биродарлик туйғуси мужассам, — дейди тажрибали ишчи, VI Жаҳон фестивалининг иштирокчиси С. Муродов.

Дарҳақиқат, бугунги кунда империализмнинг урушқоқ доиралари тинчликка таҳдид солиб турган бир пайтда инсониятнинг келажаги учун, халқларнинг — тинч яшаш ҳуқуқи учун кураш ниҳоятда муҳимдир. Юқоридаги даъваткор сўзларнинг куч-қудрати худди шу бугун намоён бўлиши керак. Ватанимиз пойтахти Москвада ўтган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали ана шу йўлдаги улкан ҳаракатнинг давоми бўлди.

Бундан йигирма саккиз йил муқаддам Москвада ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали бўлиб ўтган эди. Унда ўнлаб ўзбекистонлик йигит-қиз қатори Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йегирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловозларни ремонт қилиш заводининг пардозловчиси Саъдат Муродов ҳам қатнашган эди. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, халқ ва давлат иши учун фидойиликлари билан эл орасида ҳақли равишда обрў қозонишди.

Яқинда VI Жаҳон фестивали иштирокчилари Б. Жўраева билан С. Муродов редакциямиз меҳмони бўлдилар. Улар фестивал хотиралари, бугунги ёшлар ҳаёти, Москвада ўтган XII Жаҳон фестивалининг улуг мақсадлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

С. МУРОДОВ. Яқинда қайси бир журналда шундай маълумотга кўзим тушиб қолди: агар Москвада бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали иштирокчиларидан бири барча тадбирларда қатнашиш истагини билдирганида эди, бунинг учун унга юз йил керак бўларди. Биласизми, ўша тадбирлардан бири нима эди!

Б. Жўраева. Йўқ, нима эди!

С. МУРОДОВ. Сиз билан турмуш ўртоғингиз Йўлдош аканинг никоҳ тўйларингиз... Тасаввур қилинг: ўзбекистонлик икки ёш комсомол Москвада никоҳдан ўтди, куйёжўралар ва келиннинг дугоналари — дунёнинг турли мамлакатларидан келган йигит-қизлар...

Б. Жўраева. Тўғриси, Москвада никоҳдан ўтамиз, деб ҳеч ўйламаган эдик. Ҳатто фестивалда қатнашаётганимнинг ўзи мен учун бир туш эди гўё. Москва фестивалининг унутилмас лаҳзалари хотирамизда бир умр муҳрланиб қолди. Ёш эдик. Ёшликнинг эса орзулари беҳад. Йиллар ўз ҳукмини ўтказди: сочларга оқ туширади, пешонага чизик тортади; умр деб аталмиш улуг карвон йўлида кўнгилдаги орзуларнинг қайбири ушалади, қайбири бевақт узилган япроқ мисол кимларнингдир оёқлари остида поймол бўлади, қайбири эса — сўнгги манзилгача сиз билан ҳамроҳ... У энди орзу эмас, армондир энди.

Москва кўриш орзуси балки бугунги ёшларга бир оз эриш туюлар. Ахир, ҳозирги даврда нонуштани Москвада қилиб, кечқурун бемалол Тошкентда театрга тушса бўлади. Бизларга эса, ўша пайтларда Москвани кўриш — йиллар оша ушалиши мумкин бўлган орзу эди. Мен қачондир албатта Москвага бораман, деб ўйлаб юрардим... Уша йиллари кундузи комбинатда ишлаб, кечқурун медицина билим юртида ўқирдим. Кунларнинг бирида тобим қочиб, анча кун ётиб қолдим. Етоқда Мусаева Галя деган қиз билан бирга турардик. Бир оз соғайганимдан сўнг Галя мени ўзи билан комбинат ишчиларининг маданият саройига таклиф қилди. «Зора ҳаваскорларнинг машқларини томоша қилиб, кўнгилнг ёзилса, деди у. Бирга бордим. Қизларнинг капалакмисол гир айланиб рақсга тушаётганларини кўриб, мен ҳам беихтиёр уларга қўшилиб кетдим. Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқиллов ўшанда маданият саройида ташкил этилган бадиний ҳаваскорлар ансамблига раҳбарлик қиларди. Менинг рақсим Исоҳор акага маъқул тушди, шекилли, бундан кейин тўгаракка қатнашишимни тайинлади. Мен ишдан сўнг маданият саройига қатнай бошладим. Шу орада ансамблимиз фестивалга борадиган бўлиб қолди. Қизгин тайёргарлик кўрдик. Айниқса, «Пахта» рақсини жуда мукамал тайёрладик.

С. МУРОДОВ. Тез-тез ёшлар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Ушандай пайтларда «Бизнинг ёшлигимиз қандай ўтди!», дея савол берасан ўз-ўзингга. Мен фестивалга борганимда 26 ёшда эдим. Мен бу даврни ёшликнинг айнаи ёзи деб айттардим...

Б. Жўраева. Мен эса йигирма иккида эдим.

С. МУРОДОВ. Хўш, ўша Москва фестивали бизга нима берди! Турмушга нисбатан муносабатимизни қай даражада шакллантирди! Мана айтайлик, сиз билан мен фестивалдан олдин ҳам ишчи эдик, ҳозир ҳам ишчимиз. Лекин гап бунда эмас. Ҳамма гап ҳаётни, атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни қай йўсинда идрок қилабилишимизда. Назаримда, Москвада бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали бизга муқаддас бир туйғуни — биродарлик туйғусини янада теранроқ англашга имкон берди. Турли мамлакатлар ёшлари билан ҳамсуҳбат бўлдик, дўстлашдик. Ҳар ким ўз ватанида тинчлик, халқлар бахт-саодати йўлида қандай курашаётгани ҳақида бизга сўзлаб берди. Мана шуларнинг ҳаммаси кишида ўчмас таассурот қолдиради.

Б. Жўраева. Чет эллик ёшлар билан бўлган бир учрашувимиз ҳали-ҳали эсимда. Бир занжи йигит биз келин-куёвга қараб: «Сизларнинг тақдирингиз ўз қўлларингизда, бизнинг тақдирларимиз эса, корхона хўжайинининг қўлида...» деган эди.

С. МУРОДОВ. Шу гапга ҳам, мана, салкам ўттиз йил бўлибди. Лекин дунёдаги миллион-миллион ёшларнинг тақди-

ри ҳамон бир гуруҳ корчолонларнинг қўлида. Бугун ер шарида саккиз юз миллион одам хат танмайди. Ҳисоб-китобларга кўра асримиз сўнгигача Ер юзиде саводсизликни тугатиш учун 1,2 миллиард доллар керак бўларкан. Бу рақам жаҳон миқёсида сарфланаётган бир кунлик ҳарбий харажатлар миқдоридан ҳам кам.

**Б. ЖҲРАЕВА.** Демак, жаҳон ёшлари зиммасида дунёда тинчликни сақлаб қолишга ёрдам беришдек муҳим вазифа турибди. Ахир, келажак — ёшларники. Ёшларнинг келажаги эса, хавф остида... Назаримда, шундай демоқчисиз!

**С. МУРОДОВ.** Худди шундай. Қуролланиш пойгаси, айтиш мумкинки, ёшларнинг ашаддий душмани бўлиб қолди. Чунки ёш авлоднинг униб-ўсиши, миллион-миллион йигит-қизнинг турмуш тарзини яхшилаш йўлида сарф этилиши керак бўлган ғоят катта маблағни эндиликда қуролланиш пойгаси ютиб юбормоқда. Шунинг учун ҳам Москва фестивали «Империализмга қарши ўзаро ҳамкорлик, тинчлик ва дўстлик» шиори остида ўтгани бежиз эмас.

**Б. ЖҲРАЕВА.** Гап ёшларнинг юксак ғоялар, орзу-мақсадлар йўлида олиб бораётган кураши, меҳнати ҳақида бораркан, уларнинг туриш-турмушида, ахлоқида айрим беқарорликлар, қўсурлар борлигини ҳам айтиб ўтиш зарурга ўхшайди. Шубҳасиз, бугунги ёшлар, хусусан совет ёшлари катта ишларни амалга оширишмоқда. Энг долзарб, халқ хўжалиги учун муҳим бўлган қурилишлар комсомолнинг оталиғида. БАМ, ноқоратупроқ ерлар, ўнлаб қурилишлар, фабрика ва заводлар, Жйззах, Қарши, Марказий Фарғона чўллари... Лекин, ана шундай хайрли ишларни бажараётган ёшларнинг орасида баъзан иродаси бўш, турмушнинг ялтироқ томонларига ружу қўйганлари ҳам учраб қолади. Тор шим кийиб, бутун борлигини «кўз-кўз» қилиб бораётган, юз-кўзига чаплаган пардоз-андоздан онаси ҳам таний олмайдиган бўлиб қолган қизларни кўча-кўйда кўриб, уларнинг оғзидан чиққан сўзларни эшитиб, ўзимни яширишга жой тополмай қоламан. Балки, менинг бу мулоҳазаларим айрим ёшларга «чайналавериб» сийқаси чиққан сўз бўлиб туюлар. Биз ҳам ёш бўлганмиз. Биз ҳам шўх бўлганмиз. Лекин оғзимиздан беандиша сўз чиқмаган. Йўқ, мен қизларимизни осмондан бало ёғса ҳам сукут қилишга даъват этмоқчи эмасман. Асло. Бизнинг онгимизда ифбат, қизлик ифати деган тушунча бор. Назаримда, айрим ёшларимиз қиз боланинг қиз болалигини, аёлнинг аёллигини таъкидлаб, кўрсатиб турадиган ўша тўйғуни теран англаб етмайдилар.

**С. МУРОДОВ.** Баъзан энг сўнгги расмда кийинишни, нимқоронғи қаҳвахоналар, дискотекаларда рақс тушишни ёшликнинг бетакрор онлари деб биладилар. Эҳтимол, ёшлик учун бу нарсалар ҳам керакдир. Лекин ҳаётда ҳар бир нарсанинг меъёри бор эмасми!! Баъзан ёшларимиз ана шу меъёрни унутиб қўйишмоқда.

**Б. ЖҲРАЕВА.** Яқинда комбинатимиз ҳовлисида бир ўспиринни учратиб қолдим. Эғнида чет элда тикилган энг сўнгги расмдаги «вилвет» шим. Бу шимнинг чўнтаклари шу қадар

кўпки, кўрган кишининг ғаши келади. Почасидан тортиб орқалдию белигача занжирли чўнтак. Ахир, кийим дегандан нафақат уни кийиб юрган киши, кўрган кўз ҳам қувониши керак эмасми!! Аминманки, ўша ўспирин эғнидаги шимини ўзи ишлаб топган пулга сотиб олмаган. Ота-онаси олиб берган ёки бошқа бир йўл билан топган.

**С. МУРОДОВ.** Тўғри айтасиз. Уша шимнинг баҳоси камида юз сўм бўлса керак. Юз сўм маошга оддий ишчи тўқув дастгоҳи устида қанчалаб кўз нурини тўқади. Қанчадан-қанча куч-қувват сарфлайди. Албатта, ишчи ёки деҳқоннинг маоши бундай «хотамтойлик»ка етмайди. Агар онланинг бошқа харажатлари ҳам ана шу маош устидан бўлса... Афсуски, икки юз сўм маош билан ўғлига «Жигули» машинаси олиб берган ота-оналар ҳам йўқ эмас.

**Б. ЖҲРАЕВА.** Назаримда, мавзудан бир оз четлашиб кетдик.

**С. МУРОДОВ.** Нега энди! Келажак ёшларники экан, дунёда тинчликни сақлаш, тўла қуролсизланиш йўлида худди шу ёшларнинг ўзлари курашар эканлар, улар, аввало, маънавий пок, эътиқодларида собит ва собир бўлишлари лозим. Маънавий покликни белгиловчи жиҳатларнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Ноннинг увоғи ҳам нон, бутунни ҳам нон. Халқнинг мулкига оз бўлса-да хиёнат қилиш — Ватанини сотиш билан баробар. Агар биз бугун енгил ҳаёт кечириб йўлига кириб қолган айрим ёшларни тўғри ўзанга қайтармасак, эртага уларнинг сафи янада кенгайиб кетади. Агар ота-оналар ўғил-қизларини пешона тери тўкмай топган даромад ҳисобига едириб-ичирса, кийинтирса, турмуш тарзимизга ёт хислатларга ўргатса, улардан қандай курашчи чиқади — билмадим.

**Б. ЖҲРАЕВА.** Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга, ҳалол-поқ кишилар бўлиб етишишларига катта аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида қилган докладида: «Баъзан шундай бўлмоқдаки, одамларнинг эшитганлари бошқа-ю, ҳаётда кўриб турганлари бошқача. Бу жуда жиддий масала бўлиб, фақат тарбиявий масалагина эмас, шу билан бирга сиёсий масала ҳамдир», деб таъкидлади. Бу гаплар ёшлар тарбиясига ҳам бевосита алоқадордир.

**С. МУРОДОВ.** Масалага тарбия нуқтаи назаридан қараладиган бўлинса, ёшлар фестивалининг аҳамияти янада яққолроқ сезилади. Бунинг Жаҳон фестивали тарихи кўрсатиб турибди. I Жаҳон фестивалининг бўлиб ўтганига яқин қирқ йил бўлди. Шу давр мобайнида Ер юзидеги ғоявий-сиёсий қарашлари турлича бўлган кўплаб ёшлар коллективлари, ташкилотлари ўзаро яқинлашдилар, эндиликда ўшалар дунёда тинчликни сақлаш йўлида ёнма-ён туриб ҳамкорлик қилмоқдалар. Гарчи уларнинг жуда кўпи ҳаётга, кундалик турмушга турлича назар билан қараса-да, уларни ҳамиша ягона бир мақсад бирлаштириб тураверади. Бу мақсад — дунёда тинчликни сақлаш, ядровий урушга йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасига қарши курашдир. Жаҳон ёшларининг Москвада ўтган XII фестивали ҳам ана шу курашнинг ёрқин тимсолидир.





**Зулфия  
Бобоева**

### Юрагида гуллайди баҳор...

Ленинбод областининг Ғончи районидаги Мужун қишлоғига баҳор эрта келади. Хув сойликда, шарқираган чашмалар сувидан баҳра олиб ўсаётган олма, ўрик, бодом дарахтларининг оқ, пуштиранг гуллари ҳаёт кўшиғини куйлай бошлайди... Тоғлар этагидаги мўъжазгина қишлоқнинг қадоққўл, оқ кўнгил одамлари эрта кўклам чоғи кетмону паншахаларини кўтариб далаларга ошиқишади. Табиат ва кишилардаги бундай уйғониш, янгиланишни зимдан кузатаётган қиз қалби ҳаётнинг боқийлигини, жозибасини янада яққолроқ, теранроқ ҳис қилади. У баҳор насими билан бирга ҳамқишлоқларининг ҳис-туйғуларини, ташвишларини, яратувчи меҳнатини шеърга солади. Баҳор унинг юрагида куртаклайди, гуллайди.

Зулфия Бобоевани кўпчилик билади, танийди. Табиатнинг қалтис тасодифи туфайли 15 йилдан буён тўшакда ётган қизнинг руҳи соғлом, фикри тиниқ. У шеърни ўзини овунтириш учун эмас, балки шеъри билан ўз халқининг хизматига камарбаста бўлиш учун ёзади. Унинг илк тўплами Ғафур Ғулом нашриётида нашрга тайёрланмоқда. Зулфия шеърят, ҳаёт, одамлар ҳақида ўз фикрига эга. Ҳар бир шеърда ўзига хос юрак тебранишлари, ҳис-туйғулари акс этиб туради.

Зулфия билан адабиёт, ҳаёт хусусида суҳбат қилиб ўтирибмиз. Кўраётган шеърларим орасидан бир хат сирғалиб ерга тушди. Хат Ленин районида яшовчи Ирода исмли қизга ёзилган эди. Зулфиянинг руҳсати билан хатни ўқийман: «... Мени тушунмаяптилар, дебсиз. Назаримда, Сиз аввал уларни тушунинг, қалбига кириб боринг. Ахир ҳар бир кишининг ўз ташвиши, қувончу ғами бор. Уларга малҳам бўлолсангиз, ҳамдард бўлолсангиз Сизга ҳам интиладилар, гўё паноҳ, гўё нажоткор янглиғ. Ҳар бир киши ҳаётга пок ният, оқкўнгиллик билан боққанда эди, Горький айтмоқчи, одамлар бир-бирларига юлдуздай чарақлаб кўринармиди. Эҳтимол, турмуш янада мураккаброқдир, ахир Сиз коллектив ичида, қайноқ ҳаёт ичида яшаяпсиз...

Негадир эрталабдан буён юрагимга қил сиғмайди. Шундай бир пайтда почтачи Сиздан мактуб келтирди. Газеталар ҳам. Унда иккита шеъримни босишибди. Қайта ўқирканман, уларда анча-мунча камчилик борлигини сездим. Эҳтимол, газета ходимлари кўнгли чўкмасин, деб бериб юборишгандир. Аммо шуни сезяпманки, юзхотирлик кайфияти адабиётга завоқ бўларкан.

Кеча дадамлар қаршимга келиб ниманидир «айтсамми-айтмасамми» дегандай узоқ бош қашиб турдилар-да, кейин «ёрилдилар»:

— Қишлоғимиздан бир одам — номини айтмай қўя қолай — қизингиз шеърларига катта пул олса керак, деб сўради. Ҳа, энди бекор ётгандан шуюм тузук, дейди яна. О, она қизим, наҳот ман сани пулингга қараб қолган бўлсам?..

Бошқа ҳеч нима демадилар, чиқиб кетдилар. Мен эса сўзсиз, ҳайрат ва нафрат ичра қотдим. Есениннинг Париждаги гавжум паркда Горькийга айтган сўзлари ёдимга тушди: шеър керак, деб ўйлайсизми буларга, ахир Шиллерсиз ҳам ўйнаб-кулиб яшашапти-ку? Назаримда, ҳамма даврда ҳам яхши-ю ёмон одамлар бўлади. Қилмиши дилзорлик, қилмиши эзгулик одамлар... Ахир умрининг мазмуни еб-ичиш, бойлик орттириш, шуҳрат кетидан қувишдан иборат кимсалар гўзалликни ҳис этолармиди, қадрига етармиди?..»

Ҳозирги кунда Зулфиянинг қалами шеърдан-шеърга қайралиб бормоқда. Шу нарса қувончлики, унинг одамларга айтадиган ўз гапи бор. Одамлар ҳам буни яхши билишади. «Бизнинг Зулфия!» деб эъзозлашади.

**Жамшид ПИРИМОВ.**  
Ленинбод

## Боғланиш

Утинаман қуёшга энди,  
Ёғиргайди ўтинчим — тинди.  
Эгилишин тоғнинг устадим,  
Қўшилишиб осмон ҳам синди.

«Тўхта, шамол, рўмолим тортма!» —  
Буюргандим, бўйсунди у ҳам.  
Ўзанларга қудрат, куч ортма,  
Оқма, дедим, тўхтади сув ҳам.

Митти майса, ўтларга айтдим:  
«Ўсманг, хазон бўлишдан не наф!»  
Қулоқ осди ҳатто гулларким,  
Ўсмадилар тарафма-тараф...

Тўхтаб қолдим кейин ўзим ҳам,  
Буюк бир куч руҳимга келди:  
«Ҳаммамизни ўстир!» — деб бугун  
Утинаман Қуёшга энди.

## Турналар

Намхуш еллар, хазонлар аро  
Нигоҳ ташлаб кимсасиз қирга,  
Айтиб бўлмас изтироб билан  
Турналарни кузатдик бирга.

Сўнг қиш бўйи хаёлга чўмдик,  
Гоҳ соғинчдан кўзларда шабнам.  
Турналарнинг ҳоли не бўлди?  
Ёмон кўриб қолдик қорни ҳам...

Ҳадемай ер яна олар зеб,  
Баҳор келар, ранглар уйғонар.  
Қим айтади ахир, келмас деб,  
Соғинмас деб бизни турналар.

\* \* \*

Қолмади ёш жилға кўмилиб,  
Тўсолмади баҳайбат қоя.  
Қор остидан нурга чўмилиб,  
Чиқиб келди жилға ниҳоят.

Йўл-йўлакай тошларни суриб,  
Дараларнинг бузганча тинчин,  
Бирлашдилар ёш-ёш жилғалар,  
Ҳаволарга сачратиб инжу...

...Ёш дарёга қарайман тўлиб,  
Шиддат қандоқ ярашар унга.

Минг бор қуллуқ, минг бора таъзим  
Жилғаларни уйғотган кунга.

\* \* \*

Бола эдим қувноқдан қувноқ,  
Ҳаёт нима — кўрмовдим ўйлаб.  
Ердим кулча нонимни ҳар чоқ  
Болалар-ла оқизоқ ўйнаб.

Шундай ҳолат бир кун юз берди —  
Оқиб кетди қўлдаги ноним.  
Тутаман деб, кимлар сўз берди,  
Лекин ета олмади ҳеч ким.

Болаликда дунё кенг экан,  
Тенгдошларим бирга юришди...  
Бирин-кетин сахийлик билан  
Нонларидан бўлиб беришди.

Аммо ўйлаб қолдим мен бугун,  
Гарчи ўтди кунлар бир талай,  
Нон кетидан чопмадим нечун?  
Ўзимники эди ҳар қалай...

Бир умрга яшайман наҳот  
Ўзлимда кемтиклик сезиб,  
Қушлар кўкда қоқаркан қанот,  
Майсазорда юраркан кезиб...

Эҳ, болалар, оқизоқ ўйнаб,  
Эртаю кеч, жўшсин қонингиз,  
Тезроқ чопинг, қараб турманг жим  
Сувда оқиб кетса нонингиз.

## Хат

Очилмаган хатинг қўлимда, мана,  
Юракни ўйнатар ҳаяжон яна.

Неларни ҳикоя қилар менга хат,  
Ғончи боғларида — осмонча ҳайрат.

На ҳижрон бордегу на бадкор рўё,  
Беқиёс кўринар кўзимга дунё.

Онлар бирам тотли, онлар нашъали,  
Очганим йўқ хатинг, ҳолбуки, ҳали...





**Охунжон  
Ҳакимов**

### Ер ҳақида қўшиқ

Қорами,  
Кўнғирми,  
Сариқми,  
Кулранг,  
Барибир, инсонни боққан тупроқсан.  
Дунёда нимаки муқаддас бўлса  
Узинг барчасидан муқаддасроқсан!

Бомбалар зарбидан гуриллаб ёниб,  
Гоҳо айлансанг-да қурумга, кулга,  
Бут этиб келасан одамзот нонин,  
Ризқу тириклигин олиб кафилга!

Шунданми,  
қўллари осмонга етиб,  
Ҳаттоки ойни ҳам этса-да макон,  
Аммо, дил меҳрини ошқора этиб  
Сенга эгилгани-эгилган инсон...

\* \* \*

Ютуқлар жадвалига тикканча кўзин  
Шивирлаб,  
«Ишқилиб боққил, — деб, — омад»,  
Борлиқни унутиб,  
Унутиб ўзин,  
Турарди бир йигит — норғул, девқомат.

Кўлида бир даста лотереяси,  
Жадвал сеҳрламиш ййи, диққатин,  
Нигоҳи,  
Вужуди,  
Қалби,  
Мияси  
Титкилаб чиқарди рақамлар қатин.

Бўлмади.  
Барчасин ғижимлаб отди!  
Бошин қуйи солиб тортди чуқур «уф».  
Кўзлари аламдан турарди дод деб,  
Яна юз ўғирди бахтли тасодиф...

Асабий титрарди лаблари ҳатто,  
Яна ушалмасдан қолди тилаги.  
Сезмасми у омад этишин ато  
Тоғдай елкалари,  
Чайир билаги?

### Дарахт ва тупроқ

«Меваси — бол тағмли,  
сояси — бай-бай...»  
Роса мадҳ этамиз дову дарахтни.  
Унга бағишлаймиз қанча шеърый байт,  
Сен билан топди деб, боғбонлар бахтни.

Наврўзи оламнинг нафаси эсса,  
Бошига ям-яшил рўмол ёпинар.  
Яшнаса, осмонга қанча бўй чўзса,  
Ажабо, тупроққа шунча топинар!..

Дарахтга парвариш беради йиллар,  
Йил сайин улғайиб, гуркирар кўркам.  
Икки қулоч ерни Ватан деб билар,  
Бир парча заминни чангаллар маҳкам!

Дайдиган шамоллар ташланса беҳос,  
Остин-устин қилиб, тўзғитса боғни,  
У бутун жисмила қўпорилар, рост,  
Аммо чангалидан қўймас тупроқни.

Менга дарахтларнинг ушбу хислати  
Юртсевар одамлар умрин эслатди!

\* \* \*

Сенга адоват-ла боққан кўп экан,  
Иғво қилар экан ғанимлар бот-бот,

Бошингни кўтаргин, эркаксан, эркак,  
Сенга бу кураишда тиларман сабот!

Агар ғанимларинг бор экан, демак,  
Сен бўйин эгмабсан асло хўрликка.  
Демакки, кўксингда урмоқда юрак,  
Фуруринг — саломат, боқишинг тикка!

Асло бадкорлардан юрмагил чўчиб,  
Зорлана кўрмагил бор деб душманним.  
Билким, ялтоқланиб умр кўргувчи  
Шўрликлардагина бўлмас ҳеч ғаним...

## Алла айтаверинг...

Юзу ёноқлари лўппи, лоларанг  
Кўчани тўлдириб юрар болалар.  
Чучук сўзларини англайсиз аранг,  
Бир ширин чулдираб юрар болалар.

Кушлар тинса тинар, тинишмас улар,  
Шодон қийқириқда юрар қувлашиб.  
«О, тойлоқлар-эй!» деб, бошларин силаб,  
Кексалар ўтишар конфет улашиб...

Болалар...  
Кийқириб кулишар хандон,  
Бири тарақлатиб ногора чалар.  
Чиқиб келаверар бир хонадондан  
Салкам бир эскадрон «суворий»чалар!

Ургилсанг арзийди бизнинг удумдан:  
Гўдакларга қучоқ очиб келганмиз,  
Қанча дунёларни қадим-қадимдан  
Гўдаклар бошидан сочиб келганмиз!

Кўнглимиз дарёдир, феълимиз кенгдир,  
Нону насибамиз, ризқимиз қутлуғ.  
Уйларни яшнатган мунису камтар,  
Хушфеъл янгажонлар, сизга минг қуллуқ!

Биласиз, биз киммиз — жаҳонга равшан  
Наслу насабимиз, тагу тугимиз.  
Аммо, янгажонлар, ростини айтсам,  
Сизга боғлиқ яна улўғлигимиз!

Жаҳонга

Ўзбекнинг болажонлиги  
Сизнинг ҳимматингиз билан ёйилар.  
Тинчлик қўшиғидек қутлуғ аллангиз  
Борлиққа таралсин, келинойилар!







Габриэль  
Гарсиа Маркес

## Ошкора қотиллик қиссаси

Беписандлик билан ҳам меҳр-муҳаббат  
қозониш мумкин.

Жил ВИСЕНТИ<sup>1</sup>

Рус тилидан Тоҳир ҚАҲҲОР  
таржимаси



Котиллик юз берган ўша куни Сантьяго Носир, тонгги кемада келаётган епископ ҳазратни кутиб олиш ниятида, эрталабки соат беш яримда уйғонди. Уйғонишидан аввал туш кўрди: анжирзордан ўтиб бораётганмиш, оҳиста, севалаб ёмғир ёғаётганмиш — мана шундай хушсаодат рўё мuddатида у бирмунча ўзини бахтиёр ҳис қилган эди, аммо кўзини очиб, бошига беҳосдан қуш ахлати тушгандай, таъби тирриқ бўлди. Орадан йигирма етти йил ўтгач, унинг онаси Пласида Линеро ўша машъум ва мусибатли душанба кунини батафсил хотирларкан, менга: «У тушида кўпинча дарахтларни кўрарди, — деди. — Улимидан бир ҳафта олдин ҳам туш кўрган эди, айтишича, якка ўзи кўрғошин қоғоздан ясалган самолётга ўтирганмиш, бодомзорлар аро парвоз қилганмиш, учармиш-у, учоқнинг қанотлари бирорта дарахтга урилмасмиш», деди у яна. Пласида Линеро ўзгалар тушига дарров таъбир айтгучи, муаббирликда устаси фаранг аёл эди, лекин у ўз ўғлининг қандайдир дарахтларга боғлиқ тушларида ҳам, ўлдирилган куни ва ундан бир ҳафта аввал кўрган тушида ҳам ҳеч бир аломатни сезмаган эди.

Сантьяго Носирнинг ўзи ҳам фалокат белгисини туймаган эди. У асли камуйқу эди, кийимларини ечмай ётарди, ёмон ухларди; эрталаб боши оғриб турарди, ичида ит ўлгандай оғзидан бирам қўланса ҳид келардики, кўнгли айниб, тўйда ярим кечагача ичишнинг жазоси шу-да, дея ўзини койиб кўярди. Унинг эрталаб олтидан беш дақиқа ўтганда уйдан чиққанинию роппа-роса бир соат кейин чўчкадай бўғизлаб ташланганини кўрган барча кишиларнинг эслашича, у ўшанда,

<sup>1</sup> Жил Висенти — тахминан 1470—1536 йилларда яшаган португалиялик атоқли драманавис ва ҳажвғўй шоир.





Лотин Америкаси мамлакатларини Гегель «келажак диёрлари» деб атаган эди. Бу халқларнинг ҳозирги адабиёти жаҳоннинг замонавий бадий маданиятида ноёб ҳодиса деб тан олинмоқда. Империализмга мутоллик, қарамлик исқанжасини ёриб, мустақил ижтимоий тараққиёт йўлига чиқаётган бу қитъадаги курашчан халқларнинг маънавий маёқлари — Пабло Неруда, Давид Сикейрос, Жоржи Амаду, Николас Гильен кабилар сафига кейинги ўн йилликлар мобайнида колумбиялик Габриэль Гарсиа Маркес келиб қўшилди. Аракатака шаҳридан чиққан ёш репортёр олтимишинчи йилларда катта адабиётга дадил кириб келди. 1959 йилги Куба инқилоби унинг ҳаётида, дунёқарашда кескин бурилиш ясади. Фидель Кастронинг яқин дўсти ва маслакдоши Габриэль Гарсиа Маркес етмишинчи йилларда ёзган ҳамма асарларида [«Улуғ Момонинг дафи этилиши», «Қора кун» в. б.] Лотин Америкаси мамлакатларидаги ижтимоий-инқилобий жараёнларни зийраклик билан таҳлил этади. Уни дунёга танитган «Елғизликнинг юз йили» романи ҳам шу йилларда юзага келган эди. Қитъанинг инқилобий нафаси уфуриб турган бу асарларда социалистик идеаллар эътиқоди бадий тафаккур йўсинига сингишиб кетган. Лотин Америкаси мамлакатларидаги янқа ҳукронлар, «қўғирчоқ» диктаторлар истибдодининг бирин-кетин инқирозга юз тутишини замонлар оқимининг қонунияти, ижтимоий адолат муқаррарлиги деб билган адиб саксонинчи йиллар ўртасида шоҳ асари — «Мустабдининг паймонаси» романини эълон қилди. Асарнинг бош қаҳрамони ўз халқини қон-қора қақшатган қабиҳ ва зolim диктаторларнинг [Батистами ё Трухилё, Сомосами ё Пиночет — бари бир] умумлашган рамзий образидир. Шу билан бирга, асар тарих ва инсон ҳақида, шахс ва халқ, инсонпарварлик ва зулм ҳақидадир.

Умуман, Габриэль Гарсиа Маркеснинг образлар дунёси, бадий-фалсафий рамзлари, адабий умумлашмалари жуда мураккаб. Унда бир-бирига зид услубларнинг, қутилмаган бурилишларнинг, қомил ва фожейи, замонавий ва тарихий лавҳаларнинг, афсонавий ва реал воқеаларнинг ажойиб бир тарзда бирлашиб кетганини кўрасиз. Маркеснинг ижтимоий фантастикаси, кўп ва ботин маъноли образлари, халқ ҳаёти тажрибаларини умумлаштирувчи асотир ва афсоналари реал бадий тўқимада алоҳида таъсир кучи касб этади.

1981 йил бошида унинг «Ошқора қотиллик қиссаси» деган янги асари илк нашридаёқ бир миллион нусхада босилиб чиқди. Олдинги романлардаги бадий маънолиликни айтдик, бундай услубнинг асосий белгиси шуки, унда халқ жўр овоз билан зolim ҳукрон ва ўз тарихи ҳақида афсона тўқиётгандай туюлади. Қиссада ҳам биз аввало халқ ҳаётини кузатамиз, уни инсон умридаги муҳаббат, ғазаб-нафрат, ўлим, номус, бахт, мусибат каби энг муҳим ҳодисаларга муносабатда кўрамиз, яъни, халқ ҳаёти туйғу ва эҳтиросларда намён бўлади. Оддий маиший ҳаёт воқеаларидан ҳиссиётларга тўла халқона поэзия яратилади. Испан корридолари руҳидаги сюжет халқ ахлоқий қондалари негизда ҳикоя қилинади.

Қисса бир қарашда оддий кўринган услуби билан авторнинг илгариги йирик асарларидан кескин ажралиб туради. Лекин у адибнинг ўша машҳур романлари тайёрлаган Макондо заминига қурилган. Макондо эса, Маркес ижодида — Лотин Америкасининг рамзидир.

Асарда ўлим юз беради. Ҳеч ким, ҳатто қотилларнинг ўзи ҳам истамаган ўлим. Лекин бунга ҳамма айбдор. Худбинлик билан, одамларнинг бир-бирига бегоналиги билан мураса қилиб келган барча кишилар айбдор.

Шу йўсинда оддий оилавий-маиший воқеа катта ижтимоий оҳанг касб этади. Маълумки, одамларни ҳаёт учун, инсон ҳаёти учун жавобгарликка давват этиш давримизнинг актуал ғоясидир. Автор келажакка умид тутати. «Келажак диёрлари»да ҳозир истиқболга интилиш нақадар кучли эканини ҳурматли китобхонлар яхши билишади, албатта.

«Ошқора қотиллик қиссаси» — Габриэль Гарсиа Маркеснинг ўзбек тилига таржима қилинган дастлабки йирик асари. Унинг «Ешлик» журналида босилиши — атоқли адибнинг энг реалистик услубда ёзилган асарларидан бири бўлгани ёки қиссада биз учун ҳам қизиқарли замонавий маънавий-ахлоқий муаммолар кўтарилгани туфайлигина эмас, балки, шу билан бирга, ёш китобхоннинг Маркес ижодидаги мураккаб образлар дунёсига кириб бориши учун ҳам қулай дебоча сифатида катта аҳамиятга эга бўлади, деган фикрдаман.

Асқад МУХТОР,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



юз-кўзидан ҳали уйқуси ўчмаган эса-да, вақтичоғ одимлаб бораркан, ҳар бир дуч келганга, бугун кун очик бўлади, дея таъкидлаб ўтган. Бироқ, шоҳидларнинг бирортаси ҳам бу гапнинг об-ҳавога нечоғли алоқадорлигини аниқ, беиштибоҳ айтиб беролмади. Уларнинг баъзиси, қуёшли кун эди, денгиз тарафдаги бананзорлардан энгил шабада эсаётувди, дейишса, баъзилари бунинг аксини айтиб, расво кун эди, осмон тунд, паст, қоп-қора эди, ҳаводан ачиган сув ҳиди анқирди, бахтсизлик рўй берган пайтда эса, айни Сантьяго Носир тушида кўрган ёғинга ўхшаб майдалаб ёмғир ёғаётган эди, дейишди.

Мен ҳам ўша куни тўйда тонготар маишатбозлик қилиб, ишқу ишрат илоҳаси Мария Алехандрина Сервантес қучоғида масту мустағриқ бўлиб, кўзим илинган экан, басма-басига чалинган жом садоларидан уйғониб кетдим, бу маҳобатли садолар епископ ҳазрат шарафига янграмаяптимикиан, дея ўйладим.

Сантьяго Носир ўша куни саҳарда оқ сурпдан тикилган байрамлик шимини кийди, кўйлагини эгнига илди, бу либослар ҳам кеча тўйга кийилган уст-боши каби оҳорланмаган эди. Илло, епископ ҳазратнинг ташрифи бўлмаганида, у одатдагидай оч мошранг кўйлак-шимини, суворий этигини киярди. У ҳар душанбада шундай қиёфада Дивино Ростро — Тангри талъат маконидаги отамерос кўрғонига жўнардди. Кўрғонда отасидан қолган молхона бор эди, бу мулкдан айтарли фойда кўрмасе-да, у мол-ҳолига яхши қарарди. Тоғдаги яйловга борса, «магнум-357» тўппончасини белига қистириб оларди, ўзининг айтишича, агар тўппончанинг оғир пўлат ўқи отга тегса, миясининг қатигини чиқариб юбораркан. Каклик ови мавсумида у лочинотар милтигини ҳам олиб юрарди. Бундан ташқари, жавонида «малинхер-шёнавер-30.06», «холланд-магнум-300», «хорнет-22» каби қўшдурбинли бешотарлари, кўп ўқли «винчестер»и сақланарди. Сантьяго Носир отасига ўхшаб ёстиғи остига тўппончасини қўйиб ухларди. Уша куни, уйдан чиқишидан аввал, у тўппончадан патронтошларни сўғуриб олиб, қуролини каравоти ёнидаги жавончага ташлаб қўйган. Онаси менга: «У қуролини ҳеч маҳал ўқланганча қолдирмасди», деди. Мен буни билардим. Шунингдек, тўппончани алоҳида бир жойда, ўқларини бошқа ерда асраши — бирор фалокат босмасин дея шундай қилиши менга аён эди. Бу оқилона тadbир ҳам унга отамерос эди: бир куни хизматкор хотин ўринни йиғаётиб, ёстиқни кўтарганда, тўппонча пастга тушиб, ерга тегиши биланоқ варанглаб отилиб кетган; ўқ хонадаги кийим-кечак жавонини торс ёриб, деворни тешиб ўтиб, чийиллаганича қўшнинг ошхонаси оша бориб черков майдонидаги сармехробда турган, одамбўйи келадиган авлиёнинг бўрдан ясалган ҳайкалига теккан ва чангини чиқариб юборган. Сантьяго Носир у замонлар ёш бола эди, аммо мана шу воқеа унга катта сабоқ бўлган.

Онасининг эслашича, ўғли ўша куни унинг ётоғидан шошиб ювиниш хонасига ўтган ва шу ҳолат волида ёдида сўнги хотира каби муҳрлиниб қолган. Сантьяго Носир ювиниш хонасидаги дорикўтичадан бошоғриқ дори қидириб пайпасланаркан, шарпадан онаси уйғониб кетган. У чироқни ёқаркан, эшик ёнида бир қўлида сувли стакан, дори ичмоққа тараддулланиб турган ўғлини кўрган — бу ҳолатни онаизор бир умр сўзлаб юрди. Худди ана ўшанда Сантьяго Носир унга кўрган тушини айтиб берган,

бироқ онаси дарахтлар хусусидаги иборага эътибор этмаган.

— Тушга қушлар кирса, бу фақат яхшилиқ аломатидир, — дея таъкидлади у менга ҳам.

Мен Сантьяго Носир фожиаси тафсилотини тўла билмоқ ниятида яна ўша матлуб ва унут гўшага келганимда, Пласида Линеро қариб, умр шами пирпираб қолган, жигарбандини сўнг бор кўргандаги каби ҳолда — тўрбеланчакда оҳиста тебраниб ётар эди. У куппа-кундузи ҳам одам шарпасини элас-элас илғарди; энсасига доривор гиёҳ барглари ҳўллаб ёпиштирилган — ўғлини охириги марта кўрганига оид турмушибат хотира бошини муттасил оғрийдиган қилиб қўйган эди. Аёл тўрбеланчак бошидаги арқон тутқични ушлаганича ёнбошлаб ётарди, шарпамни сезган заҳоти ўридан қимирлаб, турмоққа уринди; нимқоронғи хонадан чақалоқ чўқинтириладиган жомда қолган оқава сув ҳиди анқирди, бу бадбўй ҳид ўша қотиллик рўй берган куни тонгда ҳам менга қаттиқ таъсир қилган эди.

Мени остонада кўриши биланоқ аёл Сантьягони ёдга олди. «Бологинам худди шу жойда, шундай ҳолатда турган эди ўшанда, — деди. — Эгнига ювилган, оҳорланмаган оқ сурп костюм кийувди, териси нозик эди, оҳорланган либосни хуш кўрмасди». Аёл занжабил дорисини шимиб, хаёлхонасига кириб келган ўғлининг кетиб қолишини истамагандай, тўрбеланчакда узоқ муддат ўй суриб ўтирди. Кейин дилтанг хўрсиниб: «У ҳаётимнинг ёлғиз шамчироғи, бирдан бир таянчим эди», деди.

Мен онанинг ёдида Сантьяго Носир азобу бахтсизлик тимсоли каби сақланиб қолганини ҳис этдим. Январнинг охириги ҳафтасида у йигирма бирга тўлган эди, хушқад, бир оз рангап, қош-қовоғи жингалак сочлари айни арабий — қўйиб қўйгандай отасига ўхшар эди. Сантьяго Носир ёлғиз ўғил бўлиб, унинг ота-онаси молиявий ҳисоб-китоб ришталарини мустаҳкамлаш ниятида турмуш қуришган, бу ёруғ дунёда бадбахтлик ва корибад соясидан бошлари чиқмаган кимсалар эди; бироқ у авваллари отаси борлигидан ғурурланиб, ўзини хушбахт санар эди; отаси уч йил олдин тўсатдан қазо қилиб, у онаси билан сўппайиб қолган ҳам, машъум душанба куни ўзи ўлдирилгунига қадар ҳам саодат нашъасини суриб юрган эди. Онасининг нозикфаҳмлиги унга ҳам юққан эди; отаси эса, унга болалигиданоқ милтиқ отишни, чавандозликни, шикор қушлари билан ов қилишни, энг муҳими, мардлик ва жасурликни ўргатган эди. Ота-бола ўзларича араб тилида сўзлашишар, Пласида Линеро ёнларида турган бўлса, суҳбатдан у ҳам бебаҳра қолмасин, дея испанчада гаплашишар эди. Бу атрофда уларнинг қурол кўтариб юрганини бирор жонзот кўрмаган, фақат бир гал лочин билан овланган қушларни оломонга кўз-кўзлаш учун хайрия бозорига олиб келишган, холос. Отаси ўлгач, Сантьяго Носир ўрта мактабни тугатиб, ўқишни давом эттира олмай, кўрғондаги мол-ҳолга қарашга мажбур бўлди. У табиатан кўнгли очик, қувноқ, хушфёъл йигит эди.

Ўшанда, уни сўйишган куни, онаси ўғлининг бошдан-оёқ оппоқ кийинганини кўриб, бугун душанбамас-ку, болагинам кунни адаштирибди-да, дея ўйлаган. «Бугун душанба эмас, ўғлим, деб унга эслатдим ҳам», деди у менга. Шунда йигит байрамлик либосларини епископ ҳазрат ташрифи муносабати билан кийганини, худо хоҳласа, ҳазратга юкиниб, узугини ўпиш нияти ҳам йўқ эмаслигини айтган. Бу гап онасининг ғашига теккан.

— У кемадан пастга тушмайди, овора бўлма, — деган у ўғлига. — Ҳар доимгидай, кема саҳнида турган кўйи сомеларни дуо қилади-да, яна келган жойига жўнаб кетади. У зот шахримизни ёмон кўради.

Сантьяго Носир бу гапнинг тўғрилигини биларди, аммо черковнинг тантанали маросими, оломоннинг шов-шувли тараддуди унинг ақлу ҳушини олиб қўйган эди. «Худди кинодагига ўхшайди», деган эди у менга ўшанда. Онани епископнинг ташрифи ҳам, халойиқнинг оммавий ибодати ҳам қизиқтирмасди, у ўғлининг эрталабда юпун кийиниб, шамоллаб қолишидангина чўчирди: ўғли кечаси уйқусида акса ургандай туюлган эди унга. Болам, соябонингни олвол, деган эди. Сантьяго бепарво қўл силтаб, хонадан чиқиб кетаверди. Она ўғлини ўшанда охириги марта кўрган.

Ошпаз хотин Викториа Гусманнинг тасдиқлашича, ўша куни ҳам, бутун февраль ойида ҳам ёмғир ёлмаган. «Аксинча бўлувди, — деди у бир гал менга, ўлимидан сал аввал йўқлаб борганимда. — Эрта тонгданоқ қуёш қиздирарди, кунлар августдагидай иссиқ эди». Сантьяго Носир ошхонага кирганда, у тушликка деб учта қуённинг гўштини нимталар, атрофида очофат итлар сўлагини оқизганча айланишар эди. «Эрталаблари унинг афти тунда кўз юммаган кишининг юзидай ҳорғин бўларди», дея эслади Викториа Гусман йигитга ҳамон нафрати борлигини яширмасдан. Унинг қизи Дивина Флор — Жаннат Гули, энди-энди очила бошлаган гулғунчадай қиз — шакарсиз қаҳвага ром қўшиб, банддор пиёлада Сантьяго Носирга узатган. Одатда, у ҳар душанбада бу ишни такрорлар, ромли қаҳва йигитнинг бир кун аввалги ичкиликбозликдан бўшашиб, кучсизланган жисму жонига мадор бағишлар эди. Ошхонадаги катта ўчоқда аланга чирсиллаб-ши-вирлар, баланд қўноқда товуклар ҳамон мудрашар, қисқаси, одатий, сирли ҳаёт давом этар эди. Сантьяго Носир яна бир дона бошоғриқ дорини ютиб, қаҳвани майдалаб ичаркан, ўй сурган кўйи, тоштахтада қуённинг ичак-чавоғини тозалаётган иккала аёлдан кўз узмай ўтирарди. Викториа Гусман, ёши ўтинқираган бўлса-да, ҳамон дилбар эди. Қиз бирмунча ёр, ўжар кўринад, ёшлик эҳтироси ва жунуни кўпиртириб турган қони томирларига сиғмай, жўшиб, рангига уриб, нафасини сиқиб қўяётгандай туюлар эди. У қаҳвадан бўшаган пиёлани олгани келганида, Сантьяго Носир унинг қайноқ билагидан маҳкам тутди.

— Сени айни жиловлаб, минадиган пайт келди-да! — деди у қизга зинокорона нигоҳини тикиб.

Викториа Гусман унга қон юқи пичоқни ўқталиб:

— Қўйвор уни, бетавфиқ! — деди хўмрайиб. — Кўзим очиқ экан, бу булоққа тумшугингни текки-золмайсан!

Иброҳим Носир, Сантьягонинг отаси, Викториа Гусмани қизлик маҳалида авраб, бузиб қўйган эди. Қўрғондаги отхонада у билан бир неча йил давомида яширинча учрашиб, айш суриб юрди, ишқи сусайиб, ҳовридан тушгач, уни хизматкорликка олди. Дивина Флор унинг сўнги жазманидан орттирган танҳо зурёди эди. Қиз ҳам Сантьяго Носир бир кунмас-бир кун бағрига босишини, исмати қон йиғлайдиган кўрпа айнан шу гўшада тўшалажагини олдиндан сезиб юрар, кўнглида ўшандай сирли кечани истовчи майл уйғонган эди. Кейинчалик уни кўрганимда, бир неча ўйнашларидан орттирган болалари ўртасида семизликдан пишиллаб, ғамгин ўтирар экан, менга: «Во

дариф, энди ундай йигитни бу дунё қайта кўрмайди!» деди. Онаси Викториа Гусман унинг гапини бўлиб: «Қўйиб қўйгандай отасининг ўзи эди, — деди. — Иккаласи ҳам расвои раддибало!» У, қуённинг ҳовури кўтарилиб турган ичак-чавоғини шартта суғуриб олиб, итга ташлаганида, Сантьяго Носирнинг қаттиқ қўрққанини эслаб гапираркан, овози титраб кетди.

— Мунча бағритошсан, — деган эди у ўшанда жувонга. — Ўзинг ўйла: шу қуёнмас, одам бўлса, нима қилардинг?!

Химоясиз даррандаю паррандаларни овлаб, ўлдириб юрган йигитнинг бу қадар ҳаяжонга тушганини англаб етгунча Викториа Гусманнинг умридан йигирма йил ўтди. «Ё раб! — деди у ўшанда ваҳимадан титраб. — Наҳотки у аломати ғайб, ажал элчиси бўлган эди?!» Инчунун, қотиллик рўй берган ўша тонгда, ошпаз хотин азбаройи ғазабланганидан, Сантьяго Носирнинг нонуштасини заҳарга айлантириш учун қуёнларнинг қонга ботган ичак-чавоғини юлиб-юлқиб, итларга басма-бас отаверган. Хуллас, епископ тушган кема бандаргоҳ томонда қулоқни қоматга келтириб овоз қилгунча — шаҳар уйғонгунгача бўлган аҳвол шундай эди.

Носирларнинг уйи аввал икки қаватли омборхона эди, девори рандаланмаган тахталардан тикланган бўлиб, томи икки тарафи нишоб, рухланмаган тунука билан ёпилган, том тепасидаги каптархонада худонинг берган куни ўлимтикхўр қузғунлар ғужғон ўйнаб, бандаргоҳда йиғилган ахлатнинг тўкилишини кутиб ётишар эди. Иморат анча эски замонларда, дарёда кемалар бемалол сузадиган, денгиз қайиқлари ҳам ботқоқ ўзани бехавотир айланиб ўтиб, шаҳарчага кира оладиган пайтларда тикланган. Ички урушлардан бири тугаганда, арабларнинг сўнги гуруҳи сафида бу ерга Иброҳим Носир ҳам боши оғиб келиб қолган, ўшанда дарё ўзанини ўзгартириб, кемалар денгиздан бандаргоҳга йўламай қўйган, шу боис омборхоналар ҳам кераксиз маконга айланган эди. Иброҳим Носир иморатни сувтекинга харид қилди. Бу ерда хорижий моллар сотиладиган дўкон очмоқчи ўйлаган эди, афсуски, нияти амалга ошмади. Уйланиш тараддудига тушгач, у ёқ-бу ёғини тузатиб-безатиб, омборхонани уй қилиб олди. Пастки қават меҳмонхона бўлди, уй орқасига эса, тўртта отга мўлжалланган отхона, хизматкорлар яшайдиган кулба, шунингдек, деразасидан доимо кўлмаксус хиди келиб турадиган бандаргоҳ тарафга қараган ошхона қурилди. Қайсидир бир ҳалокатга учраган кемадан ёдгор қолган айланма зинагина таъмир этилмади, иморатнинг бошқа ҳамма жойига Иброҳим Носир қўл уриб чиқди. Аввал божхона маҳкамаси саналган иккинчи қаватни у иккита ётоқхонагаю туғилажак бир гала болаларига мўлжалланган бешта кичик-кичик хоналарга айлантирди. Бундан ташқари, пастда, майдонда ўсган бодом дарахтларининг нақ устида қад керган ёғоч пешайвонни ҳам ўзи тиклади; эридан ажралиб ёлғиз қолган Пласида Линеро март оқшомларида, жудолик аламини энгиллатиш дардида, худди шу пешайвонга чиқиб ўтирарди. Иброҳим Носир бинонинг кунгай томонидаги кўча эшикни тузатиб, иккита ойна солинадиган кўз ясаттириб, атроф-гирдини ўймакор қилдирган эди. У иморат ортидаги йўлакни ҳам аввалги ҳолича қолдирган, фақат эшик пешбурунини сал юқори кўтариб, отлиқ одам ўта олишига мослаган эди; Иброҳим Носир эски лангаргоҳдан ҳам фойдаланиш йўлини топган. Хулласи калом,



асосан орқа эшикдан юриларди, у орқали ошхонага-ям, молхонагаям, энг муҳими, майдонни кесиб ўтилмаса-да, янги бандаргоҳга ҳам чиқиларди. Кўча эшик эса, байрам кунларигина очиларди, бошқа пайтда мудом тамбалаб қўйиларди. Шунга қарамай, Сантьяго Носирни ўлдирмоққа чоғланган қотиллар серқатнов орқа эшик ёнида эмас, айнан шу кўча эшик рўпарасида уни пойлашган, ажал етаклаганми — билмадим, у ҳам йўл айланмалигини билатуриб, худди шу кўча эшик орқали епископни кутишга ошиқиб чиққан. Шундайин машъум, айқаш-уйқаш воқеалар рўй берганки, эшитган ҳар қанақа одамнинг ақли шошиб қолади. Риочидан етиб келган терговчи, афтидан бирор нарсани сезган шекилли, ўша серфалокат ва уйқаш ҳодисаларга расман эътибор қилмагандай туюлса-да, уларни ўзича шарҳлашга, одилона баҳолашга урингани терговномадаги баъзи саҳифалардан очиқ-ойдин кўриниб турар эди. Гувоҳлар майдон томонга очиладиган кўча эшикни ҳар эшлашганида, терговчи бу тафсилотга алоҳида урғу бериб, худди олди-қочди асарларидаги каби «машъум эшик» деган иборани ёзиб қўйган. Аслида эса, бу ажиб тафсилотга оид бирдан бир тўғри, диққатга молик гапни, терговчининг саволларига жавоб бераётиб, Пласида Линеро айтган: «Менинг ўғлим байрамлик кийимида ҳеч қачон кўчага орқа эшикдан чиқмаган», деган у чин оналик шаҳодати билан. Бу далолат шу қадар содда, жўн эдики, терговчи уни ҳошияга ёзиб қўяқолган, суд иши ҳужжатларига киритмаган.

Виктория Гусман сўроқда: ўламан саттор, ҳеч нарсани билмайман, мен ҳам, қизим ҳам Сантьяго Носирни ўлдириш ниятида кимлардир пойлаб турганидан мутлақо беҳабар эдик, дея саркашлик қилди. Бироқ у, йиллар ўтгач, йигит ошхонага қаҳва ичгани киришидан аввалроқ унинг жонига қасд этилганидан ўзи ҳам, қизи ҳам хабардор бўлганини тан олиб гапирди. Эрталаб соат бешларда сут сўраб кирган бир хотин уларга бор гапни, суиқасд сабабини ҳам, саллоҳлар уни қаерда кутиб туришганини ҳам айтган. Виктория Гусман менга: «Бу шов-шув маст-аластларнинг алжирашидир-да, дея ўйлаб, унга айтиб ўтирмаган эдим», деди. Дивина Флор эса, уни онаси ўлганидан кейин йўқлаб борганимда, тонг қоларли ҳақиқатни айтди: «Онам кўнглида Сантьяго Носирнинг ўлимини тилагани учун ҳам суиқасдчилар пойлаётгани хусусида менга оғиз очмаган». Ушанда Дивина Флор ҳар қалай ёш, дийдаси қотмаган бир қиз эди, бунинг устига, азбаройи қўрқиб кетганидан ўзича бирор тадбир кўришга ақли етмаган; йигит кўлидан ушлаганида эса, баттар ваҳимага тушган ва тасавурида унинг кўллари мурданикидай совуқ, тошдай қаттиқ туюлган.

Тонг ғира-ширасида — епископ келаётган кема гуриллаб овоз бераётган чоқда, Сантьяго Носир катта одимлаб уйдан чиққан. Дивина Флор эшикни очиш ниятида олдинга чоғлан; ёнлаб ўтаман, деб ошхонадаги қуш қафасларига урила-сурила, четандан тўкилган жиҳозлар, қирққулоқ буталари оралаб кўча эшик томон ошиққан, аммо лўкидонни тушуриши биланоқ, Сантьяго Носир унинг ёнига етиб келган ва қиз «қирғий панжаси»дан қочиб қутулолмаган. «Баданимни хамирдай эзгилаб ташлади, — деди менга Дивина Флор. — Кўпинча у мени хилватда ёлғиз тутволиб, бағрига босиб эзгилагани эзгилаган эди; лекин ўша кун аввалгидай ҳадиксирамадим, безилламадим, балки даҳшат ваҳмидан бўзлагим келди». Қиз унинг бағридан бўшалиб, нари сурилиб,



очиқ эшикдан уни ўтказиб юборгану ташқарида, майдонда қордай оппоқ бўлиб гуллаган, сахар ёғдулари аро шаффоф порлаб турган бодом дарахтларига кўзи тушган, камоли ҳаяжонланганидан бошқа ёққа назар солишга мадори етмаган. «Ушанда кеманинг товуши тиниб, хўрозлар қичқира бошлаган эди, — дея гапида давом этди Дивина Флор. — Хўрозларнинг овози шу қадар ўткир, қулоқни қар қиладиган даражада шовқинли эдики, мен шахримизда парранда шунчалик кўплигини ақлимга сиғдирилмай, бу хўрозлар епископ билан бирга кемада олиб келингандир, деб ўйлабман». Гувх Пласида Линеронинг ёзғиришича, оқсоч қиз ўзига ҳеч қачон насиб этмайдиган бу йигитга қилиши лозим бўлган бирдан бир яхшилик — лўкидонни солмай, эшикни очиқ қолдириш эди; шунда ўғли, асқатган тақдирда, дарров уйга кириб, хавфдан қутулар эди. Номаълум кимса — унинг шахси аниқлай олинмаган — остонага хат ташлаб кетган, унда Сантьяго Носир суиқасддан бохабар этилиб, уни кимлар, қачон, қаерда ўлдирмоқчи экани батафсил кўрсатилган. Сантьяго уйдан чиқаётганда ҳам мактуб ерда ётган, ammo йигит уни пайқамаган; унга Дивина Флорнинг ҳам кўзи тушмаган, умуман, хатга ҳеч зот эътибор бермаган, уни қотиллик амалга оширилгач, анчадан кейингина кўришган.

Соат олти, кўчаларда чироқлар ҳамон ёниқ. Бодом шохларида, баъзи уйлар пешайвонида тўй муносабати билан осилган, рангин қоғозлардан ясалган гулчамбарлар солланади, дабдурустдан кўрган киши, гулчамбарлар епископ шарафига осилган, деб ўйлайди. Ибодатхона айвонига туташ, тўртбурчак тош ётқизилган майдон саҳнида машшоқларга мўлжаллаб тахтасупа ясалган, супа кечаги оломонсайилдан кейин бўш шишалару турли нишхўрд чиқиндига тўла ахлатхонага айланган эди. Сантьяго Носир кўчага чиққанда, кема шовқинини эшитиб бир неча киши бандаргоҳ томон чопиб кетаётган эди.

Майдондаги барча маҳкамалару уйларнинг эшиги берк, фақат черков яқинидаги сут дўконигина очиқ, Сантьяго Носирни сўйишга қасд этганлар уни худди ўша ерда пойлашаётган эди. Уни дастлаб сут сотувчи хотин — Клотильде Армента кўрган, тонгги тиниқ шуълаларда йигитнинг оппоқ кийими унга симоби матодан тикилгандай туюлган. «У кўзимга оқянтироқ либос кийган арвоҳдай кўринди», деди у менга. Қосидлар рўзномага ўроғлиқ пичоқларини маҳкам қучоқлаганча пештахта тагида ухлаб ётишарди. Клотильде Армента уларни уйғотиб юборишдан чўчиб, нафасини ютиб, дамини чиқармай лол тураверган.

Суиқасдчилар — Педро билан Пабло Викариолар — йигирма тўртга кирган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш йигитлар эди. Терговчининг ҳисоботида: «Кўриниши хунук бўлса ҳам, феъли, муомаласи яхши экан», деб ёзилган. Мен ҳам, икковини мактабда ўқиб юрган пайтларидан биладиган одам сифатида, худди шу гапни айтган бўлардим. Улар кеча тўйда кийган энгилларини — бизнинг Кариб денгизи қирғоқларидаги мазгилларда одамни бирмунча олифта, бақалоқ қилиб кўрсатадиган қора жун костюмларини ечиб улгуришмаган, ўйин-кулги, зиёфату ичкиликдан хориган юзлари эзгин бўлса-да, соқоллари одатдагидай қиртишлаб олинган эди. Тўй арафасидаги базмдаёқ маст бўлиб олган эгизаклар, уч кеча-кундуздирки, бетиним ичавериб, ақлу ҳушдан айрилиб, икковиям бамисоли тункезар-ойпарастга айланган эди. Улар Сантьяго Носирни

Клотильде Арментанинг сут дўкони пештахтаси остида уч соат мудраб кутган, илк тонг нурлари осмонни ёритганда, ниҳоят, жумадан бери биринчи марта кўзлари илинди. Кема дастлаб овоз берганда-ёқ сачраб уйғонишди, Сантьяго Носир уйдан чиққанда эса, уни кўриб, тамоман ҳушёр тортишди. Иккови ҳам дарҳол қўлларидаги ўроғлиқ пичоқни маҳкам қисиб, тараддуланишди, Педро Викарио хатто ўрнидан тура бошлади.

— Тангрига шак келтирманглар, — дея бидирлаб-шивирлади Клотильде Армента. — Худо хайрларингизни берсин, ҳеч қурса, епископ ҳазрат кетгунича шу ишни қилмай туринглар...

«Бу гапни худо кўнглимга солганини қаранг-а», дея у кейин ҳам неча бор такрорлаб, ғурурланиб юрди. Дарҳақиқат, бу фикр унинг калласига беҳосдан келиб қолгану беихтиёр айтиб юборган эса ҳам, ҳар қалай, эгизаклар бу сўздан кейин шаштларидан тушдилар, тураётгани яна қайтиб ўрнига ўтирди. Икковлон майдондан ўтаётган Сантьяго Носирни киприк қоқмай кузатишди. «Улар унга ачиниб қаради», дея изоҳ берди Клотильде Армента. Шу аснода майдонни черков мактабининг бир гуруҳ талаба қизлари бетартиб равишда кесиб ўтишган.

Пласида Линеро билиб айтган экан: епископ кемадан пастга тушмади. Бандаргоҳда шаҳар маъмурлари ва ўқувчи болалардан ташқари сонсаноқсиз оломон ҳам тўпланган эди; ҳар жой-ҳар жойда четан савату кажавалардан ҳазратга аталган хўрозлар бошини чиқариб, мўлтираб турарди. Хўроз тожининг қайнатмаси епископнинг хуш кўрадиган таоми эди. Ҳадая тортиқлар шунчалик кўп йиғилдики, улар кемага юкланса, роса икки соат вақт кетарди. Ammo кема тўхтамади. У дарёнинг қайрилишидан тимсоҳдай ўқириб-сузиб чиқиши биланоқ машшоқлар епископга бағишланган тантанали қасида куйни жаранглатиб чалиб юбордилар, шу заҳоти хўрозлар ҳам томоқларини йириб-йиртиб қичқирдилар, уларга шаҳарда қолганлари жўр бўлишди.

Бу даврнинг кемалари бўлакча; филдиракли, ўтин ёқиладиган афсонавий кемалар аллақачон кўринмай қолган, айрим истисно тариқасида сузиб юрганларида эса пианола ҳам, асал ойини айшу ишрат билан ўтказадиган хосхоналари ҳам йўқ эди; аслида, бундай алмисоқдан қолган кемачаларнинг оқимга қарши сузиши азобдан азоб. Епископ ҳазратнинг кемаси яп-янги, бир эмас, иккита темир мўриси чўққайиб турарди, уларга билакузук шаклида байроқ тасвири туширилган, остидаги чарх-парраги тезюлар денгиз кемалариники каби маҳобатли эди. Кеманинг юқори саҳнида, шундоққина капитан ҳужраси ёнида, испан мулозимлари даврасида, оппоқ кийинган епископ сиймоси кўзга ташланади. «Об-ҳаво худди рожество ҳайитидагидай эди», деди синглим Маргот. Унинг айтишича, кема лангаргоҳ ёнидан ўтиб бораркан, улкан маҳлуқдай чўзиб бўкирган, кейин қирғоқда, биринчи қаторда турганларга иссиқ ховур аралаш сув сачратиб, уст-бошини шалаббо қилган. Одамлар епископни худди тушда кўргандай бўлишган: кема оломоннинг кўз ўнгига ўтиб бораркан, ҳазрат ҳавога қўлини бигиз қилганча чўқиниш русумини бажо этиб, шунчаки, меровларча чўқина-чўқина кема узоқлашгани баробарида у ҳам кўринмай кетган, бандаргоҳ чўчиган хўрозларнинг қақалашию пала-партиш қичқирликларига тўлган.

Сантьяго Носирга алдангани алам қилди: руҳоний Кармен Амадорнинг оммавий ташвиқига учиб, у ҳам бир неча қучоқ ўтин у епископ ёқтирадиган тождор



хўрознинг бир нечасини ҳазратга атаган эди, у эса бепарво ўтиб кетди. Лекин йигитнинг алами узоққа чўзилмади. Синглим Маргот бандаргоҳда у билан ёнма-ён турган экан, унинг қўл силтаб қўйганини, бошоғриқ дори кор қилмаганини, карахтлиги тарқамганини сезган ва кўзларининг бирдан мамнун чақнаганидан майхўрликни яна давом эттиражагини англаган. «У ҳечам шамоллаганга ўхшамасди, фақат кечаги данғиллама тўй қанчага тушганини ўйларди гўё», деди менга синглим. Шунда Кристо Бедойя дарҳол сарфу харажатларни ҳисоблаб, шундай рақамларни айтдики, оғзимиз очилиб қолди. Сантьяго Носир иккаламиз билан бирга у соат саҳарги тўртгача айлаиб юрди, кейин ухлагани уйига бормасдан, бувасиникига кириб кетди. У буваси ва буваси билан лақиллашиб ўтириб, тўй хусусидаги маълумотини янада тўлдириб олди. Кейин Кристо Бедойя тўйда меҳмонларга атаб қирқта курка хўроз, ўн битта ахта тўнғиз ва яна тўртта ғунажин сўйилганини бизга ҳисоблаб берди — куёв уларнинг ҳаммасини шундоққина майдонда қовуртириб, халойиқни сийлаган. Кристо Бедойя тагин хорихдан хуфя равишда келтирилган икки юз бешта яшиқдаги май, икки минг шиша ром оломон ичида юриб тарқатилганини айтди. Хуллас, тўй эмас, байрам бўлиб кетган, шу дамгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу тўкин-сочин базмда шаҳарчадаги одам зоти борки, бари роса еб-ичган. Сантьяго Носир тўлқинланиб, ҳавасини яширолмади:

— Менам худди шунақа тўй қиламан, — деди у. — Одамлар умрларининг охиригача бир-бирлари га гапириб юрсин.

Шунда синглим Марготнинг ичидан қиринди ўтиб кетди: у шундоғам бахти бошидан ошиб-тошиб ётган Флора Мигелнинг саодат юлдузи янада порлашини, рождество ҳайитида Сантьяго Носир унга насиб этишини ўйлаб, ҳасаддан юраги ёрилаёзди. «Ақлим ўлгур бир ишлаб қолди, — деди у менга. — Бу ўзи эрмисан эр бўладиган йигит: чиройли, эсли-хушли, йигирма бир ёшда-ю, ўз мол-мулки бор». Маргот уни тез-тез меҳмонга чақириб турар, айниқса, онам гўшти, кўкатли қозонсомса қилганда, у жон-жон деб бизникига келар ва биз бирга овқатланар эдик. Уша куни ҳам онам нонуштага сомса ёпган эди. Сантьяго Носир бизникига киришини айтди.

— Кийимимни алмаштириб чиқай, сизларга етиб оламан, — деди. Бирдан соати жавончада қолганини эслаб: — Соат неча бўлди? — дея сўради.

Олтидан йигирма беш дақиқа ўтган эди. Сантьяго Носир Кристо Бедойянинг тирсагидан тутиб, майдон сари юрди.

— Ун беш дақиқадан кейин сизларникига бораман, — деди у синглимга.

Синглим нонушта тайёрлигини айтиб, ҳаммамизни биргаликда уйга киришимизни талаб қилиб туриб олди. «Унинг юзида қандайдир бир қатъият ифодаси бор эди, — деди менга кейинчалик Кристо Бедойя. — Баъзан-баъзан ўзимча, Маргот унинг ўлдирлишидан дарак топгандирки, йигитни уйга таклиф этиб, жонини асрамоқчи бўлгандир, деб ўйлаб қоламан». Илло, Сантьяго Носир синглимни кутиб турмай уйга жўнайверишга кўндирди, унчага ўзи кийимини алмаштириб, отини миниб чиқажагини, тезроқ қўронга етиб бориши кераклигини, новвосларни бичмоқчи эканини айтди. Маргот билан хайрлашиб, Кристо Бедойяни қўлтиқлаганча майдон томонга юрди. Синглим уни сўнгги дафъа кўриб қолгани шу бўлди.

Бандаргоҳга чиққанларнинг жуда кўпчилиги эгизак Викариолар Сантьяго Носирни ўлдирмоқчи эканидан воқиф эди. Истеъфодаги полковник, олий ҳарбий дорулилмни тугатган, ўн бир йилдан бери шаҳар ҳокими вазифасини бажараётган Дон Ласаро Апонте ҳам Сантьягонинг бошида ажал шамшири яланғочланганини билатуриб, у билан ҳарбийчасига қўлини сиқиб, индамасдан сўрашиб қўяқолган. «Мен хавфхатар ўтиб кетди, энди ҳеч нарса бўлмас, деб ўйлабман», деди у менга. Қавмнинг отаси — руҳоний Кармен Амадор ҳам пинагини бузмаган. «Уни соғсаломат кўриб, эшитганларим шунчаки миш-миш экан-да, деган хаёлга бордим», дея у ўзининг лоқайдлигини оқлади. Энг ёмони, Сантьяго Носир суикасддан оғоҳ этилганми-йўқми — бу ҳақда бирор инсон бош қотирмаган, йигитнинг ҳеч нарсани билмаслигига, ғафлат босганига эса ҳеч ким ишонмаган. Дарҳақиқат, баъзи кишилар, жумладан менинг синглим Маргот ҳам эгизак қассоблар унга қасд қилганини эшитмаган. У терговчига шундай изоҳ берган: «Агар номига сезиб қолганимдаям, бўйнига аркон солиб бўлса-да уни уйимизга судраб олиб кирардим». Бўлажак хунрезона жиноятдан синглимнинг беҳабарлиги менга жуда ғалати туюлди. Бир неча йилдан бери ҳатто черковга қатнамай қўйган, ҳамиша уйда ўтирадиган ва ҳамиша миш-мишу дувдуд гапларни элдан бурун эшитадиган онамнинг қулоғига бутун халойиққа маълум шумхабарнинг етиб келмагани эса мени баттар ҳайратга солди. Чунки онамнинг қуввайи ҳофизаси ва кўнгил кўзи жудаям тиниқлигини, кўп ҳодисаларни олдиндан сеза олишини болалигимдан буён яхши билардим. Уша пайтларда мактабга вақтида етиб бориш учун тонг қоронғисида турардим. Уйғонибоқ онамнинг рангпар, сирли-сукутли юзига кўзим тушарди; у саҳарги ғира-ширада уйни супуриб сидирарди, кейин қаҳва қайнатаркан, ёруғ дунёда нималар рўй бераётганидан гапирар, биз унинг пурмаъно ва турли-туман маълумотга бой сўзларини иссиққина кўрпада эшитиб ётар эдик. Назаримда, онам билан шаҳримиз кишиларини, айниқса, унинг тенгдошларини кўринмас, сирли, даракчи ришталар боғлаб турарди; гоҳида у худди фолбин хотинлардай юз беражак ҳодисани олдиндан айтардики, у воқеа рўй бергач оғзимиз очилиб қоларди. Аммо онам ўша куни тонг-саҳарги соат учда пайдо бўлиб, кўчамакўча кезиб юрган фалокат шарпасининг тобора яқинлашаётганини сезмаган Бу пайтда у ҳовлини супуриб-сидириб бўлган эди; синглим унинг сомсага қийма чопаетганини кўрган. Онам ўша кунни эслаб: «Хўрозлар роса томоқ йиртиб қичқиришган эди-да», деди. Бандаргоҳдан эшитилаётган овозларнинг епископнинг ташрифи билан боғлиқлигини онам илғамаган, балки тўй охиридаги бақириқ-чақириқлардир деб ўйлаган.

Уйимиз катта майдондан анча нарида, дарё қирғоғида, хушбўй анбаҳзорлар орасида жойлашган эди. Синглим Маргот бандаргоҳгача соҳил бўйлаб пиёда борган, айтишича, фикри-зикри ҳазратнинг ташрифи билан банд бўлган халойиқ майда-чуйда миш-мишларга эътибор бермаган. Қайсики хонадонда касаллар бўлса, ҳаммаси эшиклар олдига олиб чиқилган эди, улар: ҳазратнинг пойқадами билан зора фалак дардимизга дармон юборса, деган умидда остоналари ёнида чўзилиб ётишар, чўчқа етаклаган, курка қўлтиқлаган ёки алланимабало егуликларни, назру ниёзларни бўхчаларга тугиб олган хотинлар ҳовлиларидан ҳовлиқиб чиқиб,

бандаргоҳга ошиқар, дарёнинг у ёғида эса, гулчамбарлар билан безатилган эшакли қайиқлар — каноэлар оҳиста сузиб борар эди. Қирғоққа оёғининг гарди ҳам тегмаган епископнинг қораси ўчғач яна бир янги хабар тарқалдики, оломон орасида тағин шовқин-сурон, шов-шув гаплар авжга минди. Синглим ана шунда бор гапни бирданига эшитган ва жанжалнинг тағига етган: кечаги шоҳона тўйдан сўнг келинпошша Анхела Викариони онасининг уйига қайтариб келтириб қўйишибди, инчунун, куёвнинг шаҳодатича, у жувон чиқибди. «Худди жоним халқумимга келиб қолгандай беҳол бўлдим, — деди синглим Маргот. — Одамлар қанчалик оғиз тўлдириб ғийбат қилмасин, ҳеч бир кимса бечора Сантьяго Носирнинг бу ишларга қандай аралашиб қолганини изоҳлаб беролмасди». Бинобарин, Анхела Викарионинг акалари уни ўлдирмоққа қасдлангани ҳаммага маълум эди.

Синглим йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаганича уйга дилтанг кириб келди. Онам ошхонада куймаланар, мабодо епископ сиймосини кўриш насиб этса, доғда қолмай, дея бозор куни киядиган кўк гулли кўйлагини устига илиб олган эди; у ўзича ишқу жазманлик хусусидаги португал халқ кўшиғини хиргойи қиларди. Синглим дастурхонга бир кишилик ортиқча насиба қўйилганини айтган эди, онам:

— Бу Сантьяго Носирники, — деди. — Қизим, ахир, уни ўзинг нонуштага таклиф этибсан-ку.

— Олиб қўйинг, — деди Маргот қатъий.

У онамга кўчада эшитганларини бир-бир айтиб берди. «Онам ҳамма гапни билади, деб ўйлаган эдим, — деди синглим менга. — Чунки унга бир нарсани айта бошласанг, ярмига бормай туриб, охири нима билан тугашини фаҳмлаб оларди». Аммо бу машъум хабар онамга ҳам бирмунча чигал туюлиб, ночор аҳволда қолди. Иброҳим Носирнинг зурёди туғилганида уни онамнинг исми билан Сантьяго деб аташган, чунки онам уни чўқинтирган волида эди. Иккинчи томондан, шармандаи шармисор келиннинг онаси Пура Викариога ҳам онамнинг қариндошчилиги бор эди. Онам синглимининг бидирлашини охиригача эшитиб ўтирмай, азаларга киядиган қора ридосини, пошнадор пояфзалини кийди. Отам ҳали ўрнидан турмаган эди, орадаги гап-сўзни эшитиб, кутилмаганда, тунги авра чопонида у ҳам ошхонага кириб келди ва хавотирланиб, онамдан қаёққа отланганини сўради.

— Бояқиш жигарим Пласидадан хабар олай, — деди у. — Эгизак қассоблар унинг ўғлини ўлдирмоқчи экани барчага аён-у, у бечоранинг уйи куйиб, ҳеч нарсдан беҳабар ўтирибдймиш. Ҳе, дунёнинг ташвишиям қуриб кетсин-а!

— Носирлар ҳам, Викариолар ҳам биз учун қошу кўздай яқин, азиз; ўйлаб иш тутгин, онаси, — деди отам.

— Ҳар доим бошига фалокат тушганларга қайишган яхшидир, — деди онам.

Нариги хонадан укаларим чиқиб келишди. Кичкинлари ёмон бир иш бўлганини сезиб, йиғлаб юборишди. Онам, умрида биринчи марта бўлса керак, на ҳиқиллаётган дилбандларига, на отамга эътибор қилди. Отам унинг ниҳоятда қайғураётганини англаб:

— Тўхтаб тур, менам кийиниб олай, — деди.

Онам бу пайтда кўчага чиқиб улгурган эди. Укам Ҳайме ҳам кийиниб, мактабга жўнашга тараддудланарди. Отам унга:

— Онанг билан бирга бор, — деб буюрди.

Ҳайме, нима гаплигидан, қаёққа боришаётганидан беҳабар, онамнинг изидан чопакетди, унга етиб, қўлидан маҳкам ушлаб олди. «У ўзи билан ўзи сўзлашиб борарди, — деди менга Ҳайме. — Онам, бу саллоҳ ўлгурлар ҳайвонданам баттар, турган-битгани фалокат, деди паст овозда». У укамни етаклаб бораётганини ҳам сезмаган. «Одамлар аҳволимни кўриб, бу хотин ақлидан озибди, дейишгандир, — дея зорланди онам менга кейин. — Олисдаги шовқин-суронни эшитганим эсимда, назаримда тўй қайтадан бошлангану оломон яна майдон тарафга чопиб бораётгандай туюлди». У ўзида йўқ шовшиб бораркан, бутун олаговурнинг боиси қил устида турган инсон ҳаёти эканини фаҳмлаб, жонжаҳди билан майдонга талпинган, бироқ йўлда ўтиб кетаётган аллаким унга, азбаройи раҳми келганидан: — Луиса Сантьяго, шошмай кўяқолинг! — дея қичқирган. — Уни ўлдириб бўлишди.

Байярдо Сан Роман, қиз чиқмаган хотинини онасиникига элиб ташлаган куёв, бу маконда ўтган йилнинг августидан, тўйдан роса олти ой аввал пайдо бўлган эди. У шаҳарчамиздаги бандаргоҳда ҳар ҳафтада бир тўхтаб ўтадиган кемада келган. Ушанда унинг ошланган теридан тикилган иккита кумушбандли тўрвасию кумуш тўқали тасмаси, кумуш бандакли этиги ва қуруқдан-қуруқ сумбати бор эди, холос. Афтидан ёши ўттизларда эди, аммо тореродай хушқомат экани уни навқирон қилиб кўрсатарди; кўзлари тилладай тиниқ, чақноқ эди, ранг-рўйи ҳам оловда тоблангандай тоза, ёқимли. Эғнидаги костюми ихчамгина, шими торгина бўлиб, икковиям асл новос терисидан эди, эчки терисидан тикилган қўлқоплари костюмига ҳамранг. У билан кемада бирга келган Магдалена Оливер бутун йўл давомида ундан кўз узолмаган. «Қизболадай йигит экан, — деди у менга. — Эсиз-эсиз! Шунақаям ёқимлики, бир пиёла сувга қўшиб ютиб юборсам, дейсан одам!» Аввалига шўрлик Магдалена ҳам, кўпчилик калтабин кимсалар ҳам Байярдо Сан Романнинг унча-мунча хотин зотининг тиши ўтмайдиган тошёнгоқ эканини фаҳмлашмаган.

Онам менга, мактабимга августнинг охирларида юборган хатида: «Бу ерга ажойиб бир йигит келди», дея шунчаки эслаб ўтган эди. Кейинги мактубида эса: «Унинг исми Байярдо Сан Роман экан, айтишларича, кўп жозибали йигит эмиш, бироқ мен ҳали ўзини кўрмадим», деб ёзди. Унинг нима сабабдан бизнинг жойларга қадам ранжида қилганини ҳеч ким билмаган. Тўй арафасида кимдир, синаш учунми, шу хусусда сўраганида, у: «Мен кимга уйланай экан, деб шаҳарма-шаҳар кезиб юрибман, чамамда, тақдир насибамни шу ерга қўшган, шекилли», деб қўя-қолган. Бу гап рост бўлиши ҳам мумкин, аммо у ичидагини сиртига чиқармаслик учун ҳар қанақа ёлғонни ямламай ютиб, мардумни ишонтириб, лақиллатиб кетаверадиган йигитлар хилидан эди.

У биринчи куниёқ, кечаси кино кўриб ўтиришганда, одамларга бу ерда тезда темирйўл қуриш кераклигини, ана ўшанда бутун шаҳар аҳли дарёнинг қош-қовоғига қараб ўтирмасдан, истаган пайтда хоҳлаган томонига кетавериши мумкинлигини айтиб, ўзининг темирйўл қурилиши бўйича муҳандис эканини писанда қилган. Эртасига у телеграмма юбормоқ ниятида телеграфхонага кирган, усқунани ўз қўли билан ишлатиб, керакли гапларни ўзи хабар қилган, кейин телеграфчи қизга кучсизланган бата-



реяларни қандай қувватлантириш лозимлигини тушунтирган. Қўшинга аскар тўплаш мақсадида бизнинг шаҳарчага келган ҳарбий табиб билан эса, чегара депарасида учраб турадиган турли хасталикларни қандай даволаш ҳақида дадил суҳбатлашган. Унга тонготаргача чўзиладиган шавқли-шовқинли базмлар ёқаркан, ўзи ҳам майхўрликни қийиб кўяркан, жанжаллашиб қолганларни устамонларча яраштира оларкан, қиморда фирромлик қилгувчилар билан чиқишолмас экан. Бир куни, якшанбалик ибодатдан сўнг, юзонғич йигитлардан иккитасини чақиртирган-да (юзонғичлар бизнинг жойларда кўп бўлади), дарёнинг у ёғидан бу ёғига ким ўзарга юзишишган ва ҳарифларидан зўрини йигирма саржин орқада қолдириб, ғолиб чиққан. Онам менга бир номасида шу хусусда ёзаркан, ўз одатича ҳовлиқиб: «У олтину тиллалар ичида ҳам шундай юзиб юрса керак», дея маҳобат қилган эди. Инчунун, у одамлар орасидаги шов-шувга — Байярдо Сан Роман беҳад молиявий имкониятларга эга, бели бақувват, қўли узун, истаган ишини қила олади, деган гапларга ҳам ишонган.

Онам менга октябрда ёзган хатида уни роса мақтаб: «Одамлар уни жудаям яхши кўришади, чунки у ҳалол, кўнгли тоза йигит; ўтган якшанбадаги ибодатда у чўк тушиб олиб муножот қилди, лотинча ҳамд ўқишдаям ўзини кўрсатди, барака топгур», деган эди. Уша пайтлари черков ишлари лотин тилида юритиларди, обидларнинг тик туриб ибодат қилиши таъқиқлангани ҳаммага беш қўлдай аён эди, бироқ, агар бир нарсанинг тағига етмоқни истаса ё бирор нарса унга ёқиб қолса, онамнинг ана шундай кераксиз тафсилотларга ҳам урғу берадиган одати бор эди. Бу йигит беҳад улуғланган ана шу хатдан кейин онам менга яна иккита мактуб йўллади, бироқ уларда, гарчанд бу даврга келиб Байярдо Сан Романнинг Анхела Викариога уйланаётганини бутун элу юрт эшитган бўлса-да, бу ҳақда бирор оғиз сўз демаган эди. Машъум тўйдан кейин, анча вақт ўтгач, у ўша кунлари Байярдо билан яқиндан танишганини, таассуфки, у аксинча таассурот қолдирганини ва ўша — октябрда ёзган хатида хато қилганига, мулоқот асносида йигитнинг олтинга ўхшаш сариқ, йилтироқ кўзларини кўриб, кўрқувдан титраб кетганига иқрор бўлди.

— Кўзимга ажинага ўхшаб кўринди, ўлсин, — деди онам менга. — Ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, бундай нарсаларни оқ қоғозга ёзиб ўтирманг, деб, шунинг учун индамай кўяқолувдим.

Мен Байярдо Сан Роман билан онамдан сал кейинроқ, рождество ҳайити муносабати билан таътилга келган кунларимда танишганман, у менга одамлар ваҳима қилганидай ғалати, фавқулодда инсон каби туюлмаган. У чинданам ёқимтой, хушрафтор эди, аммо Магдалена Оливер оғиз кўпиртиганидай валию валломат эмасди. Фикри ожизимча, майда-чуйда қилиқларидан қатъи назар, у жиддий шахс эди, хуш-хандон пайтларида ҳам ичидаги бир дард зарби чехрасида акс этиб турарди. У менинг назаримда, маҳзун, дардкаш бир инсон эди. Анхела Викарио билан у ўша пайтлар унаштирилган эди.

Уларнинг қандай, қачон танишиб-топишганлари хусусида ҳеч ким менга бирор аниқ маълумот беролмади. Байярдо Сан Роман яшаган бўйдоқлар истиқоматгоҳи соҳибасининг айтишича, у айни қиём пайтида, оромхонадаги ҳайинчалакда тебраниб, мудраб ўтирганида — сентябрь ойининг охирлари



экан — қоғоз гуллар солинган саватни кўтариб Анхела Викарио ва унинг онаси майдонни кесиб ўтишган. Байярдо Сан Роман кўзларини ярим очиб, бошдан-оёқ қора кийинган икки мотамзадани кўрган, қуёш нурлари живирлаб, саробий тўлқинлар жилваланаётган майдондан ўтаётган ана шу икки қора шарпа йигитнинг назарида муҳитдаги бирдан-бир тирик жонзотдай туюлган. У мусофирхона соҳибасидан қизнинг кимлигини сўраганида, хотин унинг Анхела Викарио эканини, ёнидаги — онаси, у оилада кенжа қиз эканини айтган Байярдо Сан Роман иккала ўткинчини майдон ҳадиға етгунича кузатиб турган. Сўнгра:

— Исми жисмига монанд экан<sup>1</sup>, — деган у.

Кейин, бошини ҳайинчалак суянчиғига ташлаб, яна кўзларини юмган.

— Уйғонганимда эсимга соласиз, — деган у, — мен унга уйланишим керак.

Анхела Викарионинг менга айтишича, бўйдоқлар истироҳат уйи соҳибаси бу гап хусусида анча кейин, Байярдо Сан Роман қизга чинданам ошиқи шайдо бўлиб юрган кезларида оғиз очган. «Бу гапни эшитиб, юрагим ёрилмаёзди», деди менга Анхела Викарио. Уша гапнинг устида бўлганларнинг учтаси йигитнинг сўзларини рост деб тасдиқлади, аммо шунидларнинг тўрттаси шубҳа билдириб, инкор этди. Шунга қарамасдан, барча тахминларга кўра, Анхела Викарио билан Байярдо Сан Роман илк бора октябрда, миллат байрами кунинда, хайрия бозоридаги лотерея ўйналаётган жойда танишишган. Қизга лотерея тарқатиш топширилган экан. Байрамга чиққан Байярдо Сан Роман лотерея қутиси олдида турган рангпар, қоп-қора кийинган қизни кўргани тўппа-тўғри унинг ёнига келган ва бутун бозор аҳлини ўзига қаратиб, садафланган граммофоннинг қанча туришини сўраган. Қиз унга бу буюм сотилмаслигини, балки лотерея ўйналишини айтган.

— Қайтага яхши, — деган йигит, — арзонгина, осонгина қўлга кираркан.

Анхела Викарионинг иқрор бўлишича, у айтганига эришган, аммо қизнинг кўнглида меҳру муҳаббатдан йироқ, совуқ бир таассурот қолдирган. «Такаббур эркакларни жиним суймайди ўзи, — деди у менга ўша кунни эсларкан, — бундай мақтанчоғни-ку умримда кўрмагандим, хуллас, мен уни қип-қизил лах бўлса керак, деб ўйладим». Граммофон ютуғи бор лотереянинг рақами бақириб эълон қилинганда, ютуқ чиндан ҳам Байярдо Сан Романга чиққанини билгач эса, қизнинг у мутакаббирга ғарази янада ортган. Қиз бояқишни лол қолдириш ниятида унинг ҳамма лотереяни сотиб олганини ким ҳам хаёлига келтирарди дейсиз.

Анхела Викарио ўша кечаси уйига қайтгач, хонасида совғалар ўраладиган нафис қоғоз ва гулқоғозли боғлогич билан бежаб чирмалган граммофонга кўзи тушган. «Уша айём туғилган куним эканини қаёқдан билақолдидикин — ҳамон ақлим етмайди», деди менга Анхела Викарио. Байярдо Сан Романнинг унга бундай дабдабали туҳфа юборишига арзигулик орада ҳеч гап-сўз бўлмаганига ота-онасини ишонтираман дея қиз бечоранинг эси кетди. Унинг акалари — Пабло билан Педро оҳанжамали совғани эгасига қайтариб бериш ниятида дарҳол бўйдоқларнинг истироҳат уйига етиб боришди ва у ерда шундай шовқин-сурон кўтаришдики, оқибатда

бу ўйинчоқ Анхела Викариога жўнатилаётганида кўрмаганлар ҳам унинг қай тарзда эгасига қайтарилаётганидан воқиф бўлишди. Бироқ дали-ғули биродарлар Вайярдо Сан Романнинг елимлиги, тапторт-маслигидан беҳабар эди. Эгизаклар эртасига тонг отганида, ичкиликбозликдан эс-ҳушларини йўқотиб, гандираклаб, ўша граммофонни қўлтиқлаганча довдираб, яна уйларига кириб келишди, бу ҳам етмагандай, иккаловининг ёнида улфатчиликни шу хонадонда давом эттиришни кўзлаган Байярдо Сан Роман ҳам бор эди.

Анхела Викарио қўл учиди кун кўрадиган оиладаги кенжа қиз эди. Отаси Понсио Викарио — қашшоқ заргарлардан, рўзгорни тебратиш илинжида тинимсиз ишлай-ишлай, ажабтовур тақинчоқлар ясай-ясай пировардида кўзи хира тортган бир ғариб эди. Онаси Пурисима дел Кармен эса, қизлигида мактабда мураббиялик қилган, турмуш қургандан кейин хотинликдан ўзга ҳунар орттирмаган эди. У мулоим, касалвандроқ кўринса-да пишиқ-пухта аёллиги шундоғам сезилиб турарди. Мерседес уни эслаб: «Роҳибалардан бир тукиям кам эмасди», деди менга. Пурисима дел Кармен эри ва болаларининг парвариши, тарбияси деб ўзини ўтдан-чўққа урардики, оқибатда атрофдагилар унинг ҳам бир тирик жон эканини унутиб қўйишарди. Унинг иккита катта қизи жуда кеч турмушга чиққан эди. Эгизаклар ва Анхеладан ташқари яна бир ўртанча қизи ҳам бор эди, афсуски, уни безгак қиёфасида келган ажал олиб кетди, мана, икки йилдирки, оиладагилар мотам тутишади, уйда сал мундоқроқ юраверишса ҳам, кўчага чиққанда мотамзадалик русумини жуда жойига қўйишади. Эр-хотин ўғилларни мард, меҳнаткаш қилиб тарбиялашди. Қизларни эса, турмушга бериш ниятида, қоғозга ўралган қанддай авайлаб парвариш этишди. Заифалар керги билан кашта тикиб, гул солишни, чокмашинада ажойиб кийимлар тикишу тўр тўқишни, кир ювишу дазмол босишни, қоғозгуллар ясашни, шиннию мурабболар тайёрлашни, ҳаттоки никоҳ тўйига таклифнома, айниқса, ўлиму дафнга боғлиқ расм-русумга енгилтакларча қарайдиган баъзи дугоналаридан фарқли ўлароқ, Викарионинг қизлари ўсалларга қараш, жаноза ўқиш, азадорларга таъзия билдириш каби азалий удумларга қаттиқ риоя қилишар эди. Менинг онамга уларнинг ўринга ётишдан олдин соч тараш одатларигина маъқул эмасди. Онам уларни: «Кечаси соч тараманглар, жон қизларим, денгизчи йигитлар қарамай кетиб қолишади», деб койир эди. Шунга қарамай, онам уларга қаттиқ меҳр қўйган, дунёда буларданам яшироқ қиз йўқ, дер эди. «Бирам эсли, бирам мўмин-қобилки бу қурмағурлар, — дерди онам, — қайси эркакнинг қўлига тушмасин, уни бахтга ботирворади: ахир булар жаҳонда хотинлик дардини тортишга, меҳнатга яратилган-да». Бироқ ўша тўрт қиздан иккитаси тўшган эркаклардан бирортаси ҳам онам айтгандай, иқболга оёғидан ботиб қолмади, балки уларнинг бошига бандаликнинг бор балолари ёғилди: хотинчалари уларнинг этагидан маҳкам тутиб олишган, қаерга бўлмасин эргашиб боришар, ўзларича аёллар базми уюштиришар, дугоналари рақс тушишар, ўзлари эса, эрларнинг кўнглида кечгувчи зинога оид ҳар қанақа пинҳоний фикр илғаб олиш мақсадида ҳушёр кузатиб ўтиришар эди.

Анхела Викарио тўрт опа-сингил ичида энг чиройлиси эди. Онамнинг айтишича, у ҳам, номи барча тарихларда дoston этилган маликалар мисол

<sup>1</sup> Сўз ўйини: испанчада «анхел» — фаришта, лотинчада «викариус» — ёрдамчи, ўринбосар дегани (тарж.).



онасининг қорнидан бахтли бўлиб туғилган эмиш. Аммо у зоҳиран беорому бесаранжом, ботинан ғарибаю ҳақирдай кўринар, зотан, келажакда ҳаётининг ўзгариб, яхшиланиб кетишига асосли бир умид ҳам йўқ эди. Мен ҳар йили рождество ҳайитига уйга келганимда уни бир хил ҳолатда учратардим, у ҳар гал дарича ёнида турли қуроқ қоғозлардан гул ясаётган ёки қўшнилари билан қари қизлар айтадиган қадимий қўшиқларни хиргойи қилаётган бўлар эди ва бу ҳол уни кўзимга янада қоқсуяк, нотавон қилиб кўрсатарди. «Суяклари шақиллаб, кўриқчига айланиб қолган анави нозанин қариндошинг бир тирговичга жудаям зор-да», деган эди бир кун менга Сантьяго Носир. Бир сафар, опасининг қазосидан сал аввалроқ, мен уни кўчада илк бор одмигина кўйлак кийган, сочлари ўрилган аҳволда учратганман ва бу ўша нотавонми, дея кўзларимга инонмаганман. Дарҳақиқат, бу қиз фавқулодда бир очилиб кўчага чиққан эди, чунончи, ёши улғайган сайин унинг одамовилиги, тортинчоқлиги ҳам ортган эди. Шунинг учунми, Байярдо Сан Романнинг унга уйланмоқчилигини эшитиб, кўплар ажабланиди, бу ёт одам бир балони бошлайди-ёв, деган ғаразли фикрни билдиришди.

Анхеланинг уйидагилар уни Байярдо Сан Романга беришга жон-жон деб рози бўлишди, фақат Пури Викарио ишни бузиб, йигит аввал ўзининг кимлигини, насл-насабини билдирсин, кейин унашамиз, дея иккала оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Ҳақиқатан ҳам, шу чоққача унинг кимлигидан, шажарасидан ҳамма беҳабар эди. Яллагидай кийиниб кемадан тушган ўша оқшомдан кейин кечган туриш-турмуши-ку ҳалойиққа маълум, лекин унганча қандай яшаган, ким бўлган — бу барчага қоронғи эди; ўзиям ўтмишини яширарди, шу боисданми, бу хусусдаги ҳар қанақа узунқулоқ гап ҳақиқатга айланиб кетиши ҳеч гап эмасди. Эл ичида оғзи билан юрадиганларнинг айтишича, гўё у собиқ зобит эмиш, бутун-бутун кишлоқларни яқсон этишда, Касанаредаги қирғинда қўли бор эмиш; яна у гўё Кайенадан, сургундан жуфтаникни ростлаган қочқин эмиш; баъзилар эса унинг Пернамбукода бир жуфт айиқни ўйнатиб юрганини кўрган экан; кимларнингдир таъкидлашича эса, у ҳатто Шамоллар каналидан испанларнинг қачондир денгизга чўккан, олтинлар юкланган кемасини тортиб олган омадли қароқчилардан бири эмиш. Байярдо Сан Роман бор ёлғон-яшиқ гапларга бирварақайига барҳам берди: шаҳарчага оила аъзоларини бошлаб келди.

Улар бор-йўғи тўрт киши эди — Байярдонинг отаси, онаси, иккита офатихон синглиси. Бу оила «форд — Т» машинасида антиқа библиовчи сигнални чалдириб, эрталаб соат ўн бирларда шаҳарга кириб келишганида, кўчаларни қий-чув босиб кетди. Онаси Альберта Симондс, тўлагина мулат хотин, асли Курасаодан бўлиб, ёшлигида Антил оролларидаги икки юз гўзалдан энг гўзалроғи деб тан олинган, айни чоқда испанчани «папиамьенто»<sup>1</sup>часига шева билан қалаштириб гапирар эди. Қизлар айни етилган ёшда, худди минилмаган биядай дилтортар ва ёқимтой эди. Улар орасидаги энг шарафли зот Байярдонинг отаси — генерал Петронио Сан Роман эди. У ўтган асрдаги граждандар урушининг қаҳрамони, консерваторлар ҳокимияти даврида донг таратган, мавқе қозонган ҳарбийлардан бўлиб, Тукуринко ёнидаги жангда полковник Аурелиано

Буэндиани ер билан яқсон этиб, қочишга мажбур қилган ҳам худди мана шу одам эди. Эл уни фахру ғурурга тўлиб қаршилади, фақат менинг онамгина, унинг кимлигини аниқ билгач, у билан сўрашишга бормади. «Унашишгани яши бўпти, — деди у менга совуққина қилиб. — Тўй ўз йўлига. Аммо Херинельдо Маркесни отишга буйруқ берган зобитни кўргани кўзим йўқ». Чол автомобиль ойнасидан бошини чиқариб, шляпасини силкитаркан, неча йиллардан бери портретини кўравериб кўзи кўниккан оломон дарҳол генерални таниб, гуриллаб олқишлади. Петронио эгнига буғдойранг сурп костюм, оёғига эчкитеридан тикилган, иплари чаппа-ростасига боғланган туфли кийган қаншарига занжири камзулига қадалган олтин пенсе кўндириб олган эди. Костюмининг ёқасида жасурлиги учун берилган нишон ярақлар, қўлида олма шохидан ясалган, тутқичига миллий туғро нақшланган хасса бор эди. У машинадан биринчи бўлиб тушди: у бошдан-оёқ шаҳримиздаги расвойижаҳон йўлларнинг чангу ғуборига қопланган эди. Генералнинг савлатини кўрибоқ, халойиқ Байярдо Сан Роман кимни хоҳласа ўшанга уйлана олишига шубҳаланмай қўйди.

Бироқ Анхела Викарио унга турмушга чиққани унамади. «Мен чумолидай нозик, у эса хирсдай бир йигит эди, қанақасига рози бўлай», деди менга Анхела. Бундан ташқари, Байярдо Сан Роман кейинчалик қизнинг кўнглини овлашга заррачаям уриниб кўрмаган, бу унинг нафсониятига теккан, албатта; бинобарин, йигит викариоларнинг барини ўзига оғдириб, қўйнига кириб олганига ишонган бўлса, ажабмас. Ота-онаси, опалари ва почалари меҳмонхонага йиғилиб, синалмаган бир эркакка тегасан, дея уни зўрлашган ўша изтиробли оқшомни Анхела Викарио ҳеч унутолмасди. Эгизак акалари бу даврада йўқ эди. «Бу хотинларнинг иши, биз бунақа ишларга аралашмаймиз», деди менга Пабло Викарио. Қизнинг ота-онаси ўзларининг камбағал, қуда бўлгувчиларнинг эса бадавлат эканларини рўқач қилиб, тақдирнинг бундай эҳсонидан юз буриш яхшимас, дея танбеҳ беришди. Анхела Викарио турмуш қуриш йўлида ўтиб бўлмас ғов турганини, яъни, ўртада меҳр-муҳаббат йўқлигини айтиб, тисарилмоққа уринганида, онаси унинг сўзини бўлиб.

— Тегсанг, севишнйам ўрганиб оласан-да! — деди.

Бу қуда-андачилик ўша пайтда бир мунча оғир кечадиган, бўлғувси келин-куёв ниҳоятда ғаразу сергаклик билан кузатиладиган унашувлардан фарқли ўларок, Байярдо Сан Романнинг қистов-ҳаракати туфайлими, атиги тўрт ойга чўзилди, холос. Пура Викарио, оиламизда мотамзадалик муддатни тугамагунча тўй қилмаймиз, дегани учун фурсатини янада қисқартиришнинг чораси топилмади. Аммо вақт ҳашпаш дегунча ўтиб кетди. Ҳеч ким ортиқча азият ҳам чекмади — ҳамма ишларни Байярдо Сан Романнинг ўзи оппа-осонгина бажарди. «Бир оқшом у мендан шаҳримиздаги қайси уй кўпроқ ёқинини сўради, — деди менга Анхела Викарио. — Гап нимадалигини англамай, энг яхши уй — ҳеч кими йўқ Ксиусники, деб жавоб бердим». Агар у мендан сўраганида, мен ҳам худди шундай деган бўлардим. Ксиуснинг хонадони тепаликнинг қир учиди, энг баҳаво жойда ўрнашган, пешайвонидаги деразалардан воҳадаги бинафшалар қийғос гуллаган ҳудудсиз ўтлоғу чаманзорлар кўзга яққол ташланиб туради. Ҳаво очиқ келган ёз кунларида эса, уфққа туташ Кариб денгизи соҳилларини, сайёҳларни ташийдиган, Картаген де

<sup>1</sup> Курасао оролида яшовчи аҳоли сўзлашадиган, португал, испан, голланд тилларининг қоришмасидан иборат шева.

лас Индиасдан йўлга чиққан қитъалараро сузувчи кемаларни кўриш мумкин эди. Байярдо Сан Роман ўша оқшом Киборлар клубига борди, тўппа-тўғри, томдан тараша тушгандай, бева Ксиуснинг рўпарасига ўтирди ва у билан домино ўйнай бошлади.

— Эшитишимча, ҳеч кимнинг йўқ экан, оқсоқол, — деди у. — Мен уйингни сотволаман.

— Уй сотилмайди, — деди Ксиус.

— Бор ашқол-дашқолларингниям кўшиб сотволаман, — деди йигит такаббурана.

Бечора Ксиус дунё кўрган эскиларга хос назокату одоб билан уйдаги ҳамма нарсани раҳматли хотини иккови узоқ йиллар давомида йиққанини, бу ашёлар ҳам, уй ҳам бир ёдгорликдай ўзига қадрдон эканини тушунтирди. «У худди дилини кафтига қўйгандай ичидагини очиқ-ойдин айтди, — дея эслади ўша кунни улар билан бирга домино ўйнаган доктор Дионисио Игуаран. — Менимча, уйни сотиб, ўттиз йиллик умрини роҳат-фароғатда кечирган азиз маконидан айрилишдан кўра Ксиус ўлимни авло биларди». Байярдо Сан Роман беванинг аҳволини тушунди чоғи:

— Майли, — деди. — У ҳолда уйнинг қуруқ ўзини сотасан.

Йигит Ксиусни ўйин тугагунча уйни сотишга қистади, бева кўнмади. Уч кундан кейин, кечкурун, Байярдо Сан Роман яна унинг рўпарасида пайдо бўлди, бу сафар ўз ниятини амалга оширишга қатъий бел боғлагани қиёфасидан ҳам сезилиб турарди. Улар домино ўйнай бошлади.

— Ксиус, ўзинг бир ёлғиз одамсан, ахир, — дея мақсадга кўчди у. — Шундай уйнинг сенга нима кераги бор? Бас, нархингни айт.

— Уйнинг баҳоси йўқ.

— Оғзингга сиққанини сўра.

— Афсус, афсус, — деди Ксиус. — Байярдо, сиз ёшлар кўнгил ишларини унчалик тушунавермай-сизлар-да.

Байярдо унинг гапига эътибор бермади, ўйламай-нетмай:

— Хўп, майли: беш минг песо бераман, етадими? — деди.

— Инсофингни ютма, йигит, — деди унинг исрофгарчиликка қўл ураётганидан хафа бўлган Ксиус. — Уй бунча пулга арзимади.

— Ун минг берай, хўп де, — дея хитоб этди Байярдо Сан Роман. — Ҳозирнинг ўзидаёқ қуртдай санаб олсан, мана, ҳамёним ёнимда.

Бева унга кўзларидан ёш тошиб қаради. «У ғазабдан, аламдан йиғлади-я, — деди менга доктор Дионисио Игуаран. У нафақат доктор, балки ёзувчи ҳам эди. — Ахир, ўзинг ўйлаб кўр, қаршингда қўлингни шундоққина чўзсанг етадиган минг-минглаб пул ётса-ю, кўнгилнинг гапига кириб, керакмас, десанг... бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди». Ксиуснинг дами ичига тушиб кетди, сўнгра аламу изтироб ичра бошини сараклатиб, бўлмайди, деди.

— Шундайми? Ҳа, майли, — деди Байярдо Сан Роман. — Энди сендан сўнгни илтимосим: беш дақиқа шу ерда кутиб ўтир.

— Чиндан ҳам беш дақиқа ўтар-ўтмас у кумуш уқали чарм халтасини кўтариб, киборлар мажлисгоҳига қайтиб келди, халтадан ўн боғлам пул олиб, столга қўйди; ҳар бир боғлам минг песодан бўлиб, уларга Давлат банкининг муҳри босилган, қоғози шилдироқ белбоғчалар билан ўралган эди.

Ана шу воқеадан сўнг икки ой ўтиб, бечора Ксиус қазо қилди. «Уйи унинг бошини еди, — деди менга доктор Дионисио Игуаран. — Ксиус орамиздаги энг соғлом одам эди, аммо мен унинг кўксига қулоқ тутиб текширганимда, юрагида кўзёшлар қулқуллаётганини, паймонаси аламу изтироблар ашкига тўлганини сезганман». Ксиус уйини, ўтган-кетганини эсга солмасин, деб бор-буди билан сотди, пулларни асраш учун бирорта сандиқча ҳам олиб қолмади; Байярдо Сан Романдан пулларни аста-секин тўлаб боришни ўтинди.

Анхела Викарионинг қиз эмаслигини бирорта инсон гапириш тугул хаёлигаям келтирмаган. Унинг бирор йигитни сайлаб, пинҳона сўзлашиб юрганидан ҳам ҳеч кимсанинг хабари бўлмаган, зотан, у онасининг чизган чизигидан чиқмай ўсган эди — буни ҳамма биларди. Тўйдан икки ой олдин, келин-куёв бўлажак истиқоматгоҳларини кўришга кетаётганларида, Пура Викарио қизини Байярдо Сан Роман билан ёлғиз юборишдан қўриқиб, тўғрироғи, Анхела исматини сақлаш ниятида, кўр эри иккаласи орқадан уларни кузатиб борган эди. «Мен тангрига, ё жонимни ол, ё ўзимни ўлдирмоққа етадиган ирода ато эт, деб роса ёлвордим, — деди менга Анхела Викарио. — Аммо у сўзимга қулоқ солмади!» Анхела чинданам роса қийналган, ич-этини еяётган дардни онасига очиб, нопоклик изтиробидан қутулмоқни истаган, бироқ бу хусусда анави — дарича ёнида қоғозгул ясаб ўтирадиган сирдош дугоналарига маслаҳат солганида, у шайтоннинг урғочилари бечора ситамкашни тўғри йўлдан қайтаришган. «Мен уларнинг раъйига қарши боролмадим, — деди Анхелла Викарио менга. — Икковиям бидирлаб-бидирлаб эс-хушимни олди, бундай ҳолда эркак зотини алдаб-ишонтириш усулларини, ўз тажрибаларини гапириб, ахийри сўзларига киритдилар». Улар Анхелани авраб, қизларнинг барчаси болалигидаёқ, тасодифан, ўзиям сезмаган ҳолда исматидан айрилиб қолади, дея ишонтирган. Яна: ҳар қанақа ўжар эркак ҳам, агар келиннинг жувон чиққанини бошқа бирор кимса билмаса, ночорликдан муросага келади, ёпилди қозон ёпилди бўлиб қолаверади, дейишган. Ниҳоят, кўпчилик йигитлар илк кеча ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўяди ва келин билан қўшилгач, нима иш қилиб қўйганини билмайди, яъни оқибатни идрок этадиган аҳволда бўлмайди, дея содда Анхеланинг ақлини ўғирлашган. «Чойшабда доғ борми — бас, уларга шунинг ўзи кифоя», дея унинг миясига қўйишган. Хуллас, икки иблишева дунёдаги хотинларга маълум барча макру ғараздан Анхелани воқиф этишган, охиروқибат келин илк кечани рисоладагидай ўтказадиган, анави фурсатда ўзини қиздай тутадиган, наҳорда туриб, бокиралик рамзи — доғли чойшабни офтобга ёядиган бўлган.

Ана шундай умиду ғаразли хаёл билан у турмушга чиқди. Байярдо Сан Роман эса, бахтимни топдим, мен уни бойлиги ва мавқеим таъсирида қўлга киритдим, деб ҳисоблар, бир данғиллама тўй қилайки, бутун эл оғзини ланг очиб қолсин, дея уйлар, бунга сари миясида тўйни дабдабаю асъаса билан ўтказиш хусусидаги жиннича хаёллар ғужғон ўйнардди. Епископ келадиган куннинг тайинин эшитгач, у тўйни ўша улуғ айёмга қолдириб, ҳазратнинг ўзига никоҳ ўқиттирмоқчи бўлди, лекин Анхела Викарио бунга кўнмади. Анхела Викарио бунинг асл сабабини менга аён этиб: «Ростини



айтганда, фақат хўрознинг тожидан шўрва қайнатиб ичадиган, сўнгра парранданинг қолган қисмини бутунча кирўрага ташлаб юборадиган кимсанинг фатвосини олишдан ирим қилдим», деди. Епископнинг оқ фотихасисиз ҳам тўй жўнашиб, бирам шоҳона тус олиб кетдики, охир-оқибат базму тантана тўс-тўполонга айланди, Байярдо Сан Роман ҳам бош-учини йўқотиб қўйди, хуллас, бутун шаҳар аҳли оёққа турган қиёмат бир айём бўлди.

Бу сафар генерал Петронио Сан Роман уй ичи билан бирга Миллий мажлис вакилларига қарашли байрам кемасида келди; тўй тугагунча кема лангаргоҳга занжирлаб қўйилди. Генерални кузатиб яна аллақанча маъмуру мансабдорлар ҳам ташриф буюришган эди, улар, азбаройи кўплигидан, оломон орасига қўшилиб, билинмай кетди. Тўёналар ҳам беҳад-беҳисоб эди, шаҳардаги ташландиқ электростанция биноси супуриб-сидирилиб, совға-саломларнинг энг кўримлилари ўша жойга қўйилди, қолганлари Ксиуснинг собиқ гўшасига жўнатилади; У ерда келин-куёвни кутиб олиш учун тараддуд авжида эди. Куёвга тепаси очиладиган автомобиль тўёна қилинди, машинанинг биқинига бўртма ҳарфлар билан Байярдо Сан Роман номи ёзилган эди. Келинга меҳмондорчиликда йигирма тўрт кишига етадиган дўстнинг қошиғу санчқи совға этилди. Базмга бир гуруҳ раққослар ва икки гуруҳ машшоқлар чақирилган эди, машшоқлар маҳаллий ҳаваскорлар билан соз чалиб, талашиб-тортишиб, рақс тушишиб роса авжига минишди, бу олиймақом тўйнинг даранг-дурунгини олишдан эшитган дайди гармончию ноғорачилар ҳам етиб келиб, шовқин-суронни яна бир парда кўтаришди.

Викариолар уйи беҳашам, оддийгина қурилган эди: девори ғиштдан урилган, томи хурмо шоҳлари билан ёпилган, томда иккита туйнук бўлиб, январда учиб келган қалдирғочлар у ерга ин солар эди. Ойнаванд айвонга қатор гултуваклар қўйилган, гуллар тўрт фасл мобайнида барқ уриб, яшнаб турар, нарироқда, чоққина ичкари ҳовлида мевали дарахтлар ўсар, тагида товўқлар қақақлаб, насибасини териб юрар эди. Ташқари ҳовлига ака-ука эгизаклар чўчқахона қуришган эди, унинг ёнида чўчқа бўғизланадиган «муқаддас тош», гўшт чопиладиган кундалар кўринади — Понсио Викарионинг кўзи ожизланиб, бу дунё ташвишларидан қутулгач, қора қозонни қайнатадиган, оилага даромад берадиган асосий манба шу кунда бўлиб қолган. Бутун ишни Педро Викарио ўз қўлига олган эди, у ҳарбий хизматга кетгач, саллоҳлик ва қассоблик Паблога қолди.

Хонадондаги уйлар тангу тор эди, ётиб-туришгагина ярарди, келиннинг опалари, тўйнинг бунчалик катталашиб кетганидан ўзларини йўқотиб, қўшниларнинг уйини сўрамоқчи бўлишган. «Опаларимнинг фаросатсизлигини қаранг, — деди менга Анхела Викарио уларни ёзгириб, — улар Пласидо Линеронинг уйини сўраймиз деб туриб олишди, хайрият отам бу гапдан хабар топиб, қизларимнинг тўйи мана шу каталакда ўтади, қайсиси хоҳламаса — катта кўча, менга деса бир умр эрсииз ўтсин, деб сўйиб берибди». Уй эски бўёги устидан яна сариққа бўялган эди, деворидаги ёриқлар суваб-текисланган, хоналарнинг поли ҳам тузатилиб, янгитдан бўялган, хуллас, хонадон дабдабали тўй-томошга мос бир ҳолатга келтирилган эди. Эгизаклар ташқари ҳовлидан ҳайвонларни бошқа жойга кўчиришди, чўчқахонани оҳаклаб, супуриб-сидиришди, шунда ҳам барибир жой тор эди. Охири Байярдо Сан Романнинг

маслаҳатига амал қилиб, атрофидаги тахта деворларни ўрнидан кўчириб, ҳовли саҳнини очиб, кенгайтиришди. Қўшнилар билан ҳам келишилди, ўйин уларнинг ташқари ҳовлисида ўтадиган бўлди, ҳамиша кўм-кўк тамархиндий дарахтлари остига узун йиғма хонтахталар, курсилар ўрнатилди.

Куёв тўйдан олдин кичкинагина бир томоша кўрсатди — тўй куни эрталаб у келишилган фурсаддан роса икки соат кечикиб келди, унга Анхела Викарио никоҳ либосларини киймайман, деб роса хархаша қилди, кўнгилларни ҳаяжон ва ҳадик булут қоплади. «Келмаса келмай ўлсин, очиқ мазорга борсин эди! — деди менга Анхела Викарио ўша кунни эслаб. — Кўзимга мутлақо кўринмай, изи қирилиб кетсаям мамнун бўлардим, аммо келинлик рўмоли бошимда, куёвсиз ёлғиз ўтиришга чидаёлмадим, алами ўтиб кетди». Унинг ранжу хавотири ўринли эди, албатта: ахир, аёл зоти учун келинлик кийимига етишган куни куёви ташлаб кетиб, икки қўлини бурнига тиқиб, чапагини чалиб қолаверишдан ҳам бешбаттар шармандалик йўқ-да. Ушанда Анхела Викарионинг иффатсизлигидан, тақдир қаҳридан кўрқмасдан бошига гулчамбар кийганидан, оқ рўмол ўраганидан одамлар ғазабланган, бу — қизлик шаънини, покликни оёқости қилишдир, деган. Фақат менинг онамгина Анхела Викарионинг ўз ниятини амалга оширишда қатъий, собит турганини тўғри изоҳлаб: «Ўша пайтда унинг шундай йўл тутиши ҳудогаям хуш келган», деди. Бироқ Байярдо Сан Романнинг асл мақсади ҳам, қисмати ҳам ҳеч кимга маълум эмасди. У фрак ва цилиндр кийиб тўйда пайдо бўлган дақиқадан бошлаб базмнинг охиригача оммага саодатманд куёв қиёфасида кўриниб, ўйнаб-кулиб юрган.

Сантьяго Носирнинг ҳаётига буларнинг нечоғли алоқадорлигию унинг умр шоми бу машъум тўй оқшоми билан нақадар боғлиқлиги ҳам барчага қоронғи эди. Биз — мен, Сантьяго Носир, Кристо Бедойя ва укам Луис Энрике черковда ҳам бирга бўлардик, ўша куни ҳам тўртовлон бир-биримиздан ажралмаган эдик, аммо, вожаб, Сантьяго Носирнинг юз-кўзида бирор ўзгариш ё ҳадик аломатини сезмаганмиз. Болаликдан бирга ўсганмиз, мактабда ҳам бирга ўқиганмиз, таътилларни тўртовлон бирга ўтказганмиз, орамиздан қилўтмас сирдош эдик, аммо йигитчиликда бўладиган шунақа ишлардан, ким ким билан юришию кимлар хуфёна ишрат қилишини билганимиз ҳолда Сантьяго Носирнинг ўша сирдан беҳабарлигимиз барчани бирдай таажжубга соларди — бу борада мен бир неча марта сўраганларга изоҳ берганман.

Сантьяго Носир байрамни, тўй-томошани жонидан ортиқ яхши кўрарди, ўша куни ҳам тўйга кетган сарфу ҳаражатни ҳисобларкан, ўлими олдидан бемисл бир лаззатни туйган эди. Унинг ҳисобига кўра, черковни безатиш учун сотиб олинган гулларнинг пулига ўн тўрт дафн маросимини олий даражада ўтказса бўларкан. Унинг бу гапини кўп йиллар давомида ёдимдан чиқаролмай юрдим — Сантьяго Носир, хонадаги гул иси менга ўлимин эслатади, деб бир неча бор таъкидлаган эди, бу гал ҳам, черковга кираверишда, худди шу совуқ сўзни тилга олди. «Мен ўлсам, тобутимга гул қўйманглар», деди у сўнгра; албатта, у ушанда эртасига унинг бу васиятини бажариш учун нечоғли елиб-югуришим лозимлигини ўйлаб ҳам кўрмаган. Черковдан Викариолар уйига қайтишда у кўчаларни ясатишга кетган гулчамбару қоғозгуллар нархини, машшоқлару рақ-



қосларга, петарда-метардага ўхшаш портлагичларга, мушакларга ва ҳаттоки кўча-кўйда тўйга келганлар бошидан сиқимлаб сочилган гуручга сарф этилган пулни ҳам тейинма-тейин ҳисоблаб, жамлаб борди. Чошгоҳда, ҳаво айна дим бўлган бир паллада, русумга кўра, келин-куёв етаклашиб ҳовлини айланиб чиқишди, у-будан тотинишди. Байярдо Сан Роман аллақачон бизга элакишиб кетган, қурдошларим тили билан айтганда, ҳамшишамизга айланган, айна чоқда ёнимизга келиб ўтириб, ўзини жуда хушқайф, хушсуҳбат тутар эди. Анхела Викарио гулчамбари билан оқ рўмолини ечиб қўйган, терлаганидан атлас кўйлаги баданига ёпишиб турар, ўзи ҳам бирдан жувон қиёфасига кириб қолгандай кўринар эди. Сантьяго Носир эса ҳамон ҳисоб-китоб билан машғул эди, у Байярдо Сан Романга қараб, ҳозиргача тўйга тўққиз минг песога яқин пул сарфланганини айтди. Анхела Викариога бу бетамизлик бўлиб туюлди. «Онам менга бегоналар олдида пул ё сарф-харажат хусусида гапиришни айб деб тарбия берган», деди у кейинчалик менга ўша ҳолатни изоҳларкан. Алалҳол Байярдо Сан Роман Сантьяго Носирнинг бу гапини эшитиб, маъқуллади ва ҳатто бундан мағрурланди ҳам.

— Энди тўққиз минг кетибдим, — деди у парвосизгина. — Тўй энди бошланяпти. Мана кўрасизлар, базм ўтгач, бу ҳисоб икки баравар ортади!

Шунда Сантьяго Носир, харажатни тўй охиригача, энг сўнги сентавосигача ҳисоблайман, кейин текшириб кўрасизлар, деди ва бевафо умрининг сўнги муддатидаги вафоси боис бу ваъдасининг устидан чиқди. Эртасига, фалокатдан роса қирқ беш дақиқа аввал, биз яна бандаргоҳда учрашганимизда, Кристо Бедойя унга ҳисоботда етмай турган сўнги рақамларни айтган, у Байярдо Сан Романнинг тахмини тўғри чиққанига амин бўлган.

Бу тўй тўғрисида илгарилари элас-элас эслардим, кейинчалик, одамлар хотирасидаги шу тарихга оид асл тафсилотларни синган кўзгу парчаларидек бир-бир териб, йиғиб, тасавурида тиклагач, кўп нарсалар равшанлашди. Отамнинг ана шу тўйда ғижжак чалганини, роҳиба синглимнинг зоҳидалар кийимида мерге<sup>1</sup>га рақс тушганини, онамнинг ўғай акаси, доктор Дионисо Игуараннинг епископни ёқтирмаслиги боис ўша уни подшолик кемасида сафарга жўнаб кетганини — барчасини бизнинг уйдгилар узоқ йиллар мобайнида хотирлаб-гапириб юришди. Мен бу асарни ёзишдан олдин ўша воқеанинг шохидларини толиб, сўраб-суриштириб, суиқасд ва қотилликка расман оиду ноид жуда кўп тафсилотни тўпладим; масалан, Байярдо Сан Романнинг офатижон сингиллари барчанинг ёдида қолган экан: ўшанда улар барқут кўйлақларининг ёқасига тилла капалак шаклидаги тўғноғични қанотидан қадаб олишган эди, икковини кўрган бани одам ақлидан айрилиб термуларди, бинобарин, ҳамма генералнинг бош кийимидаги қўш қарқараси ва кўксидagi ялтиллаган нишонларидан кўра унинг малоҳатли қизларига кўпроқ қарарди. Тўй, ўйин-кулги роса авжига минганда, ўйлаб-нетиб ўтирмай, эндигина бошланғич мактабни тугатган Мерседес Барчага менга теккин, деганман — шуни ҳам одамлар эсимга солишди; ўн тўрт йил ўтгач унга уйланганимда, айна шу сўзларни Мерседеснинг ўзи бир неча бор гапирган. Уша балокаш якшанба

айёмида, ҳовлининг ўртасида, курсида ўтирган бечора чол Понсио Викарионинг қиёфаси бир умр ёдимдан чиқмас. Афтидан, ўша ерни энг обрўли жой, деб ўйлаб, яқинлари уни ҳовлининг ўртасига ўтиргизиб қўйишган эди, аммо ўтган-кетган меҳмонлар унга урилиб, қоқилар, танимаганлар уни қандайдир кимсасиз, бадбахт кўр, деб ўйлар, қариндош-уруғлари эса, чол одамларга халақит бермаептимикан, дея хавотирланар эди. Мўйсафид оппоқ сочли бошини саломлашгандай ҳар томонга сараклатиб кўярди, юзида яқиндагина кўзи ожиз тортган бечора сўкир банданинг басаранжомлиги, ҳаяжони қотиб қолган эди; у баъзиларнинг сўзларига жавоб қайтариб, бировларга берилган саломга ҳам алик олар, ўзида йўқ хурсанд эди; охорланган кўйлаги қалин қоғоздан тикилгандай дўппайиб кўринарди, қўлида тўёна қилинган, гуаяйкан оғочидан ясалган ҳассани ўйнаб ўтирар эди.

Кечки соат олтида олийнасаб, фахрли меҳмонлар хайр-хўшлашиб жўнашди, тўйнинг тантанали қисми шу билан поёнига етди. Кема қўзғалиб, анвойи ранг шуълалар таратиб бандаргоҳдан узоқлашаркан, пианолада чалинган мусиқа садолари ҳам унинг ортидан сузиб борди; биз худди жар ёқасида осилиб, қолгандек ҳушимиздан айрилиб, бир фурсат қотиб қолдик, сўнгра бир-биримизга қараб, ўзимизга келиб, яна ўйин-кулги, базму маишат гирдобига шўнғидик. Бир оздан кейин оломон ўртасидан аранг-аранг йўл топиб, усти очиқ автомобилда келин-куёв кириб келди. Байярдо Сан Роман мушаквозлик қилди, кимлардир унга шакарқамиш майдан узатди, у майни шиша-мишаси билан кўтариб, оғзига қўйиб, қултиллаб ичди, сўнг Анхела Викариони қўлтиқлаб машинадан тушди ва кумбия<sup>2</sup>га рақс этаётганлар даврасига қўшилиб, чарчагунча ўйнади. Охири у одамларга, пули тўланган, машшоқлар ҳеч қаёққа жилмайди, йиқилиб қолгунча ўйнаб-қулинглар, деб буюрди-да, ўлардай қўрқиб, жони халқумига келган хотинини етаклаб, қачонлардир бева Ксиус бахту осудалик нашидасини сурган, энди эса маҳбубаси висолига етказадиган уйга кириб кетди.

Ярим кечада оломон тарқалди, майдонда яна Клотильде Арментанинг сут дўқонигина сўппайиб қолди. Сантьяго Носир, мен, укам Луис Энрике, Кристо Бедойя биргалашиб Мария Алехандрина Сервантес хонимнинг лаззатижон уйига жўнадик. У ерда ўтирганлар ичиде эгизак Викариолар ҳам бор эди, улар бизга қўшилиб май ичишди, Сантьяго Носир билан — уни ўлдиришларидан беш соат аввал — роса қўшиқ айтишди. Тўйдан қайтаётган кишиларнинг маст-аластларча бақир-чақирлиқлари, сўкинишлари қаёқлардандир ҳамон эшитилиб турарди, уларнинг товуши қандайдир маҳзун, аламли туюларди; ниҳоят, епископ тушган кема келмасидан сал аввал, бу овозлар тинди.

Пура Викарионинг онамга айтишича, у кечки соат ўн бирларда, тўйнинг тўс-тўполони тинчигач, қизлари билан уйни сал-пал тартибга келтириб, кейин ухлагани ётган. Ундан олдинроқ — соат ўнларда — катта айвонда ҳамон бир гуруҳ майпарастлар айш суриб ўтиришганда, Анхела Викарио ётоғида турган, айрим нарсалари солинган саквожиге киши йўлл<sup>3</sup>ган; онаси унга баъзи кийимлари, чойшаби<sup>4</sup> тахланган жомадонни ҳам бериб юбормоқчи бўлган, бироқ элчи киши азбаройи ошиқаётганидан жомадонни олмаган.

Эшик тақиллаганда, Пура Викарио донг қотиб

<sup>1</sup>, <sup>2</sup> Колумбияликларнинг халқ ўйини.

ухлаб ётган эди. «Эшик секин-секин уч марта тақиллади, — деган у онамга. — Эшитдиму кўнглим бир фалокат юз берганини сезди». У чироқни ёқмасдан, ҳеч кимни уйғотмасдан, оҳиста эшикни очган ва кўчадаги чироқ ёруғида Байярдо Сан Романни кўрган. У тугмалари очик оқ кўйлақда эди, рангин шимига елкалари оша шимтасма тақилган. Пура Викарио онамга: «У бамисоли алоқ-чалок тушда кўринадиган эжинадай кўкариб кетган эди», деган. Анхела Викарио қоронғида беркиниб турган, сўнг Байярдо Сан Роман унинг кўлидан тутиб ёруқча чиққан. Эгнидаги атлас кўйлаги пора-пора йиртилган Анхела думбасигача сочиқ ўраб олган эди. Пура Викарионинг кўзига улар, гўё, асли жарга автомобилдан учиб тушганлару ўлиб, айна аснода руҳлари бу ерга келгандай бўлиб туюлган.

— Во ҳайрато, эй қодир эгам! — дея у хитоб қилган кўрқувдан дағ-дағ титраб. — Агар тирик бўлсаларинг, жавоб беринглар: нима гап ўзи?

Байярдо Сан Роман остона ҳатламасдан, ҳеч сўз демасдан бир кечалик хотинни оҳиста итариб эшикдан ичкари киритган, сўнгра Пура Викарионинг юзидан ўпиб, чуқур алам ва киборларча назокат билан:

— Онажон, раҳмат сизга. Сиз жудаям олижаноб аёлсиз, — деган.

Кейинги ўтган икки соат мобайнида неки рўй берган — бари фақат Пура Викариогагина аён эди, афсуски, билганларини у ўзи билан бирга гўрига олиб кетди. «Эсимда қолгани, — дея иқроор бўлди менга Анхела Викарио, — онам бир кўли билан сочимдан ўраб-ушлаб олиб, иккинчи кўли билан жазаваси тутганча, шундай саваладики, бу уришида ўлдириб кўяди, деб роса кўрқдим». Аммо онаси нотавон, шарманда қизини шунчалар эҳтиёткорона калтаклаган эди, нариги хонада ухлаётган эри ҳам, катта қизлари ҳам бирор товуш ё шарпани сезишмаган, қон тўкилиб, фалокат кўпгунча кўз очишмаган.

Биродарлар эса тунги учларда уйга қайтган — шу заҳоти икковини онаси чақирган. Улар Анхела Викариони ошхонада қонталаш юзини диванга босиб ётган, эндигина йиғидан тийилган бир аҳволда кўришган. «Ҳар қалай унғача кўрқувни унутиб, ўзимни тутиб олган эдим, — деди менга Анхела Викарио. — Аллапайтлардан бери юрагимни туздай ачиштираётган вавасадан, талвасали тушдан фориг бўлиб, дилим таскин топган эди, энди фақат бир нарсани — гап-сўз тугашинию тинчгина ўринга чўзилиб ухлашни истардим». Педро Викарио сал жангарироқ эди, у Анхеланинг белидан даст кўтариб, стол устига ўтқазган-да:

— Қани, ичингдагини яширмай айт, — деган ғазабдан титраб-қақшаб. — Ким бузган сени?

У бир исми айтиш учун қанча фурсат зарур бўлса, шунча вақт индамай, тили калимага келмай турган. Қоронғиликка тикилганича гўё ўша номни ахтарган, ниҳоят ҳар икки дунёга мансуб инсонлар исми орасидан излаганини топган ва худди беғуноҳ капалакни тутиб олиб, қанотидан деворга нечоғли ваҳшият-ла михлаб кўйилса, шундайин шафқатсизлик билан:

— Сантьяго Носир! — деганки, шу аснода азалдан маълум ҳукм ўқилган ва ажал элчилари йўлга тушишган.

Қотиллик инсон шаънини ҳимоя қилиш зарурияти туфайли рўй берган, буни суд ҳайъати инobatга олади, деди оқловчи. Жавобгар биродарлар сўнги

сўзларида: агарда номуслари топталиб, яна минг бор шундай вазият туғилса, яна минг бор ўша ишларини такрорлаяжакларини айтишди. Жиноят қилиб қўйғач, улар бир неча муддат саросималаниб туришган-да, кейин черковга бориб, кўлимизни қонга ботирдик, дея тан олишган — худди ана ўша пайтда, биз уни номусимизни булғгани учун ўлдирдик, деб ўзларини оқлашлари мумкинлигини ўйлашган ва шу баҳонага маҳкам ёпишиб олишган эди. Ушанда Носирнинг сўйилганини эшитган араблар ҳам қонсираб, дарҳол саллоҳлар изидан тушишган; иккала биродар таъқибдан қочиб ҳаллослаганларича тўппатўғри дорилқавмга киришган ва руҳоний Амадорнинг олдига қони артилган пичоқларини қўйишган. Одам ўлдириш осон иш эмасди; икковининг ҳам силласи қуриб, адоий тамом бўлган, кийимлари, қўллари тер ҳамда ҳали қотиб улгурмаган одам қонига булғанган эди. Кашиш қотилларнинг ўз оёғи билан дорилқавмга кириб келганини маъқуллаб, имонлари саломат эканидан миннатдор эканини билдирган.

— Биз уни қасддан ўлдирдик, — деган Педро Викарио, — бироқ айбимиз йўқ.

— Валлоҳи аълам, балки тангри олдида беғуноҳдирсиз, бўталарим, — деган руҳоний Амадор.

— Худонинг ҳам, банданинг ҳам олдида беғуноҳдирсиз! — деган Пабло Викарио қатъий қилиб. — Номусимиз пок бўлсин деб шу ҳалол ишга қўл урдик.

Биродарлар кейинроқ, жиноятни аниқлаш асносида бундан ҳам бешбаттароқ юзсизлик қилишди, заррача айбимиз йўқ, оппоқмиз, деб туриб олишди, натижадан Пласида Линеронинг кўча эшиги подшолик ҳисобидан тузатиб берилди — саллоҳлар Сантьягони ўлдиришдан сал аввал эшикка пичоқ ура-ура пайрахасини чиқариб, бузиб ташлаган эди. Улар Риоачидаги турмада уч йиллик муваққат қамоқ муддатини ўтади, пуллари йўқлигидан озодликда юриш учун зарур тўловни тўлай олмади; ҳибсдагилар ҳам иккала биродарни очиқлиги, самимийлиги боис ёқтириб қолди, бироқ ҳеч ким уларнинг пушаймон чеккани ё тавба қилганини сезмади. Дарҳақиқат, дастлаб уларнинг кўнглида Сантьяго Носирни дарҳол, исини чиқармай ўлдириш нияти бўлмаган, аксинча, кимнингдир халақит беришини ишташган, бунинг учун қўлларидан келган барча ҳаракатни қилишган, аммо, бахтга қарши, бирор кимса лом-мим демаган, ноилож, беихтиёр одам-қушликка қўл уришган. Бу фикрни кўпчилик тўғри деб тасдиқлади.

Йиллар ўтгач менга одамларнинг айтишича, биродарлар уни излаб аввало Мария Алехандрина Сервантесникига боришган, чунки икки соат бурун шу ерда у билан бирга май ичишган эди. Бу далил бошқа далолатлар каби суднинг сўроқ-жавоб ҳужжатларига киритилмаган. Викариоларнинг таъкидлашича, улар Сантьяго Носирни майхонадан топишолмаган, ростдан ҳам биз у пайтда айшхонадан чиқиб кетган эдик, кўчада кўшиқ айтиб юрувдик, лекин саллоҳларнинг чиндан ҳам уни қидириб майхонага боргани даргумон. «Агар улар менга йўлиққанларида, бу ердан чиқариб юбормас эдим», деди менга Мария Алехандрина Сервантес. Бу аёл тўғри гапни айтди, зотан иккала йигит унинг лаззатхонасига қадам қўйғач, ҳирсларига қўл бўлиб, у ердан оёқ узиб кетолмай қоларди. Ажабланарлиси шундаки, Викариолар Сантьяго Носирнинг ўлса ҳам у жойга келмаслигини билатуриб Клотильде Арментаининг сўт дўконига боришган. «Бирдан-бир очик



дўкон шу эди-да», деган улар терговчига. Менга эса, турмадан чиққач: «Эртами-кечми барибир шу ердан ўтарди», дейишди. Пласида Линеронинг кўча эшиги доимо, ҳаттоки кундузи ҳам ичкаридан берк туришини, Сантьяго Носир чўнтагига орқа эшик калитини солиб юришини ҳамма биларди. Агар у ўшанда уйига қайтганида ҳам, шубҳасиз, орқа эшикдан кирган бўларди — суиқасдчилар уни бутунлай тескари томонда бир соатча пойлашган, у епископни кутиб олиш мақсадида майдон тарафга тўппа-тўғри кўча эшик орқали ўтган; нима учун бундай қилганига терговчи ҳам ҳайрон.

Бундайн ошқора қотилликни шу дамгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бўлса керак.

Сингиллари зинокорнинг исмини айтгач, биродарлар чўчка бўғизланадиган бостирмага киришганда, қассоблик анжомлари ичидан энг яхши иккита пичоқни танлашган, бирининг узунлиги ўн, эни икки ярим пултада<sup>1</sup> бўлиб, у билан гўшт нимталанар эди, иккинчисининг узунлиги еттию эни бир ярим пултада эди, униси ҳайвон терисини шилишга ишлатиларди. Пичоқларни латтага ўраб, чархлатгани бозорга, қассоблар растасига етиб боришганида, дўконлар эндигина очила бошланган экан. Тонг-сахарлаб, ҳаққанинги тумшуғи қуруқлигида бозорга келганлар унчалик кўп эмасди, аммо йигирма икки киши Викариоларнинг нима деганини эшитган, йигирма иккита инсоннинг шаҳодат беришича, саллоҳлар ёвуз ниятларини атайлаб ошқора айтаверган. Фаустино Сантос — қассоб Викариоларнинг оғайниси — эндигина ичак-чавоқ солинган қутини дўконга қўйиб турганида улар кириб келган, шунда соат 3 дан 20 дақиқа ўтган экан, қассоб иккала саллоҳнинг нега бунчалик бемахалда, яна унинг устига душанбада, тўйга деб кийилган қора мовут костюмларини ҳам ечмай йўқлаб келганига ҳайрон бўлган. Фаустино оғайниларини одатда ҳар жумада, бу пайдан сал кейинроқ, чўчка бўғизлаганда тутиладиган тери пешбанд таққан ҳолатда кўришга ўрганиб қолган эди. «Роса ичишибди-да, деб ўйладим, — деди менга Фаустино Сантос, — шунинг учун ҳам соат тугул куннинг ҳисобиниям йўқотиб қўйишган-да». Қассоб уларга куннинг душанба эканини айтган.

— Оббо тентаг-эй, ким сенга душанбамас деяпти, — деган унга Пабло Викарио. — Биз пичоқ чархлатгани келдик.

Икковлон чархни айлантриб, пичоқларни ўткирлай бошлашган: одатдагидай, Педро пичоқ тиғини чархтошга галма-гал тутиб турган. Пабло дастакни айлантриган. Иш давомида улар қассобларга тўйнинг нечоғли даняиллама бўлганини оғиз кўпиртириб макташган, айрим қассоблар эса, уларнинг ҳамкасби бўлатуриб, тўй тортдан ўзларига тегмаганини айтиб, гина қилишган, биродарлар уларни юпатиб, сизларга аталгани ҳам бор, дейишган. Ниҳоят, чархлана-чархлана пичоқ сайраб юборгач, Пабло тиғи ялтилла-син деб уни чироққа тутган. Сўнг:

— Ҳозир мана шу пичоқ билан Сантьяго Носирни сўйгани борамиз, — деган.

Одамлар икковининг ҳам батартиб, мўмин-қобил йигитлар эканини яхши биларди, шунинг учун бу гапга ҳеч ким эътибор бермаган. «Ҳамма уларнинг бу гапига, маст одамнинг алжираши-да, деб қараган эди», деди менга айрим қассоблар; Виктория Гусман ҳам, биродарларни кейинчалик кўрган кишилар ҳам асосан шундай фикрда эди. Бир сафар мен

қассобларга, шу касб-кордаги одамлар қониди туғма қаттоллик майли бўлса керак, деган эдим, бошим балага қолди. Улар бу мулоҳазамни рад этиб: «Ҳайвонни сўяётганда, кўзига қарай олмайсан одам» дейишди. Яна бири эса, ўзим сўйган бирорта жонлиқ гўштини еёлмайман, деди. Бошқа биттаси аввал бир бор кўрган ёки, айниқса, сутини ичган сигирни сўя олмаслигини айтди. Шунда биродар Викариоларнинг ўзлари боққан, ўрганиб қолган, ҳаттоки эркалаб ном қўйиб юрганлари неча-неча чўчқани киприк қоқмай бўғизлаганлари хотиримга келди. Буни қассобларга айтган эдим: «Гапингиз тўғри, — деди бири, — аммо сиз улар ўз чўчқаларига одамлар исмини эмас, гулларнинг номини қўйганини унутманг-да». Пабло Викарионинг дағдағаси ёлғондакам эмаслигини англаган бирдан-бир инсон — Фаустино Сантос ундан ҳазиллашиб, атрофда калласини шартта узиб ташлаш шарт бўлган шунча бой-бадавлат кишилар юрипти-ю, сенлар нега энди айнан Сантьяго Носирни ўлдирмоқчисан, деб сўраган.

— Бунинг сабабини Сантьяго Носирнинг ўзи яхши билади, — деб жавоб қилган унга Педро Викарио.

Фаустино Сантос ўзини қўярга жой тополмай қолган, кейинчалик менга айтганидек, бироз ўтгач, шаҳар ҳокимининг нонуштасига печенье олгани, миршаб келганида, унга бу гапни шипшиган. Суд ҳужжатларида қайд этилишича, миршаб — Леандро Порной исмли кимса экан, у тўйдан бир йилча ўтиб, салтанат байрами кунда, буқа сузиб, бўйнидаги шоҳ томири ёрилиб ўлган. Шу боис у билан суҳбатлашолмадим, инчунун, Клотильде Арментанинг тасдиқлашича, унинг сут дўқони ёнида Викариолар Сантьяго Носирни ўлдирамиз деб ўтирганида, икковини даставвал ана шу миршаб кўрган.

Клотильде Армента эндигина эрини уйига жўнатиб, пештахтани арта бошлаган эди ўшанда: эр-хотин дўқонни бирга очишар, эрталаб сут, кун бўйи турли озик-овқатлар билан савдо-сотик қилишар эди, бу каталак кечқурун соат олтидан кейин майхонага айланарди. Хотин дўқонни тонг-сахар соат уч яримда очган. Унинг эри, олижаноб дон Рохелио де ла Флор, майхонани ҳар галгидек соат бирда ёпмоқчи бўлган, тўйдан чиқиб, атрофида тентираб юрган майпарастларнинг барчаси шу ердан қўним топиб, гап таъсир қилмайдиган даражага етишгач, у соат учдан кейин дўқонни беркитмасдан уйига ухлагани жўнаворган, Клотильде Армента эса, епископ келгунича сутни сотиб улгурай, деб барвақт турган эди.

Викариолар дўконга соат тўрту ўнда киришган. Одатда бу маҳалда фақат егуликлар сотиларди, аммо Клотильде Армента уларни бир шиша шакарқамиш майи билан сийлаган, бу унинг қассобларга эҳтиромидан эмасди албатта; биродарлар унга тўй тортдан жуда катта бўлагини юбортиришган эди, аёл шундан хурсанд бўлган. Улар бир кўтаришда шишани қуритишган-да, яна ҳеч нарса кўрмагандай ўтираверишган. «Икковиям музлаб-тўнғиб қолганга ўхшарди, — деди менга Клотильде Армента, — агарда ўша пайтда устларидан ермойи сепиб ёқиб юборилса ҳам, исимасди». Сўнгра улар мовут костюмларини ечиб, айрича бир эҳтиёткорлик билан стул суянчиғига илишган-да, яна бир шиша ма сўрашган. Кўп терлаганларидан кўйлақлари анчаги<sup>2</sup> кирланган, ўзлариям, соқоллар олинмаганданми, қандайдир ваҳшиёна тусга кирган эди. Биродарлар шишадаги майни энди бамайлихотир ўтириб, шовилмасдан, Пласида Линеронинг рўпарадаги уйдан кўз узмасдан, майдалаб ичаверишган; уй деразалари

<sup>1</sup> Қадимий испан ўлчов бирлиги, 23 мм.га тенг.



қоронғи, хоналарнинг чироғи ўчиқ экан. Суиқасдчилар эътибори қадалган пешайвон тарафга қараган энг катта дераза Сантьяго Носир ётоғиники эди. Педро Викарио Клотильде Арментадан, анави деразанинг чироғи ёнмадими, деб сўраган, аёл йўқ деб жавоб берган, йигитнинг бу саволи унга ғалати туюлган.

— Бирор нарса бўлдими унга? — дея қизиқиб сўраган аёл.

— Йў-э, тинчлик. Ҳозир у бизга жуда керак бўлиб қолди: ўлдирмоқчимиз, — деган унга Педро Викарио.

Аёл бу кутилмаган гапга аввалига ишонмаган, аммо саллоҳлар қўлидаги сочиққа ўралган пичоқларга кўзи тушгач, ҳайронлиги янада ортган.

— Нега ўлдирмоқчисизлар, тагин шунчалик тонгсаҳарлабда-я — сабабини билсак бўладими? — дея сўраган.

— Негалигини унинг ўзи билади, — деган Педро Викарио.

Клотильде Армента икковини ҳам синчиклаб кўздан кечирган. У биродарларни жуда яхши биларди, айниқса, Педро Викарио ҳарбийдан қайтгач, ўзича эгизакларни бир-биридан фарқлай бошлаган эди. «Икковиям гўр, қип-қизил бола эди-да, ахир», деди менга дўкончи хотин. Уни худди мана шу фикри кўрқитиб юборган, зотан, болаларгина ҳар ишга қадир, дея ҳисобларди у. Сутдан бўшаган шишаларни ташийётган жойида у ишини қўйиб, эрнини дўкондаги аҳволдан хабардор қилиш учун уйига чопган. Дон Рохелио де ла Флор заифасининг сўзларини мудраб ётиб эшитган.

— Кўпам жинни бўлаверма, — деган у хотинига. — Икковиям одам ўлдирадиган, хусусан, бой одамга пичоқ кўтарадиган болалардан эмас.

Клотильде Армента орқасига қайтганида, саллоҳлар шаҳар ҳокимига сўт олгани дўконга кирган миршаб билан сўхбатлашиб ўтирган эди. У эркакларнинг гапини унчалик англамаган, бироқ миршаб чиқиб кетаётган уларнинг пичоғига кўз ташлаганида, демак, биродарлар унга ҳам аҳдларини очиқ билдиришибди-да, деб ўйлаган.

Шаҳар ҳокими полковник Ласаро Апонте соат тўрт бўлмасидан сал аввал уйғонган эди, миршаб Леандро Порной Викариоларнинг ёвузона қарори хусусидаги хабарни айтгани кирганида у соқолини эндигина олган эди. Ўтган кечаси полковник улфатлар ўртасидаги бир неча можарони тинчитиб чарчаган, саҳарлаб яна бири ҳақида мулоҳаза юритишга шошилмас, зеро, бунга ҳуши ҳам йўқ эди. У бамайлихотир кийинган, капалакнусах бўйинбоғини кўнглидагидай чиқмагунича қайта-қайта боғлаган, сўнг епископнинг кўзи тушар деган илинжда бўйнига Биби Марям қавмларига мансуб туморни таққан. Нонуштада, пиёз қўшиб димланган жигарни еб ўтирганида, хотини ҳовлиқанича Байярдо Сан Роман Анхела Викариони онасиникига элтиб ташлабди, деган, полковник эса, унинг сўзига зиғирча ҳам эътибор бермаган.

— Э, тавбангдан кетай, худо-ей! — деган ҳазиллашиб. — Епископ энди нима деркин-а?

Лекин, шу заҳотиёқ, полковник миршабдан эшитган гап билан хотини айтган сўзларни бир-бирига қийслаб, уларнинг чамбарчас боғлиқлигини дарҳол англаган. У шитоб туриб, епископга илҳақ одамлар билан жонланиб қолган кўча бўйлаб янги бандаргоҳ томондан майдон сари йўл олган. «Ҳаммаси эсимда, эрталаб соат бешлар эди, ёмғир томчилаётувди», деди менга полковник Ласаро Апонте. Кўчада уни

учта кимса тўхтатиб, эгизак Викариолар Сантьяго Носирни ўлдирамиз деб пойлашаётганини хуфёна айтган, улардан фақат биттасигина саллоҳлар Сантьягони айнан қайси жойда кутиб ётганини аниқ айтган.

Полковник биродарларни Клотильде Армента дўкони ёнида учратган. «Уларни кўрибоқ, болалар шунчаки ўдағайлашибди-да, деб ўйладим, — деди у менга ўзича мулоҳаза қилиб. — Мен икковини ўлгудай мастдир деб беҳуда хавотирланган эканман». Полковник улардан мақсадлари нима эканини сўраб ҳам ўтирмаган, пичоқларини тортиб олгану яна ухлагани уйига жўнаворган. Хотинининг ваҳимали сўзларига эътибор бермаганидек, саллоҳларнинг бундай ўтиришларига ҳам бепарво қараган.

— Ахир, мундоқ бир танларингга ўйлаб кўринглар, епископ сизларни шу аҳволда кўрса, нима деб ўйлайди!? — деган у Викариоларга.

Шундан кейин биродарлар кетган. Клотильде Армента шаҳар ҳокимидан уларни қамоққа олмагани учун хафа бўлган: унингча, ҳамма гап бир ёқли қилинганча полковник икковини ҳибс этиши лозим эди. Полковник аёлнинг бу даввосини эшитгач, унга қўлидаги пичоқларни далил сифатида кўрсатган ва:

— Энди нимаси билан сўяди, ваҳимачи! — деган.

— Наҳотки, улар ёмонлигини қўяди, деб ўйлайсиз? — деган аёл унга. — Ахир, уларнинг зиммасида оила шаъни, бировни ўлдиршедк оғир мажбурият турибди, бечораларни ана шу юкдан қутқариш керак-ку!

Викариолар ёвуз ниятини амалга оширишда қанчалик қатъий турган бўлсалар, бирор сулҳпарвар келиб, икковини бу бадниятдан қайтишга ундашини, қаттоллик балосидан халос этишини шунчалик, сидқидилдан истаётганларини Клотильде Арментанинг кўнгли сезган эди. Полковник Апонтенинг ғофил дили бундан беҳабар эди, албатта.

— Ассосиз шубҳага бориб бировни қамаш мумкин эмас, — деган у. — Ҳозир, энг муҳими — Сантьяго Носирни суиқасддан воқиф қилиш, у ёғи — олам гулистон!

Клотильде Арментага полковникнинг хулқи ёқмасди, шунинг учун ҳар доим, бу пакана, хўппасемизнинг енгилтаклиги бошимга кўп маломатлар солади, деб ёзғириб юарди, аммо, менимча, Ласаро Апонте, гарчанд бир оз алжиб қолган, баъзи бемаза ақидапарастлар почтада юборадиган қўлланмаларни ўқийвериб, мияси чалғиб, танҳоликда арвоҳлар билан сўзлашадиган қилиқ чиқарган бўлса ҳам, ўзи асли бахтиёр инсонлардан бири эди. Бироқ ўша душанбадаги хатти-ҳаракатлари унинг шилдир кимсалигини ошкор этди. Гап шундаки, полковник Сантьяго Носирни бандаргоҳда кўриб қолмагунича ўзининг ваъдасини унутган, унга кўзи тушган заҳоти, суиқасд хусусида ўйлаб, индамаган — ҳеч нарса бўлмади, деб ҳисоблаган ва подадан олдин чанг чиқармаганидан мамнунланиб қўйган.

Викариолар шум ниятларини сўт дўконига кирган ўн икки кишига айтган, ана шу ўн киши соат эрталабки олтигача бу шумхабарни бутун шаҳарга ёйган. Шундоққина рўпарадаги уйда туриб Носирларнинг оиласи суиқасддан беҳабар эканини Клотильде Армента калласига сифдирилмасди. Унингча, Сантьяго Носир уйда эмасди, зотан, ётоғининг чироғи ҳам ўчиқ эди; аёл кимни кўрса, Сантьяго Носирни учратсанг, шу гаплардан огоҳ эт, дерди, у ҳатто сутга келган роҳиба хизматчи орқали руҳоний Амадорга ҳам хабар етказган. Соат тўртда у Пласида Линеронинг ошхонасида чироқ ёнганини кўргану

дарҳол, ҳар куни эрталаб бир ҳўплам сут тиланиб келадиган гадой хотинни, бор гапни айтгин, деб оқсоч Викториа Гусманнинг олдига юборган. Епископ тушган кема бўкириб овоз берган пайтда деярли барча одам уйғониб бўлган, бутун шаҳар аҳли унга пешвоз чиқишга ошиқмоқда эди; бизлар — умуман, эгизак Викариолар Сантьяго Носирни ўлдирмоқ ниятида пойлаётганидан беҳабарлар бармоқ билан санарли даражада оз эдик; бу пайтда суиқасд ва унинг сабаби ҳақидаги шов-шув шаҳарни тумандай қоплаган эди.

Биродарлар қўлларида газетага ўроғлиқ бошқа пичоқларни тутганча яна дўкон ёнига қайтишганида Клотильде Армента ҳали сутни сотиб улгурмаган эди. Битта пичоқнинг узунлиги ўн икки, эни уч пултада, тиғи қалин, занглаган эди, уни эски темир аррапичоқдан Педро Викарионинг ўзи, урушдан сўнг немис пичоқлари савдога кирмасидан сал аввал ясаган. Иккинчи пичоқ калтароқ, лекин наригисидан энлироқ, ўроқдай эгри эди. Терговчи суд ҳужжатига пичоқни сўз билан ифодали олмагани боис расмини чизиб қўя қолган, суврат остига ёзган хатида унинг кичкинагина туркий ятағанга ўхшашлигини таъкидлаган. Эгизаклар Сантьяго Носирни қийнаб ўлдиришган.

Фаустино Сантос оғайнилариининг хатти-ҳаракатини идрок этолмай қолган. «Улар яна пичоқ чархлагани қайтиб келишди, — деди у менга. — Келасолиб, Сантьяго Носирнинг ичак-чавағини ағдариб ташлаймиз, дея, атайлаб ҳамма эшитиши учун бақириб-чақира бошлашди. Мен бу оғзи полвонлар шунчаки валдираяпти-да, деб кўнглимдан кечирдим у пичоқларига назар солмадим; аввалгиси деб ўйлаган эдим-да». Саллоҳлар тагин дўкон рўпарасида кўринишлари биланоқ, Клотильде Армента уларнинг вазоҳатлари ўзгарганини туйган.

Ҳақиқатан ҳам, икковининг ўртасида ихтилоф туғилган эди. Гап шундаки, улар зоҳиран, бир-бирига нақадар ўхшаса ҳам, ботинан айрича эди — оғир, мушкул фурсатда ана шу руҳий, хулқий тафовут ўзини ошкор этарди. Пабло Викарио укасидан олти дақиқалик катта эди, ўсмирлигидеяқ тахайолининг кучлилиги, дадиллиги билан ундан ажралиб турарди, Педро Викарио эса, билишимча, ёшлигидан таъсирчан, фармонбардорлики хуш кўрадиган бола эди. Ёшлари йигирмага етгач, иккови ҳам ҳарбийга чақирилди, бироқ Пабло Викариога озодлик тегиб, оилага бош бўлиб қолди. Педро Викарио жамоат тартибини сақловчилар сафида ўн бир ой хизмат қилди. Муттасил ўлим даҳшати билан тобланган жанговар рух унинг қалбидаги фармонбардорлик майлини янада мустаҳкамлади, акасига боғлиқ баъзи ишларни ҳам ўзи ҳал этишга ўрганди. У уйига «юкумли сержантлик рутбаси» — бавосил касалини орттириб қайтди, ҳарбийдалик чоғида доктор Дионисо Игуаран тавсиясига кўра қилинадиган маргимушли уколларга ҳам, инглиз тузи қориштириб қилинадиган ҳуқнага ҳам, хуллас, қўшинда расм бўлган даволашнинг барча усулларига тош бардош билан қарши турди. Бавосилини турмага тушганидагина даволашди. Биз, Паблонинг оғайнилари, укаси ҳарбий хизмат нонини еб, анчагина буйруқчи бўлиб қайтгач, кутилмаганда унинг феъли-атвори ўзгарганини, укаси чизган чизиқдан чиқмайдиган дардидарга айланиб, айниганини сезган эдик, бу ҳам етмагандай, Педро Викарионинг яна бир қилиғи ортиқча бўлди: у ким кўринганга кўйлагини кўтариб, чап биқинидаги пулемёт ўқидан қолган чандиқни намойиш этарди. Педро ўз бавосилини ҳарбий

нишондай эъзозлаб рўкач қилиши етмаганидай, пандавақи Пабло ҳам уни мўътабар инсоннинг улуғлик белгиси деб билар ва бу борада сўз кетса, албатта ҳаяжонланар эди.

Педро Викарионинг айтишича, Сантьяго Носирни ўлдириш керак, деб дастлаб у аҳд қилган, акаси унга эргашган, холос. Полковник пичоқларни тортиб олгач, Педро, бурчимни бажардим, деб ҳисоблаган, ана шунда Пабло Викарио ташаббусни қўлга олиб, йўқ, бу билан иш тугамайди, уни ўлдирамиз, деб оёқ тираб тураверган. Биродарлар терговчиға алоҳида-алоҳида ёзиб берган тилхатларида бу хусусда оғиз очишмаган. Аммо менга Пабло Викарио бир неча дафъа таъкидлаганидек, укасини ишни охирига етказишга кўндиргунича унинг эси кетган. Эҳтимол, ўшанда укаси бир муддат бўшанглик қилгандир, ким билади дейсиз; Пабло Викарио якка ўзи бостирмадан бошқа пичоқларни олгани кетганида, укаси бовл этмоқ ниятида тamarҳиндий дарахлари панасида ивирсиб юрарди. Мен Педро Викарио билан атиги бир марта суҳбатлашолдим, холос, ана ўшанда у: «Акамнинг бошида бу савдо йўқ, билмайди. Ёзилиш — мен учун шиша синиғини пешоб қилишдан ҳам баттар азоб», деди. Пабло Викарио пичоқни топиб қайтганида, укаси ҳамон дарахтга қапишиб, кучаниб ўтирарди. «Бечора оғриқдан совуқ терга ботиб кетган эди, — деди менга Пабло Викарио. — У инқиллай-инқиллай, ҳозир бировни ўлдирадиган чоғи йўқлигини, бир ўзим бораверишим кераклигини айтди». Сўнг Педро Викарио тўй дастурхониға тайёрланган, ҳануз йиғилмаган хонтахталардан бириға чўккан, шимини тиззасига туширган. «Ярим соатча матохини дока билан ўради», деди менга Пабло Викарио. Аслида эса, укаси уни ўн дақиқача куттирган, холос, бироқ бу фурсат мобайнида нечоғи изтироб чеккани ёлғиз Педро Викариоағина аён; Пабло Викарио эса унга қараб туриб, бу бавосил тонг отгунча вақтни чўзмоқчи, деб ўйлаб, ранжиган. У укасининг қўлиға зўрлаб пичоқ тутқазган-да, уни синглисининг топталган номуси тикланадиган интиқом йўлиға судраган.

— Бошқа йўл йўқ, — деган у. — Биз уни сўйиб, саранжомлаб бўлдик, деб ўйлайвер энди.

Итлар тинимсиз ҳўраётган бир пайтда икковлон, пичоқларини ҳеч нарсаға ўрамасдан, чўчқахонадан ташқарига чиқишган. Тонг ёриша бошлаган. Пабло Викарио менга: «Ёмғир ёлмаётган эди», деди. Педро эса: «Аксинча, ҳаво тунд эди, денгиздан шамол эсарди, юлдузларни бармоқ билан санаса бўларди», деди. Бу пайтда шов-шув бутун шаҳарға тарқалган эди. Ортенсия Бауте кўча эшигини очаётган аснода саллоҳлар айна унинг уйи ёнидан ўтишаётган экан, уларни кўрибоқ, хотиннинг капалаги учиб кетган ва Сантьяго Носирнинг арвоҳини хотирилаб, ҳаммадан олдин дуо ўқиган. «Мен уни ўлдиршибди, деб ўйловдим, — деди у менга. — Шунинг учун ҳам кўчадаги чироқ шуъласида қўллариди пичоқдан ялтиллаб қон томаётгандек кўринди кўзимға». Бу ташландиқ маҳалладаги яккам-дуккам уйлардан бири Пабло Викарионинг қаллиғи Пруденсия Котес хонадонини эди. Биродарлар ҳар сафар шу ердан ўтишганида — айниқса жума кунлари бозорға кетишаётганда — бир пиёла қаҳва ичиш баҳонасида уни йўқлаб туришарди. Улар эшикни итаришган эди, итлар безовталаниб, ириллади, сўнг, тонг қоронғисида уларни таниб, уларини ўчиришди; икковлон ошхонаға кириб, Пруденсия Котеснинг онаси билан саломлашишди. Қаҳва ҳали қайнамаган экан.



— Қаҳвани кейинроқ ичармиз, — деди Пабло Викарио, — биз жуда шошиб турибмиз.

— Нимаям қилардиларинг, болаларим, — деди кампиршо бамайлихотир, — ор-номус деб одамзот ҳар йўлга киради.

Улар бу гўшада анчагина ўралашиб қолишган, бу сафар энди Педро Викарио, акам атайлаб вақтни чўзаяпти, деб ўйлаган. Икковлон қаҳва ичаётганда ошхонага Пруденсия Котес — диркиллаган, аини етилган қиз — ўчоққа ўт қўйиш учун тутантириққа бир даста эски газета олиб кирган. «Мен уларнинг мақсадини сезган эдим, — деди менга Пруденсия. — Ичимда бу ишни маъқулладим, агар Пабло шунақа пайтда мардоналик қилмаса, ҳечам унга тегмасдик». Ошхонадан чиқиб кетишдан аввал Пабло иккита газетани олган-да, бирини укасига берган, сўнг икковлон пичоқларини ўраб олишган. Пруденсия Котес ошхонада қолган, биродарлар ҳовлидан ўтгунарлича кузатиб, қараб турган; у Пабло Викарио қамоқдан чиққунича яна уч йил йўлга кўз тиккан ва ниҳоят, улар бир умрга қовушишган эди.

— Эҳтиёт бўлинглар, — деган қиз деразадан уларга қараб.

Клотильде Арментанинг улар тагин дўконга қайтишганда важоҳатлари аввалгидан бошқачароқ эканини сезгани бир ҳисобда аини муддао бўлган, уларга ўзларига келишар деган умидда бир шиша айиққулоқ қайнатмасидан солинган мусаллас берган, ичинглар, деган. У менга: «Ё раббим, биз хотинлар бу дунёда нақадар ёлғизу нотавон яшаб, ўтиб кетарканмиз-а, бунга ўша куни ақлим етди», деди. Педро Викарио ундан эрининг соқол оладиган ускунасини сўраган, Клотильде Армента саллоҳга совун, чўтка, тоза олмос солинган устара, илгичли ойна олиб чиққан, аммо йигит ўзининг дудама пичоғи билан соқолини кирган. Клотильде Армента буни чин эркакнинг иши деб баҳолаган ва Педрога қойил қолган. «У кинодаги қотилларга ўхшарди», деди менга аёл. Кейинчалик Педро Викарио ўша воқеани изоҳлаб, менга: «Турмада пичоқда соқол олавериб ўрганиб кетганман, бошқа нарсада қирсам, этим жунжикади», деди. Акаси эса, одамга ўхшаб дон Рохелио де ла Флорнинг устарасида соқолини олган. Хуллас, икковлон тункезарларга хос меровона қиёфада рўпарадаги қоронги деразага тикилганча, индамай, шошилмай мусалласни ичиб тугатишган, бу орада ҳангаматалаб мижозлар ясама бепарволик билан, гўё сут харид қилмоқчидай дўконга минг мартадан кириб-чиқишган, жўрттага савдода йўқ молларни сўраб-суриштиришган, ягона ниятлари — Викариолар Сантьяго Носирни ўлдирмоққа шайланиб ростдан ҳам шу ерда ўтирибдими — худди шуни ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил этмоқ бўлган.

Саллоҳлар ҳақ деб қараб ўтирган хонада шу тун чироқ ёнмаган. Сантьяго Носир уйига тонги соат тўртдан йигирма дақиқа ўтганда қайтган, зинапоя чироғи бутун кеча ёниқ турганидан у ўз хонасига ёруғда бемалол ўтиб, чироғини ҳам ёқмай, кийимини ҳам ечмасдан қаработга ўзини ташлаб, донг қотган. Бир соат ухлагач, епископни кутишга чиқади, кечикмасин, деб Викториа Гусман уни вақтлитоқ уйғотган. Биз Сантьяго Носир билан бирга саҳарги соат учгача Мария Александрина Сервантеснинг исловатхонасида айш қилган эдик: худди ўша пайтда Мария биби машшоқларнинг жавобини бериб, рақсхона чироқларини ўчириб, бу висол уйининг гулларига — занжи жононаларга бир ўзлари, жазманларсиз сал ухлаб, хордиқ чиқаришсин, деб рухсат этган эди. Уч кундирки, занжи дилбарлар тиним

билмай хизмат қилишди: аввал олийнасаб меҳмонларнинг кўнглини овлашди, улар жўнаб кетгач, бизга ўхшаб тўйдан кейин ўзига ҳамсуҳбат тополмай юрганларга эшикларини ланг очиб қўйишди. Мария Александрина Сервантес — тенгқурларим уни ўлсагина кўзи тўядиган хотин, ухламайди ҳам, ухлатмайди ҳам, дейишарди — умримда учратган аёллар ичидаги энг дилбар ва тили ширин хотин бўлиб, кўрпада одамзотга жон киргизарди, аммо хийлагина ўзига қаттиқ жувон эди. У шу ерда тўғилиб-ўсган, бутун умри ана шу ишрат уйида кечган: бу хонадон эшикларини дунёдаги жамики икки оёқли эркак зоти учун кенг очиб қўйган, бир неча хонани соатбай ижарага бериб, кўп фойда кўрган: каттагина ташқи ҳовлининг саҳни рақс майдончаси эди, унда чироқлар устида Парамарибо даги чинликлар бозоридан сотиб олинган ошқовоқларнинг ичи ўйилиб, қуритилиб, қалпоқча тарзида ўрнатилган эди. Тенгдошларимни — бутун бир авлоднинг йигитлигини илк бор барбод этиб, жуда эрта кўзини очган ҳам шу жувон эди. У бизни керагидан салгина ортиқча нарсаларга ўргатган бўлса-да, бироқ, энг муҳими, жаҳонда кўрпада ёлғиз ётишдан кўра ҳам бемаза томоша йўқлиги хусусидаги оддий ҳақиқатни англаганидан миннатдоримиз. Сантьяго Носир уни илк кўрганидаёқ ақлидан озаёзган. Ушанда мен уни, ҳой бола, ўзингни тий, нафсим менинг балодир, бошга минг дард солодир, деб огоҳлантирганман. Гапимга қулоқ осмаган, Мария Александрина Сервантеснинг нағмалари бечорани қип-қизил жинни қилиб қўйган эди. Иброҳим Носир уни ўн беш ёшида ўша фитнапарвар дилбарнинг тўшагидан тортиб олиб, «Тангриталъат» кўрғонига бир йилча қамаб қўймагунича кўнглининг кундузи ҳам, кечаси ҳам, кулгиси ҳам, йигиси ҳам ўша эди. Уша замонлардан бери икковининг ўртасида ишқий ғавғолардан холи чуқур эҳтиром бор эди; жувон Сантьяго Носирнинг иззат-ҳурматини жойига қўярди. Агар у яқин-орада юрган бўлса, бошқа биров билан ётмас эди. Уша куни у бизни кутилмаганда кўчагача кузатиб чиқди, чарчадим, деди, таътил кунларим тугаб қолган эди, шуни назарда тутдими, менга муруват нигоҳини тикиб ишора қилди, мени яна яширинча қайтиб кириш деб эшикни тамбаламай, йўлак чироғини ўчиришни ҳам жўрттага унутиб, орқасига қайрилди.

Сантьяго Носир кийим ўзгартириш бобида устаси фаранг эди, занжи дилбарларни ечинтириб-кийинтириш — унинг энг сеvimли иши эди, бу машғулотсиз туролмасди, гоҳида қорахонларни шундай либосларга буркаб ташлардики, улар ҳатто ўзларини ўзлари таниёлмай қолишарди. Йигит фоҳишаларнинг кийимларини ўзгартираман деб либос танлаб жавонларнинг тит-питини чиқариб юборар, буларнинг барчасини — шу бадбахтларнинг бошқача кийиниб, ўзларини унутиши, таскин топиши учунгина қиларди. Бир гал битта занжи дугонасининг либосида ўзини у деб ўйлаб, ҳайратдан роса йиғлаган. У менга: «Ушанда ўзимга ўзим худди кўзгунинг ичидан чиқиб келгандай туюлдим», деди. Уша оқшом Мария Александрина Сервантес Сантьяго Носирнинг охири марта шу сеvimли машғулотини такрорлаб, маза қилишига йўл бермаган, шу ишларинг менга сираям ёқмайди, умримни заҳарлаган нарсаларни эсимга солади, дея сасиган эди. Шундан кейин биз машшоқларни эргаштириб, кўчама-кўча санқиб қўшиқ айтдик, бу пайтда биродар Викариолар Сантьяго

<sup>1</sup> Суринам жумҳуриятининг маркази, катта бандагоҳи ҳам бор.



Носирни гумдон қилиш қасдида йўл пойлашаётган эди. Сантьяго Носирнинг калласида қайси гўрдан ҳам соат тўртда Ксиуснинг уйи жойлашган тепаликка чиқиб, анги келин-куёвга қўшиқ айтиб бериш фикри туғилибди.

Биз уларнинг деразаси тагида қўшиқ айтиш билангина кифояланмай, боғчага қарата портлагич бақамушақлар ҳам отдик, бироқ теварак жимжит, ҳаёт асорати сезилмас эди. Уйда ҳеч ким йўқдир, деган ўй бирортамизнинг хаёлимизга келмабди. Дарвоза олдида атлас боғлогичлар, шаъмгуллар билан безатилган усти очиқ автомобиль турарди. Укам Луис Энрике — у ўшанда ҳам моҳир машшоқлардай гитара чаларди — келин-куёв шарафига ўзи тўқиган, никоҳга оид кирдикорлару фитна-фасодлар хусусидаги қўшиғини айтарди. Унда ёмғир ёғмаётган эди. Аксинча, осмон ойли, ҳавои жаҳон очик, мусаффо, жарлик тубидаги қабристонда асрий сўнгалар аралашган турли чириндилар ёниб, товлар эди. Бир тарафда ойнанинг оппоқ ёғдулари ичра чўмилиб, жилваланаётган ям-яшил бананзор, тунд ботқоқликлар, ундан нарида Кариб денгизининг уфқ сарҳадларига туташ нурафшон соҳиллари кўзга чалинар эди. Сантьяго Носир уммон юзасидаги югурик оловни бизга кўрсатиб, у — Сенегалдан сафарга чиқиб, Картахен де лас Индиас бандарига кираверишда ичидаги бор юки, банди қуллари билан сувга фарқ бўлган қулфурушлар кемасидаги бир муғарриқнинг руҳи ғариби, деди.

Анхела Викарионинг бир лаҳзалик эр-хотинлик турмуши бундан икки соат аввал завоп топганини у билмасди албатта, шунинг учун ҳам йигитнинг кўнгли шундан алағда бўляпти, деб ўйлаш нотўғри эди. Байардо Сан Роман, агар машинани юритсам, моторнинг товуши бу шармандаликни одамларга эрта овоза қилиб қўймасин, деб жувон чиққан шўрпешана қаллиқни онасининг уйига атайлаб пиёда олиб келиб ташлаб кетган; сўнгра Ксиуснинг хайрли, улкан, кимсасиз хонадониди чироқларни ҳам ёқмай, узоқ вақт мустар бўлиб ўтирган.

Тепаликдан қайтиб тушганимизда, укам, бозордан қовурилган балиқ олиб нонушта қилайлик, деди, аммо Сантьяго Носир, бирор соат ухлаб, ўзимни ўнглаб олай, епископни кутишга чиқаман, деб кўнмади. У Кристо Бедоя билан бирга унда-бунда чироқлари ёна бошлаган эски бандаргоҳ йўлидаги кўчадан ўтиб, денгиз қирғоғи бўйлаб уйига жўнади: муюлишдан қайриларкан, бизга қарата қўл силкади — шу уни охириги кўришимиз эди.

Кристо Бедоя иккови кейинроқ бандаргоҳда учрашмоққа келишиб, ҳовлининг орқа эшиги ёнида хайрлашишган. Итлар унинг келганини сезиб, одатдагидай ириллаган, Сантьяго Носир калитларини шиқирлатиб, махлуқларни тинчитган. Йигит ичкарига кириб кетаётганда Виктория Гусман қаҳва қайнатаётган эди.

— Ҳой, араб, — деган у хўжайинига, — қаҳва қайнаб қолди-ку.

Сантьяго Носир унга, қаҳвани кейинроқ ичаман, беш яримда Дивина Флор мени уйғотсин, тоза кийимимни тайёрлаб қўйсин, деган. У ётоғига чиқиб кетгач, бир дақиқа ўтар-ўтмас гадой хотин кириб келган. Клотильде Арментанинг сут дўкониди эшитган гапини оқизмай-томизмай Виктория Гусманга етказган. Соат бешдан ўттиз дақиқа ўтганда уни Виктория Гусманнинг ўзи уйғотган — у қизи Дивина Флорни Сантьягодан доимо эҳтиётлар, ётоғига ёлғиз йўлатмас эди — хўжасининг буйруғини адо этиб, каноп сурпдан тикилган костюмини олиб кирган.

Мария Александрина Сервантес эшик иллагини солмай очик қолдирган экан. Мен укам билан хайрлашган, йўлакка бурилдим, у ердаги лолалар ўсган гултувакларнинг ораларида қорамгағиз жононаларнинг эрмаги, эркатойи — мушуклар мудраб ётган эди, оёқ учиди ётоқхонага кирдим. Чироқ ўчиқ эди, остона хатлашим биланоқ димоғимга хотин кишининг хуш бўйи урилди, қоронғида ёввойи мушукнинг эҳтирос оташи-ла порлаётган кўзларини кўрдим. Сўнгра, черков жами чалинмагунча бу оламда нелар рўй берган — бундан хабарим йўқ.

Уйга кетаётиб, укам тамаки сотиб олиш ниятида Клотильде Арментанинг дўконига кирган. Базмда у роса тўйиб ичган экан, дўконда бўлиб ўтган гапларни элас-элас эслади, аммо Педро Викарио унга тутган бир қултум арақ бамисоли ажалнинг суви экан, ўша ёдида қолибди. «Худди алангани ичимга ўтворгандай бўлдим», деди укам менга. Мудраб ўтирган Пабло Викарио укамнинг шарпасини сезиб, шартта ўрнидан турган-да, пичоғини кўрсатиб:

— Ҳозир биз Сантьяго Носирни сўйгани борамиз, — деган.

Укам унинг бу гапини эслаб олмади. «Агарда шундай деганини эшитганимда ҳам, барибир ишонмасдим, — деди укам менга бу ҳақда бир неча бор. — Эгизакларнинг бирор кимсани ўлдирмоқчилиги, айниқса, тўнғиз бўғизлайдиган саллоҳпичоқ билан сўйишга аҳд қилгани ўшанда авлиёнинг ҳам калласига келмасди». Сўнгра Викариолар ундан Сантьяго Носирнинг қаердалигини суриштирган, аввал бирга эдинглар, айт, дейишган. Афсуски, укам уларга не деб жавоб берганини хотирлай олмади. Клотильде Армента ва биродар Викариоларнинг торговчига иқдор бўлишича, укамнинг гапидан улар ёқа ушлаб қолишган, яъни укам: «Сантьяго Носир ўлди», деган. Кейин у учовини ҳам епископчасига чўққиниб дуо қилган-да, мункиб, эшикка қоқилиб, тебранганича ташқарига йўналган. Майдон ўртасига етганида руҳоний Амадорни учратган. У ҳайитлик ридосига бурканиб, бандаргоҳ томонга кетаётган экан. Ортидан бир неча роҳиб-хизматчи эргашиб борарди, бу тўда орқасидаги шотирлар эса епископнинг кемадан тушибоқ ибодат ўтказиши учун кўчма меҳробни кўтариб олишган. Уларни кўриб, Викариолар шошиб чўққинишган.

Клотильде Арментанинг айтишича, кашиш унинг уйи ёнидан роҳиблар гуруҳини эргаштирганча тўхтамай, индамай ўтиб кетгач, кўнглидаги сўнги ишонч риштаси ҳам узилган. «Падаримиз мен ёзиб юборган хатни олмабдилар-да, деган хаёлга бордим», деди аёл менга. Бироқ орадан қанча йиллар кечиб, Амадор у дунёнинг оғир хаёлидан қутулиб, бу дунёнинг ногирону нотавонлари тўла Калафелла «Шифо уйи»да даволаниб ётганида менга иқдор бўлганидек, унга Клотильде Арментанинг хатини етказишган, бандаргоҳга жўнашидан олдинроқ эса, ундан-да бешбаттар шумхабарларни эшитган. «Бўтам, очигини айтсам, ўшанда не йўл тутмоққа иштибоҳланиб, ҳайрон бўлиб қолдим, — деди чол. — Даставвал фикри ожизимдан, бу менинг эмас, фуқаропарвар маҳаллий ҳокимиятнинг иши, деган ўй кечди, сўнгра йўл-йўлакай Пласида Линерога бир-икки сўз айтмоқ даркор, деган қарорга келдим». Минг афсуски, кашиш майдонни айлиниб ўтаётганда ўз аҳдини унутган. «Маълумингизким, ўшал машъум кунда, баайни епископ ҳазратлари ташриф этгувчи кунда эсим жойида эмасди», дея кейин у ўзини оқлади. Суиқасдчилар шум ниятига етгани хусусидаги гапни эшитгач, Амадор шунчалар

ранжу надомат чекканки, нима қиларини билмай, охири, худди бутун шаҳарга ўт кетгандай, бирвара-кайига барча жомни чала бошлаган.

Укам Луис Энрике ошхона эшиги орқали уйга кирган: биз кечроқ қайтганимизда отамни уйғониб кетмасин деб онам эшикни очиқ қолдирар эди. Укам ўринга ётишдан олдин ҳожатхонага чиққан ва ўша ерда, чаноқда ўтирганича... ухлаб қолган; кейинчалик кичик укам Хайме, мактабга жўнашидан аввал, уни тоштахтага юзтубан тушиб, сўлагини оқизиб хуррак отиб ётганига кўзи тушган ва уйдагиларга айтган. Роҳиба синглим эса, епископни кутгани ҳам чиқмай, ўтган кеча тўйда кўпроқ отиб қўйгандан ҳамон боши оғриб турган экан, буни эшитиб, судралиб ҳожатхонага чиққан. Луисни уйғотаман деб роса уринган, аммо чоғи келмаган. Синглим: «Мен ҳожатхонага кирганимда соат бешга занг урган эди», деди. Маргот синглим бандаргоҳга боришдан олдин, бир покланиб олай, деб ғулхонага ўтаётганида, Луис Энрикени ҳалигидақа аҳволда кўрган ва амал-тақал қилиб, итнинг ўлигидай чўзилтириб ётоқхонага судраб чиққан. Укам карахтланиб, уйку аралаш епископ кемасининг чўзиқ-чўзиқ чинқиригини эшитган, кўзини йириб-йиртиб сал очгану кипригини кўтаришга ҳам мадори етмай, яна юмиб олган. Шу ухлаганича тош қотган, роҳиба синглим устидан кўрпани важоҳат ила тортиб-юлқиб:

— Сантьяго Носирни ўлдириб кетишибди! — дея айюҳаннос солгандагина уйқуси ўчиб, ўрнидан турган.

Сантьягонинг ваҳшиёна пичоқлангани бир бўлдию доктор Дионисо Игуаран йўқлиги боис руҳоний Кармен Амадорнинг уни шафқатсизларча ёргани ҳам бир бўлди. «У бечора жон узиб қутулмаган экан, биз уни яна бир бор чавақлаб ёриб ўлдирдик. Узинг гуноҳимдан ўт, э парвардигор, — дея пушаймон чекди руҳоний Калафелладаги хастахонада. — Биз ҳам ночор эдик, шаҳар ҳоқими ёрасан, деб буюрганди-да, ўзингиз биласиз-ку, у одамёввойининг амри қанчалик аҳмоқона бўлмасин, бажаришдан бўйин товлай олмасдик». Аммо мўсафиднинг айтганлари унчалик ҳам тўғри эмасди. Полковник Апонте ўша талотўп душанбада вилоят ҳоқимига сим қоқиб, уни аҳволдан хабардор этган, у жаноб эса, терговчи етиб боргунича қўлингиздан келадиган чорани кўраверинг, дея фармон берган. Шаҳар ҳоқими бу мансабга эришгунгача кўшинда зобит сифатида хизмат қилган, адлия соҳасидан мутлақо беҳабар эди, бу ҳам етмагандай ўлгудай такаббур эдики, мазкур ҳолатда ишни нимадан бошлаш лозимлигини бировдан сўрашга орланган. Шунинг учун у жасад ёрилиши керак, деб қўя қолган. Кристо Бедойя тиббиёт билан шуғулланарди, Сантьяго Носирнинг яқин дўсти эди, у шаҳар ҳоқимини бу ишни қилмасликка кўндирган. Сўнг полковник, доктор Дионисо Игуаран келгунича мурдани музхонада сақланглар, дея амр этган, лекин одам жасади сиғадиган музхонаси бор холодильник топилмаган; бозордаги бирдан бир катта музлатгич ҳам бузуқ экан. Расмона тобут ясаб келтиргунларича майит катта хонанинг ўртасига, темир каравотга ётқизилди; ҳамқавмлари у билан шу ерда видолашишди. Ётоқхонадан ҳамда кўшни хонадонлардан бир неча вентилятор опчиқилди, бироқ марҳумни кўргани келганлар шу қадар кўпайиб кетдики, оқибатда жавонлар бурчакка сурилди, қафасдаги қушлар, катта-катта гултуваклар четроққа олинди, бироқ

шундан кейин ҳам дим бўлаверди, хонада туриб бўлмай қолди. Итлар ўликнинг исини олиб, безовталаниб, ғингший бошлади. Мен кирганимда бу махлуқлар тинмай увлар, айни дамда ошхона томонда жон узаётган Сантьяго Носир инграниб ётар, Дивина Флор бўзлай-бўзлай эшик тамбаси билан итларни уриб, ҳайҳайлаб ҳайдар эди.

— Кел, манави очофатларни ҳайдашвор! — деди у мени кўрибоқ. — Ичагини ейман дейди-я, ажали етгурлар!

Биз итларни оғилга қамадик. Бир оздан кейин Пласида Линеро, дафн ўтгунча итларнинг қорасини ўчириб туришлар, деди. Аммо чошгоҳда — нима бўлганини ҳеч ким билмай қолди — махлуқлар оғилдан қочиб чиқиб, қутургандай уйга ёпирилди. Пласида Линеро ана шунда ўзини йўқотиб қўйди.

— Лаънати кўппаклар! — деб қичқирди у. — Отиб ташланглар!

Онанинг амри дарҳол бажо этилди, хонадон сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Хайриятки, жасад ортиқча хавотир туғдирмаётган эди, айниқса, юзига ҳеч нарса қилмабди — Сантьяго Носир чехрасида қўшиқ айтаётгандагидек ифода қотиб қолган эди, Кристо Бедойя унинг қорнидан чиқиб, ечилиб ётган ичак-чавоғини жой-жойига қўйиб, устидан мовут боғлами билан ўраб-чирмаб ташлади. Бироқ ҳали кун ботмай яралардан сариқ хилту фасод сизиб чиқиб, атрофни пашша босди, оғзининг теварагини би-наршаранг доғ қоплади, сўнгра бу доғ сувдаги булут кўланкасидай силжий-силжий сочининг илдишларига-ча қамраб олди. Марҳумнинг юзидаги ҳаммишаги ёқимли, самимий ифода ўрнини хунук, ғайри бир аломат эгалладики, онаси унинг бетига рўмолча ёпиб қўйди. Шунда полковник Апонте ортиқча кутиш ўринсизлигини англади ва руҳонийга, ўликни ёринг, деб буюрди. «Бир ҳафтадан кейин гўридан кавлаб олиб ёргандан кўра... Унда бешбаттар бўлади», деди у. Амадор бир пайтлари Саламанкада тибдан, хусусан, жарроҳлик илмидан таълим кўрган, аммо шаҳодатнома олмасдан диний мактабга ўтиб кетган эди; албатта, руҳонийнинг ўлик ёриши қонунда кўрсатилмаган иш эканига ҳатто шаҳар ҳоқимининг ҳам ақли етарди, шунга қарамай, у буйруғининг ижро этилишини талаб қилди.

Жасад шу яқин-ўртадаги мактаб биносига ёрилди, бу ҳам бир хунрезлик бўлди; Амадорга эндигина тиб илмидан сабоқ олаётган, айни кунларда таътилга келган талаба йигит ҳамда не қилганларини дафтарга ёзиб борган дорихоначи кўмаклашди — учовлон биргалашиб, ўликни қассобдай яна сўйишди. Уларнинг қўлида бир-иккита майда-чуйда жарроҳлик асбоблари бор эди, холос, зарурият туғилиб, рўзғорда ишлатиладиган оддий пичоқдан ҳам фойдаланишди. Марҳумнинг аъзойи бадани чаппа-ростасига чавақлаб ташланганини назардан соқит этсак, руҳоний Амадор ёзган ҳисобот рисоладагидек эди, шу боисданми, терговчи уни асқотиб қолар деган ниятда суд ҳужжатларига тиркаб қўйган.

Саллоҳлар Сантьяго Носирнинг танасига пичоқ санчавериб ғалвир қилиб юборишган, зарбалардан еттидаси унинг айни жон жойига теккан эди. Жигар икки еридан деярли бўлиб ташланган. Ошқозоннинг тўрт жойига жуда қаттиқ тиг ўрилган, улардан бири ҳатто ошқозон безини ажратиб юборган эди. Йўғон ичак олти еридан оғир яраланган экан, тиг ингичка ичаккадовур етиб борибди. Орқадан урилган ягона зарб пастдан учинчи қовурга орасидан ўтиб, тиг ўнгдаги буйракка санчилибди. Қоринда йиғилиб



қолган анча-мунча шилта хилт ичидан Сантьяго Носир тўрт яшарлигида ютиб юборган тилла медальон чиқди. Кўкрак қафасининг икки нуқтаси жароҳатланган эди: бири — ўнг ёнбошда — иккинчи қовурга остида, айни шу зарб ўпкага тегиб ўтган: иккинчиси чап қўлтиқда эди. Панжалари ва билакларининг олти жойи тилинган. Вужуднинг икки узвига — ўнг сонга ва қорин тўқимасига энлатиб урилган пичоқ ҳам анча чуқур ботган экан. Ўнг қўлнинг қафти бамисли чопилгандай эди; суд ҳисоботида бу ҳақда: «Чормихга тортилган Исо Алайҳиссаломнинг вужудидаги тамгага ўхшайди», деб ёзилган. Миясининг вази оддий инглизнинг миясидан бир юзу ўттиз саккиз мисқол оғир эди, шунга суянган ҳолда руҳоний судга берган ҳисоботида, Сантьяго Носир мияси бутун йигит экан, у келажакда донишмандлардан бири бўларди, деган мулоҳазани билдирган. Ҳисоботи сўнгида у жигарнинг чўзилиб кетганини марҳумнинг жигари шамоллаганида расо довланмагани оқибати эканини таъкидлаган. Сухбатларимиздан бирида Амадор менга: «Барибир умри тугаб, жигари илқиллаб, ҳаққа етишиб қолган экан», деди. Доктор Дионисио Игуаран бир вақтлар, Сантьяго Носир сариқ бўлганида, уни муолижа этган эди, жасадни ёриш устида гап айланганда, у одамларнинг омилгидан ори келиб, ниҳоятда ғазабланди. «Бу руҳоний шу қадар нодонки, тўғриси айтсам, кашишлиқдан бўлак ишга ярамайди, — деди доктор менга. — Одатда, иссиқ минтақадаги ўлкаларда туғилган одамларнинг жигари испанларникидан каттароқ бўлади, шу ҳақиқатни унга англишдан ўлиш осондир». Руҳонийнинг ҳисоботида таъкидлашнича, етти яранинг ҳар бири биттадан ажални қақирган, қисқаси, у кўп қон кетиши оқибатида ўлган.

Азаматлар ўшанда бизга бутунлай бошқа жасадни қайтариб беришди. Суяк кесишаётганда бош чаноғининг ярми кўчиб кетганидан марҳумнинг ўлим соя сололмаган мардона чехраси таниб бўлмас даражага етган эди. Бундан ташқари, кашиш қоринни ёриб, бир кўтаришда унинг ичини кўпориб юборган экан, кейин ичак-чавоқни жойлаштиришга ожизлик қилиб, жаҳолатдан хуноби ошиб, ахийри дуои фотиҳа билан уларни ювиндичелакка ташлаган. Мактаб деразасига ёпишиб, ойна кўзларига бурнини тираб олган томошатабларнинг ҳам дармони қуриган, руҳонийнинг ёрдамчиси — тиб толиби ҳам ҳушини йўқотиб, ағдарилиб тушган; ўз вақтида кўп ўликни кўрган, қон тўкиб-қон кечган полковник Апонте ҳам бундайин жасад ёришдан кўнгли озиб, арвоҳпарастлиги етмагандай, гўшт деган нарсани кўрса ё эшитса, сесканадиган, ҳазар қиладиган бўлиб қолди. Ичи бўшаган жасадга латта-путтани сўнмаган оҳакка булаб-булаб тиқиб, устидан жуволдиз билан чалакам-чаттисига шунчаки чатиб қўйилган эди, биз уни шоҳи ёпинчиқли янги тобутга солаётганимизда тикилган жойлари сўкилиб, ичидан ғайри нарсалар тўкилиб кетди. «Уша ҳолатда мурда узоқ пайт бўзилмайди, деб ўйлаган эдим», деди менга Амадор. Бироқ иш бошқача тус олди: майит айниб, сасиб, одамларнинг кўнглини шунақа ҳам беҳузур қилдики, ночорликдан уни тонгдаёқ кўмиб юбордик.

Уша сешанба тонги тунд, булутли эди. Куни билан бир олам ғавғою савдони кўрганим боис бир ўзим ухлай олмасимни сезганимданми, оёғим Мария Алехандрина Сервантесникига тортаверди, борсам, бахтим чопганини қарангки, эшик тамбаламаган экан. Дарахтларга осғиқ қовоқ қалпоқли чироқлар ёниқ эди, рақс майдонида гулхан гурилларди, катта-

катта, сув тўла сатиллар ўтга қўйилган эди — занжи дилбарлар аза чекиб, байрамлик кийимларини қорага бўяётган экан. Мария Алехандрина Сервантес одатдагидай — худди тўйиб ухлаб тургандай хуш-кайф ва шир яланғоч эди; у бегоналар бўлмаса, хосхонасида онадан туғилгандай қиёфада юрардиди. У ўзининг шоҳона каравотида турки жонлонлардай чордона қурган, рўпарасидаги патнисда турли ноз-неъматлар Бобил минорасидай баланд бўлиб уюлиб турар эди: бузоқ гўшти дўлмаси, димланган товуқ, чўчқа гўшти, бир тоғ банану сабзавот — деярли беш кишилик овқат унга мунтазир эди. Унинг ҳар қандай ғуссали дамларни тинмай овқат ейиш билан енгадиган одати бор эди. Мен унинг чинакам қайғуга ботганини ҳеч қачон кўрмаганман. Кийимларимни ечмасдан оҳиста унинг ёнига чўзилдим, бир оғиз ҳам сўзлашмадик, мен ўзимча аза тутиб йиғладим. Йигирма ёшида Сантьяго Носирнинг йигит умрини хазон қилган ғаддор фалак дастидан фарёд чекдим, айниқса, унинг тўрт пора қилиб, ит кунига солиб ўлдирилгани аламимни ҳаддан зиёд кўпиртириб юборди. Тушимда бир аёл хонага киргандай бўлди, кўлидаги гўдаги ҳадеб лабларини чапиллатганича маккажўхори сўтасини ғажир, ярим чайналган донлар унинг кўйлагига тўкилар эди. Хотин менга: «Ғажигани ғажиган, ҳеч тўяй демайди», деди. Туйқус кўйлагим тугмаларини кимдир шошилиб ечаётганини сездим, шундоққина тепамда ҳансираётган шаҳват бандасининг ўтли нафасини ҳис қилдим, ишваси ҳушимни олди, беихтиёр ишрат комига чўка бошладим. Бироқ у ногаҳонда жимиб қолди, оҳиста йўталди, овози гўё олис-олислардан эшитилгандай бўлди.

— Ётолмайман, — деди у. — Сендан унинг ҳиди келаяпти.

Фақат мандангина эмас, балки бутун теварак-атрофдан Сантьяго Носирнинг иси келарди ўша куни. Биродар Викариолар — икковини ҳам шаҳар ҳокими вақтинча ҳибс этган эди — турмада ётган ерларида шу ҳидни туйиб, роса қийналишган. «Совун-сочиқ билан баданимни ҳарчанд ишқаламай, барибир ҳидини кетказолмадим», деди менга Педро Викарио. Эгизаклар уч кун ухлашолмади, кўзлари юмилган заҳоти алоқ-чалоқ туш кўраверишди, тушларида жинойтлари такрор бўлаверди. Уша интиҳосиз кундаги ҳолатни эслаб, анча кексайиб қолган Педро Викарио менга: «Барибир кўзим очилиб кетаверди», деди. Унинг мана шу биргина иборасидан улар турмада уйқусизлик туфайли дўзах азобини чекишганини англадим.

Ҳибсхона узунасига уч қадам эди, туйнуги панжараланган; ахлаттувак, ювиниш учун бир кўза сув, тоғора, иккита бўйра тўшалган тоштахта ҳам бор эди. Бу хона шахсан полковник Апотенинг амрига биноан жиҳозланган, унинг оғиз кўпиртиришича, дунёда бундан яхшироқ, инсонпарварроқ қамоқхонани топиб бўлмас экан. Укам Луис Энрике шаҳар ҳокимининг бу гапларини жуда тўғри деб, маъқуллади, чунки у, бир гал машшоқлар билан жанжаллашиб қолиб шу ерга қамалганида, полковник Апонте азбаройи одампарварлигидан укамнинг ҳибсхонага бир занжи фоҳишани олиб кириб етишига рухсат берган. Соат эрталабки саккизда, маҳаллий араблар таҳдидидан энди қутулганликларини фаҳмлаган саллоҳлар худди шуни эслашган ва бир оз таскин топишган. Икковлон ҳам зиммаларидаги оғир вази-фани бажарганликларидан анча енгил тортиб, мамнун бўлган, энди кўнгилларини биргина нарса — ўша



бадбўй ўлик ҳиди безовта қилмоқда эди, холос. Маҳбуслар совун, сочиқ ишқалагич ва кўпроқ сув беришларини сўрашган, юз-қўлларига қон юқини обдан тозалашган, Педро Викарионинг истагида кўра унга хобдори, ични юмшатадиган дори, бавосилига қўйгани тоза дока берилган, ҳатто у эрталабгача икки марта ёзилиб қайтган. Бироқ кун ёйилиши биланоқ унинг азоби ортгандан ортиб, ўлик ҳидини ҳам эсидан чиқарган. Соат иккиларда, айна қиёмда, Педро Викарионинг силласи қуриб, бўйрага чўзилишга ҳам мадори етмаган, аммо оёқда тик туришга ҳам ҳоли қолмаган эди — чарчоқ ва оғриқ уни турган жойда қулатган. Чотидаги оғриқ бўйнигача чиққан, пешоби таққа тўхтаган, бундан ваҳимаси ортиб, ё раббим, бир умр ухлаёлмайдиган касалга чалиндимми, дея ўйлаган. У менга ўша кунларни хотирлаб: «Ун бир ой кўз юммадим», деди, аввалдан феъл-атворини билганим учун сўзига ишондим. Ушанда бояқшининг томоғидан овқат ўтмай қолган эди. Пабло Викарио эса, ҳар қалай, бериладиган емаклардан оз-моз тотинган. Лекин чорак соат ўтар-ўтмай қорни бураб оғриб, роса қайт қилган, бошқа томондан, ҳожатхонага ҳам эхтиёж кучаяверган. Сахар соат олтиларда, Сантьяго Носирнинг жасади ёриб — кўриб бўлингач, жавобгарлар шаҳар ҳокимини чақиртиришди. Педро Викарио кимлардир укасини заҳарлаганига амин эди. «Сув бўлиб кетавердим, — деди менга Пабло Викарио. — Бу анави туркларнинг иши, деган ўй хаёлимда чарх ураверди». Бу муддат мобайнида ахлатчелак икки марта тўкиб келинган, бундан ташқари, соқчи Пабло Викариони олти марта қамоқхона ҳожатхонасига олиб борган. Полковник Апонте уни айнан ўша жойда инқиллаб ўтирган алфозда учратган; тепасида милтиқ ушлаган соқчи. Жавобгарнинг ичи шариллаб кетаётганини кўриб, маҳбусларнинг заҳарланиш борасидаги даъволарида жон бор экан, деб ўйлаган у. Бироқ саллоҳнинг фақат сув ичиб, уйдан онаси Пура Викарио жўнатган нимаики бор, ҳаммасини аралаштириб еяверганини эшитгач, бу фикрдан қайтган. Бандининг нафси бузуқлигидан ғаш келган полковник Апонте уларни махсус соқчилар Риоачидаги турмага олиб кетмагунча ўз уйида, қаттиқ назорат остида сақлашни буюрган.

Ака-ука Викариолар дилидаги қўрқув кўчадагилар ваҳимаси билан бир хил эди. Араблар ўч олмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмасди, лекин икков қотилдан бошқа бирор инсон заҳар ҳақида гапирган ҳам, ўйлаган ҳам эмасди. Аҳолининг фикрича, араблар шом тушган заҳоти туйнукдан керосин шиша отиб, қамоқдаги эгизакларни турма-пурмаси билан ёндириб юбориши лозим эди. Бироқ бу шунчаки маҳобат эди, холос.

Араблар жамоасининг барчаси тинчликпарвар бўлиб, улар аср аввалида Қариб денгизи соҳилларидаги узоқ-яқин шаҳару қишлоқларга кўчиб келиб, жойлашиб қолишган, асосан бозорларда ранг-баранг матолар, майда-чуйда атторлик буюмларини сотиб кун кечирар эди. Бари аҳил, меҳнаткаш эди, католиклар маъзабига эътиқод этарди. Араблар жамоасидагилар фақат ўз ҳамқавмларига қиз бериб-қиз олар, етиштирган дон-дунларини ўзлари сотар, ҳовлиларида қўй боқиб, боғчаларида хушбўй тоғрай-ҳону бақлажонлар ўстирар эди, уларнинг бирдан-бир қусури — қартавозлиқка ружу қўйгани эди, холос.

Ота-боболар араб тили шевасида сўзлашар, уни иккинчи авлод ҳам бузмай сақлаган, аммо учинчи авлод — набиралар, бундан Сантьяго Носир мустасно, ота-боболарининг арабча каломини эшитиб, уларга испанча жавоб қайтаришга одатланган эди. Ана шу ювош арабларнинг бирдан жунбушга келишига ва саллоҳларнинг жинойти важдидан биздан ўч олишига ақл бовар қилмасди. Шунингдек, вақтида обрўли, жангари одамлар етишиб чиққан ва уларнинг бир нечаси қотилликда, майхонаю қовоқхоналарда муштумзўрликда ном қозонган, эндиликда анча попуги пасайиб қолган Пласида Линеро уруғларининг қасос исташи ҳам имкондан ҳориждаги бир ҳол бўлиб, бу томондан ҳам ҳеч ким хавотир олмасди.

Узунқулоқ гаплардан кўнгли ғашланган полковник Апонте атрофдаги ҳар бир араб хонадонига кириб, улар билан сўзлашиб, бу гал энди тўғри хулоса чиқарди. У ҳар бир арабнинг руҳи чўкканини ва бағоят ғам чекаётганини, меҳробларида аза нишони борлигини, кўпларининг ерга ўтириб олиб, кўз ёши тўка-тўка марҳумнинг арвоҳини ёдлаб қайғураётганини кўрди, илло, бирор кимсаннинг хун олиш ниятида эканини пайқамади. Суиқасд хусусидаги эрталабки шов-шуву даҳшатли гап-сўзлар алангаси анча пасайган эди, ҳатто қотиллар ҳам, бу ёғига жанжал кўтарилса, мушталашувдан нарига ўтмайди, деб ўйлашарди. Бундан ташқари, юз ёшли кампиршо Сусеме Абдул қизи эгизакларга аччиқ эрмон ва ёки сачратқи барги қайнатмасини ичириш кераклигини айтибди, бу дориларни ичгач, Пабло Викарионинг ичкетари таққа тўхтади ва, аксинча, Педро Викарионинг бўшалишига ёрдам берди. Сўнгра Педро Викариони мудроқ босди, юракбуруғидан қутулган Пабло Викарио эса, жони ором топиб, уч кундан сўнг илик бор кўзи илинди. Шаҳар ҳокими Пурисима Викариони фарзандлари билан хайрлашмоққа эрталабки соат учда ҳибсхонага олиб кирганида, она ўғилларини ана шу аҳволда кўрди.

Полковник Апонтеннинг таклифига кўра Викариолар оиласи — ҳатто катта қизлари ва икковининг эри ҳам — шаҳарни тарк этишди, ҳеч кимга билдирмай жўнаб қолишди; биз эса, ўша кўни ўлардай чарчаган, Сантьяго Носирни дафн этган, мутлақо кўз юммаган эдик. Шаҳар ҳокимининг айтишича, Викариолар бу ердаги ғалвалар тиниб, аламзадалар ҳовуридан тушмагунча қайтмаслиги лозим эди. Пура Викарио шармандаи шармисор қизининг бетидеги кўкарган доғ-дуғлар кўринмасин деб унга рўмол ўратиб қўйди, сўнгра, сўйилган хушторига аза тутяпти деб ўйлашмасин, дея хавотирланиб, қизини қизил, ялтироқ кийимларга буркаб ташлади. Пура Викарио жўнаб кетишдан аввал руҳоний Амадорни йўқлаб, ундан ўғилларини турмага бориб кўришни, тавба қилдиришини ўтинди, аммо Педро Викарио бунга кўнмади, тавба қиладиган гуноҳлари йўқлигига биродарини ҳам инонтирди. Сўнг маҳбуслар ёлғиз қолишган; Риоачидаги қамоққа олиб кетиладиган кўни саллоҳлар анча ўзларини тутиб, хушёр тортишгач, хотиржамлик билан ҳақ эканликларини таъкидлашар, уруғларимиз таъқибдан кўрқиб кечаси жўнабди, биз бундай шармисорликдан ор қиламиз, бизни кундузи, очиқ-ойдин олиб кетишин, дея талаб этишар эди. Уларнинг отаси шу кунларда қазо қилди. «Отагинам ғам-ғуссадан куйиб ўлди», деди менга Анхела Викарио. Биродарлар турмадан озод бўлишгач, Риоачида муқим яшаб қолишди, оила аъзолари кун кечираётган Манаурадан бу ер бир

<sup>1</sup> Колумбияда, халқ орасида, барча араб қавмлари турклар деб юритилади.



кунлик йўл эди. Пабло Викарио отасининг дўконида заргарлик ҳунарини эгаллаган эди, Риоачида шу ишининг бошини тутиб, анчагина оёққа туриб олди, Пруденсия Котес унга тегиш мақсадида шу ёққа келди. Педро Викарионинг муҳаббатда ҳам, касбу корда ҳам омади юришмади, ўша воқеалардан уч йил ўтгач, у яна ҳарбий хизматга борди, катта сержантлик унвоига ҳам етишди; кунларнинг бирида унинг соқчилар бўлинмаси бузуқ хотинлар ҳақидаги қўшиқни айтганча, партизанлар эгаллаган ўрмон ичкарисига кириб кетиб қолиб, бирортасиям қайтиб чиқмади.

Халойиқнинг гап-сўзига қараганда, ўша машъум ҳодисанинг биринчи ва ягона қурбони Байярдо Сан Роман эди. Айтишларича, бу фожианинг бошқа иштирокчилари чекларига не тушган — ўшанга чидаб беришди, қисматлари неники тақозо этса, шуни амалга оширишди. Сантьяго Носир шармандаликнинг асл айбодри сифатида хун тўлади, жонидан айрилди, биродар Викариолар чин эр йигит эканликларини исботлашди, яъни, сингиллари шаънидаги доғни ювиб ташлашди. Бор-будидан айрилган одам биргина Байярдо Сан Роман эди. Одамлар «Бечора Байярдо» дея кўп йиллар унга ачиниб юришди. Ўша қонли кундан сўнг, ой тутилган шанба оқшомига қадар у бирор инсон зотининг эсига келмаган, фақат, Ксиус шаҳар ҳокимига тушида сотиб юборган уйининг тепасида бир ёнарқуш учиб юргангани, ўша қушни хотинининг ҳиссаталаб арвоҳи бўлса керак, деб ўйлаганини айтганида, полковник Апонте пешонасига шапатилаган-да, бирдан:

— Э, хомкалла! — дея хитоб қилган. — Бечорани мутлақо унутиб қўйибман-а, қаранг-а!

У соқчи миршаб билан биргаликда баландликдаги уйга етиб боргач, уй олдида усти очик турган автомобилни кўрган, фақат хобхонанинг чироғи ёниқ бўлган, аммо полковникнинг чорловига ҳеч ким жавоб бермаган. Ахийри икковлон эшикни бузиб ичкарига киришган, ой ёруғида барча хонани бирмабир айланиб чиқишган. Кейинчалик шаҳар ҳокими менга: «Ҳаммаёқ жимжит, уй худди сув остига чўккандай эди», деди. Пура Викарио сешанба тонготарида уни қай аҳволда кўрган бўлса, Байярдо айнан ўша алфозда — эгнида рангинг шим, шоҳи қўйлак, каравотда беҳуш ётар эди, фақат пояфзалигина кўринмасди. Ерда бир неча бўш май шишаси, сал нарида, кўрпа устида яна аллақанча очилмагани кўзга ташланар, лекин озиқ-овқатдан асар, ҳатто бирор бурда нон ҳам йўқ эди. Уни ўша ҳолатида текшириб кўрган доктор Дионисо Игуаран кейинчалик менга: «Унинг ичкиликдан заҳарланиб ўлишига бир баҳя қолган эди», деди. Бироқ бир неча соатдан сўнг Байярдо Сан Роман ҳушига қайтиб, оғзига келган сўз билан ҳаммани сўкиб, ҳайдаб солган.

— Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмасин, остонамни бирорта ит ҳатлаб ўтмасин! Отам — ўша сасиган чол ҳам келмасин! — деган у.

Шаҳар ҳокими дарҳол генерал Петронио Сан Романга телеграмма бериб, уни аҳволдан бохабар этган, ўғлининг охириги сўзини ҳам айнан ёзиб юборган. Афтидан генерал Петронио Сан Роман ўғлининг жаҳл устида айтган гапларини тўппа-тўғри тушунган ва аразлаганми, ўзи йўқлаб келмай, хотинини, икки қизини ва иккита олмақоқи сингилларини жўнатган. Заифалар шаҳарчага юкчи кемада етиб келишган, улар Байярдо Сан Роман бошига тушган фалокат ва бахтсизлик боис мотам тутиб, сочларини ёйиб, қулоқларига аза кийимига ўраниб

олишган эди. Қирғоққа оёқ қўйишдан аввал пой-афзалларини ечиб, ялангоёқ бўлишди, то баландликдаги уйгача жазирамада чўғдай қизиган қумни босиб, товонлари куйиб, сочларини тўзғитиб, овозларининг борича бўзлаб боришди, шунақа қий-чув солишдики, овозлари худди шодликдан бақириб-чақираётган одамнинг товушига ўхшаб кетди. Эсимда, ўшанда Магдалена Оливернинг уйидаги пешайвондан уларни кузатиб турарканман, бундайин ёлгондакам қайғу-кашлик шармандалик устига шармандалик экани хусусида ўйлаган эдим.

Полковник Ласаро Апонте уларни тепагача кузатиб борди; кейин, дарҳол келсин, деб чақирилгани учун доктор Дионисо Игуаран ҳам хаҳирини қичаб уларнинг ортидан баландликка йўналди. Кун қайтиб, сал салқин тушгач, маҳаллий ҳокимиятнинг икки хизматчиси бир жуфт таёққа тўрбеланчакни боғлаб, унда Байярдо Сан Романни кўтариб олиб ўтишди; у бошигача жун намат билан ўраб қўйилган эди, орқасида бир неча заифа ув-ув йиғлаб келарди. Магдалена Оливер уни ўлибди деб ўйлади.

— Эй фалак! — дея у қўлларини осмонга силки-тиб чинқирди. — Бу яна қандай фалокат, бу жабринг ҳам бормиди!

Байярдо Сан Роман эса қип-қизил маст эди, у ўликдай қимирламай ётар, кўрган киши уни жонсиз жасад деб ўйлар эди: ўнг қўли осилиб тушиб, ер чизиб борарди. Онаси унинг қўлини кўтариб, жун намат остига тиқиб қўйди, тагин осилиб тушди, шу алфозда жарлик ёнидан лангаргоҳгача бўлган йўлда ер чизиб борди. Ана шу чизиқлар уни кўрганларнинг ёдида сўнгги хотира каби сақланиб қолди.

Йигитнинг уруғлари уйга тегишмади, ҳеч нарса олишмади. Баъзан, дам олиш кунларида, ўйин-кулги қилиб, баландликдаги ўша уйга йўлимиз тушарди, ҳар сафар хонадондаги ташлаб кетилган қимматбаҳо нарсаларнинг, жиҳозларнинг камайиб бораётганини сезардик. Бир гал биз Анхела Викарио никоҳнинг илк кечаси онасидан сўраттириб юборган ўша жомадончага кўзимиз тушди, аммо эътиборга лойиқ бирор нарса топмадик. Унда аёлларнинг пардоз-андозига асқотадиган оддий матоҳлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди, бироқ бир неча йил ўтгач, Анхела Викарио менга жомадончадаги нарсалар аслида, эрини алдаб, ўзини қиз кўрсатишга керакли воситалар эканини айтгандагина масала ойдинлашди. Жомадон — унинг беш соатли уйи бўлмиш хонадондан қолган яккаю ягона ёдгор эди.

Кўп йиллар ўтиб, мазкур ҳодисага оид бир юзаки тафсилотни аниқлаш мақсадида бу ерга келганимда, бир маҳаллар Йўланда Ксиуснинг бахтли кунлари кечган ўша уй қўп-қуруқ, ҳувиллаган мотамхонага айланганини кўрдим. Полковник Ласаро Апонте ҳар қанча зўр бериб уринмасин, у ердаги бор нарсалар бирин-кетин йўқолаверди, ҳатто бир пайтлар эшикка сиғмаганидан уйга олиб кирилиб, Момпос усталари томонидан йиғиб ўрнатилган олти кўзгули жавонни ҳам азаматлар уриб кетишибди. Бошида бева Ксиус бу ишлардан мамнун бўлиб юрди, нарсаларни хотинининг арвоҳи ташиб кетяпти, дея таскин топди. Полковник унинг соддалигидан кулиб, роса маззах қилди, лекин бир гал кечаси унинг калласига Йўланда де Ксиуснинг арвоҳи билан гаплашиб, ҳақиқатни билиб қўяқолай, деган фикр келди, полковникнинг сўзига қараганда, нарсаларни айнан ўша хотиннинг арвоҳи гўрига ташиб кетаётган экан. Уй нураб, йиқила бошлади. Тўйдаги автомобиль дераза ёнида тўкилиб-сочилиб, чириб ётарди, охири унинг зангла-



ган томию таглиги қолди, холос. Машина эгасидан узоқ йиллар дарак бўлмади. Суд ҳужжатлари ичида унинг аризаси бор экан, лекин аризада шу қадар пойма-пой, узук-юлуқ сўзлар ёзилганки, унга қараб туриб, шунчаки расмият учун бировнинг қўли билан ёздирилибди-да, дея ўйладим. Роса йигирма уч йил ўтгач мен бир мартагина Байярдо Сан Романни учратиб, у билан суҳбатлашмоққа уриндим, аммо у мени тажовузкорона қаршилаб, ўша кунлар хусусида, ўзининг у машъум хунрезликка алоқаси борасида бирор оғиз гап айтгиси келмаётганини билдирди. Унинг ота-онасидан ҳам бу борада бирор маъноли сўз эшитмадим, чунончи, ўғиллари не балоларга ёндошибдики, ўша гадойтилмас шаҳарчага бориб қолганию қай жафокор дамларда иблис йўлига кириб, ўша хотинга уйланиш фикрига тушганига ҳамон ақллари бовар этмас эди.

Хайриятки, яхши кишилар менга Анхела Викарио ҳақида гоҳ-гоҳ хабар етказиб туришди, бу ҳол каминани ажаб бир заифа сиймосини яратишга илҳомлантирди. Роҳиба синглим Гуахиранинг шимолидаги бутпарастларни насронийлик мазҳабига киришга ташвиқ қилиб, ўша ерларда бирмунча муддат кезиб юрган эди, у жойдаги бир қишлоқда Анхела Викариони учратибди, бир неча бор у билан суҳбатлашибди, унинг айтишича, ўша макон Кариб денгизи қирғоғида экан, онаси Анхелани денгизга тириклайин чўктириб юбормоқчи ҳам бўлганмиш. У ҳар гал мурид овлашдан қайтганида, менга: «Тутинган синглинг салом деди», дерди. Синглим Маргот ҳам дастлабки йиллари Анхела Викариони йўқлаб турди, унинг сўзига қараганда, улар ҳайҳотдай ҳовлиси бор бир ўй сотволишибди, тўрт тарафидан шабада эсиб турармиш, сув тошқинию ҳожатхонанинг шамол суриб келадиган ҳидини ҳисобга олмаса, уларнинг тўлқин ҳовлига ва ётоқхонага улоқтирган балиқларни теришдан бошқа ташвиши йўқ эмиш. Ўша вақтда Анхела Викариони кўрганларинг айтишича, у жудаям чевар бўлиб кетибди, бойиб, обрў топиб, шунга овуниб, роҳат-фароғатли кунларга етишибди.

Ўшандан бир неча йил сўнг, у фалокат ҳақидаги тасаввурим тиниқмай, бир тўхтамга келолмай, аммо бу бахтсизликларнинг сабабу оқибатларини англашга уриниб, Гуахири қишлоқларида қомуслар, тибга оид китоблар сотиб юрган кезларим, иттифоқо ҳиндулар яшайдиган бир масканга йўлим тушди. Сингилларим таърифлаган худди ўша денгиз бўйидаги уйни кўрдим: жазирама пайти эди, Анхела чокмашинада ненидир тикиб ўтирарди — унинг азодорлик либоси, юзидаги темир бандли кўзойнаги, сочларини қоплаган оқ-сарғиш толалар, бош устидаги осиглиқ қафасда тинимсиз сайраётган сариқ саъва — барчаси кўз олдимда уни бошқача бир сиймо тарзида гавдалантирди. Унинг дераза кўзлари ортида шу алфозда ўтирганини кўриб, наҳотки бу ўша Анхела Викарио, дея ҳайрон бўлдим; у тасаввуримда мутлақо ўзгача эди, бечорани бу қадар нотавону абгор ҳолатда учратиб, кўнглим бузилди, чархи кажрафтор бир инсон умрини шунчалик бемаъни афсонага айлантриб, охири хору ҳақир этганидан ич-ичимдан эзилиб кетдим. Ҳа, бу хотин худди ўша Анхела Викарио эди; орадан йигирма уч йил ўтган эди.

У мени одатдагидай, узоқ қариндошидай кутиб олди, саволларимга ўйлаб, жиддий жавоб берди. Утган йиллар мобайнида унинг ўзи ҳам, ақли ҳам хийла тўлишган эди, қараб туриб, ўша Анхела

Викарио шуми, дея тагин ҳайратландим. Ўз ҳаёти хусусида бирам оқилона хулосалар чиқарибдики, буни эшитиб, қойил қолдим. Бир оз вақт ўтгач, у менга қаримсиқ эмас, балки, аксинча, худди хотиротим кўзгусидаги каби ёш, қизлик давридагидек жозибадор кўрина бошлади; йигирма ёшидаги — муҳаббатсиз турмуш кўрсанг, ўлмайсан, дея зўрлаб эрга берилган давридаги маҳзун ҳолатидан асар ҳам йўқ эди. Унинг онаси — бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлган кампир мени нариги дунёдан келган арвоҳдай кутиб олди, ўтмишни эслагиси келмади, бу асарни ёзишда мен унинг онам билан сўзлашгандаги баъзи узук-юлуқ гапларига, асосан, ёдимда қолган эсдаликларга таяндим. Кампир кўзи тириклигидаёқ шумоёқ қизининг ўлимини яратгандан ёлвориб тилаган, аммо илтижосини фалакнинг қар қулоғи ҳеч тингламаган, қизи эса, ўша манфур воқеаларни учраганга уялмасдан, оқизмай-томизмай айтиб, бемалол яшаб юраверган. Бироқ энг муҳим сир сирлигича қолган — у фожианинг асл сабабчиси ким, яъни, уни ким, қачон, қаерда йўлдан ургани хусусида лом-мим демаган. Ўша айбдор Сантьяго Носир эканига эса ҳеч ким ишонмасди.

Зотан, Сантьяго Носир билан Анхела Викарио икки олам эди. Икковининг бирга юргани ёки хилватда бирга турганини ҳеч зот кўрмаган, Сантьяго Носир жуда назари баланд йигитлардан эди, табиийки, қизга қиё ҳам боқмаган. Қачон Анхела ҳақида гап кетса, у: «Сенинг анави қариндошинг қип-қизил тентак», дер эди. Сантьяго Носир қизлар борасида дови юришган йигит саналарди, қурдошлари уни макиёнларни қийратадиган қирғий дейишарди. Ота-сига ўхшаб у ҳам тоғма-тоғ ёлғиз кезиб юрар, бирор дарахт шоҳида пишиб турган мевани — шу депарада кўзга илинарли бирор қизни кўрди дегунча, ўйлаб-нетиб ўтирмай, ҳеч кимга билинтримай шартта узарди-кетарди. Аммо одамларга унинг атиги иккита жазмани борлиги аён эди, холос. Бири — Флора Мигель, Сантьяго у билан шунчаки кўнглихушлик учун юрарди, Мария Алехандрина Сервантес эса — буниси иккинчиси — ўн тўрт ойдирки, унинг ақлу ҳушини буткул ўғирлаган эди. Кўпчиликнинг ўйлашича, аслида, Анхела Викарио бошқа бировни севган ва ўша номаълум йигит билан айшини суриб юрган, нозик пайт келиб қолганда эса, дабдурустдан Сантьяго Носирнинг исмини тилга олган; акаларим унга қўл кўтаролмайди, дея хаёл қилган ва сувдан қурук чиқмоқчи бўлган. Иккинчи дафъа уни йўқлаб борганимда мен ҳам худди шу фикрни таъкидлаб, далилу асосларни тахлаб ташладим, хотиннинг ўз тилидан ҳақиқатни эшитмоқни истадим, бироқ у бир зумга нигоҳини чокдан кўтариб, менга тикди-да: — Кўпам кавлаштираверма, қариндош, — деди. — Ўша эди.

Сўнг у менга ҳамма гапни, жумладан, никоҳнинг илк кечасида нималар бўлганигача айтиб берди. Шум дугоналарининг унга: эрингни роса ичириб ёшт қилиб қўйгин ёки ўзингни уятчанликка солиб чироқни ўчиришга мажбур этгин, энг муҳими, аччиқтош сувига роса ювин, қиздек бўласан-қоласан, эрталаб ҳаммага кўрсатадиган чойшабни ҳам қизилга бўяб қўй, дея ўргатишганигача яширмай айтди. Аммо Анхеланинг маслаҳатгўйлари икки нарсани ҳисобга олишмаган эди: аввало, Байярдо Сан Роман ичкилик бобида пишиб кетган, унча-мунча майни кўрдим демайдиган йигит эди; иккинчидан, у зоҳиран соддагўл кўринса-да, хурофот таъсириданми, ботинан тоза, бегуноҳ, ёш боладай покдомон эди. «Дугонала-

рим ўргатган нарсаларнинг бирортасини ҳам қилмадим, — деди менга Анхела Викарио. — Бу ҳақда ўйлаганим сари у қадар тубанликка бормаслик лозимлигини, бу иш ғирт чўққалик эканини англадим, ахир, у бечорада нима гуноҳ? Шўрликнинг бошига шундоқ ҳам бало тоғи ағдарилгани — мендай қизга уйланиш савдоси тушганининг ўзи катта фожиа-ку, деб ўйладим». Қисқаси, у ҳеч қанақа қилиқ кўрсатмай, ихтиёрини эрига топширган, эр чироқни ўчирмаёқ унинг кийимларини бир-бир ечган, аллақачон иффат пардаси кўтарилган Анхела бундан заррача кўрқмаган, зотан, ғишт қолипдан кўчган, кўрқишга ҳожат қолмаган эди. «Ҳаммаси оддийгина, осонгина ўтди-кетди, — деди у менга, — тўғриси, ўлимимгаям рози эдим».

У ич-этини еяётган аламни беркитиш ниятида бошидан кечган азобу бахтсизликларни тортинмасдан, батафсил баён қилди. Байярдо Сан Роман уни онасиникига олиб келиб ташлаб кетгач, ўша сониядан эътиборан жувоннинг дил уйига кириб мангулик макон қурган — бу гапларни Анхела Викарионинг ўз оғзидан эшитиб, ҳайрон қолдим, бундай бўлиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Ушанда жувоннинг юрагига ажал ўқи санчилгандай бўлган. «Онам мени ўйиб-чимдилаб ура бошлаганда, бирдан уни ўйладим», деди у менга. Онаси ўзини бечора йигитни бадбахт қилгани учун калтаклаётганига ақли етгач, оғриқни ҳис этмай қўйган. Ошхонадаги диванда ўпқасини босолмай хикиллаб ётаркан, яна Байярдо Сан Роман тўғрисида ўйлаган ва ўз-ўзидан ҳайратга тушган. «Мен ўшанда баданим оғриётганидан ёки бўлиб ўтган шармандалиқдан йиғламаётган эдим, — деди у менга. — Анави бечорани ўйлаб йиғлаётган эдим». Онаси унинг юзига арника томизги дорисидан сураётганда ҳам жувон уни ўйлаб ситам чекаверган, кейин кўча тарафдан одамларнинг бақир-чақир-ғи, жомнинг ҳайбатли жаранги эшитилган ва ўша пайт онаси ошхонага киргану унга, энди бўлар иш бўлди, ухлаб, сал ўзинга келиб ол, деган.

У узоқ вақт, гарчи заррача умид бўлмаса ҳам Байярдо Сан Романни хотирлаб, уни кўришни орзу қилиб юрди. Бир кунни онасининг кўзи оғриб, уни Риоачидаги касалхонага олиб боришди, йўлда «Бандар меҳмонхонаси»га киришди; меҳмонхона хўжайини уларга таниш эди. Пура Викарио бир стакан сув сўради. У қизига орқасини ўгириб сув ичаркан, хашаматли хона деворидаги саноксиз тошойналарга қараб турган Анхела Викарио, кутилмаганда, неча йилларки хаёл кўзгусида асраб, термулиб юрган азиз одамнинг аксини кўриб қолди. Нафасини ютиб, секингина қайрилиб, ўша томонга боқди: Байярдо Сан Роман жувонни сезмагандек унинг ёнидан ўтиб, меҳмонхонадан чиқиб кетди. Жувон, кўнгил ойнаси чил-чил синиб, онаси ёққа маҳзун кўз солди. Пура Викарио сувни ичиб бўлиб, лабларини енги билан артаркан, қизига майингина жилмайди, янги кўзойнаги йилтиллади. Ана шунда Анхела Викарио онасининг асл қиёфасини ҳаётида илк дафъа юрак-юрагидан ҳис этди: қаршисида, майхона пештахтаси ёнида, бутун умрини бахтсизликлар, турмуш ташвишлари еб-битирган толесиз аёл турарди. «Сасимай ўл-а!», деди Анхела Викарио ичида. У бу ҳолатдан шу қадар мутаассир бўлдики, қайтишда уйига етгунча овозининг борица қўшиқ айтиб келди, сўнгра ўзини кўрпага отди-да, уч кун ўрнидан турмай йиғлади.

У гўё қайтадан туғилган эди. «Унга бўлган ишқим алангалангандан алангаланарди, ақлимдан айрилиб, телбага айландим», деди у менга. У кўзини юмиши

биланоқ Байярдо Сан Романни кўрарди. Денгиз шовқини унинг овозидай, нафасидай туюларди. Кечалари эса, у худди ёнида ётгандай баданининг ҳароратини ҳис этар ва шу заҳоти ўзи ҳам қизиб, ёниб, тўлғона-тўлғона уйғониб кетар эди. Оромини йўқотган Анхела Викарио бир ҳафтага аранг чидади, охири сабри тугаб, Байярдо Сан Романга мактуб ёзди. Бу қисқагина хатда жувон уни меҳмонхонадан чиқиб кетаётганда кўрганини, агарда у ҳам уни илғаб, қараганида, бу ҳолдан у бағоят қувонажagini ҳаё билан ифодалаган эди. Номанинг жавобини тоқати тоқ бўлиб кутди. Икки ой ўтгач, қаноатдан дил ўти устун чиқиб, яна хат ёзди, у ҳам аввалгисидай мухтасар, ҳаёли битилган эди, жувон йигитнинг эътиборсизлигидан гина қилган эди, холос. Олти ой кейин унга яна олтита мактуб юборди, ҳаммаси жавобсиз, сассиз-садосиз кетди, бироқ у Байярдо Сан Роман хатларни олаётганига ишонгани учун бундан оғринмади, аксинча, кўнглини тўқ тутди.

Анхела Викарио ўз тақдирининг хўжайини ўзи эканини умрида биринчи марта ҳис этди ва муҳаббат ҳамда нафрат — бир-бирига боғлиқ туйғулар эканини англади. Жувон унга қанча кўп хат йўлласа, юрагидеги ишқ ўти шунча ортар, аламзада дилидаги бадҳоқлик баттар алангаланар эди. «Онамга кўзим тушди дегунча ичим ёнаверарди, — деди у менга, — чунки онамга қараб туриб ҳар гап уни ўйлардим». Анхела эри ташлаб кетган хотин бўлса-да, ҳаёти аввалгидай — қизлигидагидай оддий бир тарзда давом этарди: дугоналари билан бирга чок тикарди; олдинлари эса у ўртоқлари билан қийқимлардан лолалар, қоғоз парчаларидан қўшчалар ясар эди. Онаси ухлагани хонасига кириб кетгач, Анхела Викарио эшикни беркитиб олиб, эрталабгача ўзининг бедаракликка маҳкум хатларини ёзарди. У иродасини яна қўлга олди, яна — фақат Байярдо Сан Роман боис — бокиралик дамларига қайтгандай бўлди ва ўзининг қудратидан ўзга қудратни, ўзининг эҳтиросидан ўзга жафо етказувчини сезмай қўйди.

Умрининг ярми хазонга юз тутгунга қадар у ҳар ҳафта биттадан хат ёзиб юрди. «Баъзида нима деб ёзишнйам билмасдим, — деди у менга, кулгидан зўрға ўзини тийиб, — аммо у хатларимни олаётганини аниқ билганимдан, бошқа ҳеч нарсани умид қилмасдим». Бошида жувон унашилган қайликларникидай қисқа-қисқа мактублар битди, кейинроқ узоқ сафарга кетган эрига ташна келинчакдай ишқу эҳтирос, ваъдаю ноз-истиғнога тўла интизорона номалар жўнатди, ниҳоят, охириги пайтларда маҳрами ташлаб кетган бечора беванинг эрини қайтариш ғаразиде қиладиган ёлғондакам хасратларию касалман, ўламан каби оҳ-воҳларидан дудланган мактублар йўллади. Бир сафар тунда одатдагидай нома битиб ўтирарди, азбаройи нимадандир севинганидан сиёҳни вараққа тўкиб юборди, уни йиртиб ташлаш ўрнига, хатни: «Ишқимнинг гувоҳи сифатида сенга кўзёшларимни юборяпман», деган чучмал сўзлар билан тугаллади. Гоҳо йиғлаб-йиғлаб чарчаганда, қилаётган ишларининг тентаклик эканини ўйлаб, ўзини ўзи мазахлаб куларди. Фақат бир нарса — ҳаммасининг баҳридан ўтиш кераклиги унинг хаёлига келмасди. Байярдо Сан Роман бу ўлдим-кўйдимларга мутлақо беларво, беписанд эди, жувоннинг хат ёзиши қоронғига кесак отгандай фойдасиз бир иш эди.

Ушандан ўн йил кейин — фожиалар унутилиб, ҳамма гап эсдан чиқаёзганда — нохуш бир тонгда Анхела Викарио сесканиб уйғониб кетди: Байярдо



Сан Роман, қип-яланғоч, тұшакда — ўзининг ёнида ётгандай туюлиб, нафаси тиқилди. Шу куни дардидунёси остин-устун бўлиб, талвасага тушганича йигирма варақли хат ёзди, ўша машъум кечадан бери ўтган давр мобайнида кўнглида тўпланган бор хасратини тўкиб солди, моғор босиб ётган ҳақиқатларни уяту андишаларни йиғиштириб қўйиб, бир-бир баён этди. Бағрини Байярдо Сан Роман бир умрга поралаб кетганини, жисму жонидаги яралар абадий малҳамсиз қолажагини, тилининг заҳарлигию қадди қомаида эҳтирослар қуёши мужассамланганини очиқ ёзди. Жувоннинг ҳар жумада келадиған чевар дугонаси бор эди, хатни ўшандан бериб юборди, Анхела Викарио, бу мактуб телба руҳимдаги сўнги чайқалиш бўлса керак, деб ўйлаган эди, бироқ шундан кейин ҳам не ҳақда ва кимга ёзаётганини англамаган ҳолда тағин ўн етти йил давомида муттасил нома битди.

Августнинг чароғон кунларидан бирида, чошгоҳда, Анхела Викарио дугоналари даврасида чок тиқиб ўтираркан, эшик ёнига кимнингдир келганини пайқайди. Қайрилиб қарамади, лекин билди, келган киши — ўша эди. «У семирибди, сочи тўкила бошлабди, кўзи хиралашиб, кўзойнак тақибди, — деди жувон менга. — Аммо бу айни ўша эди, қурибгина кетсин! Уша!» Анхела Викарио, менинг ҳам унга ўхшаб қариганимни сезиб қолса-я, дея ўйлаб, бирдан кўнглини ҳадик қоплади, мени менинг севганимчалик севолмайди, деган шубҳага бориб, яна бағридили ўртанди. Байярдо Сан Романнинг эғнидаги кўйлак тердан ҳўл эди — уни қиз бозорда биринчи марта шундай ҳолатда кўрган — белидаги қайиши ҳам, қўлидаги кумуш безакли чарм-халтаси ҳам ўша илк учрашувдагидай эди, фақат чармхалта анчагина униққан кўринарди. Байярдо Сан Роман чеварларнинг ҳайратдан оғизлари ланг очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолганларига эътибор бермай, шитоб юриб келиб, халтасини чокмашина устига қўйди.

— Ҳа, дуруст, дуруст, — деди у, — мана, мен келдим.

Унинг иккита жомадони бўлиб, бирига кийим-кечак солинган, бошқасига Анхела Викарионинг икки мингга яқин хати тахланган эди. Мактублар санама-сана, батартиб дасталанган, шоҳи боғичлар билан боғланган, бирортасиям очилмаган эди.

Кўп йиллар мобайнида биз фақат ўша воқеа хусусида гапириб юрдик. Уша машъум кунгача ҳар биримиз ўзимизча яшаб, пешонамиздагини кўриб келаётган эдик, ҳамманинг кўнглига фўлғула солган у ҳодиса эса фикру зикримизни ўз комига тортди, гўё ҳар ёқда сочилиб оқаётган умримиз ирмоқчалари кутилмаганда ўша воқеа гирдобига қўйилди. Хўрозлар қичқирган заҳоти, сахари марқдонлаб барча бараварига уйқудан уйғонган, барчанинг хаёлида тасодифнинг бир зарби туфайли очилажак фожиа эшигини ва унинг ортидаги қатор бадбахтликларни тасаввур этар эди. Омманинг оғзида фақат шу гап эди, лекин бирор кимсанинг дилида сирни очиб, шўрлик Сантьяғони суиқасддан огоҳлантириш истаги йўқ эди, инчунун, ҳеч бир киши фалокат рўй бергач, унга нечоғли алоқадор бўлмоғи ва кейин тақдири қандай кечажаги бобида бирор аниқ фикрга эга эмасди.

Бу ҳолнинг туб сабабини кўпчилик англай олмасди, албатта. Кейинчалик жарроҳ сифатида ном қозонган Кристо Бедойя ҳам ўшанда нечун дастлабки фикридан қайтганию нечун ўз уйига бориб ётиш, ота-

онасини суиқасддан хабардор қилиш ўрнига бувасиникига кириб, икки соатча қариялар билан валақлашиб, епископнинг келишини кутиб ўтирганига ҳамон тушунолмайди. Бироқ суиқасддан воқиғлар ҳам умарга халақит бериши, ниятини чиппака чиқариши мумкин бир пайтда ҳеч бир иш қилмаган, бу — иффат, номус масаласи, унга бегонанинг аралашуви ножоиздир, деган ақидага бориб, шу билан ўзларини алдаб-овутиб қўяқолишган. «Номус — муҳаббат демак», деган эди ўшанда онам менга. Ортенсия Бауте саллоҳларнинг пичоғини қонга ботмасдан аввал кўрган эди, кўргани бошига битган бало бўлди: ўнгида ҳам, тушида ҳам қонли пичоқларни кўравериб, охири савдойига айланди, бир куни шир яланғоч ҳолда ўзини тош ётқизилган кўчага отиб, ёрғ дунё билан видолашди. Сантьяго Носирнинг қайлиғи Флора Мигель ғаддор фалакнинг бу кўргиликларига аччиқма-аччиқ битта чегарачи ҳарбий йигит билан қочиб кетди, эри даюс чиқиб, уни охир-оқибатда ғарга айлантириб, Вичададаги каучук ўрадиған барзангиларга сотиб юра-юра, расвои жаҳон қилди. Носирлар хонадонининг уч авлодига энага бўлган доя Аура Вильерос эса, Сантьяго Носирнинг сўйилганини эшитган ҳамони ваҳимадан қовуғи тортишиб қолди ва ўла-ўлгунча резина ичакдан пешоб қилиб ўтди. Клотильде Арментанинг олижаноб эри, умрининг вафоси боис саксон олтига кирган дон Рохелио де ла Флор уйида, эшиги ёпиқ нариги хонада Сантьяго Носирни тўрт пора этиб нимталашаётганини кўраман дея ўрнидан сўнги марта кўзғолдию дўзахий манзарадан қайта ўзига келолмай, оламдан ўтди. Уғли кирадиган эшикни беркитиб қўйган Пласида Линеро вақт ўтгани сайин гуноҳини унутиб юборди. Менга у ўзини оқлаб: «Дивина Флор, ўғлинг уйга кириб кетди, дегани учун эшикни занжирлаб қўйган эдим. Аммо у ёлғон айтган экан», деди. Бироқ Пласида Линеро тушга киргувчи дарахтнинг хайрли экани билан қушларнинг ёмонлик даракчиси эканини алмаштириб юборганига бир умр ўзини кечиролмади, шуни ўйлайвериб, замонасининг гўр йўлига етакловчи дориси — занжабил донасини чайнашга дучор бўлди.

Терговчи фалокатдан ўн икки кун кейин келди, шаҳар аҳлининг ёппасига талвасага тушганини, тартибсизлик кўпганини кўриб, боши қотди. У шаҳарнинг ёғочдан қурилган бош маҳкамасидаги ислиқи хонада сатилда қайнатилган қаҳвага шакарқамиш шаробидан қўшиб ичиб ўтираркан, тўс-тўпалон ва жазирама кун туфайли кўз олдидан кетмаётган саробий манзарани унутишни, ором олишни истар эди. Маҳкама ёнида оломон пашшадай ғужғон ўйнар, ўзининг бу фалокатга нечоғли дахлдорлигини ва нималарни билишини айтмоқчи истаган иззатпараст доводир одамлар шу қадар кўп эдики, улар сўра-масдан ҳам эшикдан ёпирилиб киришга тиришар, шовқин солишар эди. Терговчи бебош халойикдан муҳофаза этсин учун мададкор аскарларни чақиртирди. У яқиндагина ҳуқуқшунослик бўлимини тугатган, эғнидаги ҳуқуқшуно толибларнинг қора мовут костюми еғида битирувчиларнинг халқасимон белгиси ҳам бор эди. Унинг юриш-туришидан энди йўлга кирган адлия ходимининг фахру шиддати, ғурури, виқори ёғилиб турарди. Аммо у ҳеч бир эътиборга лойиқ иш кўрсатмади, ном-насаби номаълумлигича қолди. Унинг қандай одамлиги хусусидаги биз билган гаплар у ёзган, Риоачидаги Адолат саройида сақланаётган, мен йигирма йил сўнг ўқиб-ўрганганим суд ҳужжатлари асосида туғилган муло-



ҳазалардир. Асралаётган ҳужжатлар жуда ҳам бетартиб аҳволда эди, ўзимга керакли манбаларни аллақанча кишининг кўмаги билан аранг топдим; мустамлака замонидан мерос бу бино қачондир икки кечаю кундуз Френсис Дрейкнинг қароргоҳи бўлган, эндиликда бу ердаги хоналарда тоғ-тоғ қоғоз уюлиб ётарди. Денгиз тўлқинлари пастки қаватлари босганидан даста-даста ҳужжатлар кимсасиз бўлмалар бўйлаб сузар эди. Ана шу воқеаномалар кониға айланган кўлда ўзим ҳам тўпифимгача сувға ботиб жуда кўп азоб кечдим, беш йил муттасил ахтара-ахтара ниҳоят, ўша терговчи ёзган беш юз саҳифали суд ҳужжатининг денгиз сувида шўрлаган уч юзюйгирма икки варағини топдим.

Терговчининг исмини бирор жойда учратмадим, ёзувдан ўқиб англашимча, у ашаддий адабиёт лотинларнинг адиблари ижодини, айниқса, ўша даврда ўқиш расм бўлган Ницше асарларини яхшигина ўрганган экан. Саҳифалар хошиясидаги белгилар, изоҳлар — сиёҳининг рангидан қатъи назар — худди қон билан битилганга ўхшарди. Терговчи зиммасига юкланган ишдан шу қадар довдираб қолганки, воқеа, ҳолатлар шарҳида касб-корига мутлақо зид равишда тез-тез лирик чекинишларга — кўнглидан кечган мулоҳазаларга йўл қўйган. Айниқса, тақдир тақазоси юзасидан рўй берган тасодифлар шунчалик кўп ва чалқаш эдики, ҳатто адабиётда ҳам ифодалаш амримаҳол бўлган бундай қотилликнинг амалга ошганига — суиқасддан шунча оломон хабардорлигига қарамай бир одам ўлиб кетаверганига ҳеч ақли бовар қилмаган. Бироқ у кўп сермашаққат изланишлар оқибатида, майда-чуйда тафсилотларгача аниқлаб, Сантьяго Носир — фожианинг бош сабабчиси, деган хулосага келган, бу фикр унга ҳеч тинчлик бермай қўйган. Анхела Викарионинг дугоналари ҳам неча йиллар давомида Анхела тўйдан олдин уларга ўз сирини очганини, аммо зинокорнинг исмини бекитганини айтиб юришган. Терговчига берган жавобларида эса, бир сўзни такрорлашган: «У бизни мўъжизадан воқиф этди, лекин мўъжизакорини сир тутди». Анхела Викарио ҳам дугоналарига ўхшаб бир гапни чайнашдан нарига ўтмаган. Терговчи ўзига хос қўлиқ билан марҳум Сантьяго Носирнинг кимлигини сўраганида, киприк қоқмасдан:

— У менинг кўз очиб кўрганим эди, — деган.

Бу ибора шундайлигича — йигит унинг кўзини қачон, қаерда, қай ҳолатда очганини тафсилоту исботлар билан кўрсатилмай ёзиб қўйилган, холос. Бор-йўғи уч кунга чўзилган суд жараёнида оқловчилар маҳкамаси раиси бу айбнинг асосиз эканини, исботланмаганини кўп бор таъкидлаган. Терговчи Сантьяго Носирнинг гуноҳини далилловчи жиноят белгилари ниҳоятда камлигидан шунчалик ўзини йўқотиб, умидсизликка тушганки, алоҳа бутун қилган иши пучдай туюлган. Шунинг таъсиридами, у тўрт юз ўн олтинчи саҳифа хошиясига қизил сиёҳда бундай деб ёзган: «Мени ишонтиринг — ақидапараст эдинг, дунёни ўзгартириб юбораман». Бу ташбеҳли, пурмаъно ибора остига у умидсизлиги ва ночорлиги ифодаси ўлароқ ўша қонранг сиёҳда юракка санчилган камон ўқини тасвирлаган. Сантьяго Носирнинг барча дўстлари каби у ҳам қурбоннинг

<sup>1</sup> Френсис Дрейк (тахм. 1545—1595 й.) — инглиз денгизчиси, қароқчи. Бир неча бор ҳозирги Лотин Америкаси қирғоқлариға сувиз ўтган, испанларнинг кемалари ва мулкларини талаган, кулфурушлик қилган.

ўлими олдидаги ҳолатлари бегуноҳлигининг бирдан-бир ишончли асоси дея ҳисоблаган.

Дарҳақиқат, Сантьяго Носир умри завол топгучи тонгда, гарчанд унга ёпиштирилаётган айб енгил эмаслигини, бир фалокат юз беришини англаса ҳам, ўша дамда бирор хавфни сезмаган. У — ўзи яшаётган муҳитнинг нақадар риёкори, замондошларининг нечоғли иккиюзламачи эканини яхши тушунган одам, соддадил саллоҳлар ўз оиласи бошига тушган мусибат, доғ туфайли ҳар қанақа бемаъниликка ихтиёрсиз қўл ура олишига ақли етиши лозим эди. Байардо Сан Романнинг қандай йигитлигини ҳеч ким билмасди, лекин унинг ҳам барча оқсуяклар каби киборона хатти-ҳаракати, феъл-атвори заминидаги пойдевор — хурофий ақидалардан иборат эканини Сантьяго Носир билган, албатта. Шундай қилиб, унинг билиб туриб билмаганга олгани ўз жониға зомин бўлган. Бундан ташқари, энг сўнги дақиқаларда — биродар Викариолар уни ўлдирамай деб кутиб туришганини айтишганида, кўпчилик таъкидлаганидай, ўзини йўқотиб қўймаган, балки бегуноҳ одам бундай дамда нечоғли довдираб қолса, ўшандай бир саросимаға тушган, холос.

Менимча, Сантьяго Носир ўзининг нега ўлаётганини англамаган ҳолда жон узган. У синглим Марготга бизникига нонушта қилгани киражагини айтган, сўнгра Кристо Бедойя билан қўлтиқлашганича қирғоқ бўйлаб юриб кетишган, икковлон шу қадар хотиржам, бепарво кўринишганки, атрофдагилар ваҳимали шов-шувни унутиб, ҳаммаси бекор гап экан-да, деган хаёлға боришган. «Уларни мамнун, беғам қиёфада кўриб, тангриға шукрона айтдим, хайрият-э, фалокатлари арибди, дея кўнглимдан кечирдим», деди менға Меме Лоайса. Табиийки, Сантьяго Носирни ҳамма ҳам бирдай яхши кўравермас эди. Электростанция хўжайини Поло Кардиёнинг айтишича, Сантьяго Носирнинг бепарволиги унинг гуноҳсизлигидан эмас, балки сурбетлигидан далолат берармиш. У мен билан суҳбатлашганида: «Йигитни пул қутуртирворган эди, пул билан ажални сотволаман, деб ўйларди», деди ёзғириб. Унинг хотини Фауста Лопес: «Ўзи ҳамма турклар шунақа», дея эрининг сўзини маъқуллади. Индалесио Пардо Клотильде Арментанинг дўконига кирганда, саллоҳлар унга, епископ ҳазрат жўнаб кетган заҳоти Сантьяго Носирни ҳам нариги дунёға жўнатамиз, дейишган. У ҳам бошқа одамлардай биродарларнинг сўзига эътибор бермаган, уйқудан қолган йигитчалар алжираяпти-да, деб ўйлаган, аммо Клотильде Армента уларнинг гапи рост эканини таъкидлаб, ундан Сантьяго Носирни огоҳлантиришини ўтинган.

— Бекорға оғзингни чарчатма, — деган шунда Педро Викарио, — барибир уни сўямиз. Ўлганлар қаторига қўшиб қўявер.

Бу очикдан-очик, сурбетларча дағдаға эди. Биродарлар Индалесио Пардонинг Сантьяго Носирға дўстлигини, бу сўзлар шак-шубҳасиз унинг жиғига тегишини билишарди, афтидан, энди у бор гапни дўстиға бориб айтади, кейин бизни яраштиради, ҳам шармандалиқдан қутуламай, ҳам қўлимизни қонға бўямаймиз, деб ўйлашган. Индалесио Пардо олдиниға Сантьяго Носирни суиқасддан бохабар этмоқчи бўлган, бироқ унинг Кристо Бедойя билан қўлтиқлашганча бандаргоҳдан келаётган халойиқ ичида бепарво бораётганини кўриб, фикридан қайтган. «Ўшанда негадир ҳовримдан тушиб, бари ёлғон гап экан-ку, деб ўйлаб, индамадим», деди у менға. Индалесио Пардо иккала ўртоқнинг елкасига қоқиб,

мамнун жилмайиб кўйган. Улар эса, азбаройи тўйнинг сарфу ҳаражатларини ҳисоблаш билан банд бўлганларидан унга эътибор ҳам бермай, йўлда давом этишган.

Оломон сафида икковлон майдон томон йўл олишган. Тўда жуда зич бўлган, лекин Эсколастика Сиснеросга иккала дўст бемалол, ҳеч қийналмасдан одим ташлаётгандай — ҳамма Сантьяго Носирнинг ўлимга кетаётганини билганидан унга тегинмасдан, улар атрофда бўшлиқ пайдо этаётгандай туюлган. Кристо Бедойя ҳам ўша сонияларни хотирларкан, халойиқ ўзларига ғалати назар билан қараганини эслади. «Худди фалокат пешонамизга ёзиб қўйилгандай, роса бақрайишган эди», деди у менга. Ушанда Сора Нориега пойафзал дўконини очётган экан, Сантьяго Носирнинг бўздай оқариб кетганини кўриб, хавотирга тушган, бунинг сабабини сўраган.

— Э Сорагинам, кўп нарсага ақлинг етавермайдида, — деган унга Сантьяго Носир йўлида тўхтамасдан. — Шунча ичкиликдан кейин нафақат одам, ҳатто тош ҳам оқариб кетади!

Селесте Дангонд кўча эшиги оғзида уйда киядиган халатига бурканиб, епископни кутгани чиққан нодонларни мазах қилиб кузатиб ўтираркан, Сантьяго Носирга кўзи тушиб, кел, мен билан қаҳва ич, дея таклиф этган. «Мен атайин вақт ўтсин, фалокат рўй бермасидан аввал бирор фикрга келайлик, деган ниятда уни тўхтатмоқчи эдим», деди у менга. Сантьяго Носир уйига шошаётганини, кийимини алмаштириши лозимлигини, синглим Маргот уни бизниқига нонуштага қақирганини айтган. «У шунчалик хотиржам, қилмоқчи бўлган ишлари шунчалик тайин эдики, мен саросимада қолдим, — дея изоҳ берди яна Селесте Дангонд. — Назаримда, саллоҳлар уни ўлдирилмайдиغانдай туюлди». Ана шу олатасиру шовқин-суронлар ичра иккиланмай, кўнглида неки туғилган бўлса, ҳеч шубҳаланмай амалга оширган инсон Жамил Шайюм эди. Узунқулоқ гаплар дарагини эшитган заҳоти у ўзининг газмол дўкони олдига чиқиб, суиқасддан огоҳлантириш мақсадида Сантьяго Носирни кута бошлаган. Жамил Шайюм бу ерларга Иброҳим Носир билан бирга келган ва эндиликда уч-тўрттагина қолган араблардан бири эди; бир пайтлари Иброҳим Носирга қиморда доим шериклик қиларди, Иброҳим Носир ўлгач, етимчаларининг мадақкори, маслаҳатгўйи бўлиб қолган эди. Сантьяго Носир бағоят иззат қиладиган ва насиҳатига қулоқ тутадиган ҳурматли одам ҳам шу Жамил Шайюм эди. Бироқ шу инсон ҳам айни керакли пайтда тараддудланиб, мабодо эшитганларим ёлғон чиқса, Сантьяго Носирни беҳудага ташвишга қўяман, яхшиси, Кристо Бедойядан сўрайин, балки у аниғини билар, деган андишага борган. Икковлон ўтиб кетишаётганда, у Кристо Бедойяни ёнига чорлаган. Кристо Бедойя Сантьяго Носирнинг елкасига дўстона қоқиб — бу пайтда улар бурчакка етиб боришган эди — кейин Жамил Шайюм томонга йўналган.

— Шанба кунни кўришармиз, — дея у хайрлашган.

Сантьяго Носир унга жавоб бермаган, Жамил Шайюмга қарата арабчалаб нимадир деган, газмолфуруш кулгидан ичаги узилиб, унга ҳам арабчалаб бир нималар деб қичқирган. Жамил Шайюм буни изоҳлаб: «Икковимизнинг ўртамизда шунақа пайров бўлиб турарди, бир қизиқ гап бор эди — фақат икковимиз тушунардик», деди менга. Сантьяго Носир уларга хайрлашгандай қўл силкиган-да, майдон муюлишидан бурилиб, кўздан ғойиб бўлган.

Иккови уни охирги марта ана шу ҳолатда кўришган.

Кристо Бедойя Жамил Шайюмнинг сўзларини эшитиб, Сантьяго Носирни қувиб етиш ниятида пештахтадан сакраб, эшикка отилган. У дўстининг муюлишдан шундоққина бурилаётганини кўрган эди, ammo майдонга ёйилиб бораётган кишилар ичидан уни тополмаган. Бир неча одамдан Сантьяго Носирни сўраса, улар:

— Ҳозиргина сен билан бирга кўрган эдик, — дея бир хил жавоб қайтарган.

Кристо Бедойяга бу қисқа муддатда Сантьяго Носир уйига етиб келиши мумкин эмасдек туюлган, бироқ шунга қарамай, уйга кириб, уни суриштирмоққа қарор қилган. Кўча эшик у йўлагандай қулфлоғлик эмас, балки қия очилиб турган экан. Тонг қоронғисида у остонада ётган хатни илғамаган, бемаҳаллиги учун оёқ учида юриб меҳмонхонадан ўтган. Уй ичкарасидан итларнинг безовталаниб ғингшигани эшитилган, сўнг махлуқлар унга сари чопиб келишган. У худди уй эгасидай калитларни шақирлатган-да, итларни тинчитган, кейин галани эргаштириб ошхонага йўналган. Йўлакда меҳмонхона полини ювгани пақир, латта кўтариб келаётган Дивина Флорга урилиб кетаёзган. У Сантьяго Носир қайтмаганини айтган. Кристо Бедойя ошхонага кирганида Викториа Гусман куён гўштини қозонга солиб, тагига ўт ёққан эди. Йигитнинг кўзларидан аҳвол ниҳоятда қалтислигини англаган. «Юраги хаприқиб, оғзига келиб қолаёзган эди», деди у менга. Кристо Бедойя ундан, Сантьяго Носир уйдами, деб сўраганида, ёлғондакам тақаллуф билан, у ҳали ухлагани қайтмади, дея жавоб берган.

— Ҳазилнинг вақти эмас, — деган унга Кристо Бедойя. — Уни ўлдирамай деб қидириб юришипти.

— У бахти қаро болалар ҳеч кимни ўлдирилмайди, — деган у.

— Ахир, шанбадан бери ичиб, тишларини қайраб, пайт пойлаб ётишибди-ку, — деган дарғазаб бўлган Кристо Бедойя.

— Барибир бунга қўли бормайди, — деган у, — уларнинг ҳуши жойида ҳанузгача бирорта мастнинг ўз нажасини ўзи еганини эшитмаганман.

Кристо Бедойя меҳмонхонага ўтганида Дивина Флор эндигина деразаларни очиб, уйни шамоллатаётган эди. «Уша кунни ёмғир ёлмаган эди, — деди менга Кристо Бедойя, — аниқ эсимда, вақт етига яқинлашиб қолган эди, дераза кўзида куёш нурлари жилваланарди». У Дивина Флордан, Сантьяго Носирнинг меҳмонхонадан ётоқхонасига ўтиб кетмаганига имонинг комилми, деб яна сўраган. Бу гал қиз тайинли бир гап айтолмай, довдираб қолган. Сўнг йигит ундан Пласида Линерони сўраган, қиз бир дақиқа аввал унинг хонасига қаҳва олиб кирганини, ammo уйғотгани ботинолмаганини айтган. Одатда Пласида Линеро роса еттида ўрнидан турар, хонасида қаҳва ичгач, пастга тушиб, тушликка қандай овқат пишириш лозимлиги хусусида буйруқ берар эди. Кристо Бедойя соатига қараса, олтидан эллик олти дақиқа ўтган экан. Шунда у Сантьяго Носирнинг уйга қайтмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқ ниятида иккинчи қаватга кўтарилган.

Ётоқхона эшиги ичидан берк, чунки Сантьяго Носир ташқарига онасининг хобхонаси орқали ўтиб кетган эди. Кристо Бедойя бу хонадоннинг энг яқин кишиларидан бўлиб, бу ерларни ўз уйидай яқин биларди. У дўстининг хонасига Пласида Линеронинг ёлғи орқали ўтмоқ ниятида эшикни оҳиста итарди. Деразанинг тепа кўзидан тонготар офтобининг



ўткир, қийрихон ёғдулари хонага бир зайлда ёғилар, тўрбеланчақда худди келинчақдай юзини ёстиқ қилинган қўлларига босганча бир аёл ширингина ухлаб ётар эди — бу манзара йигитга рўёдек туюлди. Уша ҳолатни эсларкан, Кристо Бедойя менга: «Тушдагидай эди», деди. У бир дақиқача аёлга маҳлиё термулиб қолди, сўнг секингина юриб хонадан чиқди, ғулхонадан ўтиб, Сантьяго Носирнинг ётоғига кирди. Кароватдаги ўринга ҳеч ким тегинмаган, оромкурси суянчиғига дазмолланган суворий қора костюм осяғлиқ эди, тепароқда суворий қалпоқ илинган, ерда бир жуфт узун этик, ёнида отнинг узангиси ётарди. Сантьяго Носирнинг жавондаги соати вақтнинг олтидан эллик олтига ўтганини кўрсатарди. «Мен бирдан, у уйга келиб, қуроллини олиб чиқиб кетгандир, деб ўйладим», деди менга Кристо Бедойя. Бироқ жавоннинг тортмасини очиб, у «магнум» тўппончасини кўрди. «Ҳеч қачон тўппонча отмаган эдим, — деди менга Кристо Бедойя. — Сантьяго Носирга элиб бераман, деган фикрда қуролни олдим». У тўппончани кўйлаги остидан белига қистириб қўйиб, шу бўйича тегмаган. Жиноят содир этилгач, бирдан тўппончани эслаган, қўлига олиб, ўқланмаганини билиб қолган. Унда эса, жавон тортмасини ёпаётганда, эшикдан қўлида қаҳва тутган Пласида Линеро кириб келган.

— Вой тавба! — дея хитоб қилган. — Сенмидинг, ўтакамни ёриб юбординг-а!

Кристо Бедойя ҳам чўчиб тушган. У қаршисида сочлари ёйиқ, тўрғайгулли зархалат кийган аёлни кўриб, ёрқин тонг ёғдусидан кўзлари қамашиб, ҳафсаласи пир бўлган. Йигит саросималаниб, бу ерга Сантьяго Носирни излаб кирганини айтган.

— У епископни кутгани кетувди, — деган Пласида Линеро.

— Епископ бизнинг бандаргоҳда тўхтамади, — деган йигит.

— Шундай бўлишини билардим, — деган Пласида Линеро. — Булар бари ҳайвондан баттар!

Аёл бирдан сўзини тўхтатиб, Кристо Бедойянинг ўзини қўярга жой тополмай, аланг-жаланг бўлаётганини сезиб қолган. «Бола бечора шундай довдирардики, — деди аёл менга, — тавба, ўшанда миямдан, бу ўғрилиққа кирибди-ёв, деган фикр ўтди». У Кристо Бедойядан, ҳа, тинчликми, дея сўраган. Йигит ўзининг қай аҳволда эканини англаган-у, аммо гап нимадалигини очик айтишга журъат этмаган.

— Бир дақиқаям кўз юммадим, уйқусизлик-да, гарангсиз қопман, — деган у.

Кристо Бедойя бошқа ҳеч нарса демай чиқиб кетган. «Бу хотиннинг назарида ҳар доим ўғрилар унинг уйини тунашаётгандай туюлаверарди», деди менга Кристо Бедойя. Йигит майдонда епископсиз ибодат ўтказолмасдан роҳибларни эргаштириб қайтаётган руҳоний Амадорни учратган, унга бир нима демоққа тараддудланган-у, лекин индамаган: руҳонийнинг қўлидан дуо қилишдан ўзга иш келмайди, деб ўйлаган. У яна бандаргоҳ сари ошиққан ва бирдан орқадан, Клотильде Арментанинг дўконидан кимдир чақираётганини эшитган. Девор ёнида юзлари оқарган, ёқавайрон, энглари шимарилган қўллариди дастардан ясалган қўпол дудамача пичоқ тутган Педро Викариони кўрган: у гўё ўзича қаттиқ хезланиб, ниятини ошкор этишга, хунрезликка тайёрланаётганини ҳаммага билдиришга интиларди; албатта, буни у атайин қилган, бирор инсофли келиб, уни ёмон йўлдан қайтаришига умид боғлаган.

— Кристоаль! — дея қичқирган ялоқи овозда

Педро Викарио. — Сантьяго Носирга айтиб қўй, биз уни ўлдириш учун пойлаб турибмиз.

Кристо Бедойя уларга йўлига бўлса ҳам халақит берганидами, икковлон унинг бу яхшилигини бир умр эслаб юришарди. «Тўппончани отишни билганимдайди, Сантьяго Носир ҳам беҳудага ўлиб кетмасди», дея ўқинди у менга. У тўппонча ўқининг афсонавий қудрати хусусидаги гапларни эшитганда-ёқ баданида титроқ турган. Сўнг Педро Викариога қараб:

— Билиб қўй, унинг «магнум»и бор, ўқи автомобилниям илма-тешик қилиб юборади, — дея қичқирган.

Педро Викарио унинг алдаётганини сезган. «Сантьяго от мингандагина қуролни олиб юрарди», деди менга Педро Викарио. Шунга қарамай, сингисининг шаънини оқламоққа ва қон тўқмоққа қатъий аҳд этган, у мабодо Сантьяго Носирнинг қўлида қурол бўлса не чора кўрмоқни ҳам олдиндан ўйлаб қўйган.

— Жонсиз жасад тўппонча отолмайди, — дея жавобан бақирган у.

Шу пайт эшик ёнида Пабло Викарио кўринган. У ҳам укасига ўхшаб ранги-қути ўчган, эгнида тўйда кийган қора мовут костюми, қўлида газетага ўроғлиқ пичоқ бор эди. «Агарда шу воқеанинг шоҳиди бўлмаганимда, уларнинг қай бири кимдир янги ажратолмай дунёдан ўтиб кетардим», деди менга Кристо Бедойя. Пабло Викарионинг орқасидан Клотильде Армента чиқиб келган ва Кристо Бедойяга, тезроқ бориб дўстингни фалокатдан қутқар, хотинчалишларга тўла бу шаҳар ўлгурда фожианинг олдини олишга қодир бирдан-бир эркак ўзингсан, дея чинқирган.

Кейин нимаики рўй берган бўлса, ҳаммасини шаҳар аҳли ўз кўзи билан кўриб турган. Бандаргоҳдан қайтаётган одамлар бир-бирига бақириб-чақириб, бўлажак томошани — хунрезликни кўриш учун майдондан жой танлаб, ўрнашиб олиш тараддудига тушган. Кристо Бедойя қайсики таниши учрамасин, ундан Сантьяго Носирни сўраган, барча бирдай кўрмадик деган. У Киборлар уйи эшиги олдида полковник Ласаро Апонтега дуч келган, унга Клотильде Арментанинг дўкони рўпарасида бўлиб ўтган гап-сўзларни айтган.

— Беҳудага ваҳима қилма, — деган унга полковник Апонте, — ҳозиргина икковиниям, жўна энди, уйингга бориб ухлагин, деб ҳайдавордим-ку!

— Йўқ, улар кетишмабди, қўллариди чўчка бўғизлайдиган пичоқлариям бор, — дея эътироз билдирган унга Кристо Бедойя.

— Довдираб қолибсан-ку, а, бўла, ахир мен уларнинг пичоғини олиб қўйганман, кейин уйига ҳайдаб солганман-ку, — дея шаҳар ҳоқими сўзида қатъий турган. — Балки икковини сен мендан олдин кўргандирсан?

— Уларни бундан роса икки дақиқа бурун учратдим, ҳар бирида биттадан пичоқ бор эди, — деб жавоб берган Кристо Бедойя.

— Оббо, жин ургурлар-эй! — дея хитоб қилган полковник. — Демак, у баччағарлар бошқатдан пичоқ опкелишибди-да!

Бу иш билан дарҳол шуғулланажagini таъкидлаб, кечкурун домино ўйнамоқчилигини айтиб қўйгани Киборлар уйига кириб кетган. Қайтиб чиққанида эса, хунрезлар йигитни сўйиб бўлишган эди. Кристо Бедойя биргина, аммо жуда катта хатога йўл қўйган эди: у ўша сўнги дақиқаларда, Сантьяго Носир кийимини алмаштириб бизнига нонуштага кириб



кетган, деб ўйлаган. У дарё четидаги йўлдан шитоб одимлаб бораркан, ҳар бир йўлиққан кимсадан, Сантьяго Носирни кўрмадингми, дея сўроқлаган, бироқ ўткинчилардан бирорта маънили жавоб эшитмаган. Барибир у бундан унчалик ҳадиксирамаган, бинобарин, бизникига бориладиган бир неча йўл бор эди. Худди шу пайт унга Просперо Аранго деган бир қашшоқ аёл дуч келиб, епископнинг оний дуоларига қарамасдан, отасининг тобора ўлим чангалига тушиб бораётганини айтиб, мадад истаб ёлворган. «Уша ердан ўтаётиб чолни кўрувдим, — деди менга синглим Маргот, — юзида жон асорати йўқ эди». Кристо Бедойя Просперо Аранго билан чолни каровотга олиб бориб ётқизгунча тўрт дақиқа ўтиб кетган. У кўчага чиқиб, узоқдан одамларнинг шовқинини эшитган, назарида, майдон тарафда мушаклар отилгандай туюлган. У югурмоқчи бўлган, аммо белига нотовонларча қистирилган тўппонча ботиб, чопишга ҳалақит берган. Муюлишдан бурилгач, кичик укамни қўлидан ушлаб диконглатиб шошиб бораётган онамга орқадан кўзи тушган.

— Луиса Сантьяго! — дея қичқирган у онамга. — Қариндошингни кўрмадингми?

Онам тўхтаб, кўзёш ювган юзини унга ўгириб: — Вой, болам! Уни ўлдириб кетишибдиймиш, — деган.

Дарҳақиқат шундай эди. Кристо Бедойя уни ахтариб юрганда Сантьяго Носир қайлиғи Флора Мигелнинг муюлишдаги уйга кириб кетган, дўсти уни худди шу уйга бурилаётганида охириги марта кўрган эди. «Уша ердалиги хаёлимга келмабди, — деди менга Кристо Бедойя. — Ахир, у уйдагилар чошгоҳгача кўпчиб ухлаб ётишади-да». Ҳамма, жамоанинг фозили Ноир Мигель буйруғига биноан бу оиладагилар кундузи соат ўн иккигача ухлаб ётади, деб ўйларди. «Шунинг учун Флора Мигель гуддай яшнаб, семириб, ялтиллаб кетган эди», деди менга Мерседес. Аслида эса аксинча эди, бу гўшадагилар ҳам барча араб қавмига мансуб кишилар каби жуда эрта турар, поктаб, меҳнаткаш инсонлар эди, фақат чошгоҳгача эшикларини очишмас эди. Флора Мигель билан Сантьяго Носирнинг оталари булар ҳам ёш пайтдаёқ қуда бўлишга аҳд боғлашган эди. Сантьяго Носир бу аҳд хусусида ўсмирлигида эшитган, катталар неники лозим кўрса, барчасини сидқидилдан бажарар, зотан, оила ва никоҳ борасида отаси манфаат нуқтаи назаридан фикр юритганидек, ўғлининг ақидаси ҳам айнан шундай эди. Флора Мигель дўмбиллаган жонона бўлса-да, фаҳму фаросатдан, назокату латофатдан бебаҳра эди, шунинг учунми, тенгдошларининг орасида, тўйларда, қизларнинг онаси бўлиб ўтирарди, шу жиҳатдан олиб қараганда, Сантьяго Носирга унашилгани унга осмондан ёққан эҳсондай бир гап эди. Бўлажак келин-куёв расмий бордикелдиларсиз, хилватда учрашишларнинг ташвишу озорисиз ўзларича фароғатда умр кечиришарди. Тўй оқшоми бир неча бор тайин этилиб, қолдирилиб, ниҳоят, келаётган рождество ҳайитида ўтказишга келишилган эди.

Уша душанбада Флора Мигель епископ тушган кема илк бор овоз бергандаёқ ўрнидан турган, бир неча фурсат ўтиб, биродар Викариолар Сантьяго Носирни ўлдириш қасдида уни пойлашаётганини эшитган эди. Фалокат рўй бергач, у билан фақат менинг роҳиба синглим сўзлашган, холос: Флора Мигель унга шумхабарни айнан кимнинг оғзидан эшитганини эслай олмаётганини айтган. «Эрталабки

соат олтигача бу гапдан ҳамма хабардор бўлган эди, мана шуниси ёдимда қолган, холос», деган у роҳиба синглимга. Сантьяго Носирни ўлдиришларини бечора қиз тасаввурига ҳеч сиғдирилмаган, устига устак, энди улар оила шаънига тушган доғдан фориг бўлиш учун йигитни мажбуран Анхела Викариога уйлантиришади, деган ваҳимали фикрдан мияси ғовлаб кетган. Хўрлиги келиб, эзилиб, ўзини йўқотиб қўйган. Ётоқхонага кириб олиб, нима қиларини билмасдан, Сантьяго Носир мактабда ўқиб юрган чоғларида унга ёзган хатларини олиб, бошқатдан тахлаётганида, шаҳарликларнинг деярли ярмиси епископни кутиб олиш мақсадида бандаргоҳга тўпланган эди.

Сантьяго Носир Флора Мигелнинг эшиги ёнидан ўтаркан, ҳар доим, ҳатто ҳеч ким бўлмаса ҳам, деразанинг тунука раҳига қалит билан уриб-уриб тиқиллатар эди. Дундиқча худди ўша қуни ҳам мактубли қутичани тиззасига қўйиб, қайлиғини кутиб ўтирган эди. Сантьяго Носир кўча тарафдан уни кўролмасди, аммо Флора Мигель Сантьягонинг уйлари томонга келаётганини сим тўр орқали кўрган, деразанинг тунука раҳига қалити билан уриб овоз қилганини ҳам эшитган ва:

— Киравер, — деган.

Эрталабки соат олтидан қирқ беш дақиқа ўтганда бу уйга ҳеч ким, ҳатто даволовчи ҳаким ҳам қадам босмаган эди. Сантьяго Носир Жамил Шайюмнинг дўкони рўпарасида Кристо Бедойя билан хайрлашгач, қайлиғи уйга кириб кетганини майдон тўла оломондан биронтасининг кўрмай қолиши жуда ғалати, ақлдан хориждаги бир ҳол эди. Терговчи уни ўша ҳовлига кираётганини кўрган шоҳидни ўлибтирилиб излаган, суриштирган, бироқ тополмаган. Нечоғли уринмайин, менга ҳам ўшандай одам билан суҳбатлашиш насиб қилмади. Тергов ҳужжатларининг уч юзу саксон иккинчи варағи хошиясига у қизил рангли сиёҳда яна бир фозилонга фикрни ёзиб қолдирибди: «Тақдир бизни кўзга кўринмас қилиб қўйди». Ахир, Сантьяго Носир ҳамманинг кўз олдида намоийшкорона ўша уйга кирганига қарамай унга бирор кишининг назари тушмаганини, умумнинг ғафлатда қолганини не сўз билан тасвиру не ақл билан тасаввур этасиз?! Флора Мигель тантанали айёмларда киядиган гулдор кўйлагини эгнига илиб, аламдан кўкариб, пишиллаб, Сантьягони кутиб меҳмонхонада ўтирган эди, у кирган заҳоти зардаси қайнаб, қутичани тутқазган-да:

— Ол матоҳингни! — деган. — Энди сени ўлдириб кетсалар ҳам парвойимга келмайди.

Сантьяго Носир довдираб қолган, азбаройи гарангсиганидан қўлидаги қутичани ҳам тушириб юборган, муҳаббат у меҳру этибордан холи хатлар ерга сочилган. Флора Мигель ётоғига дарғазаб ҳолда йўналган, йигит ҳай-ҳайлаб унинг орқасидан чопган, лекин пандавақи қиз эшикни қарсиллатиб ёпиб, илганини солиб, беркитиб олган. Йигит бир неча марта эшикни тақиллатган, кейин қаттиқ овозда қайта-қайта чақирган, шунда, қизимизни бемаҳалда ким йўқлапти, дея безовталаниб, уйдагиларнинг ҳаммаси бараварига югуриб чиқишган. Бу уйда турадиган ёш-қари, қариндош-жигаргўшалар жами ўн тўрт киши эди. Охири қизнинг отаси Ноир Мигель чиққан, унинг соқоли сарғиш, бўялган эди. Эгнудаги, одатда доим уйда киядиган, олис юртидан олиб келган табаррук ғалабияси уни ниҳоятда басавлат кўрсатар, ўзиям улўсифат мўйсафид эди. Уни ҳар кўрганимда, салобати босиб, ўзимни йўқотиб қўярдим.

— Флора! — деган у ўз она тилида. — Оч эшикни!

Чол қизининг ёнига кириб кетгач, бошқалар Сантьяго Носирга бақрайишганча, энди нима бўларкин, дея ташқарида кутиб туришган. Йигит ерга тиззалаб шошиб-пишиб хатларни терган, қутига солган. Ушанда уни кўрган кишилар: «Тавбасига таянгандай бўлиб кўринди бизга», дейишди менга. Бир оздан кейин Ноир Мигель қизининг ёнидан қайтиб чиққан ва авлодларига, бизни холи қўйинг, дегандай ишора қилган; ҳамма нари кетган.

Сўнгра у Сантьяго Носирга арабчалаб нималардир деган. «Аввало у менинг айна пайтда нима деётганимни мутлақо фахрламаётганини англадим», деди Ноир Мигель менга. У йигитдан, биродар Викариолар сени ўлдирамиз деб пойлаб ётишганмиш, шундан хабаринг борми, деб сўраган. «У бирдан оқариб кетди, шунчалик саросималандики, рангирўйи ва туришига қараб, ўзини гўлликка соляпти-ёв, деб ўйлаш мумкин эди», деди яна Ноир Мигель. Мўйсафиднинг фикрича ҳам, Сантьяго Носирнинг ҳолатида кўрқувдан кўра саросима устун бўлган.

— Қассоблар ҳақми-ноҳақми — бунинг ўзинг ҳаммадан кўра яхши биласан, — деган чол йигитга. — Энди сенинг олдинда икки йўл қолди, холос, ўғлим: мана шу хонадон сенинг ҳам уйинг, ё шу ерда яширин, ё милтиғимни олиб, кейин кўчага чиқ.

— Э, ҳеч нарсага тушунмай қолдим ўзи, — дея гудранган Сантьяго Носир.

Тили фақат шу гапгагина келган, бунинг испанчалаб айтган. Ноир Мигель менга: «У бояқиш сувга тушган жўжадай ночор эди», деди. Сантьяго Носир кўлидаги қутичани қаерга қўйишини билмай, кўча эшикни очолмай, ҳайрон турганда, чол қутини олган.

— Битта ўзига икки киши-я, номардлар! — деган Ноир Мигель.

Сантьяго Носир ташқарига чиққан. Халойиқ худди намоишга келгандай майдонни саф-саф бўлиб эгаллаган эди. Сантьяго Носирнинг чиққанини ҳамма кўрган, икки саллоҳ чавақлаймиз деб пойлаётганидан унинг хабардорлигини ва шу учун рангида ранг қолмай, ўз уйига янги йўл тополмаётганини халойиқ тушунган. Айтишларича, кимдир пешайвондан туриб: «Ҳей турк, у ёққа борма, эски бандар томондан юр!» деб қичқирган. У овоз эгасини ахтариб, аланлаган. Жамил Шайюм эса, унга, дўконимга беркиниб тур, дегану ўзи ов милтиғини олиб келгани жўнаган, аммо ўқни қаерга яширганини эслаёлмай, роса қидирган, орада вақт ўтиб кетган. Оломон чор тарафдан унга қарата қичқираверган, йигит, уларнинг бақирғидан қулоғи битиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга юрган. Ниҳоят, ўз уйи томонга йўналган, ошхона эшиги орқали кирарман деб ўйлаб бораётиб кўча эшикнинг очиқ турганига кўзи тушган.

— Ана, келяпти, — деди Педро Викарио.

Иковлон Сантьяго Носирни бараварига кўришди, Пабло Викарио камзулини ечиб, курсига ташлади-да, ятағансифат пичоғини кўлига олди. Биродарлар дўкондан чиқшдан аввал индамасдан чўқиниб олишди. Шунда Клотильде Армента Педро Викарионинг ёқасидан бўғиб ушлади-да, Сантьяго Носирга қарата, тезроқ қочиб қол, бўлмаса сени ўлдиришди манавилар, дея қичқирди. Унинг чинқириғи шунчалик пуртахлика эдики, оломон бирдан жимиб, атрофга бир лаҳзагина сукунат чўқди. «У аввалига кўрқиб кетди, — деди менга Клотильде Армента. — Чунки ким, қайси жойдан қичқираётганини билмаган эди». Сантьяго Носир бир вақтнинг ўзида аёлни ҳам, уни

бир туртиб, нарига улоқтирган Педро Викариони ҳам, унинг акасини ҳам кўрди. Йигит уйдан эллик қадам чамаси берида турарди. У шошиб кўча эшик томон чопди.

Шундан беш дақиқа аввал Виктория Гусман ошхонага кирган. Пласида Линерога ҳаммага маълум шумхабарни етказган. Пласида Линеро босиқ, фаросатли хотин эди, кўнглидаги ғулувни сездирмаган. У Виктория Гусмандан бу гапни ўғлига айтган-айтмаганини сўраган, оқсоч эса, ўғлинг қаҳва ичгани кирганида бундан беҳабар эдим, дея онани алдаган. Меҳмонхонани супуриб-сидираётган Дивина Флор Сантьяго Носирнинг майдон тарафдан қайтиб келганини, айланма зинадан юриб, ётоғига чиқиб кетганини айтган. «Тушдагидай кўз олдимдан бир лаҳзада ўтдию кетди, — деди менга Дивина Флор. — У оппоқ кийимда эди, кўлида бир нарса бор эди, нималигини кўролмадим, менимча, бир даста атиргул эди». Шу боисданми, билмадим, Пласида Линера Дивина Флордан ўғлини сўраганида, қиз уни тинчлантирган:

— Бир дақиқа олдин ётоғига чиқиб кетган эди, — деган у.

Худди шу пайтда Пласида Линеро ерда ётган хатни кўрган, лекин уни кўлига олиб ўқимаган, унда нималар ёзилганидан кейинроқ, умумий олағовурда кимдир унга қоғозни очиб кўрсатганида хабар топган. Очиқ эшикдан ташқарига боқиб, шу томон пичоқларини ялтилатиб чопиб келаётган ака-ука Викариоларга кўзи тушган. У турган жойдан фақат Викариолар кўринган холос, муштипар она майдоннинг нариги ёғидан очиқ эшик сари жон ҳалпида интилаётган ўғлини кўролмаган. «Мен бу расволар уйимизга бостириб кириб, уни шу ерда ўлдиришмоқчи, деб ўйлабман», деди у менга. Шундан сўнг Пласида Линеро чопиб эшик ёнига борган-да, бир зарб билан уни қаррсиллатиб ёпган. Тамбани кўяркан, аввало Сантьяго Носирнинг фарёдли овозини, кейин эшикни кимдир жон талвасасида кетма-кет қоққанини эшитган, бироқ у ўғлини тепада — ётоқда деб ўша жойдан туриб саллоҳларни сўкаётибди деб хаёл қилган. Узи қассобларнинг адабини бермоқ ниятида ўғлининг ётоғига йўналган.

Қазодан қутулмоғи учун Сантьяго Носирга атиги икки сониягина керак эди, худди шу фурсатда эшик ёпиб қўйилди. У бир неча бор эшикни муштлаб, итариб кўрди, нажот йўқлигини англаб, душманларни юзма-юз қаршилаш мақсадида дарҳол орқасига ўгириди. «Унинг рўпарамда турганига кўзим тушган заҳоти кўрқиб кетдим, — деди менга Пабло Викарио. — У, назаримда, аслига нисбатан икки баравар каттариб кетгандай туюлди». Педро Викарио биринчи бўлиб унинг ўнг тарафидан тиккасига пичоқ солди, у зарбани қайтармоққа тараддулланиб, кўли билан ҳимояланмоққа интилди.

— Қанжиқлар! — дея қичқирди сўнг Сантьяго Носир.

Пичоқ ўнг кўлининг кафтини тилиб, биқинига бор бўйи санчилди. Ҳамма унинг:

— Во-ой, онажо-о-о-он! — деган фарёдини эшитди, холос.

Педро Викарио, бераҳм саллоҳ, пичоғини суғуриб олиб, яна ўша жойга қайтадан тикди. У терговчига: «Пичоқнинг топ-тозалигича қайтиб чиққанини кўриб, ҳайрон қолдим, — деган. — Мен унга яна уч марта тиф урдим, пичоққа бир томчиём қон юқмади». Иккинчи зарбадан сўнг Сантьяго Носир қоринини ушлаб, ярадор бузоқдай бўкириб, играниб эгилди-

да, саллоҳларга орқасини ўгириб, ўзини олиб қочмоқчи бўлди. Ятаган пичоқ тутган Пабло Викарио унинг чап ёнида турган эди, шу дамда у йигитнинг қоқ белига пичоқ санчди; баданидан отилиб, тошиб оққан қон оппоқ кўйлагини қизилга бўяди. «Кўйлагидан унинг ҳиди келарди», деди менга Пабло Викарио. Уч бор қаттиқ тиг еган Сантьяго Носир тагин хунрезлар сари юз бурди-да, онажониси билмасдан беихтиёр ёпиб қўйган эшикка тисланиб бориб, гўё қассоблар уни сўйиб-сўйиб, осонликча жонини олиб қўяқолишларини истагандай, мажолсиз туриб қолди. «Сўнг овозиям даф бўлди, — деган Педро. Викарио терговчига. — Аксинча, назаримда, у энди кулаётганга ўхшарди». Одамқушлар Сантьяго Носирни эшикка қисиб олиб, икки томонидан басма-басига пичоқ ураверишди, ўзларининг ишларидан ўзлари карахтланиб, не қилаётганларини ҳам унуттишди, бу қаттолликдан қаттиқ таъсирланган оломоннинг ваҳимали нидосини ҳам эшитишмади. «Мен ўшанда ўзимни худди отда учиб бораётгандай ҳис этдим», деди Пабло Викарио менга. Ниҳоят, улар толиқишиб, бирдан хушёр тортишди, икковига ҳам Сантьяго Носир ҳеч қачон ўлмайдигандай, йиқилмасдан шундай тураверадигандай туюлди. «Э, ҳар кимниям шунақа расво ишдан асрасин, оғайни, — деди менга Пабло Викарио. — Одам ўлдириш — энг оғир иш эканини тасаввур қилолсайдинг!» Охири Педро Викарио, Сантьяго Носирнинг юрагига пичоқ уриб йиқитиб, қутулиб қўяқолай, деган ўйда, чўчка сўяётганида ҳайвоннинг қўлтиғи остидаги юрагига тиг санчиб ўрганганиданми, йигитнинг қўлтиғига пичоқ солди. Биродарлар бири қўйиб бири уриб эшикка суяб туришгани учун Сантьяго Носир йиқилмаган. Тоқати тоқ бўлган Пабло Викарио бояқишнинг қорнига пичоғини суқиб, бураб-бураб юборди, шунда унинг ёрилган қорнидан ичак-чавоғи ташқарига отилиб чиқди. Педро Викарио ҳам акасига тақлид қилиб қурбоннинг қорнини мўлжаллаб зарб берди, аммо қўллари қўрқувдан титраб, ўзига бўйсунмай қўйгани учунми, пичоқ йигитнинг сонини тилиб ўтди. Сантьяго Носир яна бир муддат эшикка осилганича тек турган сўнгра, ёрилган қорнидан ажралиб чиққан қуёш шуъласидан кўкимтир, топ-тоза тус олган ичакчавоғини кўриб, тиззалаб йиқилган.

Пласида Линеро жигаргўшасини чақирганча ётоқда айланиб юриб, кимнингдир — ўғлининг эмас —

қичқирганини эшитгану деразадан майдонга қараган: черков томонга қочиб кетаётган ака-ука Викариоларга, уларни қувиб бораётган милтиқли Жамил Шайюм ҳамда бир гуруҳ қуролсиз арабларга кўзи тушган. У хавф-хатардан қутилибмиз, дея ўйлаган, кейин ётоқхонанинг пешайвонига ўтгану уйга кираверишда юзтубан ётган ўғлини кўрган. Сантьяго Носир чанг-тўзонга, қора қонига беланган юзини ердан узиб, зўриқиб ўрнидан турмоққа уринар эди. Ниҳоят, у ўрнидан туриб, қаддини ростлаб, осилинқираган ичак-чавағини ҳовучлаганича юра бошлаган. Ҳовлини айланиб ўтиб, ошхона эшигидан уйга кириш учун роса юз қадамча йўл босган. Уша ҳолатда ҳам фикри равшан бўлган, кўчадаги йўл узоклигига, қўшниникидан айланиб ўтиш қулайроқ эканига ақли етган. Уларнинг ҳамсояси Пончо Ланао, хотини, беш боласи уйларидан йигирма одим нарида бўлаётган ишларни билишмаган. «Биз ғала-ғовурни эшитдик, — деди хотин менга, — аммо одамлар епископни кутиб олишяпти, шекилли, деб ўйладик. Қон-қушига бўялган Сантьяго Носир уларникига кириб борганида эндигина нонуштага ўтиришган экан. «Мен ўшанда димоғимга урилган қўланса ҳидни ҳеч унутолмайман», деди менга Пончо Ланао. Унинг тўнғич қизи Архенида Ланаонинг таъкидлашича, Сантьяго Носир одатдагидай текис, залворли одим ташлаб кириб борган, унинг қадимий саратсин қавмига хос юзи, жингалак сочлари бағоят хуш, гўзал бўлган. Йигит улар ўтиришган стол ёнидан ўтаётиб жилмайиб қўйган, сўнг орқа эшикдан чиқиб кетган. «Қўрққанимиздан тошдай қотиб қолдик», деди менга Архенида Ланао. Холам Венефрида Маркес ўшанда ўзининг дарё бўйидаги ҳовлисининг ялангида балиқ тозалаётган экан. У Сантьяго Носирнинг лангаргоҳдаги зиналардан пастга тушаётганини, уйи томонга йўл олганини кўрган.

— Сантьяго, болажоним! — дея қичқирган у. — Сенга нима қилди, а?

Сантьяго Носир уни таниган.

— Мени ўлдиришди, Вене хола, — дея жавоб берган у.

У энг сўнги зинага қоқилиб кетган, бироқ дарҳол ўзини ўнглаб олган. «Ҳатто ичагига ёпишган тупроқни эринмай артиб ташлади», деди менга Вене холам. Кейин у эрталабки соат олтидан бери очиқ турган орқа эшикдан уйига остона ҳатлаб ўтгану жонсиз ҳолда юзтубан йиқилган.







**Муҳаммад  
Солиҳ**

### Қуръа

Айни қиш кунларининг бирида,  
Яъни қирқ тўққизнинг декабрида  
Мен қуръа ташладим дунёга келиб.

Ерга тушгани йўқ ҳамон бу қуръа,  
Турибман-ку ҳамон унга тикилиб —  
Юрак така-пука:  
Чикками, пукка,  
Чикками, пукка?..

### Ёмон хотира

Ҳеч нарса чиқмайди унинг ёдидан,  
У бирор нарсани қилмайди унут.  
Балки бу қўрқинчли, балки сен зимдан  
Каттиқ, қаттиқ ёмон кўрарсан уни.

Чиндан ҳам қўрқинчли бу ҳолда яшаш:  
Ёдидан ҳеч нарса чиқмайди абад —  
Чиқмас ўн йил бурун учган бир пашша,  
Чиқмас юз йил аввал эшитган ҳақорат!

### Руҳим тушиб кетса...

Ҳаво совуқ бўлса, қилмагин аччиқ —  
Бу нафас меники эмасдир зинҳор,  
Менинг зардам эмас, ахир, бу балчиқ,  
Менинг қовоғимдан ёғмади бу қор.

Тўнграйган тошларга қоқилиб кетиб,  
Жеркинма, уларни мен тўкканим йўқ,  
Кўксингни тирнаса, дарахтлар етим,  
Менга қарамагин: мен экканим йўқ.

Руҳинг чил-чил синса, олайтиб кўзни  
Яна менга томон сочма нафратинг:  
Ахир, ёзгани йўқ Руҳ деган сўзни  
Менинг маслаҳатим билан Афлотун!

### Қурултой

Тонг отар. Чимёнчол ўз чўнтагидан  
Қуёшни чиқарар хўроққанд каби,  
Байрамга айланар ҳаво дафъатан,  
Ўзгарар бу тахир осмоннинг таъми.

Нотаниш қўшиқдай янграр «Бари гал»,  
Жўр бўлиб, сумалак эрийди чак-чак.  
Узоқда, дунёнинг муз минбарига  
Тирмашар паст бўйли озгин бойчечак.

### Мен ўлмаган қўл

Сизга таъзим учун шайландим, бироқ  
Кимдир таъзим этди мenden олдинроқ.  
Сизнинг қўлингизни ўпмоқчи эдим,  
Кимдир яна мenden олдин улгурди.

— Салом, — дедим, ҳирқираб... Саломимни ҳам  
Ҳайдаб юбордингиз елпуғич билан.  
Боқмайсиз. Мағрурсиз. Турибсиз чидаб  
Гул каби, ёввойи ўтлар ичида.

Ниҳоят чарчайсиз. Таъзимлар аро  
Мен томон қарайсиз бир мотамсаро,  
Ёнимга келасиз, кўзлар жиққа ҳўл...  
Ва титрар қўлимда мен ўлмаган қўл...

## Сен учун

Бу ер тақир эди, тап-тақир, лекин  
Шоша-пиша гуллар кўкарди  
Сенинг келишингни эшитиб.

Бу ер сахро эди, лекин сен келдинг —  
Изингдан югурди ҳансираб дарё.

Тоғлар ҳам, бу баланд тоғлар ҳам —  
Сени кўрмақ учун ўрнидан турган  
Заминдир.

Мен ҳам — сен учунман, севгилим,  
Сен учун туғилдим  
Сенинг туғилганинг эшитган замон.

## Ойдинликда

Аёлга ўхшайди бу оппоқ булут,  
Бир пайтлар севилган  
Севган аёлга,  
Орзу-армонига эришиб,  
Тақдирдан мамнун аёлга ўхшар...

Айнан шу аёлга ўхшаса булут,  
Айнан шу аёлга ўхшаса агар,  
Демак, ой,  
Булутнинг пойида ётган ой —  
Мангу йўқотилган кўзгудир,  
Уша аёл йўқотган кўзгу.

## Сен борсан

Сен борсан. Мен сени йўқотганим йўқ.  
Чунки топганим йўқ сени, севгилим.  
Мен сени излайман, чунки ёлғондир  
Йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар.

Ерни гир айланиб излайман, аммо  
Айланиб келмасман яна шу ерга —  
Сени топмагунча ёлғондир чунки,  
Ёлғондир заминнинг юмалоқлиги!



## Дарахт

Мана шу дарахтга бераман  
Сенинг етим қолган исмингни.

Токи дарахт мазмун касб этсин,  
Токи камроқ ўртансин виждон  
Сендан сўнг ҳам тириклигимга.

Токи деразамда титрасин абад  
Олис табассуминг сояси!



## Табиат каби

Сир сақлай олмайди ҳеч ким тош каби,  
ёмғирдай айтолмас ҳеч ким сирини.  
Бирорта эринчоқ нозанин кузги  
шабададай билмас майин эриниб.

Барча кечикканлар, майли, бир бўлсин —  
куз каби ёқимли келмас кечикиб,  
қанча жилмайса ҳам ўлимдан олдин,  
ёз каби чиройли ўлолмас ҳеч ким!

## Учоқда

Учар, учар баҳайбат лайнер  
Дарчаларни ялайди булут.  
Аввалига кўнгиллар айнир,  
кейин... бари бўлади унут.

Кейин бирдан унут бўлади  
ерда эмас, кўкда эканинг —  
Кимдир ўқир, кимдир кулади,  
Кимдир ухлар ёнингда санинг.

Кимдир бошлаб берар уйқуни...  
Ва янграйди умумий ҳуррак.  
Сен-чи, четда танҳо, биқиниб,  
Утирасан — кўникмас юрак.

Ҳамма ухлар. Ухлайди барча.  
Ёлғиз қолдинг дарча ёнида —  
Ёлғиз ҳазм бўлмаган парча  
Улкан қушининг жиғилдошида.



Кибриё Қаҳҳорова

# Чорак аср ҳамнафас



Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Абдулла ҚАҲҲОР

ҳақида хотиралар



Энг яқин одамингиз — устозингиз, дўстингиз, яна ҳам аниқроғи, умр йўлдошингиз ҳақида хотира ёзишдан оғирроқ иш йўқ экан. Айниқса, у эл назарига тушган, совет адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган асл санъаткор бўлса, зиммангиздаги масъулият юз чандон ортаркан. Минг бир андишага бораркансиз. Биргаликда яшалган умр — унўтилмас кунлар ҳақида бор гапни ёзсангиз ўзингизни мақтагандек, устозингиз шуҳратига ўзингизни шерик қилиб кўрсатаётгандек бўлиб туюлаверар экан. Лекин, начора, умр ўткинчи, қораланган қоғоз эса қолади. Очиғи, мен Абдулла Қаҳҳор вафотидан кейин узоқ яшамасам керак, деб ўйлаган эдим. Бу ёруғ оламда халқ меҳри, тасаллиси, ёру дўстларнинг далдаси, қолаверса, Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори билан бирга кечган умримнинг нурли хотиралари мени шу ёшгача олиб келди. Қалбим тўрида сақланган ана шу хотираларни одамларга айтиб бериш, вақти келиб уларни қоғозга тушириш учун ҳам яшашим керак, деб ўйлардим.

Салкам йигирма йилдан бери ҳамроҳсиз, устоз Абдулла Қаҳҳорсиз яшаб келяпман. Лекин, шу давр мобайнида унинг руҳи, ундан қолган зариф хотираларнинг ёди бир сония бўлсин мени тарк этгани йўқ.

Баъзан, бирдан юрагим сиқилиб кетади. Ўзимни қўярга жой тополмай қоламану устоз столига ўтираман. Уйга чўмаман. Эсдаликлар, қўл билан ушлагудек яқин, аниқ ёдномалар, айни пайтда нурли, завқшавқли бир ўтмиш... Қаламга қўл чўзаман. Устоз қалами. Оддийгина қалам. Бу қалам унинг қўлида ҳаракатга келиб, оппоқ қоғоз бетига сўз дурларини терар, мисли кўрилмаган мўъжизалар яратар эди. Энди-чи? Энди ўз соҳиби ҳақида хотира ёзмоқчимми? Ёза олармикин?..



Йўқ, бўлмади. Қаламнинг салобати босади мени. Бу қаламни тутиш, уни ҳаракатга келтириш учун устознинг забардаст қўли, унинг жасорати ва маҳорати керак. Бошқа қалам оламан. Ҳар қалай бир унраб кўрай-чи...

## I

1944 йилнинг июль ойи. Биз (мен лейтенант формасида эдим) кўз доктори Муҳтарама Ҳамидова (ҳозир у киши профессор) иккаламиз Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг эски биносига, Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» комедиясини томоша қилгани борган эдик. Томоша тугагач, шоир Уткир Рашид мени чакка сочлари оқарган, кўзлари оловдай, юзи бежирим бир киши билан таништирди: — Бу киши машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бўладилар. Абдулла акам ҳарбийдаги қизлар ҳақида китоб ёзмоқчилар...

Мен бу кишини дастлаб 1939 йилнинг баҳорида кўрган эдим. Уша йиллари Сталинободда, Тожикистон Давлат нашриётининг бадий адабиёт ҳамда болалар ва ўсмирлар адабиёти бўлимини бошқарардим. Тожикистонда мустақил болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ташкил этиш нияти туғилиб, мен тажриба орттириш мақсадида Ўзбекистон пойтахтига келган эдим. Тошкентда болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ўша даврда Ленинград кўчасида, ҳозирги «Гулнора» пойабзал магазинининг қаршисида, катта бир ҳовлида жойлашган эди. Дарвозадан кирганда чап томондаги хонада директор, унинг рўпарасида, ўнг томондаги хоналарда эса нашриёт ходимлари ўтирар, бўлим мудирини вазифасида шоира Зулфияхон ишлар эдилар.

Нашриётда ишлайдиган, мўйлови энди сабза урган, қорачадан келган бир йигит:

— Мен Комил Яшиннинг укаси бўламан, исмим Маъруфжон, — деб ўзини таништирди ва босмаҳонани айланганимиздан сўнг мени эшиккача кузатиб чиқди.

Остонада кўзлари хиёл ғайлароқ кишига ва қадқомати келишган, чакка сочларига битта-яримта оқ оралаган бир йигитга рўпара келдик. Улар Маъруфжон билан илиқ сўрашишди.

— Танишинг, бу киши бизнинг севимли ёзувчимиз Абдулла ака, бу киши эса Одил Раҳимий, — деди Маъруфжон.

Уша йиллар мен ўзбек адабиётидан фақат Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар»ию «Меҳробдан чаён»ини ўқиган эдим, шунинг учун бу киши қайси Абдулла эканини яхшироқ англамадим. Шоир Уткир Рашид таништирама, балки ҳозир ҳам ажрата олмас эдим, чунки 1939 йилга нисбатан бу киши анча ўзгарган, сочлари хийла оқарган эди.

Муҳтарама Ҳамидова билан йўлимиз айрим бўлгани туфайли, хайр-маъзур қилиб, Абдулла Қаҳҳор билан бирга кўчага чиқдик.

Аста-секин трамвай бекатига келсак, тумонат одам. У вақтларда такси, троллейбус, автобус деган гаплар йўқ, бирдан бир нақлиёт воситаси трамвай эди.

— Қаерда турасиз? — деб сўрадилар Абдулла Қаҳҳор.

«Фрунзевец» газетаси редакциясининг ёнида, асли самарқандлик бир кампирнинг уйида яшашимни айтдим.

— Ҳеч қанча йўл эмас экан. Юринг, пиёда кетдик, — деб қолдилар.

Сухбатлашиб, яёв кетдик. У вақтлар мен ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан яхши таниш эмас эдим, шундандир балки суҳбат мавзуи чекланиб қолаётгандай туюларди.

— Қаерда хизмат қиласиз? — дея яна саволга тутдилар.

— Урта Осиё Ҳарбий округи органи «Фрунзевец» газетасида таржимон бўлиб ишлайман.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан шеърятга келиб тақалди, ёшлигимда дадам ўргатган Бобораҳим Машрабнинг бир шеърини айтиб бердим. Шу билан суҳбатнинг калити очилди-қолди. Абдулла Қаҳҳор дарҳол қаерда ўқиганим, ўзим қаерлик эканим билан қизиқиб қолдилар. Мен Самарқандда ота-онам, укаларим борлигини, икки синглим Сталинободда олий мактабда таълим олаётганини айтдим.

— Сиз ҳақингизда ёзишим шарт, агар рухсат берсангиз эртагаёқ учрашак...

Мен уйимни кўрсатиб, таклифга рози бўлдим. Эртасига Абдулла Қаҳҳор қоғоз-қалам ўрнига, худди мени имтиҳон қилиб кўрмоқчи бўлгандай, эски муқовали бир китобни кўтариб келдилар.

— Хожа Ҳофизни албатта ўқигандирсиз. Девоннинг биринчи ғазалига домламнинг ҳам тиши ўтмаган эди. Балки сиз тушунарсиз, — дедилар.

— Мен Ҳофизнинг ғазалларинигина эмас, ҳатто вафоти тарихини ҳам биламан. Вафоти тарихи хоки мусалло бўлади, — дедим ва қоғоз-қалам олиб абжад ҳисоби билан хоки мусаллонни чиқардим. — Масалан: «ҳе» — етти юз, «алиф» — бир, «коф» — йигирма, «мим» — қирк, «сот» — тўқсон, «лом» — ўттизга тенг. Жами саккиз юзу саксон бир, яъни, саккиз юз саксон биринчи ҳижрий йили вафот этган. Агар бир минг уч юз йигирма иккидан саккиз юз саксон бирни олиб ташласак, Ҳофизнинг вафотига тўрт юз қирк бир йил тўлгани маълум бўлади.

— Сиз хотин зоти билмайдиган нарсалардан ҳам воқиф экансиз, — дедилар ҳайрат билан.

Кейин мен Хожа Ҳофиз девонидаги дастлабки ғазални таҳлил ва таржима қилиб бердим.

Алоё айюҳал соқи адир коъсан ва но вилҳо,  
Ки ишқ осон намуд аввал вале афтод мушқилҳо.  
Ба бўйи нофан кохар сабо з-он турра бикшоёд,  
Зи тоби жадди мушкинаш чу хун афтод дар дилҳо.  
Ба май сажжода рангин кун гарат пири мўғон гўяд,  
Ки солик беҳабар набвад зи роҳу расми манзилҳо..

### Мазмуни:

Эй соқий, косни [шароб тўла қадаҳни] бирма-бир ҳаммага тут.

Ёрнинг ишқи бошда жўндай кўринган эди, аммо оқибатда кўп азоб-уқубатларга гирифтор қилди.

Тонг шамоли ёрнинг зулфидан эсаётган хушбўй ҳидни келтириб, юракни қонга тўлдирди.

Агар пири мўғон [бодафуруш] жойнамозни майга ботир деса, сўзини рад қилма, чунки майфуруш майхўрларнинг хулқу атворини яхши билади.

Хожа Ҳофизнинг мураккаб ғазалини таҳлил қилиб беришим, абжад ҳисобидан хабардорлигим туфайли, Абдулла Қаҳҳорнинг менга муносабатлари, назаримда, буткул ўзгарди. У киши «ҳарбийдаги қизлар ҳақида китоб ёзишни» ҳам унутдилар, шекилли, кейинги гал Абдураҳмон Жомийнинг

<sup>1</sup> Мусалло — Эроннинг истироҳат боғи.

<sup>2</sup> 1322 ҳижрий йил мелодий 1944 йилга тўғри келади.

«Баҳористон»нинг кўтариб келдилар. Жомийнинг ҳазил-мутоибаларидан ўқиб, таржима қилиб бердим. Ўқиб берганларим орасида битта ҳикоят жуда ёқиб қолдию эринмасдан қоғозга ёзиб олдилар:

«Кўзи ожиз киши қоронғи кечада бир қўлида чирок, бир қўлида кўзача кўтариб бораётган экан. Қандайдир бефаросат кимсага рўпара келиб қолади. Ҳалиги бефаросат:

— Эй нодон, сен учун куннинг тундан фарқи йўқ-ку! Чирок кўтариб юрганинг нимаси? — дебди.

Кўр шундоқ жавоб қилибди:

— Чироқни сенга ўхшаган кўрлар менга тўқнашиб, кўзачамни синдириб юбормаслиги учун кўтариб юрибман!»

Абдулла Қаҳҳор эски мактабда таълим олганлари сабабли ҳам тожик тилига унча-мунча тушунар, лекин, тожик шеърятини тушуниш учун таталаб ўқиш кифоя қилмас эди. Мен ҳар бир ғазал мазмунини қисқача баён қилиб, кейин асл нусхасини яна бир қарра ўқиб берар эдим.

Бир куни у киши:

— Мен сиз ҳақингизда китоб ёзмоқчи эдим. Нима қилдик, қулай фурсат топиб таржимаи ҳолингизни айтиб берасизми ёки бамайлихотир ўзингиз ёзиб берасизми? — деб қолдилар.

Менга қолса, айтиб беришдан кўра ёзиб бериш қулайроқ эди.

— Қоғозни аяб ўтирманг, батафсилроқ ёзинг, бадийроқ бўлса — яна яхши.

Уч-тўрт кундан кейин таржимаи ҳолим ёзилган ўн саҳифа қоғозни у кишига тутқаздим<sup>1</sup>

«...1943 йилнинг июнь ойида ўз ихтиёрим билан фронтга отланиб, ҳарбий комиссарликка ариза бердим. Бироқ, аризам инobatга ўтмади. Комсомол Марказий Комитетининг раҳбарлари, «кадримиз ўзимизга керак», деб руҳсат беришмади. Сўнг шахсий илтимосимга биноан, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аралашуви билан зўрға жавоб олдим. Ҳарбий комиссарлик мени Ўрта Осиё Ҳарбий округи ихтиёрига юборди. Армияга кетаётган куним партия аъзоллигига кандидатлик билетим қўлимга теғди.

Тошкентга келишим биланоқ, Ўрта Осиё Ҳарбий округи штаби қошида тожик тилида чиқадиغان «Фрунзечи» газетасига [уруш йиллари бу газета Ўрта Осиё халқлари тилларида ҳам нашр қилинарди] ҳарбий таржимон этиб тайинландим.

Редакция ишларини бирмунча ўзлаштирганимдан кейин бир куни радиокомитетга бордим.

Радио эшиттириш Давлат комитетининг раиси Иззат Султонов экан. Мен у кишининг ҳузурига кириб:

— Нима учун Сталинободда ўзбек тилида газета бор, радиоэшиттириш бор-у, сизларда тожик тилидагиси йўқ! — деган савол билан мурожаат қилдим.

— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, — дедилар Иззат Отахонович, — бунинг учун муҳаррир керак, таржимон керак, диктор керак, машинистка керак. Қисқаси, бутун бир ташкилот керак.

Мен ҳаммасини зиммамга олишга тайёр эканимни айтдим. Шу тарзда радиокомитет қошида тожик редакцияси вужудга келди. Унинг бирдан бир ходими — ҳам таржимон, ҳам редактор, ҳам диктори ўзим эдим. Кейинчалик университет студенти Расулхон Ҳодизодани [ҳозир у киши фан доктори] топиб диктор қилиб олдик. Хушовоз хонанда, ёшгина Саодатхон Қобулова ва танбурчи Баравони чақириб, музикали эшиттиришлар ташкил қилдик. Радио Инқилоб хиёбонида, редакция эса, Абдулла Тўқай кўчасида. Мен бўзчининг моксидай иккала идора ўртасида

қатнаб юрибман. Мана — менинг қисқача таржиман ҳолим».

Абдулла Қаҳҳор таржимаи ҳолимни ўқидилар-у, индамадилар. «Бу лейтенантни қаҳрамон қизларданмикан десам, бошқалардан фарқи йўқ экан-ку», деган ўйга бориб ҳафсалалари пир бўлди — билмадим. Сўрашга истиҳола қилдим. Сўрамаганим яхши бўлган экан. Абдулла ака зоҳиран эътиборсиздай кўринганлари билан, аслида таржимаи ҳолим билан жиддий танишганларини кейинроқ билдим. Галдаги учрашувларимизда у киши баъзан болалигим, баъзан дадам, баъзан Айний домла, баъзан эса қамал арафасидаги Ленинград ҳаётидан сўраб қолардилар. Мен ҳақимда ёзиш масаласида эса сўз очмасдилар.

Бир дам олиш куни уйларига таклиф қилдилар. Уйлари Жуковский кўчасида (ҳозирги «Медицина» магазини жойлашган ерда) экан. Уй мачитдек баланд бўлиб, бир залу кичкина бир хона, залнинг бутун жиҳози эса алмисоқдан қолган шкаф ва эски китоб жавонидан иборат эди, холос. Кичкина хонада битта темир каравот, бесўнақай бир ёзув столи турарди. Столнинг бир чеккасида Венера Милосскаянинг ҳайкалчаси, ҳайкалча ёнида эса электр плита. Ҳайкалчанинг бошига тухум уриб чақилаверганидан бўлса керак, тухумнинг оқи сумалакка ўхшаб қотиб қолибди. Китоб жавони билан ёзув столини боғдорчилик-виночилик трести (илгари шу бинода жойлашган экан) кўчиб кетаётган чоғи, назари илмаган бўлса керак, ташлаб кетган экан.

Менинг келишимга бутун хунарларини ишга солиб, каттакон чўмичда палов дамлабдилар. Уйда сабзи йўқ экан, бозорга боргани эриниб, сабзи ўрнига лавлаги ташлабдилар.

— Кечирасиз, — дедилар қизариб, — одатан, Фарғона йигитлари ошга уста бўлади. Лекин менинг шу ишга ўқувим йўқроқ, чунки умрим дарбадарликда, кейинчалик болалар уйда ўтган, тайёрига ўрганиб қолганман.

Ниҳоят, ош сузилди. Мен бир оғиз ё едим, ё емадим, аммо ўзлари «пули куйган... қалампир чайнабди» дегандай, ошни паққос урдилар.

...Ёшлари ўттиз олтига борган, «Сароб»дай романнинг муаллифи бўлсалар ҳам, ҳамон ўша «Ўтмишдан эртақлар»даги ёш бола сингари индамас эдилар. Қарийб тўққиз ой учрашиб юрган бўлсак-да, бирон маротаба дилдаги гапларини айтганлари йўқ. Форсча, тожикча китобларини ўқитиб кетар эдилар, холос. Ёки, «Кеча айтиб берган ҳикоятингиз жуда маъқул бўлди, ёзиб олай деб келдим», деб қўяқолардилар. Кейинги ойлари ишим кўпайиб, ўн-ўн беш кунда бир кўришадиган бўлдик. Бу орада қаттиқ бошогриқ касалига йўлиқиб қолдим ва шу баҳона билан менга ишхонадан отпускаи берилди. Жўнаш арафасида хайрлашгани уйларига кирдим. Яна индамай хайрлашиб қўяқолдилар, ҳатто орқамдан кўчага ҳам чиқмадилар. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, аллақаяргача бориб қолганимда орқамдан қадам товуши эшитилди. Қайрилиб қарасам — Абдулла Қаҳҳор. Келиб қўлимдан ушладилар.

— Қолишнинг иложи йўқми?..

— Қанақа қилиб қоламан, уйимни ҳам топширдим... — дедим. «Юринг, бир гап бўлар» дейиш ўрнига:

— Уй топамиз. Сайфи деган ўртоғим бор, ўшанинг уйини ижарага олиш мумкин, — дедилар.

Қайтиб келдик.

— Қани, ўтинг. Биласизми... — дедилар, — қуло-

<sup>1</sup> Мен бу ўринда Абдулла Қаҳҳорга ёзиб берган таржимаи ҳолимнинг маълум қисминини келтирмоқдаман. (Муаллиф)

фингизга айтадиган бир-икки оғиз сўзим бор. Агар шу сўзларим сизга маъкул тушса, ЗАГСга борайлик. Аввало, шуни айтиб қўяйки, менинг гуноҳим ниҳоятда кўп. Шу қадар кўпки, ёзсам қоғоз қизаради...

Мен Абдулла Қаҳҳорнинг гуноҳ бобида айтган сўзларига сира ишонганим йўқ, чунки у киши ниҳоятда шарм-ҳаёли эди. Биз тўққиз ой учрашиб юрган бўлсак-да, бирон маротаба ҳатто ёнимга яқин келиб ўтирганлари йўқ. Бу сўзларни аввало мени яна бир карра синаб кўриш, қолаверса, образли, муболағали гапиришга одат қилганликлари туфайли айтдилар, холос.

— Таъкидламоқчи бўлган яна бир гапим шуки, — дедилар, — биз ҳеч қачон бир-биримизни алдамаймиз. Қандай шароит, қандай вазият бўлмасин, ҳаммиша ростини айтамыз. Шу нарсани эсда тутингки, беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо билатуриб, ростини қўйиб, ёлғон ишлатган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди. Рост гап ўла-ўлгунча эсдан чиқмайди, ёлғон гап-чи, дарров унутилади-қолади. Бугун ростни қўйиб ёлғон гапирган одам, эртага кеча нима деганини унутадию ростини айтиб қўяқолади ва ўзини ўзи бевурд қилади. Бир маротаба ёлғон ишлатган одамнинг иккинчи маротаба ёлғон ишлатмаслигига ким кафолат беради — ҳеч ким! Яна бир нарсани айтиб қўяй: эр-хотин ўртасида парда бўлиши шарт. Эр-хотин мана шу парда кўтарилмаслиги учун ҳаракат қилиши керак. Парда кўтарилдими — бас, ҳаётга дарз тушади. Масалан, ўз болангизга ҳам илк маротаба қўл кўтаришингиз қийин. Бир шапалоқ урдингизми — тамом, иккинчи марта қўлингиз ўз-ўзидан кўтарилaveraди. Оилада ҳам шундоқ. Бир куни «сану ман»га бордингизми, эртасига ёқалашиб ҳеч гап эмас. Шунинг учун биз ана шу парда кўтарилмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак.

Абдулла Қаҳҳор ўз талабларини қўйиб бўлгач, мен ҳам бир нима дейишим керак эди. Олдимга келганларида бир-икки марта: «Хайр, мен кетай, биттаси соат ўн бирда келаман деб ваъда берган эди», деган эдилар. Яна бир гал: «Кечаси биттаси келувди, соат биргача гаплашиб ўтириб, уйкудан қолувдим».

Энди, хонаси келганда мен ҳам:

— Хўш, ана у кечалари ўн бирда келадиган, соат биргача гаплашиб ўтирадиганлар нима бўлади? — деб сўрадим.

— Биласизми, — дедилар Абдулла Қаҳҳор, — сизнинг бу ерда ота-онангиз бўлмаса, елкангизда пагон эгнингизда шинель бўлса, мен сизнинг қанақа аёллингизни кимдан сўрайман? Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган мақол бор. Бу гапни жўрттага, азбаройи сизни синаб кўриш учун айтдим. Эски одамлар қуръонни ўртага қўйиб қасам ичган. Мен сизни ўртага қўйиб қасамёд қиламанки, ўша, кўзингизга кўзим тушган кундан бошлаб сиздан бўлак ҳеч қанақа аёл зоти ҳақида ўйлаганим йўқ.

Ана шу «изҳори дил»дан сўнг, 1945 йилнинг 12 апрели — туғилган куним арафасида, Улуғ Ғалабага 27 кун қолганда биз ЗАГСга бордик. Аммо, гувоҳнома ёзилаётган вақтда, «Уша, кўзингизга кўзим тушган кун — 1944 йилнинг июнь ойи», деб ёздирдилар.

Уйга қайтиб келганимиздан кейин:

— Билсангиз, боланинг ўгайи бўлади, аммо хотиннинг ўгайи бўлмайди. Мен гўё дунёга келиб, кўз очиб сизни кўргандайман, — дедилар.

Биргаликдаги ҳаётимиз меҳнатдан бошланди. Бир ҳафтагача уйни эпақага келтириш, у ёқ-бу ёғини йиғиштириш, тартибга солиш билан шуғулландик. Йўлакдаги қўш деразали уй ўтинхонага айлантирилган экан, шох-шаббаларни ҳовлининг бир чеккасига чиқариб ташлаб, уни орхона қилиб қўйдик. Уста топиб келиб бурчакча печка курдирдик, деразага докадан парда осдик.

— Қаранг, бир ҳафтада бу ташландиқ макон хотин бор уйга ўхшаб қолди-я! — дедилар у киши суюниб.

Оила қургач, дастлабки харидимиз Тезиков бозоридан сотиб олинган эскигина велосипед бўлди. Абдулла Қаҳҳор нашриёт ва Ёзувчилар союзига шу велосипедда қатнардилар, гоҳ-гоҳ бозорга борадиган бўлсак ҳам майда-чуйдаларни велосипедга ортиб пиёда гаплашиб қайтардик.

Турмуш қурганимиздан кейин Абдулла Қаҳҳор кўчага кам чиқадиган бўлиб қолдилар.

Бир куни уйни яхшилаб йиғиштирмоқчи бўлиб: «Бир кўча айланиб келмайсизми?», десам, «Кўча айланиш планини ортиғи билан бажарганман, — дедилар. — Биласизми, эркак киши қай маҳалда кўчага чиқиб кетади? Агар қидирганини уйдан тополмас!»

Мени ишга кузатиб қўйгач, қайтиб келгунимча ёзув столи ёнидан жилмас эдилар. Уша кунлари «Кўшчинор чироқлари» романи устида ишлардилар. Ижодий иш орасида уч-тўрт марта Янгийўл районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов раҳбарлик қилаётган «Ленинизм» колхозига бориб, беш кампирнинг фидокорлиги ҳақида «Кампирлар сим қоқди» деган ҳикоя ҳам ёздилар.

Эсимда, уйимизнинг эшиги олдида пиво сотадиган дўкон бор эди. Бир гал «Пиво олиб келсам ичасизми?», десам, «Хотини билан уришганлар ичсин», дедилар кулиб.

Эллингичи йилларда, қанд касалига чалинганларидан кейин, дўхтирлар чекишни ман қилди. Профессор қабулидан чиқиб, папирос қутисини кўчадаги ахлатхонага ташладилар ва шу билан иккинчи маротаба папиросни қўлга олмадилар.

Абдулла Қаҳҳор ўта нозиктаъб, маданиятли одам эди. Мен у кишининг отимни айтиб, баланд товуш билан қақирганларини эслаёлмайман. Бозор-ўчарга бориб қолсак, нуқул: «Қанисиз, қанисиз?» деб орқамдан юрар эдилар.

Уйдаги иккита телефоннинг биттаси у кишининг иш столида, бошқаси менинг столида турар эди. Агар бирор зарурат туғилиб қолса, «Кибриё!», деб қақирмасдан столдаги телефоннинг ғалтагини айлантирар эдилар, «Лаббай!» деб телефоннинг гўшагини кўтарар эдим.

Зилзила бўлган 1966 йили украин ёзувчилари ўзбек ҳамкасбларидан бир гуруҳини Одессадаги ижодхонага дам олгани таклиф қилишди. Таклиф қилинган ёзувчилар жумласида биз ҳам бор эдик. Ижодхона Қора денгиз бўйида, ниҳоятда сўлим гўшада жойлашган экан. Шерикларимиз ҳар куни денгизга тушиб чўмилиб келишадди. Бироқ, Абдулла Қаҳҳор чўмилиш у ёқда турсин, улар меңдан хижолат тортмасин, деб ҳатто бирор маротаба денгиз бўйига ҳам бормадилар.

Ҳаёт асфальтга ўхшаган текис эмас, паст-баландликлардан иборат. Ҳаётнинг аччиғи бўлмаса, ширинлигини ҳам билмас эдик. Агар биров, эрим



мени бошига кўтариб юради, деса — ишонмайман. Чунки, жон бор жойда, жанжал бор, дейди доно кексаларимиз, Бизнинг ўртамизда ҳам баъзан баҳслар чиқиб қоларди. Шундай кезларда Абдулла Қаҳҳор «ғазаб оти»га минмай, аксинча, иззатнафсимга тегмайдиган қилиб, теша тегмаган сўз билан беозоргина танбех берар эдилар.

Нозаниннинг нози бор деганларидай, бир куни нимадан ранжиганим эсимда йўқ «Кетаман», дебман. Шунда жилмайиб: «Эй, менга қаранг, ҳусайни узумдай бор ширамизни сўриб, пўчоғимиз қолганда туфлаб кетар экансиз-да!», дедилар. Кулгим қистаб дарҳол уйга кириб кетдим.

...Уйимизга нашриётнинг ўша даврдаги директори Шариф Толибов билан Абдулла Ҳаққон ўртоқлар қанақадир бир иш билан келишди. У вақтларда мен ҳали Абдулла Қаҳҳорнинг феълу атворларини, ўз иборалари билан айтганда, «Рашшок» (рашклари зўр) эканини унчалик билмасдим, албатта. Нечук бўлиб суҳбатга қўшилибман. Меҳмонлар кетгач, хиёл жилмайиб:

— Биз хотинни улгуржи олганмиз, — дедилар. — Яъни, ҳазил-мутойибаси ҳам, кулгуси ҳам ўзимизники.

Бу гапдан мен ранжиганим йўқ. Фақат кулиб қўяқолганман. Агар шунда: «Ҳой, бировнинг олдида оғзингни очма!», десалар, эҳтимол, менинг дилим оғриб жавоб қайтарар ёки бир ҳафта йиғлаб, қошқовоқ қилиб юрар эдим. Ҳамма гап фикрни қай йўсинда ифодалашда экан.

Шундан сўнг мен ҳеч қачон эркаклар суҳбатига ҳуда-беҳуда аралашмайдиган бўлдим. Бизнинг хонадонга меҳмон келса эркаклар алоҳида, хотинлар алоҳида ўтирадиган таомил йўқ эди. Аммо, мен уйимизда бўладиган суҳбатларга, адабий мунозараларга очилиб-сочиблиб қатнашмас эдим.

Оила қурган кунимиздан бошлаб Маъруф Ҳаким оиласи билан дўстона муносабатимиз бор эди. Бир куни Маъруфжон ҳазил аралаш:

— Абдулла ака, кеча-кундуз Кибриё опам ёнингизда-ю, нега мунча рашк қиласиз? — деб қолди. Шунда у киши:

— Биласизми, битта хўрознинг ўнта макиёни бўлади. Мабодо, катагига бошқа хўроз кириб қолса, унинг бошини қонатмагунча кўнгли жойига тушмайди. Менинг бисотимда бор-йўғи битта хотин! — дедилар кулимсираб.

Қирқ еттинчи йилнинг баҳорида Ёзувчилар союзининг Дўрмондаги ижод боғига кўчиб чиқдик. У вақтларда ҳозирги иморатлар йўқ эди. Бор-йўғи икки қанотда қатор хоналару ўртада узун йўлак бор. Биз эшик тепасидаги кичкина болохонага жойлашдик. Ариқ бўйига чодир — қапа тикиб, ўчоқ қуриб, ўша ерда ҳам овқатланиб, ҳам ишлар эдик. Тепага фақат тунагани чиқардик. Баъзан эр-хотин поездга тушиб Чирчиқ станциясигача борар, у ердан пиёда юриб, уйимиздан хабар олар, кейин бозорга бориб харид қилгач, яна поездга ўтириб боққа қайтар эдик. Бирдан бир йўл воситамиз поезд эди.

Боққа кўчиб чиққанамиздан кейин мен ишдан бўшашга мажбур бўлдим. У киши: «Қани, бир машқ қилиб кўрасизми?», деб «Қўшчинор чироқлари» романининг қўлёзмасини бердилар. Қўлёзма араб алифбосида эди. Устига устак, мен ҳали у вақтларда ўзбек тилини яхши билмасдим. Қўйналиб бўлса ҳам, роман қўлёзмасини ўқиш жараёнида ўзбек тилини тузуқкина ўрганиб олдим.

«Қўшчинор чироқлари» мен учун биринчи мактаб бўлди. Саводхонлик мактаби, ўзбек тилини ўрганиш мактаби.

Ўзбек тилини анча ўрганганимдан кейин Авдеевнинг «Бир аҳоли яшайдиган пунктда», Б. Галиннинг «Подалар йўлларда» деган кичкина повестларини ўзбекчага ўгирдим. Таржималаримни кўздан кечириб, у киши:

— Туппа-тузук таржимон бўлибсиз, энди каттароқ нарсага қўл урсангиз ҳам бўлар, — дедилар.

Шундан кейин Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб»ини тожикчадан ўзбекчага ағдардим.

Йигирманчи йилларда Абдулла Қаҳҳор-Серафимовичнинг «Темир оқим» романини таржима қилган эканлар. Ўзбекистон Давлат нашриёти ўша китобни қайта нашр қилмоқчи бўлиб, Абдулла Қаҳҳорга мурожаат этганда: «У йиллари мен рус тилини таталаб ўқиган эдим, шунинг учун бу таржимадан воз кечдим», деб нашриётга расмий равишда ариза берган эдилар. Нашриёт бу асар таржимасини менга топширди. «Эски таржимангизни беринг, фойдаланай!», деб Абдулла Қаҳҳорга кўп ялиндим, лекин бермадилар. «Менинг таржимамдан фойдалансангиз, чайналган овқатни ютгандай бўласиз ва ҳеч қачон сиздан яхши таржимон чиқмайди. Болага ҳам овқатни чайнаб берсангиз тиши ўсмай, мўрт бўлиб қолади. Таржимон ҳам шунақа. Сиз қўлингиздан келганини қилинг, чиқаролмаган жойларингизни тожикча ифода этиб қўйсангиз ҳам майли, кейин биргалашиб кўрамиз», дедилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг талабчанлиги сабаб бўлиб, мен Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси таржимасига журъат этдим. «Уруш ва тинчлик»нинг биринчи жилди таржимасига деярли иштироким йўқ. Иккинчи жилдини қўйидагича таржима қилдик: иккалаимизнинг қўлимизда бир нусхадан оригинал. Аввало қўлимдан келганча мен таржима қиламан. У киши эса хатоларини тузатиб оқ қоғозга ёзадилар. Учинчи жилдни — кундузлари мен таржима қиламан, кечкурунлари тайёр қисмини у киши пешмаша қўриб, таҳрир қилиб чиқадилар. Тўртинчи жилдини биргаликда таржима қилиш nasib этмади...

Боя, «Қўшчинор чироқлари» ўзбек тилини ўзлаштиришим учун мактаб бўлди, деганимнинг боиси шуки, биз уйда кўпроқ тожик тилида гаплашар эдик. Турмуш қуришимиз билан у киши:

— Келинг, ўзаро тожик тилида гаплашамиз — дедилар, — менинг ўрганишим зарур. Фақат шарт шуки, нотўғри гапирсам кулмайсиз.

Хуллас, тожик тилида гаплашадиган бўлдик. Бу тилга шу қадар ўрганиб қолдиларки, ҳатто меҳмонлар олдида ҳам менга фақат тожик тилида гапирар эдилар. Бир гал, нимадандир жаҳллари чиққанда шундоқ деганлари ёдимда:

— Нима қилай? Носқовоқдай белимга осиб юрсам, она тилимни қўйиб, хотин тилида гаплашам, тагин мендан нима истайсиз?!

Тўрт-беш ой мобайнида тожик тилини ўрганиб олдилар. Ҳатто ҳикояларини Тожикистон Давлат нашриёти учун таржима қилганимда ўзлари бемалол таҳрир қилдилар.

Бирор ёзувчи ёки шоир ўзбек тилининг назокатини бузса, минг яқин, минг жонажон дўстлари бўлса ҳам уни аяб ўтирмасдилар.

1946 йилнинг октябрь ойида Ёзувчилар союзида бўлган йиғинда, аруз вазни ҳақида гапириб, яқин

дўстлари Собир Абдуллани танқид қилган эдилар:

**«Ватан дилбарим, гулузорим менинг,  
Надур гулузор, ифтихорим менинг.  
Бу ўлкам чаман, кенг эрам, бўстон,  
Езай Собирнинг мадҳида дoston...»**

Узи нима гап? Бу шеърми, иситмаси баланд беморнинг алаҳсирашими?..»

Абдулла Қаҳҳор фақат ўзигагина ёхуд ёшларгагина эмас, ҳатто ўз тенгқурлари, қаламқаш дўстларига нисбатан ҳам талабчан эдилар. Энг аввало, ўзлари ёзадиган ҳар бир сўзни фикр тарозусида обдан ўлчардилар.

Қаерда бўлмасин, Абдулла Қаҳҳор минбарга чиққанда айтадиган сўзларининг замирида албатта тил масаласи ётар эди.

Мана, чет тиллар педагогика институтининг студентлари билан учрашувда сўзлаган нутқидан парча:

«...Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга (балки, биринчи навбатда) ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар! Мен бу гапни тилимизнинг бойлигига даҳл қиладиган, ҳусн-латофатини бузадиган, тилимизни «таҳрир» қилишга қаратилган қилиқларга барҳам бериш мақсадидагина айтаётганим йўқ. Бу гапнинг фақат тилимизгагина эмас, давлатимизга, тузумимизга ҳам алоқаси бор.

Мен бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистонга борганимда бир ўзбек учраб қолди. Бу ўзбек Ҳиндистонга уч яшарлигида бориб қолган бўлса ҳам ўз она тилини йўқотмаган экан. Шу одам мендан: «Ўзбекистонда ҳозир ҳам ўзбек тили борми?», деб сўраб қолди. Бу савол менга ғалати туюлди: бу одам бегона элларда юриб, ўзбек тилини йўқотмабди-ю, нима учун ўзбек халқи ўз миллий республикасида ўз тилини йўқотиши керак?.. Мен тушунтирдим. Ўзбекистонда ўзбек тили боргина эмас, бу тилда миллион-миллион нусха газета-журнал, китоб нашр этилади, театрлар гуллаб-яшнаб турибди, дедим. Кейинчалик билсам, Ҳиндистон озод республика бўлишидан олдин мустамлакачилар ҳинд халқининг қулоғига: «Большевизм — миллий маданиятнинг офати, большевизм қадам босган жойда ҳар қанақа миллий урф-одат, миллий маданият, жумладан, тил ҳам барбод бўлади, буткул йўқолади!» деб қўйиб қўйган экан.

Бу гап қай даражада қабиҳ тухмат эканини йил сайин равнақ топаётган миллий маданиятимиз, қоматини жаҳонга кўрсатиб турган адабиётимиз, санъатимиз мисолида кўриш мумкин.

Тарихда ўтган буюк одамларнинг деярли ҳаммаси ўз она тили устига ўз замонасининг бой, маданий тилларидан бирини ё бир нечасини яхши билган. Навоий форс тилида шеър ёзган. Лермонтов француз тилида шеър битган, Абу Али ибн Сино араб тилида илмий асарлар ёзган... Биз учун шундоқ тил рус тилидир. Биз учун рус тили она сутидай азиз: яшашимизу ўсишимиз учун керакли ҳамма модда бу тилда бор. Шунинг учун бу тил бизнинг иккинчи она

тилимиз ҳисобланади. Шунинг учун сизлар борадиган шаҳар-қишлоқларга ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб борганларингга бу туйғуни иккинчи она тилимиз — рус тилига ҳам қаратишларинг зарур! Рус тилини иккинчи она тилимиз дейиш учун эса ўз тилимизни болишимиз керак!»

1965 йили Низомий номидаги Давлат педагогика институти студентлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқлари замирида ҳам асосан тил масаласи эди:

«...Кейинги вақтларда ахлоқ-одоб масаласига илгаригига нисбатан жуда катта эътибор қилиняпти. Матбуот доим шу масала билан шуғулланияпти. Бу, албатта, ёшларимиз бузилиб кетяпти экан, ёшлар орасида ярамаслар кўпайибди экан, деган гап эмас. Масала шундаки, яхши ёшларимиз, одобли ёшларимиз, одамнинг ҳаваси келадиган ёшларимиз ўз ишлари билан машғул... Ёшларнинг кўп қисми яхши экан, нима учун бу масалага алоҳида эътибор қилиняпти, деган савол туғилиши мумкин. Бир мисол: арзимаган битта калтакесак бир қозон ошни ҳаром қилиши мумкин, шунинг учун биронта калтакесак ошни ҳаром қилмасин, деб киши атрофга қарайди. Шунга ўхшаб, оз бўлса ҳам ўшанақа одамлар бўлмасин. Ишни шундай ташкил қилайликки, бундай одамлар жамиятимиздан ўрин топмасин!

Бизнинг матбуот ҳам, радио — ҳаммаси мана шунга қаратилган бўлиши керак. Ярамас одам сувнинг бетигадаги ёғдай ажралиб турадиган бир ҳолат вужудга келтиришимиз зарур. Ҳозир бизнинг пропаганда қуролимизнинг ҳаммаси шунга қаратилган. Бироқ, пропаганда қуролимизнинг ҳаммаси ҳам яхши ишлаётгани йўқ...

Энг юксак ғояларимизни энг нўноқ тил билан айтишга қарши ёшларими исён кўтаряпти.

Яқинда мен Ҳамза номидаги драма театрида «Оқ кабутар» деган бир спектаклни кўрдим. Ёш драматург жуда катта юкни ўз устига олибди: нима учун бизнинг пропагандамиз кучсиз, деган гапни катта жасорат билан, баланд товуш билан айтибди. Бироқ, драматург сифатида ҳали ёш бўлгани учун тиззаси қалтирайди. Аммо, олдига қўйган мақсад жуда олижаноб мақсад. Бу пьесанинг муаллифи Фарҳод Мусажонов... Бу пьесани кўриб жуда хурсанд бўлдим, шунинг учун хурсанд бўлдимки, қотиб қолган тилимизга ёш бир йигит исён кўтаряпти. Бу тил билан пропаганда қилиб бўлмайди, деяпти...»

Абдулла Қаҳҳор ҳар кунни соат иккида қишлоқ хўжалик ходимларига бағишлаб бериладиган эшиттиришларга қулоқ солиб, кўпинча хуноб бўлиб юрар эдилар. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида «Тошкент оқшоми» газетасининг ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда радио-нинг камчиликлари, агар музикага ўраб бермаса, ҳеч ким эшитмайдиган баъзи бир очеркларини аёвсиз танқид қилганлари радио ва телевидение раҳбарларига таъсир қилибди. Уша учрашувдан кейин орадан кўп ўтмай, Абдулла Қаҳҳор радио ва телевидение ходимларининг йиғилишига таклиф қилинди. Мана, ўша йиғинда сўзланган нутқдан айрим парчалар: «...Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу йўқ! Бу тил эллик йил ичида шундоқ бир қудрат касб этдики, халқимизни жаҳон, рус маданиятига шерик қилиб қўйди. Афсуски, радиомиз кўпинча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. Одамлар борки, бир ҳовуч сўзни айлантириб

ойлигини олаверади, ўқиш-ўрганиш билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланишни истамайди ёки бунга фурсати етмайди. Мана шу одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсизлиги, чаламулла «олим»ларнинг илмий фаолияти оқибатида шундоқ бир тил вужудга келганки, на муомалада, на суҳбатда, на оилада ҳеч ким бу тилда гапирмайди... Бу тилни фақат микрофон кўтаради, бунга фақат микрофон тоқат қилади...

Бизнинг матбуот ва радио тили нима учун кундан-кун халқ тилидан узоқлашиб борапти? Нима учун тилимизнинг қонун-қоидалари бузилапти? Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?

...Кейинги вақтларда ашула жанрининг ғоявий-бадий савияси ҳам тобора пастлашиб кетяпти. Радио ва телевидениедан бериладиган кўп ашуларнинг тексти хароб. Композиторлар бу текстларни қайси гўрдан топганига ҳайрон қоласан киши:

...Бир кўнглим олма деди,  
Бир кўнглим олгин деди.  
Кўлим ҳеч бир қайтмаган...

Нима гап ўзи? Шу ҳам шеърми? Шу ҳам ашулами?  
Маст одамнинг хиргойисига кулоқ солинг:

Аҳдига вафодорим, жонимни кўп соғиндим,  
Кўнглимга меҳр кўйган меҳрибонимни кўп  
соғиндим.

Жону тан садқасидир, жонимни кўп соғиндим,  
Кўксимга жило берган оромимни кўп соғиндим.

Бу чаласавод одамнинг қоғоз тирнаб қилган машқи қаёқдан композиторнинг қўлига тушдию бунинг нимаси музика ёзишга илҳом берди экан?

Классикларда ҳам, халқ адабиётида ҳам, ҳаётда ҳам одатан йигитлар ўзи яхши кўрган қизларини мақташар эди: кўзинг ундоқ, ўзинг мундоқ, дейишар эди, ҳозирги кўп ашулаларда қизлар ўзларини ўзлари мақташади: у ёғим бундоқ, бу ёғим мундоқ, дейишади.

Эй шоир, ташаббус эркакдан бўлиши керак, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди-ку, дейдиган одам йўқ!..»

Ёзувчилар союзида бўладиган йиғинларга келган ёшлар ҳамisha Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишар, президиумга доимо даста-даста саволлар тушар эди.

Мана, 1965 йилнинг май ойида ўтган ёзувчилар съезди президиумига тушган хатлардан айримлари:

«Хурматли Абдулла Қаҳҳор! Китобхонлар сизнинг сўзга чиқишингизни кутмоқда».

«Съезд президиумига.

Хурматли Абдулла Қаҳҳор!

Съезднинг ёш делегатлари бўлган университет студентлари сизнинг бугунги йиғилишда сўзга чиқишингизни илтимос қилдилар.

Бир группа студентлар».

«Хурматли Абдулла Қаҳҳор!

Ўзбек адабиётининг ҳозирги тараққиёти ҳақидаги фикрингизни билишни истар эдик».

«Хурматли Абдулла Қаҳҳор!

Биз — китобхонлар, сизнинг нутқингиз: адабиётимиз тақдири масалалари, келажак ҳақидаги доно фикрингизга муштоқмиз. Шу бугун, тўғрироғи, ҳозир чиқишингизни кутамиз».

«Хурматли Сергей Петрович!

Абдулла Қаҳҳор қачон сўзга чиқади? Сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Китобхонлар».

Мана бу эса — 1965 йил прозаси ҳақида сўзланган нутқнинг тезиси:

«Кейинги йилларда адабиётимизнинг энг катта ютуғи — бадий маҳорат масаласининг диққат марказида тургани, дейиш мумкин.

Бадий маҳорат чиройли иборалар, ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ва қайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир. Ёзувчининг халққа айтадиган гапи нақадар муҳим, нақадар салмоқли, нақадар зарур бўлса, буни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образ шу қадар кучли бўлиши керак. Шунинг учун биз бугун олтмиш бешинчи йил прозасини кўздан кечириб, ютуқларига суюниб, заиф томонларига афсусланиб, тажриба орттириш учун йиғилган эканмиз, ўтган йил яратилган образлар тўғрисида гапирсак, гапни шундан бошлаб, шу билан тамом қилсак муродимизга етган бўламиз.

Асарга баҳо берилганда унинг қалин ё юпқалигига, уни ким ёзганига ҳатто нима мақсадда ёзилганига эмас, ундаги образларга қараб баҳо берилса, яхшироқ бўлади. Шунда асарга катта адабиёт чўққисидан қараб баҳо берилган бўлади. «Маҳалла аҳамиятига эга бўлган» асарлар китобхонлар кўзида адабиётнинг қадрини туширади. Бадий асарга баҳо беришда юз-хотир, ғараз, ҳасад, лаганбардорлик сингари иллатлар ижодкор кишиларга муносиб эмас...»

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қоғозга туширмасалар, кўнгилга тугиб қўйган гаплари бўлмаса минбарга чиқмас эдилар. Тўй ёки ўтиришларга бориб қадаҳ кўтарганда айтадиган икки оғиз сўзларини ҳам аввал қоғозга тушириб олардилар. Тайёргарлик кўрмасдан бирон маротаба минбарга чиққанларини билмайман. Бу, албатта, минбарга чиққанда қоғозга қараб гапирар экан, деган маънони англамаслиги керак. Абдулла Қаҳҳор доимо қоғозсиз гапирардилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини «етти ўлчаб, бир кесиб», кўнгиллари тўлгачгина айтар эдилар.

Мана, Абдулла Қодирийнинг 70 йиллиги муносабати билан Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида бўлган йиғинда сўзланган нутқнинг тезиси:

«Ўзбек элининг севимли адиби Абдулла Қодирий манфаатпараст, мартабапараст одамларнинг чақуви билан сафимиздан юлиб олинган эди. Партиямиз бу ишни ҳақиқат қилиб, Абдулла Қодирийни ҳар қандай гуноҳдан пок деб топди ва уни сафимизга — адабиётимиз тарихига қайтарди. Бугун, Абдулла Қодирий 70 ёшга тўлган кунда айтадиган сўзимизни Ленин партиясига раҳматлар айтиб бошлашимиз керак.

Абдулла Қодирий, баъзи бир одамлар айтмоқчи, «бир-иккита рисола ёзган» анчайин ёзувчи эмас, балки янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган адибдир. Унинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, бир талай ҳажвий асарлари халқ орасида ғоят машҳур бўлиб, ҳар бир ўзбек оиласига, ҳатто бирорта



саводхон одам бўлмаган оилаларга ҳам кириб борган. Аллақаердан келган бир китобхон «Утган кунлар»ни ёд билар экан, китобнинг исталган жойи сўралганда шаррос ўқиб берганида, Абдулла Қодирий унга чопон кийгизгани эсимда. Биз, бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари ўттиз олтинчи йилда Татаристонга борганимизда Абдулла Қодирийнинг «Абдулла обий» номи билан татар зиёлилари орасида, ҳатто татар овулларида ҳам машҳур эканига шоҳид бўлган эдик.

Бизнинг йигирманчи йиллар адабиётимиз тарихи ҳозирги туришида ғоят камбағал кўринади. Ўз вақтида Абдулла Қодирийгина эмас, жўшқин комсомол шоир Боту, сатира ва юморда тенгу тимсоли йўқ ва ўзигагина хос шоир Сўфизода, йигирманчи йиллар поэзиясини безаган шоирлардан Рафиқ Мўмин, Фулом Зафарий, уста сатирик шоир Абдулхамид Мажидий сингари кўп арбобларимизнинг номи ҳам ўчган эди. Кейинги йилларда адолат юз бериб, буларнинг ҳаммаси бош кўтармоқда, адабиётимиз тарихига қайтмоқда. Бунга ҳар бир виждонли киши бениҳоят хурсанд бўлиши, Ленин партиясига таъзим этиши керак...»

Абдулла Қаҳҳор минбарга чиқиб, икки соат кўпик гапларни гапириб, одамларнинг қимматли вақтини декорга оладиган баъзи бир «нотиқ»ларни ёқтирмасдилар. У кишининг турли жойлардаги нутқлари ҳозир ҳам қулоғим остида жаранлагандай бўладию ўйга ботаман...

### III

1947 йилнинг охирларида Ёзувчилар союзи бизга «Москвич» енгил машинаси ажратди. Иккаламиз авто-мото клубга қатнаб, бир ҳафта-ўн кун ичида машинанинг қисмларини ўргандик, инструктор ёрдамида машина ҳайдашни машқ қилдик. Аммо имтиҳон чоғида: «Ҳозирча хотиним рулда ўтирсин», деб у киши менга ишора қилдилар. Ўзлари орқа ўриндиқда, мен рулда ўтириб, автоинспектор ҳамроҳлигида шаҳар айланиб келдик ва мен «ҳаваскор ҳайдовчи» гувоҳномасини олдим, тўрт-беш ой «Москвич»ни ҳайдаб юрдим.

У вақтларда хотин-қизлардан машина ҳайдовчилар жуда камлиги учунми, милиция ҳавасга ҳам тўхтата-верарди.

Бир куни Абдулла Қаҳҳор шундоқ дедилар:

— Йўқ, бўлмади. Куппа-кундузи кўчанинг ўртасида милиция тўхтатиб: «Қани, опажон, правангизни кўрсатинг», деб хотинингга ишшайиб туриб ҳазил-мутоиба қилса-ю, сен унинг қулоғи остига туширолмасанг! Бўлмади, руль эркак кишининг қўлида бўлгани маъқул экан.

У киши уч-тўрт кун Янгийўл томонларга бориб, машина ҳайдашни ўрганиб, имтиҳон топшириб, гувоҳнома олдилар, мен эсам «запас шофёр» бўлиб қолавердим.

Машина бўлгандан кейин у ёқ-бу ёққа бориш муаммоси ҳам осонгина ҳал бўлди. 1948 йилнинг баҳорида Оржоникидзе районининг «Қизил Ўзбекистон» колхозига кўчиб чиқдик. Албатта, дам олиш мақсадида эмас. Урни келганда шуни ҳам айтиб қўяйки, Абдулла Қаҳҳор колхоз-совхозни бир айланиб келиб битта очерк ёза оладиган ёзувчилардан эмас эдилар. У киши ёзилажак асарларининг қаҳрамони билан яқиндан танишмагунча қўлга қалам олмасдилар.

Биз яшаган ҳужра ҳозирда колхознинг идораси

тушган ерда эди. Ҳужранинг бир чеккасида темир каравот, бир чеккасида электр плита турарди.

Абдулла Қаҳҳор колхоз раиси Абдуҷамил ака Матқобилов билан жуда иноқлашиб қолдилар. Абдуҷамил ака мўйловли, сохту сумбатидан раислиги билиниб турадиган салобатли одам эди. Колхоз ўша йилларда ҳам кўп тармоқли ҳўжалик бўлиб, раис қўли бўш бўлган пайтларда Абдулла Қаҳҳорни олиб ферма борми, дала борми, қир борми айлантириб келарди.

Раис кўпинча азим садақайрағоч остига қўйилган сўрида ўтириб, колхозчиларнинг ўй-фикрларини, истакларини тинглар эди. Иши тушган одам шу ерга келарди. Абдуҷамил ака ишнинг кўзини биладиган миришкор раислардан эди. Кейинчалик «Синчалак» повести ёзилганда Қаландаров образида Абдуҷамил аканинг баъзи бир хислатлари ўз акини топи.

Бир куни раис арз эшитадиган сўрида ўтирган эдик. Бир маҳал оёғида этик, эгнида гимнастёрка, барваста бир киши машинадан тушиб шаҳдам қадам ташлаб сўри томон кела бошлади.

— Э, Усмон ака-ку! — дея Абдуҷамил ака билан Абдулла Қаҳҳор дарров у кишининг истиқболига пешвоз чиқишди.

Усмон ака ниҳоятда камсуқум эканлар, Кўрган киши бу одамни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари деб сира-сира ўйламас эди. Келиб сўрига ўтиргач, ҳол-аҳвол сўрадилар. Кейин Абдулла Қаҳҳорга қараб:

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — дедилар. (У киши ҳаммани сенсираб гапирар эканлар.)

Абдулла Қаҳҳор колхоз ҳаёти билан яқинроқ танишиш мақсадида икки-уч ойдан бери шу ерда яшаб юрганликларини айтдилар.

— Мирзачўлга бормайсанми? У ерда ҳам чўлни бўстонга айлантираётган одамлар жуда кўп. Агар хўп десанг, мен шу бугуноқ райкомга телефон қиламан, райком секретари Тоҳиров сени кутиб олади, — дедилар Усмон Юсупов.

Турган гапки, Абдулла Қаҳҳор бу таклифга рози бўлдилар.

1948 йилнинг август ойида яна «Москвич»га ўтириб Мирзачўлга қараб йўл олдик. Тўғри район партия комитетининг ўша даврдаги секретари ўртоқ Тоҳиров ҳузурга кирдик. У киши бизни ўша куниеқ колхозга бошлаб борди. Колхоз идораси паст-қамгина иккита хонадан иборат экан. Колхоз раиси баланд бўйли, қотмадан келган киши бўлиб, 1941 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Йқлдош Охунбобоев ташаббуси билан Намангандан Мирзачўлни обод қилгани, чўл-биёбонни боғу бўстонга айлантиргани келган экан.

У пайтларда умуман колхозда кўзга кўринадиган мухташам иморатнинг ўзи йўқ эди. Колхоз идорасининг ёнгинасида келди-кетди учун иккита кичкина хона ажратиб қўйилган экан, биз ўша ерга тушдик. Бир ҳафта ўтгач, колхоз бизга раис яшайдиган ҳовлининг қанотида бир деразали уйча қуриб берди.

Абдулла Қаҳҳор табиатан тортинчоқ, одамларга аралашши жуда қийин эди, хайриятки, колхоз раиси ёқиб қолдию тезда эл бўлиб кетишди. Уша йиллари Мирзачўлнинг кўчалари тўпиққа урадиган тупроқ, салгина ёмғир ташласа, бир ҳафтагача қуримай ширачай бўлиб ётар эди. Колхоз раиси билан Абдулла Қаҳҳор кўпинча от миниб дала айланишарди. Баъзан раиснинг қизил «Фиат» машинасида мени ҳам дала айлангани олиб чиқишар эди.

Гоҳ-гоҳ машҳур пахтакор, Андижоннинг Бўтақора районидан, Мирзачўлини Мирзачўстонга айлантираман, деб келган Ғанишер Юнусовнинг бригадасига бориб дала шийпонида узоқ-узоқ сўхбатлашиб ўтира эдик.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Мирзачўлда кўз», «Сўз Ғанишерга», «Келинг, ошна, чўл қувлаймиз» очерклари шу сафар таассуротлари натижаси бўлиб майдонга келган.

Уша йили ноябрь ойининг бошларида бирдан Абдулла Қаҳҳорнинг товлари қочиб, Тошкентга қайтишга мажбур бўлдик. Келишимиз билан у киши касалхонага ётдилар. Бирор ҳафтадан кейин диагностикалари маълум бўлди: қанд қандалига чалинган эканлар.

Бир нарса алоҳида эътироф қилиш керакки, гарчи биз унча-мунча қийналган бўлсак ҳам, Мирзачўл сафари Абдулла Қаҳҳор ижодида катта бурилиш ясади. «Янги ер» («Шоҳи сўзана») комедиясининг «пойдевори» ҳам ўша ерда қуйилди. Ундаги Мавлон, «Синчалак»даги Эшон каби образларининг прототипларини Абдулла Қаҳҳор Мирзачўлда учратганлар.

Касалхонадан тузалиб чиққач, «Шоҳи сўзана» комедиясини ёзиб тугатдилар. Бу комедия 1949 йили республика миқёсида ўтказилган ёпиқ конкурсда «Мирзачўллик» имзоси билан қатнашиб юксак мукофотга сазовор бўлди. Уша йили ўзбек сахнасининг отахони Етим Бобожонов бу асарни Ҳамза номидаги театр сахнасида қўйди.

1950 йили СССР Давлат мукофотининг лауреати Ю. Герман билан Б. Рест таржимасида «Шоҳи сўзана» Москвада, «Звезда» журналининг март сонидида чоп этилди ва келгуси йилда комедия СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Кейинчалик бу асар бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам сахналаштирилди. Вьетнам Демократик республикасида эса алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Умуман, «Шоҳи сўзана» барча санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Асар муаллифи номига грек ёзувчиси Костас Франческодан келган мактуб шу жиҳатдан қизиқарлидир:

«Афина, 1959 йил, 15 март

### МАШҲУР ЁЗУВЧИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОРГА

Совет Иттифоқи сафоратхонасининг лутфу марҳамати-дан баҳраманд бўлиб, Сизга ушбу мактубни йўллаяпман. Мухтарам дўстим!

Приеда нашр этиладиган «Периодико мас» журнали учун Совет Осиёси адабиётининг мухтасар обзорини тузarkanман, сизнинг адабий фаолиятингиз ҳақида маълумот берганим ва «Шоҳи сўзана» пьесангизнинг биринчи пардасини журналнинг 1959 йил, 7-, 8-сонларда ўз таржимамда (мен шу журналда ишлайман) эълон қилганимни зўр қувонч билан маълум қилмоқчиман.

Греция адабий жамоатчилигининг таассуроти шу қадар кучли бўлдики, ҳатто менда бу ишни давом эттиришга рағбат уйғонди.

Ҳозирча Совет Осиёси адабиёти ҳақидаги муқаддимадан ташқари, Сизнинг асарингиздан парча бостирдим. Шунингдек, машҳур ёзувчи Мухтор Авезов ва шоир Аали Тўқомбоевларнинг асарларидан ҳам айрим боблар эълон қилинди. Келажакда ажойиб ёзувчи Айний ва бошқалар ҳақида ҳам ёзиш ниятим бор.

Хат билан бирга «Периодико мас» журналининг 7-, 8-сонларини юбордим.

Агар мумкин бўлса, француз тилига таржима бўлган асарингизни юборсангиз (мен ажнабий тиллардан француз

тилини яхшироқ биламан), айни муддао бўлур эди. Бу нарса сизнинг ижодингизни тўлароқ тадқиқ этишимга ёрдам берарди, албатта. Асарингизни қаердан ва қандай олишим ҳақида, француз тилида, менга маълум қилинг.

Сизга катта ҳурмат билан,  
Костас Франческо.

Иттифоқимизда «Шоҳи сўзана»ни биринчи бўлиб Ленин комсомоли номидаги Ленинград театрида СССР халқ артисти Георгий Александрович Товстаногов сахналаштирди.

Спектакль ҳақида «Правда» газетасининг 1952 йил 11 ноябрь сониди Г. Капралов шундай деб ёзган эди: «...Янги ер» («Шоҳи сўзана») чинакам хушчақчақ комедия: ундан ҳазил-мутоиба, аския барқ уриб турибди. Драматург совет ватанпарварларининг осойишта меҳнатини улуғлайди. Ҳаётдаги ажойиб аъналарнинг эскилик қолдиқлари билан кураш жараёнида ривож топиши ҳаққоний кўрсатилади, Қаҳҳор ўз комедиясини нозик конфликт асосига қурган...

Ленин комсомоли номидаги театр коллективи ҳаётбахш комедияни сахналаштиришга муваффақ бўлибди...

Авторлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш бошқармасининг берган маълумотига кўра, «Шоҳи сўзана» Иттифонинг 74 театри сахнасида қўйилган. Муаллиф номига жуда кўп театрлардан устма-уст телеграммалар келар, улар Абдулла Қаҳҳорни премьерга таклиф қилишар эди. Бироқ, у киши ниҳоят даражада камтарин одам бўлиб, ортиқча дабдабаю тантаналар хуш кўрмасдилар. Фақат, Ленин комсомоли номидаги Ленинград театри билан Моссовет номидаги Москва драма театридаги премьерга бордилар, холос.

Азизбеков номидаги Озарбойжон академик драма театри «Шоҳи сўзана»ни сахналаштирганда биз Кисловодскда истироҳат қилиб юрган эдик. Уйга қайтишда Боку орқали ўтиб, премьерга қатнашдик. Латвияга эса Абдулла Қаҳҳор ўрнига мен бориб, премьерани кўриб келган эдим.

Ҳар йили ёзда ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғига кўчиб чиқар эдик. Бир куни аргувон дарахти остида, сув устига қўйилган сўрида меҳмон кутди. Меҳмонлар орасида «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Абдужамил Матқобилов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша даврдаги секретари Ҳожиакбар Ғуломов ўртоқлар бор эди. Гапдан гап чиқиб, Абдулла Қаҳҳор:

— Темирчининг ўғли бўлганим туфайли, болалик йилларим кўрпа кўтариш билан ўтган эди, — дедилар. — Уша кифоядир, деб ўйлаган эдим, йўқ, яна чаласи бор экан: шу ёшга кириб яна кўрпа кўтариб юрибман. Озгина жой бўлса, битта қапа кўриб, кўч-кўч азобидан қутулар эдим.

Шунда Ҳожиакбар Ғуломов:

— Мана шу ерга иморат солсангиз биров сизга бир нима дермиди, — деди ариқ бўйдаги бедазорга ишора қилиб.

— Аслини суриштирсангиз, бу ер колхозники, чегарамиз ҳув ариқ эди, — деб гапга қўшилди Абдужамил ака, — ўртадан йўл ўтгандан кейин йўлнинг бу томонида бир парча ер қолдию биз ҳам баҳридан ўтиб, ёзувчиларга бердик. Агар сиз шу ерга иморат солсангиз, марҳамат! Биздан нима хизмат талаб қилинса, ҳаммасига камарбастамиз.

Ҳазил-ҳузул билан 1953 йилнинг ёз фаслида биз

иморат бошладик. Бошимга похол шляпа кийиб, икки йил «прораблик» қилдим. «Машина ҳайдашни билсангиз ҳам, бари бир, сиз келгунча юрагимни ҳовучлаб ўтираман», деб у киши мени бирга олиб юрар эдилар. Ҳали ғишт учун колхознинг хумдонига, ҳали ёғоч-тахта учун тахта кесадагидан саройга борардик. Ўзлари ҳеч қачон машинадан тушмас эдилар: доду муомала менинг бўйнимда.

Шу тариқа икки йилда иморатни тиклаб, эллик тўртинчи йилнинг баҳорда кўчиб чиқдик. Абдулла Қаҳҳор энди фақат ижод билан банд, боғнинг у ёқ-бу ёғига қараш менинг зиммамда эди. Муҳаббат кишига қанот бағишлайди, деган гап бежиз эмас экан. Муҳаббат мендек эрка ўсган арзанда қизни боғбон қилиб қўйди. Абдулла Қаҳҳор шафтолини жуда хуш кўрар эдилар. Умримда қўлимга тоққайчи олмаган бўлсам-да, пайванд қилишни ўргандим. Агар бирор бир жойда чилги шафтолими, нақш олмами ёқиб қолса, албатта кузда пўстлоғини нам докага ўраб опкелиб, пайчапайванд қилар эдик. Бизнинг боғда бир туп шафтоли уч-тўрт хил ҳосил қилар эди.

Истироҳат кунлари боғимиз гавжум бўлар эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ёру биродарлари академиклардан Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Жўраҳон Саидов, Муҳаммадҷон Урозбоев, Мирзавали Муҳаммадҷонов, шифокорлардан Самарқанд Медицина институтининг профессори Мамаҷон Қулматов, Андижон Медицина институтининг ректори Юсуфбек Отабеков ва бошқалар келиб туришар эди.

Айниқса, Абдулла Қаҳҳор Муҳаммадҷон Урозбоев билан тез-тез учрашиб турар эди. Чунки улар ёшлиқдан ўртоқ бўлиб, бир интернатда таълим олишган. Қўқондан Тошкентга келганда ҳам бирмунча вақт бир жойда истиқомат қилишган. Буларни бирлаштирган яна бошқа сабаб ҳам бор: Урозбоев гарчи техника фанлари соҳасида ишласалар ҳам, бадий адабиётга жуда қизиқар эдилар, бирон янги асарни ўқисалар, албатта келиб ўз фикр-мулоҳазаларини айтар эдилар.

Ёзувчилардан Фафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла ва бошқалар тез-тез бизнинг меҳмонимиз бўлишарди. Шоир Чархий мабодо Қўқондан Тошкентга келиб қолсалар, кўпинча бизнинг боғда бўлар эдилар.

Қўқонликлар ҳазил-мутоибага жуда моҳир бўлади. Агар Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла ва Чархий домла бирга ўтириб қолишса, дарров аския бошланиб кетар эди.

Боғимизнинг гавжум бўлиши бежиз эмас эди. Абдулла Қаҳҳор оддий деҳқондан тортиб, то академиккача — ҳаммининг кўнглини топа олардилар. Одамнинг кўнглига тушадиган биргина калит бор, бу калит — камтарлик, оддийликдир. Абдулла Қаҳҳор номи Иттифоқ бўйлаб таралганда ҳам «мен — фалончиман» демаганлар. Шу сабаблидир, уйимиздан яхшилар қадами сира узилмас эди.

#### IV

«Шоҳи сўзана» комедиясининг доврўғи сусаймасдан туриб, Абдулла Қаҳҳор 1953 йилда «Оғрик тишлар» комедиясини яратдилар. Бу комедия Александр Осипович Гинзбург томонидан 1954 йили Ҳамза номидаги Академик драма театри сахнасида қўйилди, томошабинлар меҳрини қозонди.

Абдулла Қаҳҳор ижод билан асосан қишда шуғулланиб, ёз фаслида Фарғона водийси ва республиканинг бошқа воҳаларини айланиб юрар

эдилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, ёзиладиган асарларининг қаҳрамонлари билан учрашар, уларнинг феъл-атвори, меҳнат фаолияти билан яқиндан танишишни яхши кўрар эдилар.

У киши 1954 йилнинг қишида «Синчалак» повестини ёзишга киришдилар. Одатдагидек, бўлажак асарнинг асосий образларига оид тасвиру деталлар ён дафтарда тайёр эди. Фақат ўтириб кунт билан ёзиш керак эди, холос. Лекин у киши жуда секин, бир маромда ишлар эдилар.

Повесть устида ишлаб юрган чоғлари 1956 йилнинг ёзида уйимизга ёшгина қизи тенги танноз жувонга уйланган бир танишимиз келиб қолди. Меҳмондорчиликдан сўнг биз уларни машинага ўтқазиб шаҳар айландик. Йўл бўйи бозорга тушиб, ул-бул харид қилдик. Бечора, ёши ўтиб қолган «куёвбола» ёш хотини олдида ўзини тетик туттишга ҳаракат қилиб, жони ҳалқумига келса ҳамки, ўзини бардам, қаққон кўрсатиб, елиб-югурганича майда-чуйдаларни машинага элтиб қўярди. Абдулла Қаҳҳор унинг ҳансирашини кўриб қўлидан тўрхалтани олишга ҳарчанд уринсалар-да, бари бир у тутқич бермас эди. Харид қилинган юкларни машинага жойлаб, ҳаммамиз ўриндиққа ўтиргандан кейин «куёвбола»нинг афтиангорига қарасак, ҳоли хароб: бурнининг учи оқариб, калта-калта нафас оляпти.

Абдулла Қаҳҳор машинанинг ички кўзгусидан менга қараб:

— Зўри беҳуда миён мешиканад, — деб қўйдилар.

Шу воқеа Абдулла Қаҳҳорга туртки бўлдию «Синчалак» повести орасида «Тўйда аза» деган ҳикояни ёздилар ва ўшанда менга машина ичида айтган тожикча мақолни — «Зўри беҳуда миён мешиканад»ни (Ортиқча чираниш — белнинг заволи) ҳикояга эпиграф қилиб қўйдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг бир нечта ҳикоя ва фелетонларини рус тилига таржима қилган машҳур ҳажвчи Леонид Ленч «Тўйда аза» ҳикоясига шундай баҳо берган эди:

«Конфликтсиз кичик ҳикоя китобхонда яхши таассурот қолдирмайди. Буни моҳир ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор жуда яхши билади. У кичик ҳикояларини зўр маҳорат билан ёзади. Унинг барча ҳикояларида ўткир сюжет, қутилмаган ўзгаришлар бўлади. Бир гапни алоҳида эътироф этиш керакки, буларнинг бариси ҳаётий, бадий жиҳатдан пухта, ишонарли чиқади. Абдулла Қаҳҳор истеъдоди таъриф-тавсифга муҳтож эмас. Менинг гапларим эса таъриф-тавсиф эмас, балки бир китобхоннинг миннатдорчилиги, холос.

Абдулла Қаҳҳор маҳоратини кичкинагина «Тўйда аза» ҳикояси мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Инсоннинг ўлими ҳақида кулгили қилиб ҳикоя ёзиш ниҳоятда мураккаб. Бу иш фақат Чеховнинг қўлидан келар эди, французлар эплашар эди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор шунга муваффақ бўлибди. Кичик бир ҳикояда сийқаси чиқиб кетган ўлим воқеаси янгича ҳаётий бўёқлар билан ярқираб, жилоланиб турибди».

«Минг бир жон» ҳикоясининг прототипини 1949 йили касалхонада ётган чоғларида кўрган, айрим деталларини ён дафтарга туширган эдилар. «Синчалак»дан бир оз «дам олиб», нафас ростлаш кезларида бу ҳикояни ёзиб тугалладилар.

«Синчалак» повестида 1958 йилнинг баҳорида нуқта қўйилди. «Звезда Востока» журналининг ўша



йиллардаги масъул муҳаррири Андрей Иванов бир кунни уйимизга телефон қилиб:

— Повестингизни зудлик билан олиб келинг. Ўзимиз таржимон топиб, журналда биринчи бўлиб босиб чиқарамиз, — деди Абдулла Қаҳҳорга.

Узоқ маслаҳатлардан кейин мен повестнинг сўзма-сўз таржимасини журналга олиб бориб бердим.

Орадан кўп ўтмай яна Андрей Митрофанович кўнғироқ қилиб:

— Таржимани Константин Михайлович Симоновга топширдик. У киши рози бўлди. Лекин, ҳар ҳолда, ўзингиз ҳам бир кўнғироқ қилиб қўйсангиз ёмон бўлмасди, — деди.

Дарвоқе, ўшанда Константин Симонов Тошкентда яшар эди. Абдулла Қаҳҳор у кишига телефон қилсам нима бўлар, қилмасам нима бўлар, бордию повесть ёқмаган бўлса, хижолатга қолдирмайин, деб уч-тўрт кун пайсалга солиб юргач, ниҳоят қимтинибгина телефон қилдилар.

Хайрият, повесть Симоновга ёқибди. У киши Абдулла Қаҳҳорни қизгин табриклади.

Константин Симонов ўша кунларни эслаб, шундай ёзади:

«Қаҳҳор билан шахсан танишганимда унинг мен учун ардоқли бўлган яна бир хислатини сездим: у ўта ҳозиржавоб бўлиб, ўзининг ҳозиржавоблигини билган кишилар одатан жуда камдан-кам тортинчоқ бўлади, аммо Қаҳҳор ниҳоятда тортинчоқ эди. У ўзининг билимдонлигини ҳамсўхбатига кўрсатишга шошилмас, теша тегмаган сўзларини асосан адабиёт учун, оқ қоғоз билан танҳо қолган вақтлари учун асраб қўяр эди, чамамда. У ўз қадр-қимматини билар, аммо айна пайтда вазмин, камтарин ва тортинчоқ киши эди.

«Синчалак» қиссасидан сўз очиб, «Мабода қисса Сизга ёқсаю уни таржима қилишга ҳавас уйғонса, фурсату имкониятингиз бўлармикан?», деб уялиб-қимтиниб, ҳатто ўзини бирмунча ўнғайсиз сезиб илтимос қилгани ҳали-ҳали ёдимда.

Кейинчалик, ҳақиқатан ҳам таржимани бўйнимга олганимда бир оз иккиланиброқ ишга киришдим. Чунки, қиссанинг ҳайратланарли миллий руҳини рус тилида ифода эта олишга унчалик имоним комил эмас эди. Ўша кезлар Ўзбекистонда бирмунча муддат яшамаганимда балки бу ишга қўл ургани журъат этолмаган бўлар эдим. Аммо кейин жуда-жуда хурсанд бўлдим — таржима жараёнида мен Қаҳҳордай одамни яқиндан танидим; бунинг таъжирланадиган жойи йўқ, чунки ҳеч нарса одамни умумий иш, ҳамкорлик жараёнидаги сингари яқинлаштирмайди.

Мени ташвишга солаётган нарса Қаҳҳорни ҳам ташвишга салаётганини биринчи кундаёқ сездим. Қиссани рус тилига аниқ ўгиришда у иложи борича менга ёрдам қилишни бажонидил истар эди. Рус тилига мувофиқ келадиган иборалару синоним сўзларни қидириб биз озмунча кеча-кундузларни бирга ўтказдикми!..

Қаҳҳор рус тилини мукамал билар ва рус адабиётининг билимдони эди. Унинг учун ўзбекча матнга мос келадиган русча ифодаларни топиш ҳеч гап эмас эди.

Мен Тошкентда Қаҳҳор билан ёнма-ён юрган дамларимни мамнуният билан эслайман. Унинг наsrини рус тилига таржима қилганим туфайли эмас, балки бу иш ёзувчи сифатида мен учун ҳам муҳим эди: шу иш туфайли мен кўп нарсаларни ўргандим, ҳозиржавоб, бирсўзлик, қалби одамларга нисбатан

мардонавор саховатга тўла инсон билан шахсий мулоқот хотиралари қалбимда ўчмас из қолдирди».

Константин Симонов ҳам Абдулла Қаҳҳор сингари ниҳоятда камтарин инсон эди. «Синчалак»нинг биринчи бобини таржима қилиб бўлгач:

— Абдулла Қаҳҳорович, фурсатингиз бўлса, мен бугун кечки пайт бориб таржимамни Сизга ўқиб бермоқчиман, — деб телефон қилиб қолди.

Ҳолбуки, келинг, бирга ўқиймиз, дейиши ҳам мумкин эди.

Ваъдалашилган соатда Константин Симонов келди. Рус тилига ўгириш қийин бўлган баъзи бир сўзларни муҳокама қилиб анча маҳалгача ўтирдилар.

Шу тариқа таржима бўлган бобни пешма-пеш кўриб чиқиш бу икки улкан ёзувчи учун одат тусига кириб қолди.

Бу асар Константин Михайловичга азбаройи маъқул тушганидан у киши ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, қисқа бир муддат ичда таржимани тугатди. Қисса «Звезда Востока» журналининг 1958 йил декабрь сониде нашр этилди.

1959 йилнинг январь-февралда Москвада бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ҳафталигида журнал ҳали босмадан чиқмаган эди, шунинг учун журналнинг 5-6 нусхасини брошюра қилиб олиб боришди.

Ҳафталикда ўзбек адабиёти муҳокамасида совринни «Синчалак» повести олди, десак муболаға бўлмайди.

Қаламқаш дўстлар Абдулла Қаҳҳор шаънига жуда кўп илиқ сўзлар айтдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг қадрдон дўстларидан бири — украин ёзувчиси, «Тоғ ораликлари» романининг муаллифи Иван Ле «Синчалак» повести ҳақида шундай деган эди: «Синчалак» — ёш бир партия ходими, Саида деган қиз ҳақидаги асар. Муаллиф ўзбек қизи образи орқали колхоз қурилишининг катта муаммоларини акс эттиришга муваффақ бўлган. Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистоннинг айрим партия ходимини эмас, балки партиянинг қишлоқда ўтказётган ҳаётбахш сиёсатини кўрсата олган дейиш мумкин».

Таниқли арман ёзувчиси Г. Севунц Абдулла Қаҳҳор ҳақида бундай ёзган эди: «...Шуниси қувончлики, биз билан бирга, умумий мақсад йўлида, халқимизнинг бахт-саодати йўлида Абдулла Қаҳҳордай бадий сўз устаси яшамоқда, ижод қилмоқда. Унинг «Синчалак» повестини ўқиб муаллифнинг муваффақият сирларини икки оғиз сўз билан айтиш амри маҳол. «Синчалак» повести катта истеъдод соҳибининг қалами остидан чиққанини яққол сезасан киши...»

Ўзбек адабиётининг билимдони, таниқли мунаққид Зоя Сергеевна Кедринанинг дил сўзлари ҳам диққатга сазовор: «...Мен Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести ҳақида гапирмоқчиман. Повестда ҳаёт ташкилотчиси бўлмиш, ҳеч кимга ўхшамайдиган, фақат ўзигагина хос қиз тасвирланган. Муаллиф Саиданинг ўз кучига унчалик ишонмаслигини, иккиланишларини, ҳатто кўз ёшини кўрсатишдан қўрқмайди. Бу асар, умуман олганда, бизнинг адабиётда Абдулла Қаҳҳорнинг катта муваффақияти. Абдулла Қаҳҳорнинг бу асарини шунинг учун ҳам оригинал ва новаторлик дейманки, ундан бугунги кун нафаси уфуриб туради. Муаллиф партиянинг XX съезидан кейин биз учун очиқ-ойдин бўлган янги воқеаларнинг мазмунини илғаб олган...»

«Синчалак» 1959 йили «Роман-газета»да босилиб чикди. Бу асар ҳам муаллифга «Шоҳи сўзана» комедиясидан кам шўҳрат келтиргани йўқ. Рус

тилида нашр этилиши билан Иттифоқнинг деярли ҳамма тилларига таржима қилинди ва мамлакатимиз сарҳадларидан узоқларга парвоз этди.

1959 йили машҳур рус шоири Степан Шчипачёв уйимизда меҳмон бўлди. Кетаётган чоғи Абдулла Қаҳҳор унга китобларини тақдим этдилар. Повестдан олган таасуротини у қуйидаги мактуби билан билдирган эди:

«Азиз дўстим Абдулла Қаҳҳор!

Мен бу хатни Сизга Москвадан ёзаяпман. Само-лётда ҳам, уйга келиб ҳам «Синчалак»ни ўқидим. Повестни ўқирканман, уйга келганимни ҳам билмай қолдим, хуллас, бу асар кечая бу кунимни жуда мазмундор қилди. Ҳозир бу китоб бутун Шарқимиз учунгина эмас, балки ўзимиз учун ҳам керак. Мен аминманки, бу китоб хотин-қизларимизни эскилик

қолдиқларидан, бидъатдан буткул қутулишларига жуда-жуда ёрдам беради.

Саида ниҳоятда жозибали. Повестнинг тили ҳам равон, юмор — зарофати ҳам нозик.

Балки сиз менинг фикримга қўшилмасиз: назаримда, нимангиз биландир бизнинг Гоголга ўхшаб кетасиз.

Сиз билан шахсан танишганимдан, боғингизда бўлиб Сиз билан ҳамсухбат бўлганимдан ғоят хурсандман.

Қўлингизни маҳкам сиқиб,

Степан Шчипачёв.

1959 йилнинг 22 октябри».

**Охири журналнинг келгуси сонида**

---

---

## АДИБЛАР, АСАРЛАР, ТИМСОЛЛАР

Абдулла КАҲҲОР: «Ўтмишда кўрган-кечирганларим кўп ҳикояларим ва йирик асарларимдаги эпизодларга асос бўлди», деб ёзади ва қуйидаги воқеани мисол қилиб келтиради:

«Санъаткор» ҳикояси ҳам бир нодон, чаласавод артист ҳақида. Ҳикоя 36-йили ёзилган, лекин бу ҳикоя учун «материал бўлган» одамни Кўқонда эканимда кўрганман, яъни, 22-йилдан бери билар эдим... Ашула айтганда айрим сўзларни шунчалик бузиб айтар эдики, ашуланинг таъсирли жойида одамнинг кулгиси кистар эди. Санъаткор бир куни ашула айтар экан, «Лабингдан бўса олсам, эй шакарлаб» дейиш ўрнига, «бўлса олсам» деди. Пайкаган одамлар кулиб қўйишди.

Бир куни икковимиз кўчада кетаётган эдик. Санъаткор менидан сўраб қолди: «Ўзингиз шундай яхши ёзувчисиз-у (менинг бирон сатримни ўқиган эмас, албатта), нима учун ҳалигача опера ёзиб ташламадингиз...» Мен ўзимни тутолмай, хахолаб кулиб юбордим. Санъаткор ранжиди. У худди мана шу ерда ҳикоя қахрамони бўлиб кўз ўнгимда гавдаланди...»

\* \* \*

«Ася» ҳикоямнинг туғилишига қуйидаги воқеа туртки бўлган эди.

Европа бўйлаб қилган сафарим чоғида Рейн дарёси соҳилидаги кичик бир шаҳарга тушдим. Кечкурун нима қилишни билмай, қайиқ ёллаб сайрга чиқдим. Сўлим бир оқшом эди. Қайиққа ёнбошлаган кўйи чор атрофни томоша


қила бошладим. Ҳаво илиққина, осмон бегубор... Кичик бир ташландик макон ёнидан ўтиб борардим. Унинг шундоқ ёнида икки қаватли иморат қад кўтарган. Пастки қават деразасидан бир кампир қараб турарди. Юқори қаватдан эса ёқимтойгина киз мўралар эди. Мени беихтиёр оҳанрабо бир кайфият чулғаб олдию ўзимча ҳикоя тўқий бошладим: бу киз ким ўзи, бу уйда унга нима бор, кампир билан муносабати қандай?.. Хуллас, ҳикоянинг бутун фабуласи миямда пишиб етилди».

И. С. ТУРГЕНЕВ

1772 йилнинг баҳори. 23 яшар Иоганн Гёте отасининг қистови билан Вецлар шаҳрига — суд маҳкамасига иш ўргангани келади ва маҳаллий бир амалдорнинг қизи — Шарлотта Буффга кўнгил қўяди. Аммо, қиз Гётенинг дўсти — элчихона котибига унашиб қўйилган эди. Гёте ёш келин-куёвнинг бахтига зомин бўлиб қолишига кўзи етиб, чор-ночор шаҳардан кетишга азм этади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Гёте Франкфуртда вецларлик Иерузалим деган бошқа бир танишининг ўзини ҳалок этганини эшитади. Бу навқирон йигит ҳамкасб ўртоғининг аёлини севиб қолган экан...

Гёте дарҳол ўзининг «таржимаи ҳол»ига шу омадсиз ошиқ тарихини «қўшиб», бадий асар ёзишга киришади. Кўп ўтмай унинг номини жаҳонга машҳур этган «Ёш Вертернинг изтироблари» романи дунёга келади.



Ғафур Ғулом

## Жомаси пок,

ўзи

## нопок бандалар

*Хурматли журналхон! Сизга маълумки, буюк Карл Маркс диннинг зарарли эканини таъкидлаб, дин — афюндир, деган эди. Кейинги пайтларда айрим мутаассиб кишилар турли диний хурофотларга майл кўрсатишмоқда. Баъзан эса улар халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган энг яхши урф-одатларига ҳам диний «либос» кийдиришга уринмоқдалар.*

*Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ҳамда XIX пленумларида турмушда ҳалигача учраб турадиган зарарли одатлар, бидъатлар, диний хурофотларга қарши кескин фикрлар билдирилди.*

*Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб «Ёшлик» «Даҳрийлар бисотиغا» рубрикасини очишга қарор қилди.*

*«Даҳрийлар бисотиغا» — дастлаб, академик шоир Ғафур Ғуломнинг «Жомаси пок, ўзи нопок бандалар» деган фельетонини ҳавола этмоқдамиз. Бу асар илк бор «Муштум» журналининг 1964 йил 5-сонида босилган эди. Фельетоннинг ёзилганига йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унда тилга олинган салбий ҳодисалар ёки, шахслар бугун ҳам учраб турибди. Демак фельетон ўз кучида қолади. Демак, улуг шоиримизнинг бошқа йнлаб асарлари каби бу асари ҳам ҳалигача қимматини йўқотмаган.*



ар халқнинг ўз урфу одати, ирим-чирими бор. Бу урф-одатлар халқнинг илму маърифатдаги, кун кечиришдаги, дунёқарашдаги савиясига қараб ўзгариб туради. Бу иримлар, урфу одатларнинг баъзилари, киши хали уни ўраб олган табиатнинг сирларидан беҳабар вақтларида, ҳар хил кўркувли, хатарли ходисалар, хурофот, афсона, дин талқинлари натижасида дунёга келган бефойда, зарарли ирим-чиримлардир.

Масалан, қизамик чиқиб ётган болалар олдига бегоналар, айниқса, болалар киритилмайди. Пилла тутилаётган уйга ҳам бегона киритилмайди, «нозик» дейилади. Оғриган куртларга исирик тутатилади.

Исирик хонада ҳам тутатилиб турилади.

Окшомда ховли супурилмайди ва шунга ўхшашлар.

Хўш, бу иримларнинг боиси нима?

Қизамик юкумли касал, пилла курти ҳақиқатан нозик жонивор. Кўча-кўйдан келган бегоналарнинг вужудида, кийим-бошларида турли инфекциялар бўлиши, натижада курт оғриши мумкин. Тутатилган исирик тутуни майда, зарарли микроблар, вирусларга қарши дезинфекция.

Окшомда ховли супурилса игна, тугма, танга сингари майда, керак-яроқларга кўз ўтмай, шупуриндида кўмилиб, йўқолиши мумкин. Булар фойдали иримлар, зарарлари йўқ... Хўш, энди «мушкул кушод», «биби сешанба она», «мовлуд», «чилла ёсин», «кўчирик», «эзиб ички» ва шунга ўхшаш бемаъни иримлар нима дегани?

Бирор одам ўз қилмиши учун камалса, пора еб қўлга тушса, растрат қилиб судга тушса, хотини ёки онаси ўша «қахрамон»нинг мушқули осон бўлсин учун «мушкул кушод» қилдиради. Лекин, на турманинг эшиги очилади, на судья ювош тортади, на пора берган тонади. Мушкул мушкуллигича қола беради.

«Биби сешанба» ҳам шунга ўхшашроқ, лекин буниси кўпинча хотин-қизларнинг бошига мушкул тушганда ўтказилади. Бунда ҳам, барибир, ўжар эр мулоим бўлмайди, ошиқ қайрилиб бокмайди.

«Мовлуд» — туғилиш дегани. Бундан бир ярим минг йилга яқин муқаддам туғилган Муҳаммаднинг именинаси. Лекин именина деган йилда бир кун бўларди. Бизнинг «бойвачча»лар саховатли қўлларига шубҳали, мўмайроқ пул тушган кунёк «мовлуд» ўтказа берадилар. Йилнинг 365 кунни, ишқилиб, бирор ерда мовлуд бор.

«Чилла ёсин» — бу энди ўлим тўшагида ётган бирор оғир касал тепасида кирк марта «Ёсин» суврасини ўқишдан иборат. Шу баҳона билан собик араб дин пешволари куръоннинг бирор сурасини «авом халқ» қулоғига етказишни кўзда тутгандилар. Аммо бизда ўтакетган «шифоли», «сехрли» дуо маъносида ўтказилади. Гўё шу ўқиладию касал киши, «Ё, пирим», деб ўрнидан туриб кетаверади.

«Эзиб ички» дегани, қорнида дарди бор, диккинафас, хафакон кишиларга эзиб берилади. Бирор тарелкага заъфарон (шафран) сиёҳ билан ёзилиб, касал шунини ивитиби ичади. Шу билан дардига шифо «топади». Бу ерда гап ёзилган дуонинг кучида эмас, балки заъфароннинг хусусиятидир. Заъфарон ўсимлигида кишини қувонтирадиган, қулдирадиган хусусият бор, лекин ўзи заҳарли. Буни ичган бемор бир оз муддатда қувонгандай, қулгандай бўлади. Ахир шоир Фурқат айтади-ку: «Чехраи зардим кўриб шод ўлса айб эрмаски бор, Заъфароний бода ичган чоғда қулку келтурур».

Бу ирим-чиримларнинг ҳаммасини бизга ислом дини келтирган. Сўнроқ эса шайхлар, эшонлар, дуохонлар, нодон табиблар, фолбинлар, каландарлар каби текин томоқ зулуқлар томонидан халқ зехнига аста-секин қуйиб олинган, эътиқодига сингдириб юборилган заҳарли одатлардандир.

«Кўчирик» деганининг таърифи яна узокроққа, ота-боболаримиз ислом динини ҳали қабул қилмаган замонларга, мажусият ва шомонийлик даврига бориб тақалади. Бу иримда беморнинг вужудига кириб олган «жинлар», «девлар», «парилар» — чилдирмалар қоқилиб, гулханлар ёқилиб, алас-алас қилиниб, чивиклар билан касални савалаб, «ёмон рухлар»ни қувиб, бемордан кўчирилади, уни халос қилинади ва хоказолар...



Мен узундан-узок бу беъманиликларни ёзмас эдим, лекин айниқса шаҳарларимиздаги баъзи савия ва дунёқараш жиҳатидан куйроқ кишилар ўртасида динга, диний урф-одатларга, намоз, рўзаларга бўлаётган ортыкча майлларни кўриб, атеистик пропагандаимизнинг бепарволигидан ранжиб шуларни қаламга олдим.

Бундан ўн, ўн беш йиллар бурун шаҳарлардаги, хусусан савдо ходимлари, якка қўл қосиблар, баъзи созандалар ўртасида намозхонлик, такводорлик, ифрот, ассалому алайкумлар, хайру худойи, маърака, удум, бир калима қуръон ўқиш анча авжга чиққан эди.

Ахир бу нима деган гап! Салом бермоқ кунига бир марта бўлади. Бирор дўстингни, ота-онангни, дейлик, шу бугун биринчи кўрганингда салом берасан. Улар алик оладилар. Шу биринчи салом кечгача ўз кучида қолади. Аммо «янги одоб» такводорлари ҳар кўрганда, эшикдан чиқса ҳам салом, кирса ҳам салом. Шунчалик бўлмайди-да! Бошқа меҳмонлар бу саломлардан шунча алахсиб қоладиларки, ҳар «салом» деганда, янгидан биров келдики, деб ялт этиб эшикка қарайдилар. Йўқ, ҳалиги мулла Мирбоқининг ўзгиналари экан.

Бидъат одатлардан яна бириси ўтирган меҳмонларнинг қўлига сув кўйиб юборишдир. Давангидай-давангидай йигитлар ёстиқларга ястаниб ўтира беради. Мезбоннинг бирор ўғли, ё кизи бир қўлида дастшў, бир қўлида кумгон, елкасида сочик, бир чеккадан қўл юдириб чиқади. Бу одат, (меҳмонларни елиб кўйишдай) хонлар, беклар замонасидан қолган, кишини хўр қиладиган одатдир. Нахотки, икки ярим ёки уч сўмга битта девор умивальник сотиб олиш қийин. Қўли ифлос бўлган киши, дик этиб ўрнидан турари, ювиб кела қўяди, вассалом.

Шунақа «бойваччалар» борки, пуллари юз мингдан (ҳозирги пулга 10.000) ошгандан сўнг зангори мош ранг дўппи кийиб оладилар. Бу энди, ўзоро «пароль» — ишора. Шаҳарларимиз теварагидаги кўп данғиллама участкалар ҳам шу «ҳалол» кишиларнинг мулкидир.

Шуни жўсаи келганда айтиб кетаё — шу йилги биринчи сон «Муштум»да Т. Алимовнинг «Одамсиз уйлар» деган бир фельетони босилган. Унда: «Аллақачон битказилиб, жаранглашиб кўйилган анчагина данғиллама уйларнинг эшигида бузоқ бошидай қўл осиглик. Эгалари домовойдан ўчгандай ному нишонсиз. Не-не умидлар билан солинган бу иморати олийларга кўчиб келмайдилар. Уйим бор, деб хабар ҳам олмайдилар. Сабаби нима? Бирон яширин гап борми?», деб шубҳали савол берибди.

Нима бўларди, «қулоғим кесилмасин» деб уйни солишга солган, кўчиб бораё деса, халқ контроли бор. Қайси пулга солдинг, материални қайдан олдинг, эски уйнинг дуб-дуруст, ўзингга, хатто неварангга ҳам етарли-ку, неча пул маош оласан, участкани сенга ким берди, деган, оқибати партбилетдан, ишдан ажралиб қолиш мумкин бўлган қалтис саволлар бор. Кўчиб ҳам боролмайди, бировга сотолмайди ҳам. Қариндош-уруғга «падарка» қилиш ҳам халқда шубҳа туғдиради.

Т. Алимов фельетон ёзибдию бирор адрес кўрсатмабди. Мана мен айта қолай, шундай одамсиз уйлардан бири Уйғур кўчасида (собиқ «Шарк» маҳалласида) Тошкентдаги 10-ҳаммомнинг директори Пирмухамедов Шодиники бўлади. Нимага кўчиб бормаслигини ўзидан сўралса мумкин.

Дарвоқе, гап ёш намозхонлар, такводорлар тўғрисида бораётган эди, мен қаёқларга бурилиб кетибман...

Шундай қилиб десангиз, ҳалиги баҳмал дўппиларнинг ўрнини бугунги баъзи санъатчилар, ресторан ходимлари, тиш докторлари, чайковчилар, хуфия қосиблар ва шулар тоифасидаги кишилар эгалламоқдалар.

Баъзи «пок» санъатчилар тўғрисида кўрганларимиз, гижинганларимиз, ранжиганларимизни яқунлаб шуларни айтмамиз.

Улар бир жўра бўлиб, баъзан ака-ука бўлиб тўйларга, базмларга борадилар. Тўрдаги алоҳида чорпояда «бегники бежоғли», дегандай ўз ўринлари бўлади. Баъзи созанда тўдалари ашулачи, ўйинчи кизларни ҳам етаклаб борадилар.

Бир, икки қўл ашула, ўйин бўлгандан сўнг созандалардан бирорта мулойим супургиси ўрнидан қўзғалиб, маросимда хизмат қилиб юрган йигитлардан «тахорат олиш» учун бирор кумгон илик сув сўрайди. Ҳаммалари тахорат қилиб, бирор ҳужрада намоз ўқиган бўладилар. Сўнг аҳха, ухху, деб томоқ кириб, жойларига ўтирадилар. Яна ашула, ўйин бошланиб кетади.

Ана ундан кейин содда халқнинг буларга ихлоси ошиб кетади. «Ия, булар жуда пок, ҳудожўй одамлар экан-ку, буларга ҳар қанча берсанг оз», деган шивир-шивир бошланади. «Қўстир-қўстир»нинг сону санағи йўқ.

Йўқ! Биз буни мунофиқлик, сотқинлик, икки юзлилик деймиз. Бу халқнинг таважжухини эксплуатация қилиш бўлади.

Яна ашула, яна ўйин...  
Ўйинчи кизлардан биттаси арабча ларзон, тегирмон қорин ўйинига тушади. Худди кепчикда чори чиқаргандай...

Яна қўстир-қўстир. Яна отар, саккизта маст бўз ўғлон кўксига муштлаб беҳаловат.

Пул, пул, пул. Олдин намоз пулланди, сўнгра қорин, икковининг нархи бир. Шўрлик ашулачи кизларнинг овози бўғилиб, бир ҳафтагача хом тухум ютиб юради.

Гаров ўйнаб, соат иккида шаҳарга тушсангиз, кўп магазинлар перерив қилган бўлади. Яъни магазин ходимларидан такводорлари пешин намозига тўғрилаб переривга чиқадиладар.

Жума намози, ҳайит намози деган кунлар-ку ҳамма гуноҳкор бандаларни мачитда кўрасиз. Гўё бир кунлик намозни ўқиш билан бир йиллик бутун фисқу фасод, ўғирлик, халқ мулкига хиёнат, ёлгончилик, пиянисталик, бузуқлик, фирибгарлик гуноҳлари ювилиб кетадигандай. Бундай кунларда Жангоҳда-ми, Маҳкамадами, Ҳадрадами кузатиб турсангиз, қўлтиғига гиламча, оқ кигиз, попоп тиккан баҳмал жойнамозларни чиройли қилиб турмуçлаган, ҳаммага ўқиган намозини писанда қилгандай кеккайган ҳалиги тоифа ёшларни кўрасиз. Улар ҳам зангори, қўк баҳмал дўппида, бедана юриш қилиб, тавозе билан: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух», деб қўлларини кўксиларига қўйиб, ўтиб кетадилар.

Буларнинг сиртлари биби Марямнинг ўғлидай силлик, аммо ичлари, мазмунлари-чи — бўм-бўш. Илму маърифатдан, сиёсатдан, ҳаётдан, келажакдан — истиқболдан бирор савол сўрасангиз, жўяли жавоб ололмайсиз. Қоронғи уйга кесак отгандай мўлжалга тегмайди.

Намоздан кейин жойнамоз прилавканинг тагига улоқтирилиб, ўзлари жўралари билан ресторанга қийшайиб қоладилар. Ҳайитдаги ҳамма отабезорилик, такси талаш, дилозорлик, кусуққа ёнбошлаш шуларнинг иши, акажонларим...

Бунингдек номаъқулчиликларни колхоз болалари, ишчи йигитлар, китоб қўлтиқлаган студентлар қилмайди, чунки уларнинг ғоят олий ва муқаддас ниятлари бор. Келажаклари бор!

Энди, маърака, худойи, қуръон туширдиларни айтмайсизми! Гўё бу воситалар билан қачонлардир ўлиб кетган бобобокалонларининг ё бўлмаса ота-оналарнинг руҳини шод қилмоқчи ва уларнинг руҳига худо ғазабини юмшатмоқчи, жойини жаннатда қилмоқчи бўладилар. Қайси харажатга денг? Албатта, яна ўша «кўр» харидорнинг, хўрандининг, истеъмолчи бечораларнинг ҳақкига.

Хиёнат билан топилган пул худо йўлига харж қилинса, албатта ўз ўрнини топган бўлади!

Лекин участка иситмаси анча тафтидан тушган. Шунга шукур деб; ҳозирча нома тамом, қолган-қутган гаплар ҳали кўп ёзилади.



Биринчи мактуб.

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ

# Охирги кўнғироқдан кейин...



Б ахор охирлаб қолаётган бўлса-да, далалар кўм-кўк, кийғоч очилган лолакизғалдоқлардан кир-адирлар бағри шундай гўзалки... Бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар билан республикамиз областларига сафарга отландик. Ёзувчиларнинг кишлоқ аҳли билан, зиёдилар, мактаб ўқувчилари билан учрашувлари жуда марокли ўтди. Ўзаро фикр олишувлар, баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой бўлди.

Булунғур районидаги мактаблардан бирида сўнги кўнғироқ устидан чиқдик. Битирувчи синф ўқувчилари ўн йиллик таълимнинг сўнги сабоғини тугаллаб, адаблар билан учрашдилар. Мактаб ўқувчилари адабларга қай даражада қизиқишса, биз ҳам уларнинг ҳар бир ҳаракатларини қизиқиб кузатдик. Улар шоирларнинг шеърларини, ёзувчиларнинг ҳаёт, адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини жон қулоқлари билан тинглашди. Меҳр-муҳаббатларининг рамзи сифатида гулдурас карсақлар билан олқишлашди, даста-даста гуллар тутказишди.

Шундай пайтларда мактаблардан «учирма» бўлаётган йигит-қизларнинг эртанги кунлари, қизиқишлари, охирги кўнғироқдан сўнги ҳаётлари, қувончу ташвишлари ҳақида ўйлаб қоласан киши. Энди уларнинг қайси бирлари туғилиб-ўсган кишлоғида кўнғилига ўтирган ишнинг бошини ушлайди. Бирови дехқон, бирови ишчи, бирови механизатор бўлади. Яна кимдир эса ўқишни давом эттириш учун шаҳарга, олий ўқув юртига жўнайди... Хўш, кейин-чи? Улар ўн йил мобайнида мактабда олган билимларини, меҳрибон ўқитувчилари берган сабоқларни ҳаётга, турмушга қай даражада татбиқ қила билдилар? Адабиётга, илм-фанга бўлган қизиқишлари қаңчалик собит? Еки бу қизиқишлар, жон қулоқлари билан тинглашлар, бу карсақлар, бу гуллар катта йўл каршисидagi маҳобат, охирги кўнғироқ сўнгидаги ўткннчи хайратми?

«Хурматли редакция! Биз бу йил иккинчи тур район олимпиадасида қатнашиш шарафига сазовор бўлдик, — деб ёзади Қашқадарё область, Нишон районидаги иккинчи синф ўқувчиси Тозагул. — Олимпиадада ишю ёздик.

Бундай ўзига хос илмий мусобақаларда бир нарса кишини ранжитади. Айрим муаллимлар ишю ёзилаётган пайтда таниш ўқувчининг ёнига бориб, ёрдамлашадилар. Баъзан эса очиқдан очиқ айтиб туриб, ёздирншади. Бундай аҳвол ёшларни кўзбўямачиликка етакламайдими? Очиғини айтганда, бизнинг X синф ўқувчиларидан бирортаси ҳам ишюни мустақил равишда ёза билмайдилар. Китоб ёрдамида, ўқитувчининг шипшитиби билан ёзилган ишю ишю бўладими?!»

Ўтган йили қабул имтиҳонлари олдида иттифоко, Тошкент Давлат университетига йўлимиз тушиб қолди. Танишларимиздан бирининг ўғли университетга ҳужжат топшираётган эди. Бордик. Қабул комиссияси жойлашган каватда одам тирбанд. Биров бировга қайрилмайди, биров бировни эшитмайди. Ҳамманин кўнғилида бир хил ташвиш — тезроқ ҳужжатларини топширсая имтиҳонларга пухта тайёрланса.

Ҳалиги танишимиз ҳам ўғли билан тенг югуриб-елиб, ҳужжатларни топшириб чиқишди. Бироздан сўнг танишимиз нимадир иш билан яна ичкарига кириб кетди. Биз йигитни гапга солдик.

— Қайси факультетга ҳужжат топширдннгиз?

— Филологияга.

— Адабиётга қизиқасизми?

— Қизиқаман. Энг муҳими математикадан имтиҳон йўқ экан...

— XV аср ўзбек адабиётининг пешқадам вакилларидан кимларни биласиз?

— ...

— Алишер Навоийнинг бирон ғазалини ёддан айтиб беролмайсизми?

— Нима деяписиз, ғазал ёдлашга вақт бўлмаган, ака...

Абитуриентнинг қўлидаги етуклик аттестат кўчирмасида эса унинг ёзма иши «яхши», оғзақиси эса «аъло» баҳоланган эди... Шундай мулоҳазага бордик: бу боланин ростдан ҳам классик адабиётимизни чуқур ўрганишга, ғазал ёдлашга вақти бўлмагандир ёки адабиёт ўқитувчиси шу йўлга етаклагандир. Балки у, адабиётимиз бугунги вакилларининг асарларидан, ёшлар прозаси, шеърятидан яқинроқ хабардордир? Ундан ана шу ҳақда сўраймиз. Йўқ, бу борадаги саволимизга ҳам қонқарли жавоб ололмадик. Нега? Наҳотки, бугунги мактаб ўқувчиларининг она тили ва адабиёти дарсларидан олган сабоқлари саёз, шоирлар, ёзувчилар билан бўлаётган учрашувлардаги, суҳбатлардаги интилишлари, адабиёт фани юзасидан ўтказилаётган олимпиадалардаги иштироклари шунчаки, кўр-кўрона қизиқишлар бўлса?

Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасида филология фанлари доктори Бегали Қосимовнинг «Ишю, баҳо ва адабиёт» деган мақоласи босилди. Муаллиф тил ва адабиёт, филология факультетларида таълим олаётган айрим талабаларнинг билим савияси, фикрлаш доирасининг пастиги ҳақида қуюниб гапирди.

«Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг, — деб ёзади Б. Қосимов. — Имтиҳон. Студент жавобга келади. Олайлик, савол шундай: «Навоий ғазалларининг тематик доираси». Иккинчиси — «Бобур рубойлари».

Эшита бошлайсиз.

— Улуг ўзбек совет шоири Алишер Навоий...»

Энди тасаввур қилайлик. Б. Қосимовга имтиҳон топширган студент балки, биз университетга кириш имтиҳони олдида суҳбат қилган ўша танишимизнинг ўғлидир. Балки у, кашқадарёлик Тозагул ўз хатида ёзган, адабиёт олимпиадасида муаллимнинг ёрдами билан фахрли ўрин олган эркатой ўқувчидир? Агар шундай бўлса, бу абитуриентлар шу қадар чаласавод билан олий ўқув юртларига қандай қабул қилин-

япти? Айб кимда? Кириш имтихонларида «кўнгилчанлик» қилиб яхши баҳо қўйиб бераётган ўқитувчилардами? Еки газал ёдлашга вақт тополмаётган адабиёт «шинавандалари»дами? Гап фақат тил ва адабиёт факультетлари хусусидагина эмас. Бу мулоҳазалар олий ўқув юр்தларининг барчасига тааллуқли.

### Иккинчи мактуб.

#### «Хурматли редакция!

Газета ва журналлар менинг энг яқин маслаҳатчим. Айниқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Ёшлик» журналининг ҳар бир сонини зўр қизиқиш билан ўқийман. Улардаги ёшларнинг ўқиши, ҳаётига оид мақолалар кўпчилики ҳам қизиқтирса керак. Бундай мақолалар бизни яхши билан ёмонни ажратиб олишга, теварак-атрофимизга синчковлик билан назар солишга, ҳаёт ва турмуш ҳақида фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ўрнатади.

Айтайлик, мактабни бир амаллаб битирган ўқувчи институтга таниш-билиш ёрдамида кириб қолди. У бир амаллаб институтни ҳам битиради. Ҳўш, кейин нима бўлади?

Боринг-ки, ўша одам мактабда она тилидан дарс берсин, дейлик. Ўзи бир амаллаб институтни битирган бўлса-ю, лекин у қандай қилиб ўқувчиларга ўзбек тилининг қоидаларини, бу тилининг баъзан қоидаларга ҳам сиғмайдиган маъно кенгликларини, жозибасини тушунтира олади? «Уч болалик аёл автобусага чиқди», деган гапнинг турли маъноларини англаш, тушуниш учун балки, институтда ўқиш шарт эмасдир, лекин ҳар қандай ўқитувчи «тиргак»сиз, таниш-билишсиз мустақил фикрлаши шарт. Агар ўқитувчи дарсликларнинг измидан чиқиб кетолмас экан, унда мустақил фикрлаш қобилияти бўлмас экан, қандай қилиб ўз фанига нисбатан ўқувчиларида қизиқиш уйғота олади?

Мана, масалан, мен адабиётга қизиқаман. 8-синфдан буён она тили бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда қатнашиб келаман. Адабиётга меҳр қўйишимда ўқитувчимиз — Зулайхо опамнинг хизматлари катта. Унинг ҳар бир дарси, фикр-мулоҳазалари бизда она тили ва адабиётга нисбатан меҳр-муҳаббат, қизиқиш уйғотади.

Айрим ўқитувчиларнинг қилаётган ишини кўриб, ҳайрон қоласан киши. Ўзига яқин бўлган ўқувчининг бор-йўқ билими базўр «ун»га илашса ҳам, лекин ҳамманинг кўз ўнгисига унга «беи» баҳо қўйишди. Нимага шундай қилишди, ҳеч тушунмайман. Ўзим таниган бир ўқувчига муаллимлари дарслардан билса-билмаси доим «беи» баҳо қўйишар эди. Ўша ўқувчи мактабни олтин медал билан битирди. Лекин, афсуски, кириш имтихонларидан йиқилди, институтга киролмади. Мен ҳам 1-синфдан бошлаб ҳамма фанлардан «беи»га ўқиб келаман. Лекин рус тилини унчалик яхши ўзлаштиролмайман. Шундай бўлса ҳам, қоракда «беи» чиқаришди. Бу ҳам боягича баҳо бериб тақалади...

Мен сизлардан бир нарсани сўрамоқчиман. Айтишларича, айрим олий ўқув юр்தларида пора олиб, ўқишга киритиб қўювчи кишилар бор, дейишди. Лекин, мен бу гапга ишонмайман. Шундай бўлса-да, «балки, ўшандай кишилар ҳам бордир» деган фикрим ҳам йўқ эмас. Менинг орзуим — олий ўқув юр்தига кириб ўқиш, лекин, бу орзуимга оиламиздаги бир киши (тўғриси янаам) норози. Унинг фикрига мен ўқишга қира олмас эмишман. Чунки, ўқишга кириш учун таниш-билиш, пул керак эмиш. Шу тўғрими? Тошкентдаги Медицина институтиди шундай эмиш? Шу ростми?

Салом билан, сизлардан жавоб қутувчи Жумагул.

Жумагул таниш-билиш ёрдамида институтга кирган талабадан; ошна-оғайниси туфайли бирор мансабни эгаллаган амалдордан; институт эшитини кимларгадир пора эвазига очиб берган профессор ёки доцентдан жирканади. У ёзган мактубнинг замирида ана шу нафрат ётади. «Институтга кириш учун таниш-билиш, пул керак эмиш, шу ростми?» дея савол беради ёш қалб. Бундай савол ҳаётнинг унча-мунча аччиқ-чучугини тотган кишидан эмас, балки ҳаётга энди кадам қўяётган ёш киздан чиқилишининг ўзиёқ одами уйлантиради.

Ҳўш, нега шундай бўляпти? Кундалик турмушимизда баъзан, гурунч ичидаги курмакдек кўзга ташланаётган салбий оқибатларга ёшларнинг ўзлари қандай муносабатда бўлишмоқда?

Гап фақат институт ва абитуриент масаласидагина эмас. Умуман ёшларнинг ҳаёт, турмуш ҳақидаги карашларида ҳам. Гап халқнинг муҳим бойлиги — маънавий киефаси (Н. Г. Чернишевский) эканлигида.

Яқинда хизмат юзасидан Андижонга йўлимиз тушди. Сафардан қайтишда уч нафар ёш йигит билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Уларнинг иккитаси олий ўқув юр்தларида таҳсил кўришаркан. Бошқа бири ошхона хизматчиси экан. Йигитларнинг учаласи ҳам ёшлар ичиди урф бўлган расмда кийинишган. Ёнларида чўнтак магнитофони. Магнитофон ҳам, унинг кулокка тутиб эшитадиган карнайчалари ҳам шу қадар зеб билан, заргарона ишланганки, буни кўрган ҳар қандай ёш йигит ўзининг ҳам шундай буюми бўлишини жуда орзу қилади.

Йигитлардан бири бизни магнитофон эшитишга таклиф қилди. Жажи карнайчаларни кулоқларимга тутиб олганимдан сўнг, халиги йигит тугмачани босди. Дастлаб, қандайдир чет эл хонандаси кекирдаги узилиб кетгудай бўлиб, бор овози билан кўшиқ айтди. Сўнг... фахш кўшиқлар. «Кўшиқ айтаётган ким?» деб сўрайман ҳамроҳларимдан. «Токарев, айтишларича, одессалик эмиш», деб жавоб берди улардан бири.

Жавобни эшитгач, ажабланасиз: нахотки, ё биз ҳаётдан жуда орқада қолганмиз ёки мана бу ёшлар ортқ даражада кўп билишади. Бундай кўшиқчининг санъат оламида пайдо бўлганидан беҳабар эканлигимиздан бир оз хижолат ҳам бўлди. Лекин гап хозир аллақандай «хижолатпазликда» эмас.

Ҳўш, бу ёшларни чет эл эстрадасининг, фахш кўшиқларнинг нимаси кизиктиради? Ахир улар кўшиқ сўзларини тушунмайдилар-ку, дерсиз. «Кўшиқ тексти билан ишимиз қанча? Сезяпсизми, кўшиқчи қандай берилиб, завк билан айтаяпти. Музикасига эътибор беринг, музикасига», дейди ҳамроҳларимнинг ёшроғи. «Қани бизга мана шундай завки баланд, музикаси билан киши руҳига ором бера олувчи бирорта кўшиқчининг ноини айтиб беринг-чи? Айтолмайсиз! Биз ёшлар бу кўшиқчиларнинг овози билан музикасини севаимиз», дейди яна ўша йигит.

Нахотки, шундай бўлса? Нахотки, бугунги ёшларнинг талабларини кондирадиган, уларнинг қалбларидаги романтик орзуларга қанот бўладиган эстрада кўшиқларимиз, кўшиқчиларимиз камроқ бўлса?.. Агар масалага рўйи-рост ёндашидиган бўлсак, бугунги эстрада кўшиқларимиз ҳам, кўшиқчиларимиз ҳам ёшларнинг учқур хаёлларини, орзу-мақсадларини ҳамшиша ҳам ифодалай билмаяптилар. Натижада, нима бўляпти? Ёшларнинг чет эл кўшиқларига, музикасига нисбатан кўр-кўрона кизикишлари кучайяпти. Бундай ҳолнинг эса оқибати кўпинча ёмон бўлади. Чунки, чет элдан таралаётган кўшиқларнинг барчаси ҳам «соғлом» деб бўлмайди. Фарбдаги, океан ортидаги мухалифларимиз айна шундай фахш кўшиқлар, видеокассеталар воситасида ёшларимизнинг онгини захарлашга ҳаракат қилишмоқда... Албатта, битта-яримта суюк кўшиқ ёки видеокассета билан бугунги ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш осон иш эмас. Чунки, совет ёшлари Октябрь инкйлобининг мохиятини, совет турмуш тарзининг бекиёс афзаликларини чуқур англайдилар. Лекин, аллақандай Токарев қайси бир қавақдан туриб, Америка ҳаётини кўкларга кўтарса, фахшга йўғрилган суюк кўшиқлар айтиб турса, бу кўшиқларнинг тексти «жозибадор овоз ва музикани» босиб кетмаслигига ким кафиллик бера олади...

Поезд тобора илгарилайди. Вагон деразасидан Ўзбекистон ёзининг лаҳча чўғдай оловли куйёши оламга нур сочди. Шу нурларгина эгилиб гўза яганалаётган деҳқоннинг, ҳозиргина дарсдан чиқиб, далага югурган мактаб ўқувчисининг белларини, юзларини қиздиради. Уларнинг юрагига тафт беради. Бу нурлар пилла қурти учун яшил барг кесаётган пиллакорнинг кўзларидаги мудроқни ҳайдайди. Калаканиб, осмонга мушт бўлиб қадалган тут дарахтлари узра сиқанади... Поезд ҳамон илгарилайди. Қаршимда чет эл кўшиқларидан маст уч йигит... Ерга ташланган бир жуфт қора чигитни кўм-кўк гўза қилиб кўқартирган шу саҳий тупроқ, ҳу далаларда қолиб кетган болалигимни эслайман. Хотиримга шоирнинг ушбу сатрлари қуйилади:

Далалар ҳам уфқларга туташар эди,  
Атрофдаги тоғлар чеки кўринмас, буюк.  
Отамиз ҳам, онамиз ҳам минг яшар эди,  
Эртақларни яшардик суйиб.



Секин-аста одам кўриб улгайган сари  
Баъзимизнинг юрагимиз тош мисол котди.  
Олидаги болаликнинг кайнок, жангари  
Эртактарин, афеус, йўкотдик.

Манзил йироқ, йўлларнинг бор азоб, кийноғи,  
Энди гўзал эртактардан бизлар қочамиз.  
Инсон бир кун иллатлардан кутулган чоғи  
Эртактарга кучок очамиз...

«Ёшлар енгил ҳаёт кечиришга ўрганиб қолишяпти, улар ишқамас, дангаса, ёшлар бало, ёшлар батарин, дейсизлар, лекин...» Тўсатдан ҳаёлимни бўлади ошхона хизматчиси. «Лекин, ўша ёшларнинг шундай бўлишларига ким айбдор? Мана, ҳалигина бўлиб ўтган воқеани айтиб берай сизга. Вокзалга келсак, касса ёнида одам тирбанд. Бир илож қилиб, кассанинг дарчасига яқинлашдик. Тошкентга, яъни шу кетаётган поездимизга билет сўрадик. Ялиндик, ёлвордик, бўлмади. «Билет йўқ, осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг, лекин билет йўқ», деди кассир кекирдагини чўзиб. Нима ҳам қила олардик. Йўқ бўлса, йўқ-да... Шу пайт кимдир нарироқда турган темир йўл кийимидаги одамга ишора қилиб: «Ўша одам тўғрилайди», деди. Унинг ёнига бордик. Тўғридан тўғри, билет керак, деб айтдик ва қўлига битта эликталикни кистириб қўйдик. Хўш, ўша одам учта билетдан ошган пулни қайтариб берди, деб ўйлайсизми? Ҳечам-да! Ҳар бир билетнинг «шапка»си олти сўмданга тушди... Энди, ўзингиз ўйлаб кўринг: кассада ўтирган акам, билет йўқ, қўлингизда бўлса осмонни ташлаб юбор, деб турса-ю, лекин унинг ҳамкасабаси ҳар бир билетнинг устига фалон сўмдан қўйиб сотса. Хўш, кимга ишонайлик?.. Айтинг, кимга? Уларнинг бундай «таълимидан» ўқишга бораётган минглаб абитуриентлар сабоқ олмайди, деб ким айта олади. Хусусан, мен сабоқ оламан, чунки шундай қилишга мажбурман. Ўйда икки болам «ейман», «ичаман» деб турибди. Хотиним ишламайди. Ўз нархига олишни мумкин бўлган билетнинг устига пул тўлаб турганимдан кейин, мен ҳам юзимни сидириб ташлайман-да, ҳар бир хўрандадан борингки, беш-олти тийин бўлса ҳам ўмариб қолиш пайидан бўламан. Ахир, билетнинг устига тўлаган пулимни чиқариб олишни керак-ку, ака!»

*Жумагул, жон синелим! Дунёнинг ҳақиқатлари нақадар улуг, айна пайтда кўз илгамас. Унинг адогига етиш шундай мушкулки, баъзан уни ҳақиқат, деб тан олгинг келмай қолади... Ошхона хизматчисини айблама. Унинг ҳам ўз ҳақиқати бор. Бу дунёда ноҳақ одамни топишинг жуда қийин. Ҳар ким билан гаплашма: ўзим ҳақман, дейди. Ўзининг ҳақлигига фатво топади. Ҳақиқатнинг тили эса сенинг сўзларинг каби оддий бўлади.*

*Жумагул, гап инсоннинг маънавий қиёфаси хусусида борар экан, у сен айтгандек, пора вазига бировни институтга олиб кириб қўядими, бировга тўхмат қиладими ёки бировнинг ноумусига тажовуз қиладими — барчасининг замирида ахлоқсизлик ётади. Ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик эса ўзи-ўзидан пайдо бўлмайди.*

«Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин!» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 344-бет).

Фан-техника ривожланган бугунги кунда бу сўзларнинг кадр-киммати ҳар қачонгидан ҳам аҳамият касб этмоқда. Чунки, эндиликда ёшларни тарбиялаш, ўқитиш ва таълим бериш ишида энг ривожланган техник воситалардан, электрон-ҳисоблаш машиналаридан, радио, телевиденидан кенг фойдаланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин, тарбия ишида инсоннинг ўрнини босадиган, унинг жонли мулоқотидан устун келадиган ҳеч бир нарса йўқ. Баъзан ўйлаб қолсан киши: бугунга келиб ўз ўрнини эгаллаётган темир-терсака, турли автоматларга бўшатиб бермаёпмизмикин? Уларга хаддан ташқари ишониб қўймадикми? Инсонни, жонли мулоқотни унутиб юбормадикми? Луғатимизда «ўрناق бўлиш», «ибрат бўлиш» каби сўзлар мавжуд. «Фалончининг ўғли Мухаммаддан ўрناق олсанг бўлмайди?» дейишди оталаримиз. — Хулқи одатинг

одамлингини кўрсатиб турсин. Туриш-турмушинг бошқа бировга ибрат бўлсин...»

Булар шунчаки айтилган гаплар эмас. Бу насиҳатларнинг замирида ота-боболарнинг асрлар давомида орттирган турмуш ҳақиқати, ҳар томонлама тугал инсонни кўриш истаги, армонни ётибди.

Бугун биз фарзандларимизни боғчага, мактабга машина-мизда элтиб кўямиз. Эртага у мактабни битиради. Институтга киритиш учун таниш-билиш қидирамиз. Бу ҳаракатимизни ўз фарзандимизга нисбатан ғамхўрлик, деб биламиз. Айримларимиз эса болаларимизни институтга «киритиб» қўйганимиздан кейин, тағига «гижинглаптиб» машина олиб берамиз. Магазин-магазин юриб, ўзимиз ва болаларимизга чет элда тикилган кийимлар ва бошқа буюмларни харид қиламиз.

Албатта, бундай кишилар жамиятимизда озчиликни ташкил қилади. Лекин синфдошнинг мактабга машинада элтиб қўйишганини кўрган бошқа бир боланинг ҳаёлидан нималар ўтмайди?! Узок кишлоқдан келган ёш йигит ҳамкурсининг шахсий машинасини кўриб, қандай ҳаёлларга бормайди, дейсиз?!

Биз бу билан ота-оналар ўз болаларини шахсий машиналаридан олиб юришмасин ёки ўз фарзандлари учун машина сотиб олишмасин, демокчи эмасмиз. Гап шундаки, ҳамма нарсанинг вақти, меъёри бор. Бу борада буюк совет педагоги В. А. Сухомлинскийнинг «Сенинг ҳар бир хатти-ҳаракатинг бошқа кишиларда акс этади; ёнингда инсон борлигини унутма», — деган сўзларини бот-бот эслаб туриш жоиз. Зотан, инсон ахлоқсиз бўлиб туғилмайди. Унинг хулқ-атворини теварак-атрофдаги кишилар, жамият шакллантиради.

*Синглим Жумагул! Хайриятки, дунёда яхши одамлар кўп. Миллионлаб, юз миллионлаб ёшларимиз улардан ибрат олиб яшаидади. Чунки ҳар қандай ҳодиса фақат инсон қабл, ақли орқалигина идрок қилинади, яхши ва ёмонга ажратилади. Жасур жангчи Александр Матросовнинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратини минглаб ёш жангчилар такрорлади. Душман ўқларига кўкракларини қалқон қилдилар. Абдулла Набиевнинг қаҳрамонлиги, букилмас иродаси ҳар бир ёш авлод учун ибрат.*

*Лекин не сўзки, баъзан ёмонлик, кўзбўямачилик, порахўрлик ҳам ибрат бўлиб қолмоқда. Ҳаёт мураккаб. Инсон табиати эса ундан ҳам мураккаб. Мана, сен мактабни битириб, медицина институтини таҳсил олишни орзу қилибсан. Бу жуда ҳам яхши ният. Мен ишонманки, бу орзу-мақсадингга албатта эришасан. Лекин бу йўлда қанчадан-қанча қувончлар, ташвишлар, қийинчиликларни енгиб ўтишингга тўғри келади. Биргина мисол. Ўзинг ёзганидек, ҳали мактаб остонасини тарк этмасингдан сени «ўқишга қиролмайсан, бунинг учун пул, таниш-билиш керак» дея ваҳимага солишмоқда.*

*Тўғриси айтганда, янганг бир жиҳатдан ҳақ. Лекин унинг ҳақлиги вақтинча. Мағълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ҳамда XIX пленумлари республика экономикаси ва ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги жиддий камчиликларни, партия раҳбарлиги услуги ва методларида бузилтишларни, кадрларни танлаш ва тарбиялашда ленинча принциплардан чекиниш ҳолларини фош қилиб ташлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар республика партия ва ҳукумати XVI пленум белгилаб берган йўлдан изчил ҳаракат қилаётганини кўрсатди. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмоновнинг пленумда қилган докладыда шундай бир вазиятни таъкидлаб ўтди: «Республика олий ўқув юртларида катта нуқсонлар бор, — деди у. — Самарқанд университетини, Тошкент Политехника институтини, тўқимачилик, медицина институтларини, Бухоро технология институтини порахўрлик каби ярамас ҳоллар рўй берди. Яқинда Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институтини пора йўғиб олиш каби жуда ярамас ҳоллар юз берди».*

*Кўриб турганингдек, сен ташвишланган, янганг ҳақ бўлиб чиққан қусурлар фош этилмоқда. Ҳар қандай кўзбўямачилик, порахўрликнинг илдизига болта урилмоқда. Бундай салбий оқибатлар албатта, барҳам топади. Шу боис ҳам сен иккиламдан мактабни аъло баҳолар билан тугалла. Институтга албатта, кирасан!*

Ҳар йили республика таълим мактабларини уч юз минг нафардан ортик киши битириб чиқади. Кечки мактаблар-

нинг битирувчилари ҳам шу жумладан. Масалан, 1983 йилда умумий таълим мактабларининг кундузги бўлимини 252,6 минг киши тамомлади. Олий ўқув юрларининг кундузги, кечки ва сиртки бўлимлариغا эса 56,1 минг нафар бола қабул қилинди. Қабул ҳақида фикр юритганда масалалар кенгрок ёндашиш керак. Теварак-атрофда бўлаётган турли гап-сўзларнинг барчасига ҳам ишонавериш инсофдан эмас. Айтилик, базўр «учга» ўқиган бола институтга кириб қолади-ю, лекин мактабни «тўрт», «беш» баҳолар билан тамомлаган ўқувчи киролмади. Мана шу фактдан албатта, мактабни базўр тамомлаган бола институтга пул билан кирди, деган хулосага келиш керакми? Афсуски, қабул қондаларидан беҳабар бўлган, оғзига кучи етмайдиган жуда кўп одамлар ҳе йўқ, бе йўқ ўшандай хулоса чиқаришади. Ахир, институтларнинг қабул комиссияларида ишлаётган ўқитувчилар ҳам инсон. Кўриб билмай туриб, уларнинг барчасини ҳам порахўр дейиш яхши эмас. Шу нарсени эсдан чиқармаслик керакки, илм-фанимизни ривожлантиришда, халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлашда ўша кишиларнинг жуда катта ҳиссалари бор. Албатта, битта-яримта ярамаси учраб туради. Аслида ана шу битта-яримтаси бутун бир коллективга иснод келтиради. Холбуки, бу ерда ор-номусли, диёнатли кишилар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Энди юқоридаги фактга қайтайлик. Мактабни базўр битирган ўқувчи институтга кириб қолади, лекин яхши ўқигани киролмади. Бу ерда қатор объектив сабаблар бўлиши мумкин. Айтилик, математика фанидан ёзма имтихон бўлган. Одатда бу фандан имтихон вариант бўйича топширилади. Хўш, ана шу вариантлардаги мисол ва масалалар ўз таркибига кўра турлича — ечилиши осон ва мураккаб бўлиши мумкинми? Албатта мумкин. Хуллас, ўша мактабни базўр тамомлаган абитуриентнинг чекига осонрок вариант тўғри келиб қолиши мумкинми, албатта мумкин. Ахир, у қандай бўлмасин мактабда ўн йил ўқиган. Шу давр ичида ҳеч бўлмаганда, озми-кўпми масалани ечгандир. Халиги, мактабда яхши ўқиган абитуриент эса мураккаброк вариантга тўғри келиб қолди, дейлик. У энди бироз қийналиши, ҳатто, масалани тўла еча олмаслиги мумкин. Чунки, имтихонда вақт чегараланган бўлади. Натижада, унинг баҳоси бир балл, ёки икки балл қамайиши, баъзан қоникарсиз, деб топилиши ҳам мумкин. Қарабсизки, ана шу биргина вазиятнинг ўзи ўрта ўқиган боланинг институтга киришига яхши ўқиган боланинг эса киролмай қолишига сабабчи бўляпти. Бундан беҳабар одамлар «ха, фалончининг ўғлими, пул билан кирган» деб юришади. Бундай вазиятда шуни айтиб ўтиш керакки, баъзан вариантларга жуда мураккаб масала ва мисоллар танланади. Уларнинг айримларини ўрта мактабни битирган ўқувчи нари турсин, туппа-тузук ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ечолмасликлари мумкин. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарасак, имтихон вариантларига мисол ва масалалар танловчи ўқитувчиларнинг маъсулиятини ошириш лозим. Токи улар ўзларининг бепарволиклари, баъзан қолайликлари билан институтларга тасодифий студентларнинг қабул қилинишига, муносибларининг эса қабул қилинмай қолишига ўзлари сезмаган ҳолда йўл очиб беришмасин.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Албатта, ўқувчининг муайян бир фандан қай даражада муваффақиятга эришгани аввало, шу ўқувчининг ўзига боғлиқ. Қолаверса, бу нарса муаллимнинг ўз фанини ўқувчиларга қай даражада синглира олганида ҳам зухур қилади. Мактабда ўрта ўқиган боланинг институтга кириб қолиши, яхши ўқиган боланинг эса киролмай қолишида ўқитувчининг бир қарашда кўзга чалинмайдиган таъсири ҳам бўлади. Бу таъсир ўша муаллимнинг ўзига ва ўқувчиларига нисбатан қай даражада талабчанлигида ёки қолайлигида намоён бўлади. Айтилик, бир адабиёт муаллими ўзига ҳам, ўқувчиларига ҳам катта талаблар билан ёндашади. У программани ўзлаштиришда ҳеч қандай узил-чирларга йўл қўймайди. Енгилликларга аёвсиз бўлади. У «ўқувчим бир ой яганда, уч ой пахта йиғим-теримида бўлган эди, ке, сал баҳосини кўтарай» демайди. Ҳатто, дарсда берган жавобига нисбатан баҳосини бир балл, ярим балл пасайтириброк қўяди. Бир сўз билан айтганда ўқувчини баҳо билан эркалатмайди. Чунки адабиёт дегани, бу — гўзаллик, инсон руҳини тадқиқ қилиш, бу жамят тарихини, ўз халқининг тарихини ўрганиш дегани. Адабиётни хис этмасдан, ўз халқининг тарихини билмасдан туриб на етук инженер, на медик, на педагог бўлиш мумкин.

Талабчан муаллимдан сабоқ олган ўқувчи бир қарашда,

олаётган баҳосига нисбатан ўрта ўқиётгандай туюлади. Чунки, унинг кундалик дафтарига адабиёт фанидан «уч» ҳам «тўрт» ҳам бор. Охир-оқибатда бу баҳолар етуклик аттестатига ҳам кўчиши мумкин. Лекин бундай ўрта билим фақат кундалик дафтарга, етуклик аттестатига қарагандагина ўрта, аслида эса ўша ўқувчининг билими яхши бўлади. Бу ўқувчи институтга кириш имтихонларини қийналмасдан топшириши мумкин. Бу ҳодисани ҳам баъзи оғзига эрк берган кимсалар «фалончининг ўғлими, пул билан кирган» деб талқин қилишади.

Бошқа бир адабиёт ўқитувчиси эса ўз ўқувчисини баҳо билан эркалатади. Алишер Навоийнинг ғазалини ёд олишга вақт тополмаган ўқувчини кечиради. Баҳо-чи? Баҳоми, нима бўпти, бугун ёдламаса, эртага ёдлаб келади. Шоирнинг исми билан туғилган йилини билди-ку, «учнинг ўрнига «тўрт» қўйсам, асакам кетармиди, дейди-да, жавобга нисбатан баҳони ошириб бораверади. Қарабсизки, ўқувчининг билими кундалик дафтар билан етуклик аттестатига «аъло» бўлади. Аслида эса ўша ўқувчи шеър билан ғазалнинг фарқига бормади. Одамлар яна гапиришади: қандай яхши ўқирди-я, таниш-билиши йўқлиги учун институтга киролмади, деб...

*Жумагул, агар эътибор бераётган бўлсанг ҳеч бир инсон ўз қилмишидан, ўз кечмишидан, ўз тақдирдан узоққа қочиб қутулолмас экан. Инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати унинг маънавий қиёфасини белгилаб туради. Утган йили Қарши шаҳрида 59 нафар йиғит-қиз ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади. Самарқанд медицина институтининг талабаси Нодира Хамроева шулар жумласидан. Кейин маъмул бўлдики, мактаб директори Вера Ивановна Мамонова ўша пайтда маъмул лавозимда ишлаб турган Гўзал Толиповна Хамроеванинг «хўрмати» учун унинг қизи Нодирага олтин медаль олиб берган экан. Буёна эмас. Қарши шаҳридаги савдо ташкилотларидан бирининг директори Р. Қаримов ҳам қизи Насиббага олтин медаль олиб бериш учун таниш-билишларини ишга солади. Шундай қилиб, 59 медаль соҳибининг катта бир қисми бундай унвонга нолийқ деб топилди.*

*Ёки бошқа бир мисол. «Қува районидagi мактаблардан бирини олтин медаль билан тугатган Ш. исми бола бир амаллоб Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган эди, — деди бу суҳбатда шу институтнинг доценти К. Юсупов. — Ўқиб даврида Ш. фанларни ёмон ўзлаштирди. Қурдошлари унга: «Сиз олтин медалсиз, фанлардан «аъло» ва «яхши» ўқишиниз, хулқиниз билан бошқаларга ибрат бўлишиниз керак», — деганларида, у: «Олтин медални онам олиб берса, мен йўқ дейманми?» қабилида жавоб берган. Онаси эса мактаб директори бўлган. Яқинда ўша медаль соҳиб фанларни ўзлаштиролмагани, хулқининг ёмонлиги учун институтдан ҳайдалди».*

*Юқоридаги воқеаларнинг маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ҳақда ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг ўзлари йўлаб кўришмайди, гап гаплигича қолаверади. Балки юқоридаги каби воқеаларда болаларнинг айби йўқдир. Балки улар ўзларининг олтин медалга муносиб ҳисобламас. Лекин ота-она, мактаб директори: йўқ, сен олтин медалга лойиқсан, дея уқтириб туришса, шўрлик болаёна нима ҳам қилсин. Ахир, ўзимиз унга — ота-онанинг, ўқитувчининг гапини қайтарма, деб таълим берамиз-ку! Бу нима? Гарбиянинг акс таъсирими? Йўқ, бу, ўша боланинг мешчанларга хос турмуш кечирувчи ўз ота-онасидан, хушомадгўй ўқитувчисидан олган ибрати... Бола ўзининг олтин медалга муносиб эмаслигини сезиб турса-да, атрофидagi кишилардан олган ибрати унинг қалбидagi ўша сезини бўғайди. Кейин... Кейин, ҳаёт шу экан-да, деб хулоса чиқаради бола ва ўзига ибрат бўлган кишиларнинг оқимида тушиб қолади. Қарабсанки, орадан кўп ўтмай яна бир мешчан, яна бир хушомадгўй пайдо бўлибди.*

*Жумагул, бир йилдан сўнг, сен ҳам мактаб қучоғини тарк этасан. Балки мактабни олтин медаль билан тугалласан. Гап бунда эмас. Гап сенинг ҳаётга, турмушга қай даражада тайёр эканлигингда.*

*Сезиб турибман, сен катта ҳаёт бўсағасида туриб, охириги қўнғироқ қалинишини сабрсизлик билан кутмоқдасан. У чалинади. Бу энди ҳаёт қўнғироғи... Бу қўнғироқ садоларидagi сохталикдан табиийликни, мунофиқликдан самимийликни фарқлай олишингни жуда-жуда истардим, жон синглим!*





Сафо Матжонов

# ШОИР КЎП, АММО НОСИР-ЧИ?

**Б**олалар прозасининг сўнгги йиллардаги ривожини кўпроқ қиссачиликда ўз аксини топмоқда. Раиссаларнинг тематик доираси кенгайди. Мактаб ва оила (Ф. Мусажонов. «Булоқ суви», Э. Қайимов. «Ажаб қишлоқ», С. Барноев. «Оқ лайлаклар»), тарихий-биографик (М. Норматов. «Шоирнинг болалиги», Э. Маликов. «Уқилмаган саҳифалар»), табиат ва инсон (С. Анорбоев. «Сузиб борар архарлар»), уруш ва болалар (Н. Фозилов. «Саратон», «Қаҳр ва меҳр») каби мавзулар турли жиҳатдан ёритилди. Саргузашт ва эртақ-қиссалар (Л. Маҳмудов. «Эски дуторнинг сирини», О. Хусанов. «Тоғда ўсган бола») ҳам беғубор болалик олами тасвирлашда янги изланишлар маҳсулидир. Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Қассоскорнинг олтин боши», Л. Маҳмудовнинг «Қопга яширинган одам» романларининг юзага келиши кичик жанрдаги асарлардан аста-секин ҳаётнинг кенг панорамасини чизишга, даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқишга ўтилаётганини кўрсатади.

Ҳикоячиликдаги изланишлар ҳам яхши самаралар бермоқда. Х. Тўхтабоевнинг «Кичик раис», «Ҳасса», Л. Маҳмудовнинг «Олтин қўллар», «Сирли хат», Н. Фозиловнинг «Иншо», «Кичкина деманг бизни...», С. Барноевнинг «Нон» ҳикояларида кичик қаҳрамонларнинг ҳаётга муносабатини кўрсатиш орқали уларнинг ички дунёсига теран назар ташланади, эстетик-тарбиявий жиҳатдан муҳим фикрлар илгари сурлади.

Болалар прозасидаги бундай сифат ўзгаришлари ёшлар ижодида қай даражада давом эттирилмоқда! Шу ҳақда сўз борганда, биринчи навбатда, Анвар Обиджоннинг номи тилга келади.

Анвар Обиджон кўпдан буюн болаларга шеърлар ёзиб юрсанда, яқин икки-уч йил ичидагина тилга туша бошлади. Чамамда, шоир шу давр ичида жиддий изланди. Машаққатлар самараси ўлароқ, тасвир услуби шакллана борди, асарларида самимий юмор ва фош этувчи сатирик руҳ кучайди. Бу эса ёш қаламкаш ижодига қанот бахш этди: «Баҳромнинг ҳикоялари» тезда ўз ўқувчисини топди. Муболағасиз айтиш мумкинки, шоир шеърлари хийла турғунлашиб қолган болалар шеъриятига жиддий туртки берди.

У яқинда «Эй, ёруғ дунё», «0099 номерли ёлғончи» каби қиссалар ва туркум ҳикоялар эълон қилиб, насрда ҳам ўз кучини синаб кўрди.

Ёзувчи туркум ҳикояларининг қаҳрамонлари ҳайвонлар, ҳашаротлар, парранда-даррандалардир. Шунга кўра, уларни, бир қарашда, масалга ҳам ўхшатиш мумкин. Лекин шаклан ҳам, мантиқан ҳам масал эмас, қолаверса, авторнинг ўзи ҳам бундай мақсадни кўзламаган. Кичик китобхонларнинг ҳайвонот оламига бўлган қизиқиши ҳисобга олиб ёзилган масал типидagi бундай асарларида муаллиф жониворлар образи воситасида инсоннинг мураккаб маънавий-руҳий дунёсини очишга интилади. Тўғрироғи, жониворларнинг турмуш тарзи мисолида айрим кишилар характеридаги иллатларни танқид қилади. Болаларни ундан тўғри хулоса чиқаришга, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий тафовутни англашга, инсоф ва адолатли, инсонпарвар бўлишга чақиради.

«Мушукнинг туши» да ҳикоя қилинишича, Сичқон Мушукнинг олдига арз қилиб келади. Нақд ўлжани таппа босишга ўрганган Мушук Сичқоннинг қўшнисини билан жанжаллашганини эшитгач, ўша зўравонни ва гувоҳларни айтиб келишни буюради. Лақма сичқонлар бирин-кетин кириб келишади. Мушук мулоимлик билан уларни ўтиришга таклиф қиладию шоша-пиша эшикка тамба уради.

Кўринадики, бу ерда ёзувчи лақмаликка муносабат билдирипти, лақмалик эса — инсонга хос камчилик. У олғирлик билан товламачиликка кенг йўл очади, шу туфайли ҳаётда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳикоядаги арзгўй сичқонлар қисматидан шундай хулоса келиб чиқади. Асардаги Мушук образи ҳам автор эътиборидан четда эмас. Ёзувчи у орқали ҳажв тигини фақат оғиздагина саховатпеша, аслида олғир ва товламачи кимсаларга қаратади.

Тасвирдаги шартлилик, кеса тағида нимкоса, кескин ҳажвий руҳ «0099 номерли ёлғончи» қиссасида янада чуқурроқ акс этади. Асар бош қаҳрамони «Бабачоқ» фермасининг 0099 номерли жангари Улоққасидир. У ўтакетган ўзбошимча, сурбет, такаббур, амалпараст ва ёлғончи, айна чоқда, лақма ва гўл одамларнинг рамзий умумлашма образидир.

Қиссадаги Улоқча саргузаштлари амалпарастлик ва ёлғончиликнинг умри қисқа, ҳоли вой бўлишининг қизиқарли ифодасидир. Унинг оғир синовлардан ўтиб, тўғри йўлга тушиб олиши китобхон учун ҳаётини сабоқ бўлиб хизмат қилади.

«0099 номерли ёлғончи» қиссаси образлари, сюжет қурилиши, композицияси ва ғоявий мазмуни асарнинг, шубҳасиз, бетаним изланишлар маҳсули эканлигини кўрсатиб турибди. Изланиш бор жойда тараққиёт давом этади. Лекин ҳар қандай изланиш ҳам муваффақиятли яқунлавермаслиги мумкин. Бинобарин, ёзувчининг «Ҳаққа холанинг иғволари» туркум ҳикоялари шундай таассурот туғдиради.

Иғво — ўз номи билан иғво. Биринчи «иғво»да Баҳром деган боланинг ёшига етмасдан биринчи синфга ўқишга боргани, иккинчисида Икромнинг сариқлиги, учинчисида Нодиранинг писмиқлиги, тўртинчисида Равшанининг сақич чайнаши иғво қилинади ва ҳоказо. Маълум бўладики, ёзувчи Баҳромнинг ёшига етмасдан мактабга боргани ёки Икромнинг сариқлиги хусусида сўз юритиш билан бирор фикр айтмоқчи эмас. Аксинча Ҳаққа холанинг ўз-ўзини фош қилишини кўрсатиш орқали иғвогарлик устидан ҳукм чиқаряпти. Аммо туркумдаги барча ҳикоя айнан шу маънони ифодалашга қаратилгани учун



икки томчи сув каби бир-бирдан фарқланмайди. Бинобарин, ўқувчини зериктириб қўяди.

«Боймамат бешинчи» ҳикоясида Боймамат деган боланинг ўқишда қолюқлиги сабаблари унинг колхоз боғидан олма ўғирлиқни уюштириши мисолида ишонарли тарзда очилади. Асарда Боймаматнинг бегақлиги, дарсларга ҳафсаласизлиги, синфдошларига зўравонлиги тасвирланган ўринлар ўқувчида турғун ва оғир характерли болани тасаввур қилишга имкон беради. Кўринадики, Боймамат осонликча таслим бўладиганлар хилдан эмас. Шундай болалар аълочилиги сафига қўшилиб, тўғри йўлга тушиб олиши мумкинми! Албатта мумкин. Бунга А. Обиджон ҳам мумкин, деб жавоб беради ва Боймаматни илгор ўқувчилар сафига ўтказади. Аниқроғи, аълочи бўлганлигини хабар қилади. «Илгор математиклар, — дейди ҳикоя қаҳрамонларидан бири, — маслаҳатни бир жойга қўйиб, Боймамат Бешинчини оталиғимизга оладиган бўлди. Кўнглига йўл топиш учун иложи борича ўзимизни унга яқин тутат бошладик, барча инжиқликларига ҳам, кўполликларига ҳам чидадик, бора-бора иноқлашиб кетдик. Ҳозир у математикани ҳурмат қиладиган бўлиб қолди. Бу фандан «уч» олган кунни қовоқ-тумшўғи осилиб, астойдил ранжийди ҳам».

Болалар прозасига кириб келаётган умидли ёшлардан Абдусайд Кўчимовни ҳам адабий жамоатчилик шу пайтгача шоир сифатида танир эди. Ёш қаламкаш «Менинг юлдузим» ҳикоялар тўпламини эълон қилиши билан қобилиятининг янги қиррасини — ўсмирлар дунёсининг шеърга сизмаган, шеърда ифодалаш қийин бўлган жиҳатларини кўрсатишга интилади.

Ёзувчи «Бойчечак» ҳикоясида Қўзивой деган бўш-баёвгина боланинг бошқаларга ёрдам бериш йўлидаги интилишларини, ҳиссиётининг нозиклигини тасвирлаш билан эзгуликни улўғлайди. У бунинг учун қаҳрамонлар характерларидаги нурули нуқталарини эмас, заифликларни ҳам назардан қочирмайди. Шу сабабли Қўзивойнинг қалби қанчалик мусаффо, самимий бўлмасин, ўқувчида зарур пайтда ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашишга ожиз кимса сифатида таассурот қолдиради.

Характер мантиқига кўра, ҳаммага майна бўлиб юрадиган Ҳамдам ҳам («Қочоқ») Қўзивойга яқин туради. Ёзувчи пахта йиғим-теримига ҳашарга чиққан қаҳрамоннинг ички дунёсини очиш орқали ёшларни виждонли, ғурурли, ҳалол бўлишга чақиради.

Ҳамдам ҳар қанча бўш-баёв, иродасиз бўлмасин, виждонни уйғоқ. У Тугалнинг барча таъна-таъйиқига чидаसा ҳам, тунда шерикликка пахта ўғирлашни ҳазм қилолмайди. Ўғирликдан ҳазар қилади, ҳатто ўзидаги мўмин-қобиллик, қўрқинч ва ишончсизлик ҳиссини енгиб, зўравон рақибларига қарши чиқади.

Ҳамдамнинг характер мантиқига зид иш тутуши — ўз-ўзини англашини кўрсатади. Бизнингча, ҳикояни шу ўринда якунлаш лозим эди. Чунки конфликт ўз-ўзидан ечимга келган. Ёзувчи эса воқеани давом эттириб Ҳамдам билан унинг рақиблари — Ҳожи ва Тугал ўртасидаги зиддиятни яна чўзади.

Рақиблар Ҳамдамни қақимчиликда айблаб, калтаклайдилар, бу ҳам етмагандек, ўғрига чиқарадилар, уйқудалигида устидан совуқ сув куюдилар. Бундай хўрликларга чидамаган Ҳамдам ҳашардан уйига қочади. Қочиш билан ҳеч нимани исботлаб бўлмаглигини тушуниб етгандан кейин эса орқасига қайтади. У энди ўзидаги қўрқинч ҳисси ва андишани батамом енгиб, рақибларининг барча кирдикорларини фош қилишга қатъий қарор беради.

Кўринадики, ҳикоя қаҳрамонининг ўз эътиқодига қарши бориши (ўғирликдан ор қилиб, рақибларига қарши чиқиши) билан қадр-қимматини ҳимоя қилишга қарор бериши (рақибларининг кирдикорларини очиб ташлашга чоғланиши) ўртасида унчалик катта тафовут йўқ. Бинобарин, кейинги воқеалар қаҳрамонлар характери ривожига автор кутган даражада туртки бермайди.

Асар воқеасининг қай тарзда якунланишини майда икки-чирларигача бирма-бир тасвирлаш композицион яхлитликка соя солгани каби, сюжетга ҳам путур етказди. Натижада ўқувчини зериктириб қўяди.

Назаримда, ёзувчи мазкур ҳикояларидаги қаҳрамонлар характерларидаги эгизаклик ҳусусиятлари ҳақида ҳам ўйлаб кўриши зарурга ўхшайди. «Қочоқ»даги Ҳамдам билан «Бойчечак»даги Қўзивой бўш-баёвлиги, мўмин-қобиллиги, Тугал билан Мурод эса мунофиқлиги, ғирромлиги жиҳатидан бир-бирига яқин туради. Бундай эгизаклик схематизмга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Ёш ёзувчиларнинг изланишлари ҳақида сўз кетганда, Аскар Қосимовнинг «Оқуш», Туроб Мақсуднинг «Катталар ва мен» қиссаларини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Уларнинг биринчисида Оқуш номили кучук образи воситасида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш кўрсатилса, иккинчисида мурғак қалб кечинмалари орқали болаларнинг сеҳрли олами инсон ҳаётининг қайтмас тўлқинлари сифатида қаламга олинади. Уларда ёзувчиларнинг нуқтан назари, фикрлаши, сўзлаш манераси кичик қаҳрамонларга кўчмаганлиги авторларнинг болалар адабиёти табиатини ўзлаштирганлигидан далолат беради.

Булар болаларга бағишлаб асар ёзувчи ёшлар ижодида муайян изланишлар кечаётганини кўрсатади. Изланишлар бор, аммо... кўнглидагидек эмас. Муқимжон Ниёзовнинг «Изингиздан боряпман», Қўлдош Бекжирзаевнинг «Қишлаб қолган қалдирғоч» қиссалари муаллифларнинг ижод масъулиятини енгил тушунишдан бошқа нарса эмас.

«Изингиздан боряпман»да қаҳрамон характер мантиқига кўра эмас, автор хоҳиши билан ҳаракатланса, «Қишлаб қолган қалдирғоч»да катталардек ақл-идрок эгаси бўлиши билан китобхонни ишонтирмайди.

Табиатни асраш мавзуга бағишланган бу қиссанинг сўнг сўзида айтилганидек, ёзувчи Бўстонбек тимсолида табиатга муҳаббат ғоясини илгари сурмоқчи бўлади. Автор берган маълумотларга кўра, Бўстонбек аъло ўқийди, ноҳақликни кўрса чидаб туролмайди, табиатга муҳаббати баянда. Бундай сифатларнинг кўпчилиги болаларга хос фазилат эканини ҳеч ким инкор қилмаса керак. Лекин у асарда қай даражада ифодаланган! Қаҳрамон нимаси билан ёш китобхонни ўйлантириб қўяди!

Қиссани варақлар экансиз, Бўстонбекнинг мактаб ҳовлисига ўзига эккан кўчатни ҳимоя қилиб болалар билан уришганидан хабар топасиз. Кейин синфдошлари ҳақидаги мақолада унинг номи берилмагани, лагерьда у тутган тошбақадан вожаданининг беҳос чўчиши, шундан сўнг уйига қайтиб келиб, қалдирғочларни кузатиши, соч олдириши, қишлоққа — аммасиникига бориши, у ерда кучукни безори боладан ҳимоя қилиши, уйларида қишлаб қолган қалдирғоч боласини парваришлаши ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу ерда маълумот сўзини бекор қўзлаётганимиз йўқ. Сабаби, қаҳрамоннинг табиат оламига қизиқиб асосланмаган. Ваҳоланки, у табиатга шу даражада фидойики, мактаб ҳовлисига бир туп беҳи кўчати экканидан кейин «мактабга келишга ошиқадиган, дарсдан чиқишни сабрсизлик билан кутадиган, кўчатга меҳри товланиб анча-анчага унинг атрофида айланиб юрадиган бола». Унинг шу тахлит кейинги хатти-ҳаракатлари ҳам ўқувчида ҳис-туйғу уйғотмайди. Чунки ўша вазиятларда унинг хаёлидан нималар кечгани, бир сўз билан айтганда, ички руҳий олами тасвири йўқ. Қаҳрамонни ёш китобхонга иборат қилиб кўрсатиш мақсадида келтирилган эпизодлар оддий тафсилотдан иборат бўлиб қолгани туйғайли характер ривожига ҳам хизмат қилмайди. Илгор ўқувчилар ҳақида эътибордан газета мақолалари руҳидаги, чучмал қаҳрамонлиқни тарғиб этувчи шу типдаги схематик асарларнинг тарбиявий нафи кам.

Умуман, болаларга асар ёзувчи ёш қаламкашларнинг самарали изланишларини маъқуллаган ҳолда, уларнинг камчиликлари илдзини катта адабиёт майдонидан излаш лозим.

Жамиятимиз тараққиётида таълим-тарбия етакчи роль ўйнайди. Лекин ҳанузгача ўрнатилган даражадаги ўқитувчи образига эга эмасмиз. Умуман, мактаб ҳаёти, пионер отрядларидаги ишлар қисман ва фақат йўл-йўлакай ёритилмоқда. Интернационал дўстлик, чет эл болалари ҳаёти, эскилик сарқитларига қарши кураш сингари даврнинг актуал мавзулари, аксарият, ёзувчилар эътиборидан четда қолмоқда. Мактабга тарбия ёшидаги ва мактаб ёшидаги кичик болалар Маҳмуд Муродовдан бўлак профессионал ёзувчисига эга эмаслар.

Болалар адабиётига кейинги йилларда кўплаб талантли ёшлар кириб келди, аммо проза соҳасида бундай деб айтиш мушкул. Болалар насрини янги ижодий босқичларга кўтаришда муносиб ўринбосарлар керак. Таниқли танқидчи Озод Шарафидинов бир мақоласини «Шеър кўп, аммо шоир-чи!» деб номлаган эди. Болалар адабиётининг ёш авлоди ҳақида ўйлаганда эса беихтиёр «Шоир кўп, аммо носир-чи!» деган савол хаёлга келади. Бу эса ўз навбатида болалар прозаси билан шуғулланувчи ёшлар ижодига жиддий эътибор беришни таълоқ этади.



## «Сеҳрли сўз» хусусида



Шоир Муҳаммад Солиҳнинг болалар адабиёти ҳақида баҳс этган «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» («Ёшлик» журнали, 1984, 12-сон) номли мақоласи бир журналхон сифатида менда таажжуб уйғотди. Мақоладаги болалар шеърлятида «бўлар-булмас қофиялар тўқилиши», «сийқаси чиқиб кетган композиция»ларнинг такрорланавериши, ўз моҳиятини йўқотаётган, сифатсиз (битта мисол келтирилган, холос) таржима асарлари, бадийлик, маҳорат ҳақидаги фикрларни бирмунча ижобий баҳоласа бўлади. Аммо автор ўзига хос шоирона эҳтирос билан болалар адабиётини тушунишда ва талқин этишда ҳаққонийлик чегарасидан четлашганини таъкидламоқчиман.

Биринчидан, ҳар қандай фикр далил билан кучли ва қудратлидир. Муаллифнинг болалар шоирлари хусусидаги сўзларида бу нарса кўринмайди. Чунончи: «...бу киши — болалар шоири, ёзган шеъри қанчалик ёмон бўлмасин, ҳали болаларимизнинг бирортаси майиб бўлгани йўқ...», «Афсуски, бу одам болалар шоири — унинг китобидан майиб бўлган бола ўз мажруҳлигини ҳеч қачон билмайди — шеър шу экан-да, деб ўқишда давом этаверади» қабилдаги далилсиз мулоҳазалар умумий гаплардан нарига ўтмайди. Автор таъкидлагандай, болаларни «майиб» ва «мажруҳ» этувчи асарлар, «китоблар» ўзбек болалар адабиётида бор бўлса, аниқ мисол билан ёзиш жонз эди. Болалар шоирлари китобларини: «...ёғочдан ясалган от каби бир жойда туриб чопайди, бир жойда туриб кишнайдми», дейилади. Бу борада муаллифнинг маҳорат билан ёзилган, савияси баланд асарлар тарафдори экани сезилиб турибди. Бироқ бу фикрлар болалар адабиётини ерга уриш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Болалар шоирлари тўпламларини ёппасига «алдамчи китоблар»га чиқариш ҳам адолатдан эмас. Ёш гражданлар маънавиятидаги инсонпарварлик фазилатларига футур етказадиган, коммунистик маслағимизга хилоф «алдоқ»чи асарларни нашрнётларимиз чоп этмоқда, деб даъво қилади мақола автори. «Алдагани бола яхши» ниқобида чиқарилаётган қандайдир китобларни: «Китоблар, нега менинг болагимни алдадингиз!» деб сўроққа тутайди.

Иккинчидан, мақола муаллифи истеҳзо билан «кап-катта одам»лар — болалар адабиёти мутахассислари, педагоглар, адиллар, серферзанд ота-оналар устидан кулади: «Мана, кап-катта одам кеча кечаси билан, бугун кунин билан болалар учун чиққан китобларни варақлаб ўтирибди: мактаб ёшигача,

кичкинтоилар учун, ҳатто фалон синф ўқувчилари учун деган... китобчалар», дейди. Болалар ва ўсмирларни тарбиялашда кечани-кеча, кундузни-кундуз демай заҳмат тортаётган фидойи кишиларни нодонга чиқаради.

Учинчидан, мақолада «Оврупо мушоҳадасига хос» тарздаги ибора келтирилиб, «Шарқ ҳеч қачон ўз болалари учун махсус китоблар ёзмаган» деган фикр айтилган. Ўзбек совет болалар адабиётидаги «Оврупоча мушоҳада» хусусида билдирилган мулоҳазалар ноўрин ва конкрет эмас. Шарқнинг болалар учун «махсус китоблар ёзмаган»и масаласига келсак, ўзил-кесил бир фикр айтишга ҳали эрта. Зеро, болалар адабиёти принциплари нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этилиши зарур бўлган бой ва ранг-баранг халқ оғзаки-поэтик ижоди ҳамда «Қалила ва Димна», Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатинома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» («Саодатга йўлловчи билим»), Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар ҳақаси»), Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган дostonлари каби узоқ тарихга молик китобхонлик тамойилига кирувчи манбаларнинг мавжудлиги кўзу қошдек аниқ. Авторнинг кенг маъноли «Шарқ» тушунчаси доирасидаги ҳинд, форс-тожик, араб, туркий халқлар тилларида яратилган мазкур қадимги ноёб, нодир қўлёмаларни ўқиб, таҳлил этиб, бунга ўзича ишонч ҳосил қилиб, болаларга «махсус китоблар» ёзилмаган, деган қатъий ҳукмига шубҳаланаман. Ҳар ҳолда, «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» нақлига биноан, аини мулоҳазалар муаллифнинг виждонига ҳавола. «Оврупоча мушоҳада» бобида «Билмасвой» образи динамикилиги таъсирдан негадир авторнинг хуноби ошади. Ахир, бадий образнинг тадрижий тараққиётда кўрсатилиши — динамикилиги муаммоси умумий адабий-бадий қонунят тарзида, миллий ўзига хослик истисно қилинмагани ҳолда ўзaro интенсив алоқада турган жаҳон халқлари адабиётига, шу жумладан, ўзбек болалар адабиётига ҳам хосдир. Ойнадек равшанлиги яна шундаки, умуман адабий-бадий тафаккурнинг бошқа соҳалар сингари тор миллий маҳдудликда, «Оврупоча мушоҳада» талқинидагидек чекланишда эмас, балки самарали ижодий интернационал муштаракликда камол топиши, юксалиши қонуний ва тарихан табиий ҳодиса-жараёндр.

Тўртинчидан, мақола муаллифи болалар шоирлари ва адилларнинг иззат-нафсларига тегадиган баъзи фикрларни баён этади. Уларнинг асарларини «олди-қочди»га, ўзларини шунчаки тирикчилик ўтказиш учунгина адабиётга кириб келганларга чиқаради. Мақолада: «...ҳозирги чиқаётган китобларнинг тўқсон фоизини нашр қилмаслик керак... Тўқсон фоиз шоиру шуарони рўзғор тебратилдик улғу ишидан мажрум қилишга тўғри келади-ку...» деб киноя қилади. Болалар адабиётимизни бутуниттифоқ ўқувчиларига танитган, ҳатто дунё миқёсига кўтариллишига улғу қўшган Султон Жўра, Амин Умарий, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Ёқубжон Шукуров, Носир Фозилор, Латиф Маҳмудов, Фарҳод Мусажонов сингари адиллар ижодини негадир назар-пиханд этилмайди.

Бешинчидан, мақолада болалар адабиётини, унинг тараққиётини кескин рад этган ўринлар мавжуд: «Менинг талабим қаёққа борарди. «Болалар адабиёти» деган бутун бир корхона аллақачон ишга тушган, уни тўхташиб бўлмайди», дейиш билан ҳам қаноатланмай, автор яхшилик, эзулик, оптимизм, ватанпарварликни бола тили, дили, диди, руҳиятига уйғун, санъаткорона соддаликда тасвирлашни — болалар адабиёти табиатини жон-жаҳди билан йўққа чиқаришга тиришади. Қандайдир «сўлгин эҳтиёж»лар ҳақида сўзлайди: «Сўлгин эҳтиёж устида йиғлаймиз, холос. ...Шахсан мен бу масалада йўл топдим: жавонларимдаги бор китобнинг ҳаммасини, болаларга аталмаган неки китоб бўлса, барини уларга бераман, тақиқни бекор қиламан. Ўқийверсинлар, бола ақли етса, ўзига керагини топиб ўқийди», деб хитоб қилади. Бундан чиқди, ҳали сут тиши тушиб улғурмаган, дили бегубор кичкинтойларга «Декамерон», «Азизим», «Телба» каби романларни ўқишга тавсия этса бўлаверар экан-да! Мақолада А. Луначарский,

Н. К. Крупская сингари мутафакирлар, М. Горький, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний, Уйғун, З. Диёр каби адаблар, С. Ражабов, Ҳ. Ёқубов, Ғулом Каримов, Шокир Сулаймон, С. Долимов, П. Шермухамедов, С. Мамажонов, М. Юнусов, А. Суёмов, У. Рашид каби олимларнинг болалар ва ўсмирлар адабиётининг манбалари, тарихий тараққиёти, бадий-психологик ўзига хослигига доир мулоҳазаларига беписандлик билан қаралган. Автор «шеърый нафосатин... нозик дидин» тарбияладиган китобларни болалар томонидан ўқилишини «тақиқ»лашда мутахассисларни ўринсиз тергаб, айблайди. Болалар адабиёти табиатини инкор этар экан, ўзига-ўзи қарши чиқиб: «Болани мазмундан аввал мусиқаси ўзига тортади», дейди. Бола қалбини ром этишга қодир ўша «мусиқа»вийликнинг ўзи болалар адабиётининг ташқи — формал спецификасига кирмайди! Мутахассислар «мусиқа»вийликнинг бола идрокига оғирлик қилмайдиган ибратли ва тушунарли мазмун, ғоя билан сўғорилишини алоҳида таъкидлашга ёмонми! Буюк Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом шеърларига доир фикрлар ҳам чалқаш ва китобхонни чалғитишдан бошқа нарса эмас. Муаллиф: «...болаларимиз ўқиётган китобнинг (!) савияси тубан», — дейдию яна факт келтирмайди. Рус, украин, белорус халқлари болалар адабиётлари ҳақида мунозарачилар авж олган 30-йилларда ҳам ўзбек ёзувчилари, танқиди-адабиётшунослари миллий болалар адабиётимиз хусусида бу қадар ножоиз сўзларни айтмаган эдилар. Болалар адабиётимизга доир бу фикрлар ўтмишда «Харьков мактаби» деб номланган уюшманинг болалар адабиётига тазйиқ руҳидаги қарашларини, хуружларини эслатади. 1930 йилда ЦБКДД (Центральное Бюро Ком. Дет. Движение) нашриётида босилган «Биз эрталарга қаршимиз» («Мы против сказки») номли тўламада миллатчиликдан ташқари катта ёшли кишилар сингари болалар ҳамма

нарсани тасаввур этишга, англашга қодирлар, деган нотўғри фикрни тарғиб этган эдилар. Узларини марксист деб ҳисоблаган Соколянский: «Умуман, махсус болалар китобчалари зарурмикин! Узимга ўзим жавоб бериб айтманки, болалар адабиёти керак эмас», деса, Бервицкий болаларнинг «ёш белгилари» («ёш даврлари»)ни, адреслиликини рад этиб, болалар адабиётини янги катталар адабиётига айлантириш керак деган эди. («Детская литература», 1930, с. 5). КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кўпмиллатли совет болалар адабиётини юксалтириш ҳақидаги қатор тарихий қарорлари, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бир неча кенгашлари болалар ва ўсмирлар адабиёти равнақи ва истиқболини белгилашда ижодкорларга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда. Болалар адабиёти, болалар адаблари ва мазкур соҳа мутахассисларининг мавжудлигидан нолиш, афсусланиш, болалар адабиётининг миллионлаб шинавандаларини мазах-киноя билан тилга олиш шу боисдан ҳам истиқболсиздир.

Мақола автори «Сеҳрли сўз» ниқобида болалар адабиётига киброна-менсимаслик билан қараб, субъектив тушунчаларни ёйишга уриниб, ўзини умуман адабиётнинг жонқуяри кўрсатиб, жамоатчиликнинг бу хусусдаги тасаввурини туманлаштиришга интилади ва аллақачон улоқтириб ташланган эски гапни роса эллик беш йил ўтгандан сўнг такрорлайди. Бироқ минг йиллар давомида фарзандлар тарбиясига, ахлоқига доир ўзининг ранг-баранг аъъанавий дидактикасига эга бўлган халқимиз М. Солиҳ тарғиб этган бундай асоссиз «Мутולהа»лардан чалғимасликларига имоним комилдир.

Мамасодиқ ХУСАИНОВ,  
филология фанлари кандидати

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор республика Ёзувчилар союзи пленумида (1946 йил) сўзлаган нутқида: «Катталар учун ёзилган китобда йўл қўйилган хатони тузатиш мумкин, лекин болалар учун ёзилган китобда кетган хатони тузатиб бўлмайди, бу хатодан бола огоҳлантирилса, хато унинг зеҳнига чуқурроқ ўрнашади», деган эди. Дарҳақиқат, бола қалби — мурғак қалб ўта нозик бўлади, гўё сезгир оҳанрабога ўхшайди: нимаики эшитса, нимаики ўқиса дарҳол ўзига «тортади» — юқтиради. Баркамол инсоннинг дунёқараши асосан болаликда шаклланади. Барча прогрессив ёшларнинг севимли ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюпери таъкидлаганидек: «Бизнинг ҳаммамиз болаликда камол топамиз». Шундоқ экан, болалар адабиётининг савияси унинг олдида турган коммунистик жамият кишини тарбиялашдек улғувор вазифалар даражасида бўлиши зарурлиги ўз-ўзидан равшандир.

Азиз журналхон! Ёдингизда бўлса, журналимизда («Ёшлик», 1984 йил, 12-сон) иштейдодли шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» эссеси эълон қилинган эди. Унда, жанр табиатиға мувофиқ равишда, ҳозирги кундаги ўзбек совет болалар адабиётини мавжуд айрим камчиликлар хусусида мулоҳаза юритилган эди. Муҳаммад Солиҳ «ўзига хос шоирона эҳтирос»га меъёрдан ортиқроқ берилган, ҳаяжонланган бўлиши мумкин, албатта. Чунки «Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катта қилиб кўрсатадиган микроскоп керак» (А. Қаҳҳор). Зотан, биз эссени эълон этаётганимизда муаллифнинг яхши ниятда қайғураётганини, болалар адабиётини янада баланд савияда кўришни истаётганини эътиборга олган эдик.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Алламуродов ҳақли равишда эътироз билдирганидек: «Баъзан... болаларга атаб ёзилган асар катталар учун тайёрланган нутқни эслатади. Бу ерда ҳамма «керакли» сўзлар учрайди-ю, лекин ўқувчини ўзига жалб қиладиган қизиқарли шакл бўлмайди» («Ёшлик», 1985 йил, 3-сон). Шакл ва мазмун бирлиги эса, социалистик реализм методининг бирламчи мезонидир. Зеро, «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» муаллифи танқид қилган сийқа ташбеҳлар, сийқа сюжетлар, сийқа образлар ҳеч қандай адабиёт учун, жумладан, болалар адабиёти учун ҳам фазилат саналмайди.

«Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» эссеси билан бошланган мунозаранинг давоми сифатида журналимизнинг ўтган сониде Турсунбой Адашбоевнинг «Боладек беғубор бўлсин!» ва Анвар Обиджоннинг «Камроқ хитоб, кўпроқ китоб» мақолаларини эътиборингизга ҳавола қилган эдик. Бу мақолаларда ҳам ўзбек совет болалар адабиётининг бугунги ютуқ ва камчиликлари, муаммолари хусусида сўз юритилган эди. Филология фанлари кандидатлари Сафо Матжонов ҳамда Мамасодиқ Хусайновнинг мазкур мақолаларида ўша мунозара давом эттирилди.





**Энмарк Солиҳов,  
Ашурали Жўраев**

# Эстрада: муаммолар калити қаерда?

*ҚПСС Марказий Комитети 1984 йил 19 июнда  
«Вокал-чолғу ансамллари фаолиятини яхшилаш,  
улар репертуарининг  
ғоявий-бадиий даражасини янада  
юксалтириш ҳақида» махсус қарор  
қабул қилган эди.  
Мазкур қарорни амалга ошириш юзасидан  
республикамизда  
муайян ишлар қилинди: эстрада жанрида ижод  
қилаётган  
турли коллективлар фаолияти атрофлича  
ўрганилди, махсус тадбирлар  
белгиланди. Бироқ бу соҳада ҳали ҳал  
этилиши  
лозим бўлган жиддий муаммолар ва талай  
камчиликлар мавжуд.  
«Ўзбекконцерт» бирлашмаси директори,  
Ўзбекистон ССРда  
хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли  
композитор Энмарк Шокирович Солиҳов  
билан журналист Ашурали Жўраевнинг  
ушбу суҳбати ҳам эстрада  
жанрининг бугунги долзарб  
муаммолари ва эртанги истиқболи хусусида.*

**А. Жўраев.** Маълумки, сўнгги йилларда ёшларимиз ўртасида кино ва музикага бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Энг муҳими, бу икки жанр ғоявий-бадиий тарбия соҳасида катта аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолни аниқсра эстрада жанри ниҳоятда тез оммавийлашиб кетаётганидан ҳам кўриш мумкин. Айтайлик, бирор янги эстрада ансамбли ёки хонандаси пайдо бўлиши билан дарҳол тилга тушади, ўз мухлисларини топади. Бир сўз билан айтганда, эстрада жанри санъат шинавандалари орасига «яшин тезлиги»да кириб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин масаланинг иккинчи бир муҳим томони ҳам бор: биз кучли ғоявий тарбия қуролимиз бўлган эстрада жанри имкониятларидан қай даражада фойдаланяпмиз! У санъат мухлисларини, хусусан ёшларимизни ҳар жиҳатдан камол топишларида қандай роль ўйнапти! Умуман, бугунги ўзбек эстрадаси, унинг репертуари тингловчилар талабига жавоб берадими! Агар мумкин бўлса, суҳбатимизни шу саволлар атрофида бошласак.

**Э. Солиҳов.** ҚПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида эстрада санъати ҳақида жиддий ва ҳаққоний танқидий фикрлар айтилди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг эстрада жанри тарақиётига кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Социологларнинг ҳисобларига қараганда, биз тинглайдиган музикаларнинг 90 фоизини эстрада музикаси ташкил этаркан. Бу жуда катта рақам. Шу билан бирга, у музиканинг бошқа жанрлари тақдирини ўйлаб кўришга ҳам даъват этади. Ахир симфоник ва камер асарларимизнинг етарли даражада оммалашмаётганига ҳам маълум маънода, сиз юқорида айтгандек, эстраданинг «яшин тезлиги»да ўсиб бораётганлиги ҳам сабаб. Шунинг учун мазкур жанр ривожига ҳар томонлама жиддий эътибор беришимиз керак.

Ўзбек эстрада санъатининг ривожига таниқли хонандаларимиз — Ўзбекистон ССР халқ артистлари, марҳум Ботир Зокиров, Муҳаббат Шамаева, республикада хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова, Мансур Тошматов, «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг ижодий коллективи катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг изидан бу соҳага кўплаб истеъдодли ёшлар кириб келяпти.

Эстраданинг асосий вазифаси замондошларимизни ғоявий-бадиий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маънавий ва эстетик қарашларини коммунистик идеаллар руҳида камол топтиришдан иборат. Бу борада ВЧА (вокал-чолғу ансамбл)лари қатор тадбирлари амалга оширмоқдалар. Айтиш мумкинки, бундай ансамбллар 80-йилларда музика маданиятимизнинг олдинги сафларидан жой олдилар. Уларнинг профессионал маҳоратлари ошиб бормоқда.

Эстрада — республикамиздаги янги санъат жанрларидан. У асосан ёшларимиз ўртасида сммавийлашиб кетди. Лекин ёш санъаткорларимиз эстраданинг барча имкониятларидан яхши фойдаланяптилар, деб бўлмайди. Шу сабабдан бўлса керак, ёшларимиз ўртасида эстрадани бирёқлама тушуниш ҳоллари учрайди.

Тўғриси, биз — композиторлар ҳам, хонандалар ҳам ҳали бу жанрнинг «ичига» кириб кетганимиз йўқ. Айтиш мумкинки, ўзбек эстрадаси ҳозир ўсиш-ўлғайиш палласида.

**А. Ж.** Лекин шу нарсани ҳам тан олишимиз керакки, ВЧАларнинг барча ҳам юксак дидли тингловчилар талабини қондирипти, деб бўлмайди. Аввало, улар репертуарида мазмунан саёзлик кўзга ташланади, музика ифодаси эса бадиий жиҳатдан ғариб, қуйлаётган қўшиқларининг аксарияти жўн, зерикарли суҳбатга ўхшайди. Баъзи қўшиқчиларнинг саҳнага кийиб чиқадиغان кийимлари замонамиз кишиларининг дидига мос тушмайди. Айрим ансамблларнинг иштирокчилари соч-соқолларини ҳаддан ташқари ўстириб олишган. Бундай нохуш кўринишлар аниқсра ёшлар тарбиясига салбий таъсир этади. Ҳатто уларга кўр-кўрона тақлид қилаётган ёшлар ҳам учрайди. Бу аҳволда ВЧАлар эстрада санъатимиз ривожига қўшилгандек ижобий таъсир кўрсатаоладими! Ҳатто янги тузилаётган ансамбллар ҳам уларга тақлид қилишмоқда.

Э. С. Гапларингизда жон бор. Утган йили СССР Маданият министрлигининг махсус қарорига биноан иттифоқимиздаги, жумладан, республикаимиздаги ВЧАлар фаолияти батафсил ўрганилди. Шу комиссиянинг аъзоси сифатида шуни айтишим керакки, чиндан ҳам «тасодифан» тузилган ВЧАлар «урчиб» бораётган экан. Хўш, уларга ким йўл очиб берапти! Бунга биринчи галда область ва район маданият бошқармалари, бўлимлари ҳамда қатор ижодий ташкилотлар айбдор. Чунки улар янги тузилаётган ансамбль тақдирин билан, унинг бўлажак аъзолари фаолияти билан етарлича шугулланмайдилар. Кўпгина ВЧАлар узун рўйхатларда юриш учунгина «тузилади». Текшириш жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, баъзи ансамбллардаги чолғучилар, ижрочиларнинг кўпчилиги музика илмидан йироқ — шунчаки ҳаваскорлар, холос. Афсуски, ҳаваскорлар билан профессионал ансамбль тузиб бўлмайди. Бу ишга енгил-елпи қараётган раҳбарлар хато қиладилар.

Ансамбль тузишдан олдин томошабинларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши, танланган созандаларининг музика бўйича махсус билимга эга бўлишлари, кадрлар ҳар томонлама ўрганилиши керак. Тузилган ансамбль бирор юқори ижодий ташкилот ёки таниқли санъаткорлар томонидан имтиҳон қилинса ёмон бўлмайди.

ВЧАларнинг репертуар масаласи ҳамон муаммолигича турибди. Текширув давомида мазмунан саёз қўшиқларнинг кўпчилиги репертуарлардан олиб ташланди. Лекин бу ғоявий-бадий жиҳатдан заиф ва жўн қўшиқлардан қутулдик, деган гап эмас. Сон кўп-у, сифат оз. Ансамблларимиз репертуарида ўзига хос оҳанглар билан йўғрилган қўшиқлар кам. Шинавандалар эса, маълумки, биринчи галда қўшиқнинг муסיқийлигига, сўзларининг мазмундорлигига катта эътибор берадилар. Мустақил репертуарга эга бўлмаган ҳар қандай ансамбль узоққа бормайди, томошабин назаридан четда қолади. Репертуар — ансамблнинг ойнаси. Унда чолғучи ва хонанданинг маҳорати, бадий шавиясию таланти яққол акс этади. Афсуски, кўпгина ВЧАларнинг ижодкорлари бунини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Улар кўпинча «тайёрга айёр» бўлиб олишади, яъни бошқа ансамблнинг ё хонанданинг қўшиғини «ўзлариники» қилиб олишади. Баъзилари эса чет эл ансамблларининг шовқин-суронли музикасига муккасидан кетишади. Ҳатто уларнинг кийимларига ҳам тақлид қилишади. Эстрадада фақат репертуар эмас, балки хонанданинг кийиниши ҳам

муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Биз, санъаткорлар аввало тарбиячи эканлигимизни асло унутмаслигимиз лозим.

ВЧАлар ортиқча шовқин-сурон, ажнабий кийимлар, енгил-елпи ҳаракатлар билан эмас, балки юксак ижро маданияти ва дидли кийиниш билан томошабинлар қлбини забт этишлари керак. Жўн бир сўз, жиндай нотабий ҳаракат ёшлар тарбиясига салбий таъсир этади.

А. Ж. Шу ўринда эстрада музикамиздаги бир камчилик ҳақида тўхталиб ўтишимиз керак. Кейинги пайтларда «синтезатор касаллиги» яққол кўзга ташланмоқда. СССР халқ артисти Муслим Магомаев бир суҳбатида: «Синтезатор — XXасрнинг гўзал кашфиёти. У турли-туман овозлар чиқариш қобилиятига эга ва шу маънода унинг имкониятлари каттадир. Бироқ, у бари бир торларнинг мафтункор садолари, найнинг сеҳрли, тиниқ овози, валторнанинг жон баста оҳанглари ўрнини боса олмайди», дегээди. Хонанданинг бу фикрида жон бор. Чунки, синтезатор кўпгина миллий чолғу асбобларининг табиий овозини «бўғиб» қўймоқда. Масалан, «Ўзбекконцерт»га қарашли «Садо», «Наво» ансамбллари фаолиятида бу ачинарли ҳол яққол кўзга ташланади. Ҳатто баъзи ВЧАлар синтезаторни «овоз ҳосил қилувчи» воситага айлантириб олганлч. Бу ўз-ўзидан эстрада музикасининг табиийлигини йўқотади-ку!

Э. С. Тўғри. «Синтезатор касаллиги» катта-кичик барча ансамблларнинг турли ижросида сезилмоқда. Бунга биз композиторлар ҳам айбдормиз. Сабаби, эстрада ансамбллари учун яхши асарларни ниҳоятда кам яратяпмиз. Улар билан ижодий алоқалар суст йўлга қўйилган. Еки аксинча: баъзан ансамбль ижросига топширилган асаримизни тинглаб ҳам кўрмаймиз. Улар ўз «қолиплари»га солиб билганларича ижро этишади. Оқибатда най ёки дутор ўрнига бегона асбобнинг «овози» янграйди.

Бундан ташқари, баъзи ВЧАлар ўзлари ясаган овозкучай-тиргичлардан фойдаланадилар. Чунки, махсус магазинларда эстрада ансамбллари учун чолғу асбоблари топши қийин.

Ансамблларимизни «синтезатор касаллиги»дан асрашимиз керак. Бу — ансамбль бадий раҳбарининг ҳам, ижрочининг ҳам, мутахассиснинг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

А. Ж. Таниқли эстрада хонандаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров бир суҳбатида: «Тўрт қатор шеърни пала-партиш ёдлаб, уни бирор ўткинчи музикага амаллаб мослаштирган кишини санъаткор деб бўлмайди», деган эди.



«Ялла» вокал-чолғу ансамблининг бадий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Фаррух Зокиров. Таниқли композитор Евгений Живаев.

Афсуски, эстрадамизда бундай «санъаткор»лар сафи кенгайиб борапти.

Бир нарсага диққатингизни тортмоқчиман: кейинги йиллар ўзбек шеърятига назар ташлайдиган бўлсак, забардаст бир авлод этишиб келаётганини кўрамиз. Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Садриддин Салимов, Азим Суюн, Хуршид Даврон... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қизиғи шундаки, улар ижодига давр руҳини белгилайдиган эстрадабop шеърлар кўплаб учрайди. Лекин негадир бунга композиторларимиз эътибор беришмаяпти. Улар асосан тасодифий бир тарзда қўлларига тушиб қолган енгил-елпи шеърларни қўшиқ қилиш билан овора. Эҳтимол, эстрада санъатимизнинг суст ривожланаётганига унда бугунги ўзбек шеърятининг нафаси сезилмаётгани ҳам сабабдир! Ботир Зокиров айтмоқчи бўлган «санъаткорлар» балки шунинг учун кўпайиб кетаётгандир!

Э. С. Улуғ санъаткор, марҳум Ботир Зокировнинг ўзи бу борада изчил ижодий принципга қаттиқ амал қиларди. Репертуар танлашда ундан кўп нарсани ўрганиш керак. Унинг қалби қўшиқбop мисраларни тез пайқарди. Ботир Зокировнинг ижоди ҳар бир эстрада хонандаси учун мактаб вазифасини ўтайди...

Бугунги ўзбек шеърятини яхши билмаслик — биз композиторларнинг айбимиз. Сиз номларини тилга олган шоирларни, очиги, мен ҳам билмайман. Менингча, композиторларимиз бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим. Ҳақиқатан ҳам, эстрада — ёшлар санъати экан, унда ёшларнинг руҳи, нафаси акс этиши керак-да.

Яхши қўшиқ шоир — композитор — ижрочи ҳамкорлигида яратилади. Уйлайманки, бу ижодий ҳамкорликнинг янада ривожланишида композиторлар ҳам, хонандалар ҳам ўзбек шеърятининг навқирон авлоди ижодига мурожаат қиладилар. Яхши ижодий ҳамкорлик бўлса, яхши қўшиқлар яратилаверади.

А. Ж. Энмарк Шокирович, маълумки, ресторанларда ҳам ВЧАлар хизмат кўрсатади. Лекин уларнинг барчасини талаб даражасида, деб элмайди. Улар орасида репертуари ғариб, рақслари енгил-елпи ансамбллар бор. Бундай ансамблларнинг баъзи хонандалари миллий қўшиқларнинг сўзларини бузиб, чайнаб, ўзларича «қўшиб» ижро этадилар. Ҳатто улар машҳур хонандаларнинг тингловчига манзур бўлган яхши қўшиқларини ҳам «чалажон» қилиб куйлашади. Шуниси ғалатики, тўй-боббадмастлар «диди»га мос қўшиқлар ҳам ресторанда, маданий ҳордиқ чиқариш масканида баралла айтилаверади. Ахир, ресторан цирк зали эмас-ку! Нега ресторанлардаги ВЧАлар фаолиятини яхшилаш, улар репертуарига замонавий ва халқ қўшиқларини, рақсларни киритиш мумкин эмас!

Э. С. Шў саволни кутган эдим. Чиндан ҳам, республикамиздаги кўпгина ресторанларда ВЧАлар хизмат кўрсатишади. Лекин, айтганимиздек, уларнинг репертуари кўнгилдагидек эмас. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Интурист» меҳмонхонаси ресторанида «Август» вокал-чолғу ансамбли бор. Текширув пайтида уларнинг махсус программаси йўқлиги маълум бўлди. Ижро савияси ниҳоятда паст. Репертуар асосан чет эл авторлари асарларидан иборат. Ансамблда махсус музика билимига эга бўлган бир киши бор, қолганлар эса музика санъатига бевосита дахлдор эмас — шунчаки ҳаваскорлар. Бундай ҳоллар область ва шаҳар маданият бошқармаларининг бепарволиги тўғрисида юз бермоқда. Улар янги тузила-

ётган ансамбллар билан ҳар томонлама қизиқайдилар. Ресторандаги ВЧАлар репертуари бадий советлар томонидан тасдиқланмайди. Улар ўзлари «ёзиб», ўзлари ижро этишади. Ўзбошимчалик бўлган жойда нималар бўлиши аён-ку! Халқ қўшиқлари, миллий қўшиқлар масаласига келсак, бундай ансамбллар бир қатор қардош республикаларда мавжуд. Биз улар тажрибасини ўрганишимиз керак.

А. Ж. Суҳбатимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, республикамиз эстрада санъати олдида тез орада ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий муаммолар мавжуд экан. Сизнингча, камчиликларни бартараф этиш, ҳар жиҳатдан пишиқ репертуар яратиш, умуман олганда, эстрада тингловчиларнинг сеvimли санъатига айланиши учун биринчи галда нималарга эътибор бериш керак!

Э. С. Аввало, эстрада қўшиқчилигига алоқадор турли ижодий союзлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустақимлаш керак. Чунки, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг қўшиқ секцияси, Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг репертуар-редакцион коллегияси, «Ўзбекконцерт» ўртасида яхши ижодий алоқалар ўрнатилмаган. Оқибатда ҳар йили қабул қилинаётган юзлаб янги қўшиқлар ижро этилмасдан қолиб кетаяпти. Бунга давлатнинг катта маблағи сарф бўляпти. Жиддий ижодий ҳамкорлик, ҳамфикрлик бўлмас экан, қўшиқчилигимизнинг бирор турини ҳам ривожлантириб бўлмайди.

ВЧАлар учун Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи репертуар тўплалар, махсус ёзувлар ва методик қўлланмалар чиқаришни йўлга қўйиши керак. Бадий советларнинг филармониялар, ансамбллар ҳақидаги ишини тубдан яхшилаш зарур. Ҳар қандай бўш ва саёз қўшиқларни қабул қилмаслик керак. Кўнгилчанлик, таниш-билиш қиламан, деб санъатимиз ривожига футур етказишга чек қўйиш лозим. Бундай иш «услуги» қандай оқибатларга олиб келиши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида тўғри таъкидлаб ўтилди.

Ёш талантларни тарбиялашда, айниқса ижодий конкурслар катта роль ўйнайди. Мен ҳар йили Тошкентда республика эстрада коллективларининг фестивали ёки конкурси ўтказилишини таклиф қилмоқчиман. Масалан, Э. Тельман номидаги истироҳат боғининг «Яшил театри»да бу ишни амалга ошириш мумкин. Ҳатто бу фестивалга иттифоқимизнинг энг яхши эстрада коллективларини ҳам таклиф қилса бўлади.

Республикамизда ёшларни тарбиялайдиган махсус эстрада ўқув юрти йўқ. Бу ишни Тошкент Давлат консерваториясида амалга ошириш мумкин. Шундагина бу жанрнинг мукаммал ривожини таъминлаган бўлардик.

Ресторанлардаги эстрада ансамбллари ўрнига таниқли профессионал коллективларнинг чиқишлари ташкил этилса, ҳар томонлама фойдали бўлиши мумкин.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ёшлар эстрадаси қандай бўлиши керак! Бугунги ўзбек эстрадаси ҳақида қандай фикрдасиз! Суҳбатда зикр этилган муаммоларни ҳал этиш учун яна нима ишлар қилиниши керак! Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз, азиз журналистлар!



## АВТОРЛАРИМИЗ

**Исҳоқ ИСМОИЛОВ.** Ғаллаорол районининг Угат қишлоғида 1960 йили туғилган. Совет Армияси сафида хизмат қилгач, Тошкент Гидрометеорология техникумида ўқиган. Жиззахдаги метеорология станциясида ишлайди.

**Омон МАТЖОН.** Хоразм областининг Гурлан районида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини битирган. Ундан ортиқ шеърӣ китоблари нашр этилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги адабий мукофот лауреати.

**Шавкат РАҲМОН.** Ўшда 1950 йили туғилган. СССР Ёзувчилар союзи қошидаги М. Горький номидаги Адабиёт институтини тугатган. «Рангин лаҳзалар», «Юрак қирралари», «Очиқ кунлар», «Гуллаётган тош» шеърӣ тўпламларининг автори.

**Муҳаммад СОЛИҲ.** 1949 йил Хоразмда туғилган. ТошДунинг журналистика факультетини тамомлаган. «Бешинчи фасл», «Оқ кўйлақлар», «Қудуқдаги ой», «Валфажр» китобларининг муаллифи. «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлайди.

## АВТОРЛАРИМИЗ



Ёз гашти.

Р. АЛБЕКОВ фотозтуди

«Ёшлик» («Молодость») —  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом Ҳ. СОЛИҲОВ  
Техник редактор: В. УРУСОВА  
Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П,  
Ленин кўчаси, 41  
Телефонлар:  
Бош редактор — 32-26-01  
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06  
Масъул секретарь — 32-56-27  
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан  
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд  
қиссалар кўлэмасини қабул қилмайди.  
Бир босма листгача бўлган асарлар  
авторларига қайтарилмайди. Редакция  
ўз тавсиясига кўра амалга оширилган  
таржима асарлар кўлэмаларинигина  
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш-  
лик»дан олинди», деб изоҳланиши  
шарт.

Босмаҳонага 30.06.85 й. да туширилди.  
Босишга 26.06.85 й. да руҳсат берилди.  
Р—13832. Қоғоз формати 84×108 / 16.  
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма  
листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6.  
Тиражи 196883 нусха. Буюртма № 1005.  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмаҳонаси.  
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.

© «Ёшлик», № 7, 1985.  
«Ёш гвардия» нашриёти